



Inter-Parliamentary Union
For democracy. For everyone.



UNITED NATIONS
HUMAN RIGHTS
OFFICE OF THE HIGH COMMISSIONER

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ:

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекча нашр масъул муҳаррири академик А. Саидов

Baktria press
ТОШКЕНТ – 2019

Инсон ҳуқуқлари [Матн] : Парламент аъзолари учун қўлланма. - Тошкент: Baktria press, 2019. - 284 б.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Акмал Умирзаков томонидан ўзбек тилига инглиз тилидаги асл нусхасидан таржима қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, академик Акмал Саидов томонидан таҳрир қилинган.

БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси молиявий кўмаги билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан чоп этилди.

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2019 йил.
© Парламентлараро иттифоқ 2016 (Инглиз тилидаги нашр)
© Baktria press, 2019

Китобнинг асл нусхаси илк мартаба инглиз тилида Парламентлараро иттифоқ ва БМТ (Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссариат) томонидан ҳамкорликда чоп этилган бўлиб, Парламентлараро иттифоқ томонидан 2016 йилда нашр этилган 26-тўплам ҳисобланади.

Шахсий ва нотижорий мақсадларда фойдаланиш учун мазкур қўлланмани тўлиқ ёки унинг айрим қисмларини ҳеч қандай тузатишларсиз, барча манбаларни кўрсатиб, муаллифлик ҳуқуқларига тўлиқ риоя қилган ҳолда қайта нашр этиш мумкин. Нашрда қамраб олинган материаллардан фойдаланилганда Парламентлараро иттифоқни хабардор қилиш сўралади.

Дизайн: Simplecom graphics

Инглиз тилидаги асл нусхаси Courand et Associates нашриёти томонидан чоп этилган.

ISBN 978-92-9142-657-7 (IPU)

HR/PUB/16/4 (UN)

ISBN 978-9943-5499-7-5

Муқовада

Инсон ҳуқуқларининг умумбашарий қадрият эканлиги халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқининг тамал тошидир. Халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи ҳукуматларнинг инсон ҳуқуқларини, барча шахс ва гуруҳларнинг асосий эркинликларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш бўйича ўзларини айрим хатти-ҳаракатлардан тийиб туриш ёки маълум бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишига оид мажбуриятларини белгилаб беради.

© Anadolu агентлиги, 2019

Мундарижа

Ўзбекча нашрга сўзбоши.....	10
Ташаккурнома.....	11
Кириш сўзи.....	12
Инглиз тилидаги қисқартмалар рўйхати.....	14
Жадваллар.....	18

Биринчи боб.....23

Инсон ҳуқуқлари нимани англатади?.....23

Инсон ҳуқуқлари таърифи.....23

Инсон ҳуқуқларига оид асосий принциплар.....26

Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети.....32

 Ҳимоя қилиш масъулияти.....32

Демократия, инсон ҳуқуқлари ва парламентлар.....35

Иккинчи боб.....37

Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларига нималар киради?.....37

«Ҳурмат қилиш мажбурияти» деганда нима тушунилади?.....38

«Ҳимоя қилиш мажбурияти» деганда нима тушунилади?.....38

«Амалга татбиқ этиш мажбурияти» деганда нима тушунилади?.....39

Амалга ошириш тамойили.....41

Бузилган ҳуқуқларнинг самарали тикланишига бўлган ҳуқуқ.....42

Бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини сўраб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва минтақавий механизмларга мурожаат қилиш.....43

Етказилган зарар учун репарация олиш ҳуқуқи.....44

Бузилган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг тикланиши.....45

Учинчи боб.....49

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар.....49

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши.....49

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро билл.....50

Инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳужжатлар.....51

БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари.....52

Тўртинчи боб	55
Давлатлар инсон ҳуқуқларини чеклаши мумкинми?	55
Чекловлар жорий этишга тааллуқли қоидалар	56
Фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда йўл қўйиладиган истиснолар	57
Шартномаларга изоҳ бериш	60
Бешинчи боб	63
Бирлашган миллатлар ташкилотининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномавий органлари	63
Қўмиталарга аъзолик ва уларнинг фаолият юритиш асослари	64
Давлатлар миллий маърузаларининг тақдим этилиши ва улар билан боғлиқ таомиллар	65
Давлатларнинг мажбуриятлари	65
Давлатлар миллий маърузаларининг кўриб чиқиши	66
Шартномавий органлар фаолияти жараёнида ННТ, парламент ва бошқа ташкилотларнинг роли	66
Шартномавий органлар томонидан Умумий шарҳлар бериш	68
Шахсий шикоят билан мурожаат қилишга тегишли таомиллар	68
Давлатлараро ариза, шикоят билан мурожаат қилиш таомили	71
Текширувлар ўтказиш таомили	72
Қийноқлар тўғрисидаги конвенциянинг қўшимча протоколига биноан таъсис этилган озодликдан маҳрум қилиш муассасаларига мунтазам ташриф буюриш тизими	74
Тавсияларга амал қилиш	74
Олтинчи боб	77
БМТ уставига кўра ташкил этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва унинг механизмлари	77
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиядан БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига	78
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси	78
БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши	79
Универсал даврий ҳисобот	80
Махсус таомиллар	81
БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг шикоятлар билан ишлаш таомили	83

Еттинчи боб	85
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси	85
Тарих.....	85
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси иш тартиби...	87
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг жойлардаги фаолиятдан лавҳалар.....	89
Саккизинчи боб	93
Инсон ҳуқуқларига доир минтақавий шартномалар ва уларнинг амалдаги ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш	93
Африка қитъаси.....	93
Америка қитъаси.....	96
Араб минтақаси.....	97
Осиё ва Тинч океани минтақаси.....	98
Европа.....	99
Европа Кенгаши.....	99
Европа Иттифоқи.....	101
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти.....	101
Тўққизинчи боб	105
Инсон ҳуқуқларини самарали ривожлантиришга парламент ўз ҳиссасини қўшиши учун қўйиладиган асосий шартлар	105
Асосий тамойиллар	105
Парламентнинг кенг қамровли вакиллик хусусиятини таъминлаш.....	106
Парламент аъзоларининг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.....	107
Ҳуқуқий асосларни, хусусан парламентнинг иш жараёнини англаб етиш.....	111
Фавқулодда ҳолатларда парламентнинг ролига аниқлик киритиш.....	111
Ўнинчи боб	113
Инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилишдаги парламент функциялари	113
Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномаларни ратификация қилиш...	113
Миллий қонунчиликка имплементация қилишни таъминлаш.....	116
Халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш юзасидан қонунлар қабул қилиш.....	116

Бюджетни тасдиқлаш.....	119
Ижро ҳоқимияти устидан назорат.....	121
Тавсиялар ва қарорларнинг ижросини ҳаётга жорий этиш.....	121
Универсал даврий ҳисоботни тақдим этишда қатнашиш.....	124
Ижтимоий фикрни шакллантириш.....	126
Халқаро саъй-ҳаракатларда иштирок этиш.....	128
Ўн биринчи боб.....	133
Парламентнинг институционал тузилмаси ва бошқа миллий манфаатдор органлар билан муносабатлар.....	133
Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги парламент органларини таъсис этиш.....	133
Институционал инфратузилмани ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш.....	134
Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар.....	134
Омбудсман идораси.....	140
Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат дастурлари.....	140
Парламент ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар.....	140
Ўн иккинчи боб.....	145
Парламент аъзолари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида нималарни билиши лозим?.....	145
Яшаш ҳуқуқи.....	145
Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг тақиқланиши: шахсий қадр-қиммат ва обрў-эътибор орттиришга бўлган ҳуқуқ.....	158
Шахсий эркинлик ва хавфсизликка бўлган ҳуқуқ	166
Одил судловнинг амалга оширилиши: адолатли ва одил судловга бўлган ҳуқуқ.....	170
Шахсий дахлсизлик ва оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши.....	178
Ҳаракатланиш эркинлиги.....	185
Фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги.....	189
Қарашлар эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи.....	192
Тинч намоишлар ўтказиш ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи.....	203
Давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи.....	206

Ўн учинчи боб	213
Парламент аъзолари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисида нималарни билиши зарур?	213
Глобаллашув, ривожланиш ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар	214
Ривожланиш ҳуқуқи	224
Ривожланиш ҳуқуқи ўзи нима?	224
2030 “Кун тартиби”, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва уларга алоқадор жараёнларда ривожланиш ҳуқуқининг моҳияти	225
Ижтимоий таъминот ҳуқуқи	227
Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва иш жараёнидаги ҳуқуқлар	230
Муносиб турмуш даражаси ҳуқуқи	234
Таълим олиш ҳуқуқи	254
Маданий ҳуқуқлар	260
Ўн тўртинчи боб	263
Инсон ҳуқуқлари, терроризм ва терроризмга қарши кураш	263
Терроризм инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳисобланадими?	265
Терроризм тушунчаси ва унинг таърифи	265
Фавқулудда ҳолатлар ва терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг нормал амал қилиши ҳамда амалиёт	267
Ўн бешинчи боб	271
Инсон ҳуқуқлари бузилишлари содир этган шахсларнинг жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларига қарши курашиш: Халқаро жиноят суди	271
“Ad hoc” халқаро жиноий трибуналлар: Собиқ Югославия бўйича халқаро жиноий трибунал, Руанда бўйича халқаро жиноий трибунал ва халқаро миқёсдаги (гибрид) трибуналлар	272
Халқаро жиноят суди	273
Жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларига қарши курашишга йўналтирилган чора-тадбирлар орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этишга оид тамойиллар мажмуи	279
Илова: Интернет жаҳон ахборот тармоғида инглиз тилида топиш мумкин бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномалар рўйхати	283

Инсон ҳуқуқларининг парламент мезонлари

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, уларга амал қилиш ва уларни ҳимоя қилиш масалаларига давлат сиёсатининг ҳамда халқаро шериклар билан ўзаро алоқаларнинг устувор мезонларидан бири сифатида қаралади. Бугунги кунда мамлакатда ҳозирги давр демократияси ва инсон ҳуқуқлари мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизим шакллантирилган.

Истиқлол туфайли Ўзбекистон мустақил халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. У, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Парламентлараро иттифок, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги каби халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар билан фаол халқаро ҳамкорликни йўлга қўйди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барқарор ривожланаётган давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлди. Шу асосда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади – амалга оширилаётган демократик ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар тарафлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Ўзбекистонда халқаро мажбуриятларни бажаришни ташкил этишнинг ички давлат механизмини такомиллаштириш ва халқаро стандартларни ҳаётга жорий этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг роли ва ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ҳаракатлар стратегияси дастурига мувофиқ Ўзбекистон парламентининг давлат ҳокимияти тизимидаги роли оширилди, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларини бажариш, ижроий ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича

ваколатлари кенгайтирилди, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли кучайтирилди.

Инсон ҳуқуқлари қонун устуворлиги ва демократия бўлган барча жамиятлар қўллаб-қувватлайдиган асосий тамойил ҳисобланади. Бундан 70 йил олдин қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тарихий муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий ҳужжат ҳисобланади. Декларация 1948 йилда қабул қилингандан кейин 500 дан кўпроқ тилга таржима қилиниб, жаҳонда энг кўп таржима қилинган ҳужжатга айланди ва кўпгина янги мустақил давлатлар ва ёш демократиялар конституциялари учун намуна бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг мамлакат Парламентига мурожаати доирасида парламентнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида вазифа ва ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ташкилий чоралар амалга оширилди. Жумладан, Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича парламент комиссияси, Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича Республика комиссияси, Прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилиш бўйича комиссиялар ташкил этилди. Шунингдек, фуқаролар томонидан давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли муҳим масалалар бўйича ўз нуқтаи назарини ифода этиш учун «Менинг фикрим» махсус веб-саҳифаси яратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон парламенти аъзоларининг фаолияти бевосита халқнинг муаммоларини ҳал қилиш, жойларда халқаро шартномалар ва миллий қонунлар ижросини мониторинг қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода ушбу «Инсон ҳуқуқлари бўйича Парламент аъзолари учун қўлланма» Олий Мажлис аъзолари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари учун инсон ҳуқуқлари соҳасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бу борада яна қандай ишларни йўлга қўйиш ва бажариш лозимлигини эътиборга олган ҳолда яратилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу қўлланманинг янги нашри БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Парламентлараро иттифоқнинг биргаликдаги ташаббуси маҳсулидир. Унда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиниши тўғрисида маълумотлар берилган.

Парламент аъзоларига фойдали муталаа тилаган ҳолда, ушбу қўлланманинг тайёрланиши, чоп этилиши, ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши билан боғлиқ жараёнларга алоқадор барча халқаро ҳамда миллий ташкилотлар мутасаддиларига ва мутахассисларга алоҳида миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Акмал Саидов,
академик

ТАШАККУРНОМА

Мазкур қўлланма янгиланган нашр бўлиб, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Парламентлараро иттифоқ томонидан тайёрланган ва дастлаб 2005 йилда чоп этилган.

Вена университетининг Халқаро инсон ҳуқуқлари профессори, Инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш масалалари бўйича Европа Университетлараро маркази Бош котиби **Манфред Новак 2005 йилги нашрни тайёрлашда асосий ҳисса қўшган.**

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Парламентлараро иттифоқнинг биргаликдаги ишчи гуруҳи: Рожиер Хуизенга ва Роберто Родригуез Валенсия (Парламентлараро иттифоқ) ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Қонун устуворлиги ва демократия бўлими ходимлари.¹

¹ БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси юритаётган сиёсатга қўра қўлланмаларни тайёрлашда иштирок этгани учун алоҳида шахсларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи берилмайди.

Кириш сўзи

Инсон ҳуқуқлари қонун устуворлиги ва демократия бўлган барча жамиятлар қўллаб-қувватлайдиган асосий тамойил ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг инсон ҳуқуқлари масаласи асосий аҳамиятга эга қадрият сифатида умумбашарий миқёсда эътироф этилиб келинмоқда. Бугунги кунда рўй бераётган қўллаб-қувватлаш, гуманитар фавқулодда вазиятлар ва халқаро ҳуқуқнинг қўпол бузилишларига қарамай, уларга қарши инсон ҳуқуқларига асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш ва жавоб қайтариш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни ратификация қилиш асносида давлатларнинг ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилиши янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Зўравон экстремизмдан тортиб қашшоқликни бартараф этишга қарши кураш ва миграция бошқарувига бўлган ёндашувимизда, халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи масъулиятли ва барқарор сиёсат ишлаб чиқилишида муҳим асос ва кўрсатмалар беришга хизмат қилади.

Парламент аъзоларининг ўй-хаёллари халқ ташвишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Жамиятлар тобора кўпроқ бўлиниб бораётган бир паллада парламентлар ҳурмат, мулоқот ва келишув сингари муҳим қадриятларни илгари суриши мумкин. Дискриминация ва ксенофобик риторика каби жамиятни издан чиқарадиган ва жамиятларни бир-биридан янада кўпроқ бегоналашишига мажбур қиладиган иллатларга ўрин қолмаслиги лозим. Ҳақиқатан ҳам, ўз жамиятларининг турфа хиллигини акс эттирадиган, самарали қонунлар қабул қиладиган ва ҳукуматларнинг ҳисобот беришини таъминлайдиган парламентлар ўзларининг мамлакатларида ижобий ва инклюзив келажақ қурилиши учун замин яратилишига умид уйғотади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Парламент аъзолари учун қўлланма парламентлар ва уларнинг аъзолари инсон ҳуқуқлари соҳасида аниқ чора-тадбирлар кўрилишида муҳим ўрин тутаяди, деган собит ишонч асосида яратилган. Бу БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Парламентлараро иттифоқнинг биргаликдаги ташаббуси маҳсулидир. Қўлланмада инсон ҳуқуқларининг халқаро меъёрлари ва уларнинг миллий даражада имплементация қилинишини назорат қилиб борадиган халқаро механизмлар тўғрисида қисқача маълумотлар берилган бўлиб, инсон ҳуқуқларини янада кенгроқ қўламда ҳимоя қилиш учун парламентлар қандай ишларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтилган.

Мазкур қўлланма илк бор бундан ўн йил муқаддам нашр этилган эди. Узоқ кутилган қайта ишланган бу нашр инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги шартномалар ва механизмлар, бу борадаги янги қийинчиликлар, имкониятлар ва таҳдидларни қамраб олган.

Бутун дунё бўйлаб инсонларнинг ҳаётига мазмунли ўзгаришлар киритиш ва уларни амалга оширишни таъминлашда парламент аъзоларининг қўллаб-қувватлаши муҳимлигини тан олган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг инсон ҳуқуқлари механизмлари, хусусан, Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларнинг олдини олиш бўйича Қўмита парламент аъзолари билан кундан-кунга мустаҳкам алоқа ўрнатишга бел боғлаган. Иккаламиз раҳбарлик қилаётган ташкилотлар миллий парламентларнинг ҳам аёл, ҳам эркак аъзолари ушбу қўлланмадан зарур ўзгаришларни амалга ошириш учун ўз ишларини йўналтиришда фойдаланади, деб умид қиламиз.



Мартин Чунгонг,
Парламентлараро иттифоқ
Бош котиби



Зеид Раъад Ал Ҳуссейн,
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича
Олий комиссари

Инглиз тилидаги қисқартмалар рўйхати

ACHPR	Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссияси
ACHR	Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси
AHRD	АСЕАН инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси
AICHR	АСЕАН Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳукуматлараро комиссия
APF	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг Осиё Тинч океани форуми
APIC	Суднинг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги шартнома (Халқаро жиноят суди)
ASEAN	Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси
AU	Африка Иттифоқи
CAT	Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция
CAT	Committee Қийноқларга қарши курашиш қўмитаси
CED	Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция
CED Committee	Ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш қўмитаси
CEDAW	Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция
CEDAW Committee	Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси
CERD	Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция
CERD Committee	CERD Committee Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш қўмитаси
CESCR Committee	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси
CMW Committee	Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси
COHRE	Уй-жой ҳуқуқлари ва мажбурий кўчириш маркази
CPT	Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши курашиш Европа қўмитаси
CRC	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция
CRC Committee	Бола ҳуқуқлари қўмитаси

CRPD	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция
CRPD Committee	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қўмитаси
ECCC	Камбоджа судлари фавқулодда палаталари
ECHR	Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси
ECOSOC	БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши
ECOWAS	Ғарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамияти
ECRI	Ирқчилик ва тоқатсизликка қарши курашиш бўйича Европа комиссияси
ECtHR	Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди
ESCR	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар
EU	Европа Иттифоқи
FAO	БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти
HLPF	Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форум
HRC	Инсон ҳуқуқлари кенгаши
HRCtee	Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт мониторинги бўйича масъул органи)
IACHR	Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро комиссияси
ICC	Халқаро жиноят суди
ICCPR	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт
ICERD	Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция
ICESCR	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт
ICJ	Халқаро суд
ICPPED	Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция
ICRMW	Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция
ICTR	Руанда бўйича халқаро жиноий трибунал
ICTY	Собиқ Югославия бўйича халқаро жиноий трибунал
ILO	Халқаро меҳнат ташкилоти
IMF	Халқаро валюта жамғармаси

IPHRC	Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил доимий комиссия
LAS	Араб давлатлари лигаси
MDGs	Мингйиллик ривожланиш мақсадлари
NGO	Нодавлат нотижорат ташкилотлар
NHRIs	Миллий инсон ҳуқуқлари ташкилотлари
OAS	Америка давлатлари ташкилоти
OHCHR	БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси
OIC	Ислом ҳамкорлик ташкилоти
OPCAT	Қийноқларга қарши курашиш конвенцияси қўшимча протоколи
OP-CEDAW	Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қўшимча протоколи
OP-CRPD	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қўшимча протоколи
OP-ICESCR	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол
OSCE	Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
OP-ICCPR	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол
PRSPs	Қашшоқлик даражасини қисқартириш бўйича стратегик ҳужжатлар
R2P	Ҳимоя қилиш масъулияти
SAARC	Жанубий Осиё давлатлари минтақавий ҳамкорлик уюшмаси
SADC	Жанубий Африка давлатлари тараққиёт ҳамжамияти
SCA	Аккредитация бўйича кичик қўмита
SCSL	Сиерра Леоне учун махсус суд
SDGs	Барқарор ривожланиш мақсадлари
SPT	Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши курашиш кичик қўмитаси
STL	Ливан бўйича махсус трибунал
STP	Туркия социалистик партияси
TRIPS	Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги шартнома
UDHR	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси
UN	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

UNDP	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури
UNESCO	БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти
UNFPA	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аҳолишунослик жамғармаси
UN-Habitat	БМТ Инсон яшаш муҳити дастури
UNICEF	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси
UPR	Универсал даврий ҳисобот
WIPO	Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти
WTO	Жаҳон савдо ташкилоти

Жадваллар

1. Жадвал – Инсон ҳуқуқларига оид мисоллар.....	24
2. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари Фарб тушунчаси ҳисобланадими?.....	26
3. Жадвал – Фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлар умумбашарий, бўлинмас ва ўзаро боғлиқ.....	28
4. Жадвал – Тенглик ҳуқуқи ва камситишларнинг тақиқланиши.....	28
5. Жадвал – Ишга қабул қилиш жараёнида қонун нормаларининг турлича қўлланилиши асослари.....	29
6. Жадвал – Тубжой аҳолиси ҳуқуқлари.....	30
7. Жадвал – Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари.....	30
8. Жадвал – Вақтинчалик махсус чора-тадбирлар: мисоллар.....	31
9. Жадвал – Давлатларнинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалда татбиқ этиш мажбуриятларига оид мисоллар.....	39
10. Жадвал – Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва минтақавий шартномаларга мувофиқ шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклашга бўлган ҳуқуқига оид мисоллар.....	43
11. Жадвал – Инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишларидан жабр кўрган шахсларнинг репарация олиш ҳуқуқи.....	44
12. Жадвал – Қонунчилик ва давлат ички судларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги ваколатларига оид иккита мисол.....	47
13. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	51
14. Жадвал – Инсон ҳуқуқларига оид ва улар билан боғлиқ халқаро ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.....	53
15. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари юриспруденцияси.....	54
16. Жадвал – Чеклов ўрнатувчи қоидалар: давлатлар ички юриспруденциясига мувофиқ амал қиладиган чекловларга мисоллар.....	56
17. Жадвал – Давлат ҳаётини хавф остида қолдирадиган фавқулодда ҳолатларда ҳам чекланиши ёхуд бошқача тарзда уларга дахл қилиниши мумкин бўлмаган ҳуқуқлар, эркинликлар ва чекловлар рўйхати.....	57
18. Жадвал – Фавқулодда ҳолатларда чекловлар ўрнатиш тўғрисидаги Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг №29-сонли умумий шарҳи (2001).....	60
19. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари ва истисно давлатлар бўйича БМТ махсус маърузачиси Л.Деспойнинг «Парламент, Инсон ҳуқуқлари Қўриқчиси» мавзусидаги парламентлараро иттифоқ симпозиумидаги маърузасидан, Будапешт, 1993.....	60
20. Жадвал – Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни тарғиб қилишда парламент иштироки бўйича	

Парламентлараро иттифоқ ва Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик.....	67
21. Жадвал – Ариза ва шикоят билан мурожаат қилиш таомилларининг тавсифи.....	73
22. Жадвал – Шартномавий органлар фаолиятини кучайтириш.....	75
23. Жадвал – Универсал даврий ҳисобот таомили босқичлари.....	81
24. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари кенгашининг махсус таомиллари.....	82
25. Жадвал – Бош ассамблеянинг 48/141-сонли резолюцияси.....	86
26. Жадвал – Давлатлар ва парламентларга техник кўмак кўрсатиш.....	87
27. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари амалда: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг жойлардаги фаолияти (2016 йил июль ҳолатига кўра).....	89
28. Жадвал – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарлари.....	90
29. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий шартномалар.....	102
30. Жадвал – Парламентлар ва Парламентлараро иттифоқда аёлларнинг иштироки даражаси.....	106
31. Жадвал – Парламент иммунитетининг тарихий жиҳатлари.....	108
32. Жадвал – Парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқлари бўйича Парламентлараро иттифоқ қўмитаси.....	109
33. Жадвал – Парламентларнинг халқаро ҳуқуқий шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва улар юзасидан музокаралар олиб боришда иштирок этиши.....	114
34. Жадвал – Қонунчилик жараёни ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар: мисоллар.....	118
35. Жадвал – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар судлар томонидан кўриб чиқирилишини қўллаб-қувватлаш юзасидан парламент томонидан олиб борилиши лозим бўлган ишлар.....	119
36. Жадвал – Давлат бюджети ва инсон ҳуқуқлари.....	120
37. Жадвал – Минтақавий инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг тавсияларини амалга татбиқ этиш: мисол.....	122
38. Жадвал – Универсал даврий ҳисоботни тақдим этишда парламентнинг иштирок этишига оид яхши амалиёт: Мексика мисолида.....	125
39. Жадвал – Халқаро савдо битимлари, инсон ҳуқуқлари ва давлатлар мажбуриятлари.....	128
40. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент қўмитасининг ваколатлари.....	134
41. Жадвал – Париж тамойиллари.....	136
42. Жадвал – «А» мақомидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар (Париж тамойилларига мувофиқ) (2016 йил август ҳолатига).....	136

43. Жадвал – Обиджон Раҳбарий йўриқномалари ва Белград тамойилларида парламент аъзоларига берилган тавсиялар ва таклифлар.....	137
44. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқишга доир мисоллар.....	141
45. Жадвал – Яшаш ҳуқуқи ва давлатлардан устувор мақомга эга идора ҳамда ташкилотлар юрисдикцияси.....	146
46. Жадвал – Яшаш ҳуқуқига оид давлатлар мажбуриятларига тегишли суд амалиёти: Эл Мозоте ва туташ ҳудудлардаги қатлиом воқеаси Эл Салвадорга қарши суд иши.....	147
47. Жадвал – Ўлим жазосини қўлланилишини ёқловчи ва унга қарши бўлганларнинг далиллари.....	149
48. Жадвал – Ўлим жазосига тортилиши мумкин бўлган шахсларнинг экстрадиция қилинмаслиги ва ўлим жазосини бекор қилинишини қўллаб-қувватловчи суд амалиёти шаклланиб бораётганига мисоллар.....	152
49. Жадвал – Ўлим жазосига доир бутун дунёдаги ҳолат.....	154
50. Жадвал – Претти Буюк Британияга қарши суд иши (2002).....	158
51. Жадвал – Қийноқ қўлланилиши тақиқланишини кодификациялаштириш.....	159
52. Жадвал – Ички ишлар идоралари томонидан ушлаб туришга доир процессуал ҳимоя чоралари.....	162
53. Жадвал – Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияси ва унинг қўшимча протоколига мувофиқ давлатлар зиммасига юклатилган мажбуриятлар.....	163
54. Жадвал – Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти ва ушлаб туришга доир БМТ минимал стандарт қоидаларидан намуналар.....	165
55. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари ва озодликдан маҳрум қилиш муассасаларининг хусусийлаштирилиши.....	165
56. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 5-моддасига мувофиқ ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш учун асос бўладиган ҳолатлар.....	167
57. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг суд муҳокамасидан олдин ушлаб туришга тааллуқли амалиёти.....	168
58. Жадвал – Мустақил ва ҳолис суд: суд ҳокимиятининг мустақиллиги.....	174
59. Жадвал – Қийноқ қўлланиб олинган далиллардан фойдаланиш одил судловга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши сифатида: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди суд амалиётидан мисоллар.....	176
60. Жадвал – Ҳарбий судлар ва одил судловга бўлган ҳуқуқ.....	177
61. Жадвал – Рақамли даврда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи.....	181

62. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда «оила» тушунчасига қандай таъриф берилган?.....	182
63. Жадвал – Иммиграция, депортация ва экстрадиция тўғрисидаги қонунлар ва сиёсатлар доирасида давлатнинг оилавий муносабатларга аралашувига нисбатан жорий этилган чекловлар.....	183
64. Жадвал – Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи ва терроризмга қарши кураш.....	184
65. Жадвал – Ҳаракатланиш эркинлигига нисбатан ўрнатилган тўсиқларга мисоллар.....	187
66. Жадвал – Чекловларни жорий этиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш.....	188
67. Жадвал – Франция мактабларида диний рамзлардан лозим даражадан ортиқча фойдаланишнинг тақиқланиши.....	191
68. Жадвал – Ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқини кенг маънода талқин этиш.....	194
69. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари бузилишларига доир ахборот олиш имконияти.....	196
70. Жадвал – Оммавий ахборот воситалари эркинлигини ҳимоя қилиш.....	198
71. Жадвал – Ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи ва парламент аъзолари: уларнинг ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқини чеклашга бўлган уринишларни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда танқидий муносабатларга нисбатан бағрикенглик.....	201
72. Жадвал – «Хотира қонунлари» ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи.....	202
73. Жадвал – Туркия социалистик партияси ва бошқалар, Туркияга қарши суд иши (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2003).....	205
74. Жадвал – Парламентлараро иттифоқнинг Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларацияси, 1994.....	208
75. Жадвал – Давлат ва сиёсий ҳаётда аёлларнинг ҳуқуқлари.....	210
76. Жадвал – Бизнес ва инсон ҳуқуқлари.....	215
77. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари, халқаро савдо ва инвестиция.....	216
78. Жадвал – Барқарор ривожланиш мақсадлари Мингйиллик ривожланиш мақсадларидан қандай фарқланади?.....	218
79. Жадвал – Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар иштирокига оид мисоллар.....	221
80. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари ва 2030 Ривожланиш “Кун тартиби”.....	222
81. Жадвал – Ривожланиш ҳуқуқи: Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг эътиборга молик қарори.....	226
82. Жадвал – Парламент аъзолари ижтимоий ҳимоя масалалари юзасидан Латвия парламентиغا петиция йўллашди: (№2000-08-0109-сонли иш, 2001 йил 13 март).....	229
83. Жадвал – Европа ижтимоий хартияси 1-моддасига мувофиқ давлатларнинг меҳнат соҳасига алоқадор мажбуриятлари.....	231

84. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди фаолиятида меҳнат ҳуқуқлари масалалари (Баена, Рикардо ва бошқалар (жами 270 нафар ишчи) Панамага қарши суд иши).....	233
85. Жадвал – Озиқ-овқат тўғрисидаги намунавий қонун.....	237
86. Жадвал – Муносиб уй-жой ҳуқуқига тегишли миллий қонунчиликка оид мисоллар.....	240
87. Жадвал – Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ва бошқалар Грутбум ва бошқаларга қарши суд иши (Жанубий Африка конституциявий суди, 2000).....	243
88. Жадвал – Соғлиқни сақлаш ва қашшоқлик.....	244
89. Жадвал – ОИТСни бепул даволаш.....	246
90. Жадвал – Аёлларнинг жинсий ва репродуктив саломатлик ҳуқуқлари.....	247
91. Жадвал – Руанда: репродуктив саломатлик ва оилани режалаштириш бўйича парламент томонидан амалга оширилган ишларга мисоллар.....	248
92. Жадвал – Қашшоқлик ва тоза ичимликлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда санитария.....	251
93. Жадвал – Тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқининг бузилиши шакллари.....	252
94. Жадвал – Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартиясига мувофиқ тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи: Уй-жой ҳуқуқлари ва мажбурий кўчириш маркази Суданга қарши суд иши.....	253
95. Жадвал – Қашшоқлик ва таълим.....	256
96. Жадвал – Бепул бошланғич ва инклюзив таълимни амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш: Колумбия мисоли.....	258
97. Жадвал – Барча қизларнинг таълим олиш ҳуқуқидан тенг фойдаланиши.....	259
98. Жадвал – БМТнинг Глобал аксилтерроризм стратегияси.....	264
99. Жадвал – Терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик.....	266
100. Жадвал – Хорижий жангчилар таҳдидига жавоб қайтариш, зўравон экстремизмга қарши курашиш ва инсон ҳуқуқлари.....	267
101. Жадвал – БМТ Бош котибининг зўравон экстремизмнинг олдини олиш бўйича ҳаракатлар режаси.....	268
102. Жадвал – Халқаро жиноят судининг Рим статуты.....	274
103. Жадвал – Халқаро жиноят суди: концепция ва юрисдикция.....	275
104. Жадвал – Халқаро жиноят суди олдида турган чақириқлар.....	278



Биринчи боб

Инсон ҳуқуқлари нимани англатади?

Барселона Халқаро
конвенция марказидаги
Инсон ҳуқуқлари
умумжаҳон декларацияси
сўзлари туширилган
ёритилган панно

©АФП/Адриан Деннис

Инсон ҳуқуқлари таърифи

Инсон ҳуқуқлари ҳар бир шахс инсон бўлганлиги учунгина унга тааллуқли бўлган ҳуқуқлар мажмуидир.

Инсон ҳуқуқлари ҳар бир одамнинг энг асосий ва ажралмас ҳуқуқлари ҳисобланади. Улар шахс ва ҳокимият идоралари, хусусан давлат муассасалари билан бўладиган муносабатларнинг моҳиятини белгилаб беради. Инсон ҳуқуқлари давлат ҳокимиятини чеклаш баробарида, давлат томонидан ҳар бир шахс инсон ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдалана олиши мумкин бўладиган муҳитнинг яратиб берилиши учун ижобий чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади. Сўнгги 250 йиллик тарих айнан шундай муҳитнинг яратилиши йўлидаги заҳматли курашларга гувоҳ бўлди. XVIII асрнинг охирида рўй берган француз ва Америка инқилоблари туфайли инсон ҳуқуқлари борасидаги ғоялар ҳанузгача инқилобий ҳаракатларни амалий кураш ва айниқса, ҳокимият ваколати кўлида бўлган шахслар, яъни ҳукуматларга нисбатан муҳолиф сифатида иш юритишга даъват этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари давлатлар конституциялари ва халқаро ҳуқуқда белгилаб қўйилган шахсий ва жамоавий ҳуқуқларнинг йиғиндиси.

Ҳукуматлар ва бошқа давлат идоралари инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоялаш ва амалда таъминлаб беришга мажбур бўлиб, бу мажбуриятларга риоя этмаслик

ҳолатларининг рўй бериши шахснинг ҳуқуқи бузилиши учун тоовон талаб қилиши ва судга мурожаат қилишига асос бўлиб хизмат қилади (Иккинчи бобга қаранг). Ҳақиқатан ҳам, ариза билан мурожаат қилиш ва ҳуқуқнинг тикланишини талаб қилиш инсон ҳуқуқларини ахлоқий ёки диний қадриятлар тизими нормаларидан ажратиб турадиган жиҳатлардир. Ҳукумат нуқтаи назаридан қараганда, инсон ҳуқуқлари давлат томонидан тан олиниб, суверен мамлакатлар конституциялари ва халқаро ҳуқуқда белгилаб берилган шахсий ва жамоавий ҳуқуқлар йиғиндисидир. Иккинчи жаҳон урушига қадар инсон ҳуқуқлари асосан давлат томонидан ривожлантириб келинган бўлса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг инсон ҳуқуқларини ишлаб чиқиш ва унинг дунё миқёсида кенг қулоч ёйишида БМТ етакчилик қилиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, инсон ҳуқуқлари кўпплаб давлатлар томонидан ратификация қилинган бир қатор халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатларда кодификациялаштирилган бўлиб, бугунги кунда умумжаҳон миқёсида эътироф этилган қадриятлар тизимини акс эттиради.

Инсон ҳуқуқлари кўпқиррали ҳодиса сифатида

Инсон ҳуқуқлари инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади. Инсон ҳуқуқларидан амалда фойдаланиш ҳар бир шахснинг ўз ҳаётини эркин қуриши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши, тенглик ва инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишга кўмаклашади. Инсон ҳуқуқлари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, шунингдек, жамоавий ҳуқуқлар мажмуидир (1-Жадвалга қаранг).

1. Жадвал – Инсон ҳуқуқларига оид мисоллар

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар соҳасида

- Яшаш ҳуқуқи
- Қийноқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва шахс қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларидан эркин бўлиш ҳуқуқи
- Қуллик, қарамлик ва мажбурий меҳнатдан халос бўлиш ҳуқуқи
- Озодлик ва шахсий хавфсизлик ҳуқуқи
- Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг инсоний муомалада бўлишга бўлган ҳуқуқи
- Ҳаракатланиш эркинлиги
- Одил судловга бўлган ҳуқуқ
- Орқага қайтиш кучига эга бўлган жиноят қонунчилиги қўлланилишининг тақиқланиши
- Қонун олдида инсон сифатида тан олинишга бўлган ҳуқуқ
- Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи
- Фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги

- Қарашлар ва сўз эркинлиги
- Урушнинг тарғиб этилиши ва миллий, ирқий ҳамда диний адоватга даъват этишнинг тақиқланиши
- Намойишлар ўтказиш ҳуқуқи
- Жамоаларга уюшиш ҳуқуқи
- Турмуш ва оила қуриш ҳуқуқи
- Давлат бошқарувида иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш, давлат идоралари хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи
- Камситилишлардан холи бўлиш ва қонун олдидаги тенглик ҳуқуқи

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида

- Меҳнат ҳуқуқи
- Иш жараёнида оқилона ва адолатли шарт-шароитлар яратиб берилишига бўлган ҳуқуқ
- Касаба уюшмалари ташкил этиш ва уларга бирлашиш ҳуқуқи
- Ижтимоий таъминот ҳуқуқи
- Оиланинг ҳимоя қилиниши
- Муносиб турмуш кечириш, хусусан, етарли озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи
- Тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи
- Таълим олиш ҳуқуқи

Жамоавий ҳуқуқлар соҳасида

- Халқларнинг:
 - ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи
 - ривожланиш ҳуқуқи
 - ўз табиий бойликлари ва ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи
 - тинчликка бўлган ҳуқуқи
 - экологик тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи
- Бошқа жамоавий ҳуқуқлар:
 - миллий, этник, диний ёҳуд тил бўйича озчиликни ташкил этадиган гуруҳлар ҳуқуқлари
 - тубжой халқларининг ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқларига оид асосий принциплар

Инсон ҳуқуқлари – умуминсоний қадрият

«Инсон ҳуқуқлари ҳеч қайси маданиятга бегона эмас ва барча халқларга тегишлидир; инсон ҳуқуқлари умуминсоний қадрият ҳисобланади».

Кофи Аннан, БМТ Бош котиби,

*Инсон ҳуқуқлари кунда Техрон Университетида қилган маърузаси,
1997 йил 10 декабрь*

Инсон ҳуқуқлари ирқи, тана ранги, жинси, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, дини, тили, миллати, ёши, жинсий қарашлари, ногиронлиги ёки бошқа ажратиб турувчи хусусиятларига қарамай умуминсоний қадрият ҳисобланади. Барча давлатлар ва халқлар томонидан қабул қилингани туфайли инсон ҳуқуқлари барчага бирдек ва ҳеч қандай камситишларсиз амал қилади ва ҳамма жойда ҳам бир хил кучга эга.

2. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари Ғарб тушунчаси ҳисобланадими?

Инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадрият эканлиги баъзан инсон ҳуқуқлари янги мустамлакачилик тизимининг таркибий қисми сифатида бутун дунё бўйлаб ташвиқот қилинаётган Ғарб таълимотидир, деган асосларда қаршиликларга учраб келмоқда. 1968 йилда БМТнинг Таълим, фан ва маданият ташкилоти (ЮНЕСКО) томонидан чоп этилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, инсон ҳуқуқлари замиридаги теран маъно, орзу-истаклар ҳамма даврлар ва барча тамаддунларда ҳам учрайдиган адолат, шахснинг обрў-эътибори ва кадр-қиммати, таъқиб ва тазйиқдан холи бўлиш ҳамда жамоавий саъй-ҳаракатларда шахснинг иштирок этиши сингари ғояларга ҳамоҳангдир². Шунга қарамай, инсон ҳуқуқлари умумбашарий қадрият эмас деган иддаолар турли хил шаклда бўй кўрсатиб келмоқда. Масалан, давлатлар маданият ниқоби остида аёллар ҳуқуқларини бузар экан, инсон ҳуқуқларининг умумбашарий қадрият эканлигини шубҳа остига қўяди. Бундай амалиёт аксарият ҳолатларда аёлларнинг жамиятдаги ўрнига нисбатан шаклланган зарарли қарашларга асосланган бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа биноан бу каби салбий иллатлар ва қарашларни бартараф этиш мажбурияти мавжуд. Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан олиб қаралганда маданият вақт ўтгани сайин ўзгариб боровчи тушунча бўлиб, ҳар қандай жамоанинг ҳам маданиятини белгилаб берувчи омил сифатида аёлларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги таъсирини ўрганади. Инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадрият эканлиги бугунга келиб маданият, диний ва сиёсий қарашлар, анъаналар ва урф-одатлар хилма-хиллигига қарамай инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳужжатларнинг аксарият давлатлар томонидан қабул қилинганлиги ва ратификация қилинганлиги билан изоҳланади.

² Le Droit d'être un homme, anthology of texts prepared under the direction of Jeanne Hersch, UNESCO and Robert Laffont, 1968. (Жан Херш бошчилигида тайерланган матнлар тўплами, ЮНЕСКО ва Робер Лаффонг, 1968).

Инсон ҳуқуқлари шахснинг ажралмас ҳуқуқидир

Ҳеч бир шахс қонун доирасида қатъий белгилаб қўйилган ҳолатлардан ташқари ўз инсон ҳуқуқларидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги туфайли инсон ҳуқуқлари шахснинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. Масалан, шахс ваколатли суд томонидан суд жараёнининг охирида жиноят содир этишда айбдор деб топилган тақдирдагина озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Инсон ҳуқуқларини бир-биридан ажратиш мумкин эмаслиги ва уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги

Инсон ҳуқуқларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас ва улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар бир инсон ҳуқуқлари бир-бири билан узвий боғлиқлиги боис шахснинг бирон-бир ҳуқуқининг бузилиши унинг бошқа ҳуқуқлардан амалда самарали фойдаланишига таъсир кўрсатади. Мисол учун, яшаш ҳуқуқи озиқ-овқат билан таъминланиш ва муносиб турмуш кечиришга бўлган ҳуқуқларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Шахснинг умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши унинг одил судлов ва давлат ҳаётида иштирок этиш имкониятиларига салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг тарғиб қилиниши ва муҳофаза этилиши учун сўз, намойишлар ўтказиш ва бирлашмаларга уюшиш эркинлиги амалда таъминланиши зарур. Қолаверса, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бир-бирини тўлдириб туришидан ташқари ҳар бир шахснинг обрў-эътибори, кадр-қиммати ҳимоя қилиниши учун бирдек муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, барқарор тинчлик ҳукм суриши ва тараққиётга эришиш учун эса барча ҳуқуқларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозим.

1993 йил Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конференциясида халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқларига кенг қамровли ёндашиш зарурлиги таъкидланган эди.

«Барча инсон ҳуқуқлари умуминсоний қадрият ҳисобланади. Улар бўлинмасдир, уларни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди ва улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Халқаро ҳамжамият инсон ҳуқуқларига умумжаҳон миқёсида бир хил асосларда ва уларга бир хил урғу бериб, одил ва тенг муносабатда бўлиши керак. Миллий ва минтақавий хусусиятлар, турли хил тарихий, маданий ва диний жиҳатларнинг муҳим аҳамияти ҳисобга олиниши зарур бўлса-да, сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимлардан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш барча давлатларнинг мажбурияти ҳисобланади».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конференцияси, Вена, 1993 йил, Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурининг 5-банди.

3. Жадвал – Фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлар умумбашарий, бўлинмас ва ўзаро боғлиқ

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Амартя Сен томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар натижасида барча инсон ҳуқуқлари бўлинмаслиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги исботлаб берилган эди. Очарчилик масаласи бўйича ўтказилган тадқиқот якунларига кўра бой ва камбағал давлатларда ҳам очарчилик, бошқарув ва инсон ҳуқуқлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамда аниқ боғлиқлик борлиги ўз тасдиғини топган. Ҳукуматлар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни ҳурмат қилса, фуқаролар ўзларини ташвишлантираётган масалаларда эмин-эркин фикр билдириб, оммавий ахборот воситалари эса очарчилик хавфидан оммани огоҳлантириши мумкин. Натижада, лидерларни юқоридаги каби хавфларни эътиборга олмаганлик ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга салбий таъсир кўрсатган ўз сиёсатлари учун жавоб беришларига ундаш имконияти ошиб боради³.

Тенглик ҳуқуқи ва камситишларнинг тақиқланиши

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг энг ёмон ҳолатлари баъзи бир гуруҳларнинг камситилиши натижасида рўй берган. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва минтақавий шартномаларда аниқ-равшан белгилаб берилган тенглик ҳуқуқи ва камситишларга йўл қўймаслик принципи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда марказий ўрин тутadi. Тенглик ҳуқуқига мувофиқ давлатлар томонидан ҳар бир шахсга ҳар қандай асослар – жинс, ирқ, тана ранги, тили, дини, сиёсий ёҳуд бошқа қарашлари, миллий, этник ва ижтимоий келиб чиқиши, миллий озчиликка мансуб бўлиши, мулкый аҳволи, ёши, туғилиши, ногиронлиги, жинсий қарашлари, ижтимоий ёҳуд бошқа ҳолатлардан қатъи назар инсон ҳуқуқлари таъминлаб берилиши лозим. Шунингдек, камситиш айрим гуруҳларни асослантилмаган «ажратиш, маҳрум қилиш ёки чеклаш» эмас, балки уларга асослантилмаган «имтиёз» беришда ҳам акс этиши мумкинлигини қайд этиш жоиз. Аксарият аҳоли учун камситишларга қарши курашиш бутун дунё бўйлаб ҳатто бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

4. Жадвал – Тенглик ҳуқуқи ва камситишларнинг тақиқланиши

- Камситмаслик инсон ҳуқуқларининг таянч нуқтасидир.
- Қонунларда белгиланадиган турли хил қоидалар ҳолатлардаги тафовутлардан келиб чиқиб қўлланилиши лозим.
- Ажратмачилик асосли ва объектив сабабларга асосланган бўлиши керак.
- Мутаносиблик принципига амал қилиниши зарур.
- Камситишлар учун асос бўлиб хизмат қилиб келган ва ҳозир ҳам асос бўлаётган омилларга жинс, ирқ, тана ранги, тили, дини, сиёсий ёҳуд бошқа қарашлари, миллий, этник ва ижтимоий келиб чиқиши, миллий озчиликка мансуб бўлиши, мулкый аҳволи, ёши, туғилиши, ногиронлиги, жинсий қарашлари, ижтимоий ёҳуд бошқа ҳолат сингарилар киради.

³ Amartya Sen, *Poverty and Famines: An Essay on Entitlements and Deprivation*, Oxford, Clarendon Press, 1982. (Амартя Сен. Қашшоқлик ва очарчилик: Ҳуқуқлар ва маҳрумликлар тўғрисида рисола, Кларендон нашриёт уйи, 1982 йил).

Ҳолатларнинг турлича вазиятларда содир этилиши қонуннинг ҳар хил талқин этилишига асос сифатида

Қонуннинг вазиятга қараб турлича талқин этилишига ҳар доим ҳам камситиш деб қарамаслик зарур. **Асосли ва объектив сабабларга** кўра қўлланиладиган мезонлардан вазиятга ва қонун ҳужжатларидаги тафовутларга асосланиб фойдаланиш керак. Қонуннинг тўғри қўлланганлигини исботлаб бериш мажбурияти давлат идоралари зиммасида бўлиб, қонунни қўллаш жараёнидаги фарқ асосли ва объектив мезонларга асосланганлиги кўрсатиб берилиши шарт.

5. Жадвал – Ишга қабул қилиш жараёнида қонун нормаларининг турлича қўлланилиши асослари

Ирқий тенглик ва ишдаги тенглик тўғрисидаги Европа Иттифоқи йўриқномасига кўра маълум ҳолатларда ҳукуматлар томонидан йўриқнома қоидалари ишнинг ва ишга жойлашувчининг хусусиятларидан келиб чиқиб турлича қўлланилишига рухсат берилган⁴. Йўриқнома қоидаларининг фарқли қўлланилиши оз сонли ҳолатлардагина татбиқ этилиб, бундай иш ёхуд фаолият тури билан шуғулланиш ҳақиқатан ҳам ирқий ёхуд этник келиб чиқиш, дин, ногиронлик, ёш ёки жинсий қарашлар асосидаги чеклашларни талаб этади. Бундай касб, фаолият турларига мисол қилиб актёрлик ва моделлик сингариларни келтириш мумкин. Чунки бу касб билан шуғулланиш учун сахна кўринишлари табиий чиқиши ёки ҳақиқатга яқин бўлиши мақсадида ишга кираётган фуқаро маълум бир ёшга етганлиги, маълум бир ирққа мансублиги талаб қилиниши мумкин. Черков ёхуд жамоатчилик билан алоқа олиб борадиган шунга ўхшаш айрим муассасалар ходимлари маълум бир динга мансуб бўлишларининг мажбурийлигига ҳам камситиш сифатида қарамаслик керак. (Бироқ бундай соҳаларда маъмурий ишларни бошқариш ёки ошхоналарда меҳнат қилиш учун ҳам диний мансубликни талаб қилиш тақиқланади).

Айрим гуруҳлар учун ишлаб чиқилган махсус шартномалар

Инсон ҳуқуқларининг тенглик, умуминсонийлик ва камситишларга йўл қўймаслик принципларининг амалга татбиқ этилиши алоҳида муҳофаза ва ҳимояга эҳтиёж сезадиган махсус гуруҳлар айрим имтиёзлардан фойдаланишини тан олишга қарама-қарши қўйилмаслиги керак. Шу мақсадда алоҳида муҳофазага эҳтиёж сезадиган аёллар, хорижий давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қочоқлар, кўчирилган шахслар, озчиликка мансуб шахслар, туб аҳоли, болалар, ногиронлар, альбинизмга дучор бўлган шахслар, озодликдан маҳрум этилганлар ва ишчи мигрантлар сингариларни ҳимоя қилиш учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги махсус шартномалар ва механизмлар ишлаб чиқилган.

⁴ Council directives 2000/43/EC of 29 June 2000, implementing the principle of equal treatment between persons irrespective of racial or ethnic origin, and 2000/78/EC of 27 November 2000, establishing a general framework for equal treatment in employment and occupation. (Европа иттифоқи кенгашининг ирқий ёки этник келиб чиқишдан қатъи назар фуқароларга тенг муносабатда бўлиш принципини амалда татбиқ этишга доир 2000 йил 29 июнда қабул қилинган 2000/43/ЕС сонли ва ишга жойлашиш ҳамда лавозимларни эгаллашда тенг муносабатда бўлиш бўйича умумий доирани жорий этиш тўғрисидаги 2000 йил 27 ноябрда қабул қилинган 2000/78/ЕС сонли йўриқномалари).

6. Жадвал – Тубжой аҳолисининг ҳуқуқлари

БМТ Тубжой аҳолиси ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациясининг 32-моддасига мувофиқ (2007 йил сентябрдаги A/RES/61295-сон) давлатлар тубжой аҳолисининг ери ва бошқа ресурслари, хусусан, минераллар, сув ёки бошқа ресурсларидан фойдаланиш ва эксплуатация қилишда ривожланишга алоқадор бўлган лойиҳаларни тасдиқлашдан олдин тубжой аҳолисининг аввалдан ва эркин билдирилган розилиklarини олишлари зарур.

7. Жадвал – Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари

Буюк Британияда 2010 йилда қабул қилинган «Тенглик тўғрисида»ги Қонунга кўра иш берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш мақсадида ишни ташкил этиш ва биноларга «оқилона ўзгартиришлар» киритишга мажбурдирлар. Қонунда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларнинг батафсил рўйхати санаб ўтилган.

Коста Риканинг 1996 йилдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг имкониятлари тўғрисида»ги Қонунида ногиронлиги сабабли таълим олиш имкониятидан бебаҳра бўлган саккиз ёшдан ошган ногиронлиги бўлган шахслар учун малака ошириш курсларида таҳсил олишда устуворлик берилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Эквадорнинг 2012 йилдаги «Ногиронлик тўғрисида»ги Қонунида давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларни ҳисобга олган ҳолда ижобий ҳаракатлар қилиши назарда тутилган.

Вақтинчалик махсус чора-тадбирлар кўриш зарурияти

Ўтмишда йўл қўйилган камситишларнинг оқибатлари яна узоқ вақт давом этишининг олдини олиш учун вақтинчалик махсус чора-тадбирлар кўриш керак бўлади. Иркй камситишларнинг барча шакллари тугатиш қўмитасининг фикрига кўра⁵ «Махсус чора-тадбирлар кўриш тушунчаси иркй камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга мувофиқ, агар ҳолатлар бунга йўл қўйса, имконияти чекланган гуруҳлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тўлиқ ва тенг фойдаланишлари учун мўлжалланган вақтинчалик махсус чора-тадбирларни қабул қилиш ёки зарур ўзгартиришлар киритишни ўзида мужассам этган қонунлар, давлат сиёсати ва амалиётни қабул қилиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш тамойили асосига қурилган»⁶.

Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитасининг наздида⁷: «қўллаб-қувватлаш дастурлари; маблағлар ажратилиши ёки маблағларнинг қайтадан тақсимланиши; мақбул муносабатда бўлиш; ишга қабул қилиш, ижара асосида ишга ёллаш ва

⁵ Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг амалга татбиқ этилиши юзасидан мониторинг олиб боровчи шартномавий қўмиталар бу ҳужжатларда белгилаб берилган турли хил ҳуқуқлар ва давлатларнинг бу борадаги мажбуриятини ўзларининг «Умумий тавсиялар» («general recommendations») ва «Умумий шарҳлар» («general comments»)да янада кенгроқ изоҳлаб берадилар. Бу ҳақда кенгроқ маълумот бешинчи бобда берилган.

⁶ Иркй камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияда (2009) назарда тутилган махсус чора-тадбирларнинг мазмуни ва амал қилиш доираси тўғрисидаги №32-сонли Умумий тавсия.

⁷ Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва парламентлар ҳақида янада тўлиқроқ маълумот учун қаранг: The Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women and its Optional Protocol: a Handbook for Parliamentarians, Geneva, IPU, 2003. (Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва унга қўшимча протокол: Парламент аъзолари учун қўлланма, Парламентлараро иттифоқ, Женева, 2003 йил)

мансаб, лавозимларга кўтаришда маълум гуруҳга мансуб шахсларга имтиёзлар бериш; вақт чегараларини инобатга олган ҳолда амалга ошириладиган мақсад-вазифаларни белгилаб олиш ва квоталар тизимини жорий этиш сингари кенг қамровли ва турли кўринишдаги қонунчилик, ижро, маъмурий ёхуд бошқа тартибга солиш воситалари, бундай сиёсатнинг шакллантирилиши ва амалий ҳаракатлар мажмуи вақтинчалик махсус чора-тадбирлар ҳисобланади»⁸.

Масалан, аёлларга устувор муносабатда бўлишга мўлжалланган вақтинчалик квоталар тизимининг йўлга қўйилишига у маълум бир касбга эга бўлиши, сиёсий идораларда фаолият олиб бориши ёки олий таълим олиш имкониятини яратиб беришга хизмат қилиши боис, илгари аёллар аънавий тарзда деярли фаолият юритмаган ёхуд камситишлардан азият чеккан соҳаларда амалда уларнинг жинсий тенгликка эришишларини тезлаштиришга кўмаклашадиган келишув асосида олиб бориладиган саъй-ҳаракат сифатида қараш зарур. Аёлларга нисбатан устувор муносабатда бўлишга мўлжалланган вақтинчалик чора-тадбирларнинг кўрилиши Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 4-моддасига кўра эркакларни камситишга қаратилган чоралар дея ҳисобланмаслиги керак. Бироқ бундай чоралар кўришдан кўзланган мақсадга эришилган заҳотиёқ уларнинг амал қилиши тўхтатилиши лозим. Акс ҳолда, уларга аёлларга бериладиган асоссиз имтиёз сифатида қаралиб, эркакларнинг камситилиши деб ҳисобланади.

25-сонли Умумий тавсияга кўра, аёлларга нисбатан устувор муносабатда бўлишга мўлжалланган вақтинчалик чора-тадбирларнинг ўрнатилиши учун аёлларга нисбатан ўтмишда камситилиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини исботлаш талаб қилинмайди. Умумий тавсияга мувофиқ «Вақтинчалик чора-тадбирларнинг жорий этилиши асосан ўтмишда рўй берган камситишлар таъсирининг олдини олиш ва унинг оқибатларини тугатишга қаратилса-да, конвенцияга кўра давлатлар зиммасидаги аёлларнинг амалда тенгликка эришиши ёхуд тенгликка эришиш борасида уларнинг аҳолини яхшилашга йўналтирилган чоралар кўриш мажбурияти ўтмишда камситишларга йўл қўйилган ва қўйилмаганлигидан қатъи назар мавжуд бўлиб қолаверади»⁹.

8. Жадвал – Вақтинчалик махсус чора-тадбирлар: мисоллар

Жинсий асосда камситиш фақатгина аёллар билангина чекланиб қолмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мисол учун, Норвегияда жинсий тенглик жиҳатларини эътиборга олишда Жинсий тенглик масалалари бўйича Омбудсман эътиборни эркакларга қаратган эди. Пировардида, ҳомиладорлик таътилида аёлларга нисбатан татбиқ этиладиган қонунчилик нормаларини эркакларга ҳам қўллаш тўғрисида ўзгартиришлар киритилди. Киритилган ўзгартиришлардан бири бу ҳомиладорлик таътилининг тўрт ҳафтаси эндиликда эркакларга берилганидир. «Оталар квотаси», деб номланган мазкур имтиёздан фойдаланилмаган тақдирда, оила ҳомиладорлик таътилининг ушбу қисмига бўлган ҳуқуқини йўқотади. «Оталар квотаси»га оид ўзгартиришлар 1993 йилда киритилган бўлса, кейинги икки йил давомида оталик таътийдан фойдаланган янги оталар миқдори қирқ фоиздан етмиш фоизга қадар ўсган. Ижтимоий ҳимояга алоқадор бир қатор касбларда ҳам эркакларнинг имкониятларини кенгайтириш мақсадида Омбудсман томонидан ижобий саъй-ҳаракатлар олиб борилиши натижасида меҳнат бозорининг бу қисмидаги қатъий жинсий айирмачиликка чек қўйилмоқда. Бу ўз навбатида, болаларда гендер роли борасида олдиндан шаклландиган салбий қарашларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

⁸ Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг Вақтинчалик чора-тадбирларнинг жорий этилишига доир 4-моддаси, 1-хатбошиси тўғрисидаги №25-сонли Умумий тавсия (2004).

⁹ Ўша жойда.

Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети

«БМТнинг мақсад ва тамойиллари, хусусан, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этишга БМТнинг энг асосий мақсади сифатида қараш лозим. Бу мақсад ва тамойиллар доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш халқаро ҳамжамиятнинг қонуний манфаатидадир».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конференцияси, Вена, 1993 йил, Вена декларацияси ва ҳаракат дастурининг 4-банди.

Ўтмишда инсон ҳуқуқларига давлатнинг ички иши сифатида қаралган пайтларда, ҳаттоки геноцид сингари инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганда ҳам бошқа давлатлар ва халқаро ҳамжамиятнинг аралашувиға рухсат этилмаган. Миллий суверенитет ғоясига асосланган бу ёндашув XX аср, айниқса Иккинчи жаҳон уруши давомида нацист Германия ва бошқа давлатлар томонидан содир этилган мудҳиш ёвузликлар, айниқса кейинчалик халқаро ҳамжамиятнинг Камбоджа, Руанда, Босния ва Герцеговинада содир этилган қирғинбаротнинг олдини ололмагани натижасида қаршиликка учрай бошлади. Ҳозирги кунда, давлатларнинг ички ишларига аралашмасликни англатувчи тушунча сифатида қаралган давлат суверенитети масъулият ғояси билан ўрин алмашган бўлиб, давлатлар ўз аҳолисининг фаровонлиги учун ҳисобдордирлар.

Ҳимоя қилиш масъулияти

2005 йил 16 сентябрда Бош ассамблея доирасида бўлиб ўтган 2005 йилги Бутунжаҳон саммитининг давлатлар ва ҳукумат раҳбарлари йиғилишида Ҳимоя қилиш масъулиятини (R2P) белгиловчи тамойиллар ишлаб чиқилиб, бир овоздан маъқулланди. 2005 йилги Бутунжаҳон саммит Якуний ҳужжатининг (A/RES/60/1) 138-банди овоз беришсиз қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ ҳар бир давлат ўз аҳолисини геноцид, ҳарбий жиноятлар, этник тозалаш ва инсониятга қарши жиноятлардан ҳимоя қилишга масъулдир. Бунинг маъноси, тўғри ва зарур воситалар орқали давлатлар томонидан бундай жиноятлар содир этишлиши ёки уларни содир этишга бўлган чорловларнинг олдини олиш ҳисобланади. Якуний ҳужжатда таъкидланганидек, халқаро ҳамжамият давлатларга ушбу масъулиятни амалга оширишда қўмаклашиши ва ёрдам бериши зарур. 139-бандда дунё лидерлари халқаро ҳамжамият Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқали, хусусан БМТ Низомининг VI ва VIII бўлимларига мувофиқ, тегишли дипломатик, гуманитар ва бошқа тинчлик воситаларидан фойдаланиб, аҳолини геноцид, ҳарбий жиноятлардан, этник тозалаш ва инсониятга қарши жиноятлардан ҳимоя қилишга масъул эканлигини тан олди. Худди шу бандга биноан, агар бундай тинч воситалар етарли бўлмаса ва миллий ҳукуматлар очиқ-ойдин ўз аҳолисини бундай жиноятлардан ҳимоя қила олмасалар, халқаро ҳамжамият БМТ Низомига, жумладан, унинг VII бўлимига мувофиқ

Хавфсизлик кенгаши орқали «жамоавий ҳаракатлар ва чора-тадбирлар»ни ўз вақтида ва ҳар бир ҳолатда ҳамда тегишли минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликда қатъий тарзда амалга оширишга келишиб олди. Бундай мажбурловчи чоралар санкциялар қўллаш ва охириги чора сифатида ҳарбий куч ишлатишни ўз ичига олиши мумкин.

Бош котиб (A/63/677), Жаҳон саммитининг мажбуриятларини учта бир-биридан мустақил бўлган ва кетма-кетликка асосланмаган, барчаси бирдек муҳим саналган уч устунга ажратган эди. Бу уч устун «давлатнинг ҳимоя қилиш масъулияти» (1-устун), «халқаро ёрдам ва имкониятларни ошириш» (2-устун) ва «ўз вақтида ва ҳал қилувчи жавоб кўрсатиш»дан (3-устун) иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг фуқароларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги №1674-сонли (2006) резолюциясида 2005 йилги Бутунжаҳон саммитининг Якуний Ҳужжатида баён этилган жавобгарлик тамойиллари яна бир қарра тасдиқланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши ўзининг 2011 йилдаги Ливиядаги вазият тўғрисидаги №1970 ва 1973-сонли резолюциялари; Кот-д'Ивуардаги вазият тўғрисидаги №1975-сонли резолюцияси; Судандаги вазият тўғрисидаги №1996-сонли резолюцияси; ва Ямандаги вазият тўғрисидаги №20145-сонли резолюциясида ҳам Ҳимоя қилиш масъулияти (R2P) тўғрисида тўхталиб ўтган. №1973-сонли резолюцияда, хусусан, «таҳдид остидаги фуқаролар ва фуқаролик аҳоли пунктларини ҳимоя қилиш учун барча зарур чора-тадбирлар» кўрилишига рухсат берилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши давлатларни «ўз аҳолиси олдидаги ҳимоя қилиш масъулиятини» бажаришга чақирган илк ҳолатлар Ливия бўйича махсус сессияларда қабул қилинган (A/HRC/RES/S-15/1) ва Сурия (A/HRC/RES/S-18/1) қарорларда акс этган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши қабул қилган учта – A/HRC/RES/19/22, A/HRC/RES/20/22 ва A/HRC/RES/21/26-сонли резолюциялар бу борада бир қадам олдинга силжиш бўлиб, уларда Сурия расмийлари Сурия аҳолисини ҳимоя қилиш бўйича ўз зиммаларига олган масъулиятни бажаришдан ошқора бўйин товлагани кўрсатиб ўтилган. Инсон ҳуқуқлари кенгаши бу каби ҳолатларда содир этилган қонунбузарликларни қораловчи қарорлар қабул қилиб, тафтиш комиссиялари тузди ва Суриядаги ҳолат юзасидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг вазиятга аниқлик киритиш миссияси вакиллари яна юборди.

Ҳимоя қилиш масъулияти (R2P) инсон ҳуқуқларига энг катта хавф мавжуд бўлган ҳолларда БМТ Низомини қўллаб-қувватлаш билан бирга, бундай вазиятларда самарали жавоб қайтариш учун зарур чоралар кўришга оид кўрсатмалар берувчи бир қатор принципларни ўрнатиб, янги концептуал асосга қурилган. Айрим давлатларнинг «инсонпарварлик аралашувига бўлган ҳуқуқи (гуманитар интервенция ҳуқуқи)»га мувофиқ бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашуш ҳуқуқидан фойдаланиши ўрнига, Ҳимоя қилиш масъулияти (R2P) халқаро ҳамжамиятни энг ёмон қоидабузарликларга жавоб бериш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомиди белгиланган ва чекланган барча воситалардан фойдаланишга масъул этиб белгилайди. Ҳимоя қилиш масъулияти (R2P) халқаро ҳуқуққа мувофиқ бажарилиши лозим ҳисобланган мажбурият саналиб, Геноцид жиноятининг олдини олиш ва уни

таъқиб этиш тўғрисидаги конвенцияга биноан геноциднинг олдини олишга – давлатлар томонидан халқаро одат ҳуқуқига оғишмай амал қилиш мажбуриятини таъминлашга ундайди.

Парламент нуқтаи назаридан, Парламентлараро иттифоқнинг ассамблеяси бутун дунёдаги парламентлар халқаро ҳамжамият фуқаролар қирғинининг олдини олиш ёки тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилиши кераклиги хусусида бир қарорга кела олмаётган паллаларда аҳолининг ҳалокатга учрашига йўл қўймаслик учун Ҳимоя қилиш масъулиятини (R2P) ўз вақтида, изчил, самарали тарзда қўллаш ва амалга ошириш усулларини кўриб чиқишлари лозимлигини эътироф этадилар.¹⁰

¹⁰ Резолюция: Ҳимоя қилиш масъулиятини амалга ошириш: фуқаролар ҳаётини муҳофаза қилишда парламентнинг роли. Парламентлараро иттифоқ 128-ассамблеяси томонидан қабул қилинган. Қуито, 2013 йил 27 март.

Демократия, инсон ҳуқуқлари ва парламентлар

«Демократия ўзининг идеали сифатида энг аввало шахснинг кадр-қиммати ва асосий ҳуқуқларини сақлаб қолиш ва тарғиб этиш, ижтимоий адолатга эришиш, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини жадаллаштириш, унинг бирлигини қўллаб-қувватлаш ва миллий бирдамликни кучайтириш, шунингдек, халқаро тенглик ҳукм суриши учун муносиб муҳит яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бошқарув шакли сифатида демократия юқоридаги мақсадларга эришишнинг энг мақбул йўли бўлиш билан бир қаторда ўз хатоларини тузатишга имкон берадиган ягона сиёсий тизим ҳисобланади».

Парламентлараро иттифоқ, Демократия бўйича умумжаҳон декларацияси, Қоҳира, 1997 йил сентябрь, 3-банд.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисида ўтган ўн йиллик мобайнида жуда кўплаб илмий изланишлар олиб борилди. Демократияга бугунга келиб сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишга тегишли процессуал қоидалар тизимигина эмас, балки инсон ҳуқуқлари билан биргаликда инсон кадр-қимматини сақлаб қолиш ва тарғиб этиш воситаси сифатида қаралмоқда. 1995 йили Парламентлараро иттифоқ халқаро стандартларни ташвиқ этиш ва дунё бўйлаб давом этаётган демократлаштириш жараёнига ҳисса қўшиш мақсадида Демократия бўйича умумжаҳон декларациясини ишлаб чиқишга киришган эди. 1997 йили қабул қилинган ушбу декларацияда демократия ва инсон ҳуқуқлари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда берилган.

Демократияни ифода этиш муайян жиҳатларига кўра фарқланиши мумкин, аммо унинг асосий қадриятлари умуминсонийдир. Улар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мустаҳкамлаб қўйилган. Декларацияда ҳам, Пактда ҳам ҳар қандай демократия тарғиб қилиши ва ҳимоя қилиши керак бўлган ҳуқуқлар кўзда тутилган бўлиб, барча демократик давлатлар асоси мазкур ҳуқуқлар устига қурилган. Бу ҳуқуқларга, жумладан, ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқи, уюшиш ва тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи, сиёсий ҳаётда ва қарор қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқи; одил судловга бўлган ҳуқуқ, адолатли суд жараёнига бўлган ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бузилганда тоғов олиш ҳуқуқи кабилар киради.

Бундан ташқари, кучли ва ҳисобдор ташкилотлар, шаффоф ва инклюзив қарорлар қабул қилиш жараёни инсон ҳуқуқларига ҳурмат кўрсатадиган демократик бошқарувнинг қонуний ва самарали тизимини яратиш учун зарур шарт-шароитларни ташкил этади. Парламентлар – мунтазам сайловлар орқали халқ ҳокимияти, халқ манфаатини таъминлаш учун халқ томонидан ташкил этилган суверен органлар – демократиянинг асосий институтидир. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг

сийёсатини ва хатти-ҳаракатларини мунтазам текширишга ваколатли орган сифатида парламент инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, парламентлар қонун устуворлигини кафолатлайдиган, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий пойдевори саналган қонунчилик базасини яратди¹¹. Юқорида тилга олиб ўтилган барча сабабларга кўра, парламентлар демократия ва инсон ҳуқуқлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қўшимча ўқиш учун

- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бўйича парламент аъзолари учун қўлланма (2007), Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ipu.org/PDF/publications/disabilities-e.pdf>.
- БМТ Тубжой аҳолиси ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси имплементацияси, Парламент аъзолари учун қўлланма №23 (2014), Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ipu.org/PDF/publications/indigenous-en.pdf>.

¹¹ «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими учун қонун устуворлиги барча шахсларга, оммавий ва хусусийлигидан қатъи назар ҳамма ташкилот ва муассасалар ҳамда ҳаттоки давлатнинг ўзи ҳам халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрлари ва стандартларига мувофиқ давлат томонидан эълон қилиниб, бир хилда ва мустақил равишда қўлланиладиган қонунлар олдидаги ҳисобдорлигига асосланган бошқарув тамойилидир. Бунда қонун устуворлиги, қонун олдида тенглик, қонунга бўйсунуш, қонунни қўллашдаги адолатлилик, ҳокимиятларнинг бўлиниши, қарор қабул қилишда иштирок этиш, қонуний ишончлилик, ўзбошимчиликдан қочиш ва процессуал, ҳуқуқий очқилик тамойилларига риоя қилишни таъминлаш талаб этилади». БМТ Бош котибининг БМТнинг Қонун устуворлигига кўмаклашишга ёндашувига доир йўриқномаси.



Иккинчи боб

Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларига нималар киради?

Ҳозирги кунда халқаро ҳуқуққа кўра, *инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларни бажариш давлатларнинг асосий вазифалари ҳисобланади*. Амалиётда эса инсон ҳуқуқларининг ҳар қандай шахс ёки гуруҳ, шунингдек, нодавлат иштирокчилар (масалан, бизнес корхоналари, уюшган жиноий гуруҳлар, террорчилар, ярим ҳарбий ташкилотлар ва яширин фаолият олиб борадиган ноқонуний ҳарбий кучлар ҳамда ҳаттоки халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар) томонидан бузилиши ҳолатлари ортиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий шартномалар ва халқаро одат ҳуқуқига кўра давлатлар зиммасига қуйидаги учта кенг қамровли мажбуриятлар юкланади: «ҳурмат қилиш», «ҳимоя қилиш» ва «амалда татбиқ этиш». Бу уч мажбурият ёки бурч ўртасидаги мувозанатнинг таъминланиши сўроқ остидаги ҳуқуқларнинг табиатидан келиб чиқса-да, бу мажбуриятлар амалда барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга бирдек қўлланилади. Бундан ташқари, давлатлар инсон ҳуқуқлари бузилишлари ҳолатлари давлат миқёсида ҳам кўриб чиқирилиши таъминлаб беришга масъул ҳисобланишади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида таъкидланишича: «Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва фикрларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади».

©Нур Фото/Крис Юнг

«Ҳурмат қилиш мажбурияти» деганда нима тушунилади?

Давлатнинг «хурмат қилиш мажбурияти» деганда давлатнинг шахс инсон ҳуқуқларидан эркин фойдаланишига аралашушига йўл қўйилмаслигини тушуниш зарур. Давлат аралашувига йўл қўйилишининг тақиқланиши давлат томонидан инсон ҳуқуқларидан фойдаланишига ҳалақат қиладиган ҳаракатларнинг амалга оширилиши ман этилишини билдиради. Масалан, таълим олиш ҳуқуқини оладиган бўлсак, «хурмат қилиш мажбурияти» ота-оналарнинг хусусий мактаблар таъсис этиш ва ўз диний мансубликларидан келиб чиқиб фарзандларига диний ва ахлоқий тарбия бериш эркинлигини ҳукуматлар ҳурмат қилиши лозимлигини билдиради.

«Ҳимоя қилиш мажбурияти» деганда нима тушунилади?

«Ҳимоя қилиш мажбурияти»га кўра, нодавлат иштирокчилар, хорижий давлат агентлари ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қиладиган давлат мансабдорлари томонидан ҳуқуқ бузилишлари содир этилган ҳолларда давлатлар томонидан шахснинг ҳимоя қилинишини талаб этади. Бу мажбурият, ҳам профилактик чоралар кўриш, ҳам ҳуқуқ бузилишлари содир этилганда муносиб жавоб қайтаришни тақозо этади. Шундай қилиб, давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қонун ҳужжатларини қабул қилиши; давлат шахсга нисбатан амалга оширилган инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган таҳдидларини билган (ёки билиши лозим бўлган) ҳолатларда уларни ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилиши; шунингдек, инсон ҳуқуқлари бузилишлари содир этилгани иддао қилинганда ҳолис юридик воситалардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши зарур. Таълим олиш ҳуқуқини бу борада яна бир қарра мисол тариқасида келтириш мумкин. Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқлари ота-оналар, оила, ўқитувчилар, мактаб маъмурияти, диний идоралар, оқимлар, манфаатдор ташкилотлар ва шахслар ҳамда савдо тузилмалари каби учинчи шахслар томонидан мафкуравийлаштирилмаслиги ва улар томонидан бу жараёнга аралашувларга йўл қўйилмаслиги давлат ҳимояси остида бўлиши зарур.

Давлатлар ихтиёридаги «ҳимоя қилиш мажбуриятига» оид чора-тадбирлар кўлами кенг қамровлидир. Мисол учун, шахснинг қадр-қиммати ва шахсий хавфсизлигининг муҳофаза этилиши давлатлар хонадонларда кенг тарқалган аёллар ва болаларга нисбатан амалга ошириладиган зўравонликка қарши курашишга мажбур эканлигидан далолат беради. Давлатлар хонадонлардаги зўравонлик ҳолатларини камайтириш учун тегишли жиноий, фуқаролик, оила ва маъмурий қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, ички ишлар ва адлия, суд идоралари ходимларини малакасини ошириш ёки оммавий ташвиқот ишлари олиб бориш шаклида ижобий чора-тадбирлар кўришга масъулдирлар.

Давлатнинг нодавлат иштирокчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш мажбурияти айниқса, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига тегишлидир. Кўп йиллар давомида аёлларга нисбатан зўравонлик кенг тарқалган бўлса-да, агар уйдаги зўравонлик «хусусий соҳада» хусусий шахслар томонидан содир этилган ва табиатига кўра қийноққа ўхшаш бўлиши мумкин бўлса ҳам, ёки агар унинг миқёси фавқулудда вазият даражасига кўтарилиши мумкин бўлган оммавий

соҳаларда юзага келса ҳам инсон ҳуқуқлари бузилиши сифатида қаралмаган. Аёллар бошидан ўтказган бу кўргиликларни эрта эътиборсиз қолдириш инсон ҳуқуқларини ривожлантиришда эркалар таъсири сезиларли эканлигида ўз аксини топган бўлиб, аёлларга нисбатан содир этилган инсон ҳуқуқлари бузилишлари ҳолатлари жазосиз қолишига ҳисса қўшган. Ўтган давр мобайнида, сўнги 20 йил ичида давлатнинг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлари яхши ташкил этилиб келинмоқда. Бунга мисол тариқасида аёлларга нисбатан учинчи шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлардан – давлат ёки хусусий соҳада бўлишидан қатъи назар – ҳимоя қилинаётганликлари ва улар ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун ижобий қадамлар қўйилаётганини келтириш мумкин.

«Амалга татбиқ этиш мажбурияти» деганда нима тушунилади?

«Амалга татбиқ этиш мажбурияти» деганда барча давлатларнинг фуқаролар томонидан инсон ҳуқуқларидан амалда фойдаланишларини таъминлашга қаратилган ижобий чора-тадбирлар кўриши тушунилади. Бажарилиши лозим бўлган мажбуриятнинг қўлами қайси ҳуқуққа тааллуқлилиги ва давлатлар ихтиёридаги мавжуд имкониятларга боғлиқ. Умуман олганда, давлатлар «ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ҳуқуқий, институционал ва процессуал шароитларни яратиши керак»¹². Масалан, таълим олиш ҳуқуқини оладиган бўлсак, давлатлар томонидан барчага бепул ва мажбурий бошланғич таълим, бепул умумий ўрта таълим, олий ўқув юртларида таълим олиш имконияти, касбий малака ошириш, ёши катталарга таълим бериш ва саводсизликни тугатиш учун шарт-шароитлар яратиб берилиши зарур (хусусан, зарур ўрта таълим муассасаларини ташкил этиш ёки зарур миқдордаги ўқитувчиларни ишга жалб қилиш ва хизматига яраша ҳақ тўлаш учун керакли чора-тадбирлар кўриш).

9. Жадвал – Давлатларнинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга татбиқ этиш мажбуриятларига оид мисоллар

Яшаш ҳуқуқи

- Ҳурмат қилиш. Ички ишлар идоралари ходимлари ўғирлик сингари ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс қочиб кетишга уринаётганда қасддан унинг ҳаётига тажовуз қилмасликлари лозим.
- Ҳимоя қилиш. Бирон-бир шахс томонидан бошқа фуқаро ҳаётига таҳдид соладиган ҳужум содир этиш ҳолатлари (ўлдиришга суиқасд уюштириш) миллий жиноий қонунчиликка кўра тегишлича жазоланиши керак. Ички ишлар идоралари томонидан жиноят содир этган шахслар одил судловга топширилиши учун бундай жиноятлар юзасидан ўз вақтида ҳар томонлама тергов ҳаракатларини олиб бориш зарур.

¹² Валтер Калин ва Ёрг Кунзли, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ҳуқуқи, Оксфорд, Оксфорд университети нашриёти, 2009, 112.

- Амалга татбиқ этиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар томонидан гўдаклар ўлимини камайтириш борасида қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, маъмурий чора-тадбирлар кўриш ҳамда бошқа ўлим ҳолатларини келтириб чиқарувчи ва уларнинг замиридаги сабабларга қарши курашиш керак.

Қийноқ, қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолаш турларининг тақиқланиши

- Ҳурмат қилиш. Ички ишлар ва тергов идоралари томонидан сўроқ қилиш жараёнида қийноқлардан фойдаланмаслик лозим.
- Ҳимоя қилиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар томонидан уйдаги зўравонлик ҳолатларига қарши қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш ва бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур.
- Амалга татбиқ этиш. Сўроққа тутишнинг мақбул усулларини қўллаш юзасидан ички ишлар ва тергов идоралари ходимларининг малакаларини ошириш зарурияти.

Сайлаш (сайланиш) ҳуқуқи

- Ҳурмат қилиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар овоз бериш жараёнига аралашмасликлари ва сайлов натижаларини ҳурмат қилишлари лозим.
- Ҳимоя қилиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар яширин овоз бериш жараёнини (сиёсатчилар, манфаатдор доиралар, оила аъзолари ёки иш берувчилар сингари) ҳокимият ваколатига эга бўлган шахслар томонидан ўтказилиши ва таҳдид солинишининг олдини олган ҳолда ташкил этиши зарур.
- Амалга татбиқ этиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар имкон қадар кўпроқ шахслар овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишларини таъминлашлари ва сайловларни эркин ва адолатли ўтказишлари шарт.

Таълим олиш ҳуқуқи

- Ҳурмат қилиш. Ҳокимият органлари ота-оналарнинг ўз фарзандлари учун мактаб танлашда эркин эканлигини ҳурмат қилиши керак.
- Ҳимоя қилиш. Расмийлар учинчи шахслар, шу жумладан ота-оналар қизларнинг мактабга боришларига тўсқинлик қилмаслигини таъминлаши керак.
- Амалга татбиқ этиш. Расмийлар таълим миллий озчилик ва маҳаллий халқларга маданий жиҳатдан муносиб бўлиши ва ҳар бир киши учун сифатли бўлишини таъминлаш учун ижобий чоралар кўришлари керак.

Саломатликка бўлган ҳуқуқ

- Ҳурмат қилиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар соғлиққа бўлган ҳуқуқни чеклашлари мумкин эмас (жумладан, мажбурий стерилизация ва тиббий тажрибалар ўтказиш орқали).

- Ҳимоя қилиш. Аёллар генитал мутиляцияси тақиқланиши ва бундай амалиётга барҳам бериш зарур.
- Амалга татбиқ этиш. Хизматларидан барча тенг асосларда фойдаланиши мумкин бўлган керакли миқдордаги шифохоналар ёки бошқа турдаги соғлиқни сақлаш муассасаларини ташкил этиш шарт.

Етарлича озиқ-овқат истеъмол қилиш ҳуқуқи

- Ҳурмат қилиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар аҳолини етарлича озиқ-овқат истеъмол қилишдан маҳрум қиладиган чора-тадбирлар кўришдан тийилишлари шарт.
- Ҳимоя қилиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар ҳокимият ваколатига эга шахслар ва ташкилотлар томонидан етарлича озиқ-овқат истеъмол қилиш ҳуқуқининг бузилишининг олдини олишга қаратилган қонунчилик асослари ва бошқа зарур чора-тадбирлар кўришлари зарур (масалан, ичимлик сувининг ташкилотлар томонидан ифлосланиши ёки деҳқонларнинг ер эгаси томонидан томорқалардан ҳайдалиши).
- Амалга татбиқ этиш. Ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар аҳолининг етарлича озиқ-овқат истеъмол қилиши ёхуд кам таъминланган аҳоли қатламларининг ўзларини боқиш имконига эга бўлишларини таъминлашларига қаратилган сиёсатни – қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ислохотлар ўтказишни – амалга оширишлари лозим.

Амалга ошириш тамойили

Амалга ошириш тамойили инсон ҳуқуқларини, хусусан, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг ижобий мажбуриятларига тааллуқлидир. Инсоннинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, масалан, ҳар кимнинг ҳам соғлом бўлишини кафолатлай олмайди. Бироқ соғлиқни сақлаш ҳуқуқига кўра давлатлар иқтисодий салоҳияти, ижтимоий ва маданий анъаналари ҳамда халқаро минимал стандартлар талабидан келиб чиқиб, барча фойдаланиш имкониятига эга бўлган маълум бир асосий соғлиқни сақлаш муассасаларини таъсис этишлари ва тиббий хизматлар кўрсатилишини таъминлашлари шарт. Амалга ошириш деганда ҳукуматлар томонидан гўдаклар ўлими кўрсаткичини камайтириш, ҳар минг аҳолига хизмат қиладиган шифокорлар сонини ошириш, маълум бир юқумли ва эпидемиологик касалликларга қарши эмланган аҳоли сони фоизини кўпайтириш ёки асосий тиббий хизматларнинг сифатини ошириш учун мақсадли саъй-ҳаракатлар олиб бориш тушунилади. Соғлиқни сақлаш тизимининг сифати камбағал давлатларда бой давлатларникига нисбатан паст бўлиши барчага равшан бўлгани сабаб бундай ҳолатларга давлатлар томонидан соғлиқни сақлаш ҳуқуқининг бузилиши, деб қаралмаслиги лозим. Соғлиқни сақлаш тизимининг сифатини оширишга қаратилган ижобий чора-тадбирлар қўрилмаслиги, соғлиқни сақлаш тизими сифатининг пасайтирилиши ёки айрим гуруҳларнинг (аёллар, диний ёки этник озчиликка мансуб кишилар) қасддан тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши ҳоллари эса саломатлик ҳуқуқининг бузилиши, деб талқин этилади.

Бузилган ҳуқуқларнинг самарали тикланишига бўлган ҳуқуқ

Асосий ҳуқуқий талаблар қўйишдан ташқари, ҳуқуқ бузилиши ҳолатларида миллий суд ёки маъмурий органга, шу жумладан, адлия ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга мурожаат қилиш имконияти мавжудлиги ҳуқуқ тушунчасининг моҳиятини белгилаб беради. Ўзининг ҳуқуқлари ҳурмат қилинмаганини, ҳимояланмаганини ёки амалга оширилмаганини иддао қилган ҳар бир шахс товон тўлаш бўйича буйруқ бериш ва қабул қиладиган қарорларининг ижроси таъминланадиган ваколатли ва мустақил давлат органларидан самарали чоралар кўрилишини сўраб мурожаат қилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг фикрига кўра (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни мониторинг қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг органи, батафсил маълумот олиш учун 5-бобга қаранг), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддаси 3-банди (а) хатбошисига мувофиқ давлатлар инсон ҳуқуқлари бузилишларини текшириш бўйича «зудлик билан, самарали мустақил ва холис органлар орқали»¹³ чоралар кўриши лозим. Бундай қилмаслик Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бузилиши саналади¹⁴. Қолаверса, Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг таъкидлашича, давлатлар муайян қонунбузарликлар, жумладан, қийноқ, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалалар қилганлар, одам ўлдириш ва шахсни ўз эркига зид тарзда йўқолиши каби жиноятларни содир этишда айбдорлар ҳисобланган шахсларни «одил жазога тортиш» мажбуриятини олган.¹⁵

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ва Халқаро инсонпарварлик қонунининг жиддий бузилиши қурбонларининг репарация олиш ва ўз ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига оид Асосий тамойиллар ва йўриқномаларда белгиланганидек¹⁶ давлатлар гумон қилинган қоидабузарликларни тергов қилиш ва зарур ҳолларда қўшимча чоралар кўриш; қонун бузилишларининг олдини олиш учун тегишли қонунчилик ва маъмурий чораларни кўриш; жабрланганларга ўз ҳуқуқларини самарали воситалар орқали тиклаш, одил судловдан тенг ва самарали фойдаланиш имкониятини тақдим этиш мажбуриятини олган.¹⁷

Халқаро жиноятлар ёки инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузгани учун шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишининг олдини олиш мақсадида унга нисбатан амнистия қўлланиши жабрланганларнинг ҳуқуқларини самарали воситалар орқали тиклаш, шу жумладан, зарарни қоплаш ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлади.¹⁸

¹³ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, Умумий шарҳлар №31, (2004 йил 26 май), 15-банд.

¹⁴ Ўша жойда.

¹⁵ Ўша жойда, 18-банд

¹⁶ UN Doc. A/RES/60/147 (2005 йил 16 декабрь)

¹⁷ Ўша жойда, 3-тамойил.

¹⁸ БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Қуролли зиддиятлардан кейинги даврдаги давлатларда қонун устуворлигини таъминлаш воситалари: Амнистия, Нью-Йорк ва Женева, БМТ, 2009, 11-бет.

10. Жадвал – Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва минтақавий шартномаларга мувофиқ шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклашга бўлган ҳуқуқига оид мисоллар

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддаси 3-бандига кўра аъзо давлатлар ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади: «а) мазкур пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахсни, агар бу ҳол расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимоялашнинг самарали воситалари билан таъминлаш; б) ана шундай ҳимоя талаб этувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар ёки давлат тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли идоралар томонидан таъминланиш ва суд орқали ҳимояланиш имкониятини ривожлантириш» ҳамда «берилган ҳуқуқий ҳимоя воситалари нуфузли ҳокимият идоралари томонидан қўлланилишини таъминлаш».

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 13-моддасига мувофиқ «ушбу конвенцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган шахс давлат идоралари тизими олдида ҳуқуқлари тикланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга».

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг (Коста Рика, Сан Хосе пакти номи билан ҳам аталади) 25-моддаси 1-бандида бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини талаб қилиш алоҳида ҳуқуқ сифатида эътироф этилган бўлиб, унга мувофиқ «ҳар бир шахс ушбу конвенция ёки тегишли давлат конституцияси ёхуд қонунлари билан тан олинган асосий ҳуқуқларини бузадиган хатти-ҳаракатлардан ҳимояланиш учун оддий ва тезкорлик билан ишни кўриб чиқадиган идоралар ёхуд ваколатли суд ёки маҳкама, шунингдек, бошқа муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга...»

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Араб хартиясининг 23-моддасига кўра «Ушбу хартиянинг ҳар бир иштирокчи давлати ҳар қандай шахснинг (мазкур Хартия билан) тан олинган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганда, ҳуқуқ бузилишлари расмий ваколат доирасидаги хатти-ҳаракат натижасида содир этилса ҳам унинг ўз ҳуқуқларини самарали тиклаш ҳуқуқини таъминлашга мажбурдирлар».

Бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини сўраб инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва минтақавий механизмларга мурожаат қилиш

Ўз ҳуқуқини қайта тиклаш учун давлат миқёсидаги барча имкониятлардан фойдаланиб бўлингачгина бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини сўраб инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва минтақавий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи қисман қабул қилинган. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясига мувофиқ шахслар доимий фаолият юритадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилишлари мумкин бўлиб, у қабул қилган қарорлар ижроси мажбуридир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартиясига қўшимча протокол ва Ғарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамияти шартномаси сингари ҳужжатларда ҳар бир ҳужжатнинг ўзига хослигидан

келиб чиқиб, шахс томонидан шикоят билан мурожаат қилиш механизмлари яратилган (батафсил маълумот олиш учун 8-бобга қаранг).

Бундан ташқари, шахслар инсон ҳуқуқларига оид ҳар бир асосий халқаро шартномага риоя қилишни назорат қилиш учун масъул бўлган шартномавий органларга шикоят юборишлари мумкин (батафсил маълумот олиш учун 5-бобга қаранг). Бироқ, айтишда фаолият юритадиган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро судлар йўқ.

Етказилган зарар учун репарация олиш ҳуқуқи

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, етказилган зарар учун репарация олиш ҳуқуқи ўз ҳуқуқларини самарали тиклаш ҳуқуқининг муҳим элементиدير. Инсон ҳуқуқлари бузилишлари давлатнинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида содир этилган тақдирда, у жабрланганларга нисбатан етарли, самарали ва тезкорлик билан репарация бериш мажбурияти остида қолади. Дарҳақиқат, агар репарация берилмаса, «шахс ҳуқуқларини самарали воситалар орқали тиклаб бериш мажбурияти» давлат зиммасидан соқит бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ва Халқаро инсонпарварлик қонунининг жиддий бузилиши қурбонларининг репарация олиш ва ўз ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига оид Асосий тамойиллар ва Йўриқномаларда етказилган зарар учун репарация олишнинг қуйидаги шакллари санаб ўтилган (батафсил маълумот олиш учун 11-жадвалга қаранг).

11. Жадвал – Инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишларидан жабр кўрган шахсларнинг репарация олиш ҳуқуқи

Ички давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ, ҳар бир индивидуал ҳолатдан келиб чиқиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ва Халқаро инсонпарварлик қонунининг жиддий бузилиши қурбонлари ҳар бир инсон ҳуқуқлари бузилишлари вазиятларига нисбатан муносиб ва мутаносиб равишда қўйидаги шакллардаги тўлиқ ва самарали репарация олиш ҳуқуқига эга:

Реституция жабрдийдани қаерда муносиб ва лозим деб топилса, тегишли ҳуқуқ бузилиши содир этилишидан олдин мавжуд бўлган вазиятига қайтаришдир. Реституция озодликни тиклаш, ўзи истиқомат қиладиган жойга қайтиш, ишга тикланиш ва мол-мулкни қайтаришдан иборат.

Реабилитация жабрдийданинг даволаниши учун ёрдам берадиган ҳуқуқий, тиббий, психологик ва ижтимоий чора-тадбирларни ўз ичига олади (масалан, қийноқ жабрдийдалари учун реабилитация марказларини ташкил этиш).

Зарарни қоплаш молиявий ва номолиявий зарарлар, шу жумладан, жисмоний ва ақлий зиён; йўқотилган имкониятлар (иш ўрни, таҳсил олиш ёки ижтимоий нафақалар); моддий зарар; пул ишлаб топиш имконияти ёки пулларини йўқотиш ва руҳий босим ҳолатларига тегишли.

Қаноатлантириш оммавий узр сўраш; масъулиятни бўйнига олиш; қурбонларни хотирлаш ва уларга ҳурмат бажо келтириш; имкони бўлса ва лозим топилса, ҳақиқатни ошкор этиш ва фактларга ойдинлик киритиш; расмий баёнот ёки ҳуқуқий қарорлар; инсон ҳуқуқлари жиддий бузилишларини содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқий ва

маъмурий санкциялар қўллаш; йўқолган инсонларни қидириш; қурбон ёки унинг оила аъзолари хоҳишига кўра мурдани қайта кўмиш ёки унинг шахсини аниқлаш; барча босқичлардаги таълим материалларида инсон ҳуқуқлари бузилишларига оид аниқ маълумотларни киритишни билдиради.

Ҳуқуқ бузилиши такрорланмаслигига кафолат бериш инсон ҳуқуқлари бузилишларини келгусида содир этилишининг олдини олишни англатади. Бундай чора-тадбирларга қонунчилик соҳасида ва институционал ислохотлар ўтказиш (судлар мустақиллигини кучайтириш сингари); давлат ишлари учун шахсларнинг лойиқлиги ва уларнинг кадр-қиммати текшириш дастурлари; давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар киради.

Бузилган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг тикланиши

Бузилган ҳуқуқларнинг тикланишига доир қоидалар (11-жадвалга қаранг) асосан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга тааллуқли бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид шартномалар – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ва Европа ижтимоий хартияси сингариларда шунга ўхшаш қоидалар берилмаган. Шунга қарамасдан, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг бузилиши ички ва минтақавий судлар, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий органлари олдида ҳал қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларларнинг моҳияти жуда ноаниқ бўлиб, уларнинг амалга оширилиши судлардан кўра қарор қабул қилиш ваколатига эга сиёсий ҳокимиятга топширилиши лозимлиги ҳақидаги қарашлар ишончли далилларга таянмагандир. Давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилиши учун мажбуриятлар бажарилишини талаб этадиган барча инсон ҳуқуқлари сиёсий қарорлар қабул қилинишини талаб қилади. Масалан, одил судлов ҳуқуқининг ўз вақтида амалга оширилиши учун судлов тизимининг салоҳиятини ошириш, шу жумладан, уларга зарур ресурсларни ажратиш, сиёсий қарорлар қабул қилиш билан боғлиқдир.

Айни шу йўсинда, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг бузилиши сингари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг бузилишлари ҳам судлар томонидан муҳокама қилиши мумкин. Масалан, жисмоний ва руҳий саломатликнинг кўрсатилиши мумкин бўлган энг юқори даражасидан фойдаланиш ҳуқуқининг асосий таркибий қисми саналган муҳим тез тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича давлатлар ўзларининг ижобий мажбуриятларини қай даражада бажараётганлиги судлар томонидан кўриб чиқирилиши мумкин. Судлар, шунингдек, давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ва улардан зудлик билан келиб чиқадиган бошқа вазифаларни, шу жумладан, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда белгиланган ҳуқуқларни кафолатлашда камситишни тақиқлаш бўйича ўз мажбуриятларини қай даражада бажараётганлиги борасида қарор қабул қилишлари мумкин.

Маҳаллий даражада иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳар доим ҳам миллий конституциялар ёки қонунларда кўрсатиб ўтилмаган. Бироқ, хусусан, Жанубий Африка

ва Ҳиндистон конституцион судлари кўрсатиб ўтганидек, миллий судлар соғлиқни сақлаш, таълим, тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ва етарли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи судлар томонидан тобора кенг муҳокама қилинмоқда (Жанубий Африка бўйича батафсил маълумот олиш учун 13-бобга қаранг). Яна бир муҳим мисол бу Босния ва Герцеговина Инсон ҳуқуқлари палатаси томонидан 1995 йили қабул қилинган Дейтон Тинчлик келишувининг 6-иловасига¹⁹ асосан турли хил иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан амалда фойдаланиш мобайнида йўл қўйилган камситишлар ёки шундай ҳолатларнинг рўй берганлигига оид тахминий маълумотларнинг тақдим этилганидир.²⁰

Минтақавий даражада, Европа Ижтимоий ҳуқуқлар қўмитаси Европа ижтимоий хартиясининг бузилишига доир жамоавий шикоятларни кўриб чиқиши мумкин ва бу борада катта иш амалиёти шаклланган. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди, Фарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамияти суди, Африка суди ва Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссияси иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг бузилиши юзасидан шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Фарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамияти суди, Африка суди ва Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссияси Африка хартиясида назарда тутилган барча ҳуқуқларнинг бузилишларига тегишли шикоятларни кўриб чиқса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди 1988 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясига қўшимча протоколнинг 19 (6)-моддасига кўра фақат таълим олиш ҳуқуқи ва касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига оид шахсий мурожаатларни ҳал қилишга ваколатлидир.

Халқаро миқёсда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол 2013 йил май ойида кучга кирганидан сўнг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасига шикоятлар билан мурожаат қилиш мумкин бўлди. Қўмита том маънодаги суд органи ҳисобланмаса ҳам, унинг қарорларини ижро этиш ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлмаса-да, унинг нуқтаи назари муҳим аҳамиятга эга. Қўмитанинг фикрлари муайян ҳолатларда давлат мажбуриятлари доирасини ва жабрдийдаларга етказилган зарарни бартараф этиш учун қабул қилиниши керак бўлган чоралар турларини аниқлашга ёрдам беради. Инсон ҳуқуқларига оид бошқа бир қатор халқаро шартномаларда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги қоидалар белгилаб берилган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция ва Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг тегишли шартномавий органлари ушбу шартномалар бўйича белгиланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид индивидуал шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли ҳисобланади (батафсил маълумот олиш учун 5-бобга қаранг). Худди шу маънода, айрим иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бир-бирига боғлиқлиги сабабли иқтисодий,

¹⁹ Дейтон Тинчлик келишуви, 6-илова: Инсон ҳуқуқлари бўйича битим, XIV модда (1995 йил 14 декабрь)

²⁰ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг яқунловчи кузатувлари, E/C.12/ВН/СО/1, (2006 йил 24 январь) 5-банд.

ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқларнинг баъзи жиҳатлари Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протоколга биноан таъсис этилган шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари томонидан муҳокама қилиниши мумкин. Масалан, озодликдан маҳрум қилинган шахсларга озиқ-овқат ёки тиббий ёрдам кўрсатишни рад этиш қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига тенглаштирилади. Мажбурий тартибда кўчириш ҳам хусусий ва оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуққа таъсир қилиши ёки тегишли қонуний талабларни бузиш ҳисобланиши мумкин.

Бузилган ижтимоӣ, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг тикланиши учун самарали чоралар кўришни таъминлашда муаммолар сақланиб қолинаётган бўлса-да, Иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протоколнинг кучга кириши каби сўнгги тенденциялар иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқларнинг судларда ҳимоя қилиш мумкин эмас, деган эскирган қарашларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлардан дарак беради.

12. Жадвал – Қонунчилик ва давлат ички судларининг иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги ваколатларига оид иккита мисол

Айрим мамлакатларда давлат ички судлари иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар Конституцияда мустаҳкамлангани боис Жанубий Африкада озиқ-овқат ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ва уй-жойга бўлган ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқлар суд томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Грутбум ишининг кўриб чиқилиши давомида (Жанубий Африка Республикаси ҳукумати Ирэн Грутбум ва бошқ аларга қарши, ССТ 11/100) Жанубий Африка Конституциявий суди томонидан иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишга алоқадор халқаро судлов амалиёти яратилди.

Мазкур суд иши кам таъминланганлар учун давлат томонидан арзон уй-жойлар қурилишини кутиб навбатда турган 900 киши бўш турган ерни эгаллаб олиши, сўнгра улар мажбурий тартибда кўчирилиб, қурган уйлари бузилганлигидан норози бўлиб ариза берганликлари билан боғлиқ.

Ариза берувчилар зарур уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи бузилганлигини даъво қилиб биринчи навбатда Олий судга ариза топширишади ва кейинчалик Конституцион судга шикоят билан мурожаат қилишади. Конституцион суд даъвогарларнинг даъволарини қўллаб-қувватлайди. Конституцион суд қарорига биноан давлатнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилмаслик ёки бу ҳуқуқдан фойдаланиш учун тўсиқ яратмаслик бўйича салбий мажбурияти ва бу ҳуқуқни амалга ошириш учун қулай муҳит яратиш бўйича ижобий мажбурияти бор эканлиги таъкидланди. Муҳтожлар учун уйғун ва мувофиқлаштирилган уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошира олмагани боис давлат уй-жойга бўлган ҳуқуқни босқичма-босқич амалга ошириш учун оқилона чоралар кўриш мажбуриятини бажармаганлиги аниқланди. Суд давлатга «умидсиз муҳтожларга ёрдам беришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, молиялаштириш, амалга ошириш ва буни назоратга олиш» тўғрисида буйруқ берди.

2003 йилда Шотландия парламенти томонидан «Уйсизлик тўғрисида»ги (Шотландия) Қонун қабул қилиниши муҳим қадам бўлиб, уй-жойга бўлган ҳуқуқ судлар томонидан кўриб чиқилиши учун замин яратилди. Аввалига қонун фақат «устувор эҳтиёж»и бўлган шахсларга нисбатан қўлланилган бўлса, «устувор эҳтиёж» мезони аста-секинлик билан ўн йиллик циклга алмаштирилди ва нихоят 2012 йил декабрда бекор қилинди. Шундай қилиб, Шотландиядаги ўз ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда уйсиз бўлган барча шахслар қонуний равишда уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлди. Буюк Британиянинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт талабларини қай даражада бажараётганини кўриб чиққан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси 2009 йилги ҳисоботида «Уйсизлик тўғрисида»ги (Шотландия) Қонунни «энг яхши амалиёт», деб топиб, Қонуннинг «айниқса, яшаш ҳуқуқи билан боғлиқ ҳуқуқни мажбурий ҳуқуқ сифатида эътироф этган» қоидаларини Буюк Британиянинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этишни тавсия қилди.

Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни миллий судлар томонидан кўриб чиқилишига оид қўллаб мисолларини 13-бобдан топиш мумкин.

Қўшимча ўқиш учун

- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг жиддий бузилиши қурбонларининг репарация олиш ва ўз ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига оид Асосий тамойиллар ва йўриқномалар. UN Doc. A/RES/60/147, (2005 йил 16 декабрь)
- Жавобгарликка тортилмасликка қарши курашиш тадбирлари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш тўғрисидаги янгиланган тамойиллар тўплами, E/CN.4/2005/102/Add.1, (2005 йил 8 февраль)
- Қуроли зиддиятлардан кейинги даврдаги давлатларда қонун устуворлигини таъминлаш воситалари: Амнистия. Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТ, 2009. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org>.
- БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Қуроли зиддиятлардан кейинги даврдаги давлатларда қонун устуворлигини таъминлаш воситалари: Репарация дастурлари, Нью-Йорк ва Женева, БМТ, 2008. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org>.
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар юзасидан кўп бериладиган саволлар, 33-сонли Ахборотнома, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Нью-Йорк ва Женева, БМТ, 2008. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet33en.pdf>.



Учинчи боб

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ Иккинчи жаҳон урушидан сўнг БМТнинг ташкил этилиши ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий шартномаларнинг қабул қилиниши ва ратификация қилиниши билан вужудга кела бошлаган. Унга қадар халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқий доирасининг бугунги ҳолатга келишига бир қатор омиллар сабабли тамал тоши қўйилган эди. Инсон ҳуқуқлари айрим давлатлар ички ҳуқуқий тизими билан, хусусан, Франциянинг 1789 йилдаги Шахс ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси ва АҚШда 1776 йилда қабул қилинган Ҳуқуқлар тўғрисидаги декларация ҳамда Мустақиллик Декларациясида ҳуқуқий ҳимояланган эди. Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқнинг дипломатик ҳимоя доктринасига мувофиқ давлатлар хориждаги фуқаролари номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мазкур қоидага кўра ажнабий фуқароларга бўлган муносабатларда халқаро минимал стандартларга амал

Инсон ҳуқуқларига оид асосий шартномалардан бири бўлган Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1984 йилда қабул қилинган. Конвенцияга мувофиқ давлатлар ўз юрисдикциялари остидаги барча ҳудудларда қийноқларга қарши самарали чоралар кўриши талаб этилади.

©БМТ фотоси/Тобин Жонес

қилиниши таъминланган. Кейинчалик, Халқаро қизил хоч ҳаракатининг таъсири остида ва 1919 йили Халқаро меҳнат ташкилотининг таъсис этилиши тегишли Женева конвенциялари²¹ ва саноат корхоналари ишчиларини улкан эксплуатациядан ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган илк халқаро конвенцияларнинг қабул қилинишига туртки берди.

Ниҳоят, Биринчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган оз сонли шартномалар этник ва тил жиҳатдан озчиликни ташкил этадиган аҳоли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилгани туфайли баъзида инсон ҳуқуқларига оид замонавий халқаро ҳужжатларнинг ишлаб чиқишига сабаб бўлган, деб ҳисобланади. Шунингдек, 1926 йилда қабул қилинган Қуллик тўғрисидаги конвенция ва 1956 йилдаги Қулликни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча конвенция иштирокчи давлатларни қул савдосини таъқиб этиш ва қулликни бекор қилишга чақирган эди. Масалага қатъий ёндашадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, юқорида тилга олиб ўтилган шартномаларда шахснинг инсон ҳуқуқлари кафолатланмаган бўлиб, фақатгина давлатларга мажбурият юкланган эди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро билл

1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсис этилиши билан *«инсон ҳуқуқларига ва барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантириш»*²² халқаро ҳамжамият олдидаги энг асосий мақсадлардан бирига айланди. «Инсон ҳуқуқлари» иборасининг мазмун моҳияти расман илк мартаба 1948 йили қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида аниқлаб берилган. Лойиҳа ишлаб чиқиладиган ва овоз бериш жараёнида бу ҳужжатга ҳуқуқий жиҳатдан бажариш мажбурий бўлмаган ҳужжат сифатида қаралган бўлса-да, бугунга келиб – орадан 70 йилдан зиёдроқ вақт ўтгач, бу декларация инсон ҳуқуқларига доир умумий стандарт ҳисобланади.

«Декларация абадий ва инсониятнинг қадр-қиммат, тенглик асосида ва хавфсиз яшашга бўлган теран орзулари қамраб олинган қудратли ҳужжатдир. Унда минимал стандартлар белгилаб берилган бўлиб, ахлоқий саналган қадриятлар ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши лозим бўлган мажбурият даражасига кўтарилди».

Серхио Виейра де Мемо Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ собиқ олий комиссари, 2002 йил 10 декабрь, Инсон ҳуқуқлари кунида қилган маърузасидан

²¹ Женева конвенциялари ва гуманитар ҳуқуқ тўғрисида кенгроқ маълумот олиш учун қarang: Respect for International Humanitarian Law: a Handbook for Parliamentarians, Geneva, IPU, 1999. (Халқаро гуманитар ҳуқуқни ҳурмат қилиш: парламент аъзолари учун қўлланма, Парламентлараро иттифок, Женева, 1999 йил).

²² БМТ Низоми, 1-боб, 1-модданинг 3-банди.

13. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссияси Элеанора Рузвельт, Рено Касин, Чарльз Малик сингари таниқли шахслар бошчилигида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси лойиҳасини икки йил ичида ишлаб чиқишга муваффақ бўлинган. Бу ҳужжат 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган. Фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда ҳар бир шахснинг ушбу декларацияда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартибга бўлган ҳуқуқи ушбу декларацияда белгилаб берилган. Бу ҳужжат ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши шарт бўлмаса ҳамки, унинг қабул қилинишида социалистик давлатлар ва Жанубий Африка бетарафликни афзал кўрганлар. Декларация қоидаларига амал қилиш ахлоқий ва сиёсий сабабларга кўра ва инсон ҳуқуқлари БМТ томонидан қандай тушунилишини билдирадиган ҳужжат сифатида кенг жамоатчилик томонидан тан олинган. Ҳозирда Декларация инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида БМТ Низоми асосида ташкил этилган идоралар тизими фаолияти ҳуқуқий асосининг муҳим унсури бўлиб хизмат қилиб келмоқда (батафсил маълумот олиш учун 6-бобга қаранг).

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун деярли 2 йил вақт сарфланган бўлса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг матни борасида келишувга эришиш учун 20 йилга яқин вақт сарфланди. Олти йил давомида олиб борилган лойиҳа ишлаб чиқиш ишларидан сўнг бу ҳужжатлар матни хусусида 1954 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясида (батафсил маълумот олиш учун 6-бобга қаранг) бир тўхтамга келинди. Аммо уларнинг қабул қилиниши учун Бош ассамблеяга яна 12 йил керак бўлди. Зарур 35та ратификация ёрлиқларининг тўпланишига қўшимча 10 йил вақт сарфланганидан кейин халқаро пактлар ниҳоят 1976 йили кучга кирди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва иккала халқаро пактлар – Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро билл номи билан танилган – БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид ягона умумий ҳужжатлари саналади.

Инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳужжатлар

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро биллга қўшимча равишда бир қатор ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий аҳамият касб этувчи махсус халқаро шартномалар қабул қилинган бўлиб, уларда шикоятлар билан мурожаат қилиш, маълумотларни етказиш ва тергов (тафтиш) ўтказиш таомилларига тегишли қоидаларни амалга татбиқ этиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа муҳим масалалар қамраб олинган. Иккала халқаро пактлар билан биргаликда қўйидаги шартномалар «инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳужжатлар» (батафсил маълумот олиш учун 5-бобга қаранг) сифатида тан олинган:

- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил қабул қилинган, 1976 йил кучга кирган);
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол (1966 йил қабул қилинган, 1976 йил кучга кирган); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча иккинчи протокол (1989 йил қабул қилинган);

- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил қабул қилинган, 1976 йил кучга кирган);
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол (2008 йил қабул қилинган, 2013 йил кучга кирган);
- Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1965 йил қабул қилинган, 1969 йил кучга кирган);
- Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979 йил қабул қилинган, 1981 йил кучга кирган);
- Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга қўшимча протокол (1999 йил қабул қилинган, 2000 йил кучга кирган);
- Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984 йил қабул қилинган, 1987 йил кучга кирган);
- Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияга қўшимча протокол (2002 йил қабул қилинган, 2006 йил кучга кирган);
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил қабул қилинган, 1990 йил кучга кирган);
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли қўшимча протоколи ҳамда Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли қўшимча протокол (2000 йил қабул қилинган, 2002 йил кучга кирган);
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг шикоят билан мурожаат қилиш таомили тўғрисидаги қўшимча протоколи (2011 йил қабул қилинган, 2014 йил кучга кирган);
- Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1990 йил қабул қилинган, 2003 йил кучга кирган);
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (2006 йил қабул қилинган, 2008 йил кучга кирган);
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшимча протокол (2006 йил қабул қилинган, 2008 йил кучга кирган);
- Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (2006 йил қабул қилинган, 2010 йил кучга кирган).

БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари

БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалар томонидан аёллар, қочоқлар, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, маҳбуслар, ногиронлар, болалар, ўсмирлар ва жабрланувчилар каби махсус гуруҳлар манфаатларини муҳофаза қилиш борасида

инсон ҳуқуқларига оид бир неча халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Бундан ташқари, умумжаҳон миқёсида тан олинган инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар қулчилик, қийноқ, ўз ихтиёрига қарши равишда бедарак йўқолиш, геноцид, мажбурий меҳнат, диний бағрикенглик ёхуд таълим олиш, ишга жойлашиш, ривожланиш, оила-никоҳ, одил судлов, тинч намоёйишлар ўтказиш, ахборот олиш ва излаш эркинлигига дахлдор инсон ҳуқуқларига тегишли айрим масалалар ва инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ҳолатларига тааллуқлидир.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг батафсил рўйхати Илова қисмида берилган.

14. Жадвал – Инсон ҳуқуқларига оид ва улар билан боғлиқ халқаро ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш

Инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро шартномалар БМТ Бош ассамблеяси, БМТга аъзо барча 193 мамлакат аъзоларидан ташкил топган ва унинг фаолиятида ҳар бир аъзо бир овозга эга бўлган орган томонидан қабул қилинади. Шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш одатда бажарилиши ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлмаган декларациянинг қабул қилиниши билан бошланади. Декларацияларда умумий қоидалар юзасидан бир тўхтамга келинган, ҳуқуқий жиҳатдан олиб қаралганда бажарилиши мажбурий бўлган стандартларни ишлаб чиқиш борасидаги янада қийин бўлган жараён орқали халқаро шартномаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ишлари давом эттирилади.

2006 йилга қадар инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатларнинг матнлари қоида тариқасида, энг аввало, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссияси томонидан тайёрланар эди. Комиссия аксарият ҳолларда бу вазифани ўзининг доимий асосда фаолият юритувчи Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш бўйича кичик комиссиясига ёки айнан шу мақсадда ташкил этиладиган ва сессиялараро вақт оралиғида фаолият олиб боровчи ишчи гуруҳлари зиммасига юқлар эди. Лойиҳанинг комиссия ва унинг ёрдамчи органлари томонидан тайёрланиши кўпинча бир неча йилдан йигирма йилгача вақтни олиши мумкин.

2006 йил Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссияси ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш бўйича кичик комиссия ўрнида мос равишда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва Маслаҳат қўмитасининг ташкил этилиши билан (батафсил маълумот олиш учун 6-бобга қаранг) эндиликда янги ҳужжатлар лойиҳалари матнлари БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан тайёрланмоқда. Лойиҳалар матнлари муҳокамалардан сўнг БМТ Бош ассамблеяси, хусусан, унинг Ижтимоий, гуманитар ва маданий масалалар бўйича учинчи қўмитаси томонидан расман қабул қилиниши лозим.

Шартнома, асосан консенсус асосида Бош ассамблея томонидан қабул қилиниши биланоқ БМТга аъзо давлатлар имзолаши ва ратификация қилиши учун очик деб эълон қилинади. Зарур миқдордаги ратификация ёки қўшилиш тўғрисидаги ёрлиқлар топширилганидан сўнг шартнома кучга кирган деб ҳисобланади.

15. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари юриспруденцияси

Инсон ҳуқуқларига оид шартномалар ва конвенциялар халқаро миқёсда мониторинг олиб боришга ваколатли бўлган ихтисослашган органлар ва судлар юрисдикцияси орқали доимо ривожлантирилиб бораётган ҳуқуқ тармоғини ташкил этади (шартномавий органлар бўйича батафсил маълумот олиш учун 5-бобга ва инсон ҳуқуқларига доир минтақавий шартномалар ва уларнинг амалдаги ижроси юзасидан мониторинг олиб борилиши бўйича батафсил маълумот олиш учун 8-бобга қаранг). Ўтган давр мобайнида бу органлар томонидан халқаро шартномаларни қабул қилиш пайтида назарда тутилган асосий мақсадлар чегарасини кесиб ўтиш ҳолатлари, яъни шартномада назарда тутилган қоидаларни кенг маънода талқин этиш ва шартнома қоидаларини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қўллаш амалиёти кенг тус олмоқда. Масалан, 1950 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 3-моддасига кўра инсон қадр-қимматини камситувчи ва инсонийликка зид жазолаш ва муомала турларининг тақиқланиши бу ҳужжат қабул қилинган пайтларда жисмоний жазолашнинг аҳамиятсиз кўринишларига нисбатан қўлланилиши назарда тутилмаган эди (бунга мисол қилиб Британия мактабларидаги ўқитувчиларнинг ўқувчини жисмоний жазолашини келтириш мумкин). Бироқ конвенциянинг жонли яшовчи ҳужжат сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан қўлланилиши амалиётидан маълумки, ушбу ҳужжатнинг 3-моддасига кўра ҳар қандай кўринишдаги жисмоний жазо чораларининг қўлланиши қонунга зид деб ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди, БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (батафсил маълумот олиш учун 5-бобга қаранг) ва БМТнинг шартномавий органлари ҳам худди шундай ҳулосага келганлар. Худди шунга ўхшаш ҳолатни БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Унинг қарорларига кўра Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддасида кафолатланган озодлик ҳуқуқи ва шахсий хавфсизлик ҳуқуқи расман озодликдан маҳрум этилиш ҳолатларидагина чекланишига тааллуқли эмас: 1985 йилдаги **Делгадо Паез Колумбияга қарши 195-сонли иш** натижалари бўйича эълон қилинган қарорга мувофиқ давлатларнинг ўз юрисдикциясидаги озодликдан маҳрум этилмаган шахсларнинг ўз ҳаётларига солинаётган таҳдидлардан огоҳлантиришига қарамай, уларни ҳимоялаш учун тегишли ва муносиб чора-тадбирлар кўрмаслиги ҳам озодлик ҳуқуқи ва шахсий хавфсизлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади. Қўмитанинг бу қарорини халқаро ҳуқуқдаги муҳим аҳамиятга молик ривожланиш сифатида баҳолаш мумкин.

Қўшимча ўқиш учун

- БМТнинг шартномавий органлари иш фаолияти ва амалиётига алоқадор материаллар тўплами. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://juris.ohchr.org>.



Тўртинчи боб

Давлатлар инсон ҳуқуқларини чеклаши мумкинми?

БМТдаги Ташриф
буюрувчилар лоббисининг
Асосий галереясида
ўтказилган «Инсон
ҳуқуқлари эскизларда»
кўргазмасида намоиш
этилган ливанлик рассом
Ставро Жабра томонидан
чизилган карикатура. ©

АФП/Стан Ҳонда

«Қийноқ» ва «қулчилик»нинг тақиқланиши каби айрим турдаги инсон ҳуқуқлари бузилишлари мутлақ характерга эга. Қийноқлар тўғрисидаги конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ қийноқ сифатида баҳолаш мумкин бўлган, масалан, электр токи ёки бошқа жисмоний ва руҳий оғриқ келтириб чиқарадиган усуллардан фойдаланиш, тергов техникаларининг қўлланилиш амалиётини, ҳаттоки содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган террористик хуружларнинг олдини олиш бўйича аксилтеррор чора-тадбирлар кўришда ҳам қандай мақсадни кўзлаб амалга оширилишидан қатъи назар ҳеч қанақасига оқлаб бўлмайди.

Бироқ инсон ҳуқуқларининг аксарияти мутлақ эмас ва шунинг учун уларга нисбатан баъзи чекловлар, жумладан, изоҳлар, истиснолар ва шартнома қоидаларининг қўлланилиш доирасини чеклашни назарда тутувчи қоидалар қўлланилади. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойили давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларини бузганлигини баҳолашда ҳар бир давлатнинг ўзига хос ҳолатлари ва имкониятларини инобатга

олишни англатади. Шу боис инсон ҳуқуқларининг асосий мазмуни умуминсоний бўлса-да, баъзи мажбуриятлар дарҳол кучга киради ҳамда давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришда нисбий эркинликка эга.

Чекловлар жорий этишга тааллуқли қоидалар

Инсон ҳуқуқларига доир шартномаларга давлатлар қўшилаётган пайтда улар зиммасига юкланадиган шартнома қоидаларини сидқидилдан бажариш мажбурияти унинг қўлланилишини чеклашни назарда тутувчи чекловлар жорий этишига сабаб бўлади. Ўз фикрини эркин ифодалаш, тинч намоишлар ўтказиш ва жамоат бирлашмаларига уюшиш сингари айрим сиёсий ҳуқуқлардан амалда фойдаланиш ҳуқуқдан ташқари мажбуриятни ҳам билдиради. Шу боис уларнинг амалга оширилиши миллий хавфсизлик манфаатлари, ҳудудий яхлитлик, жамоат тартибини сақлаш, тартибсизликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, оммавий соғлиқ ва ахлоқий меъёрларни, бошқа шахслар қадр-қиммати, обрў-эътибори, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш илинжида айрим тоифа расмийлик, чекловлар ва жарималар қўлланилишини келтириб чиқариши мумкин. Агарда шахслар ирқий ва диний адоват, уруш ёхуд бошқа шакллардаги жиноятларни тарғиб этиш мақсадида ўз сўз эркинликлари ёхуд намоишларда иштирок этиш ҳуқуқини суистеъмол қиладиган бўлсалар, бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳукуматлар бу ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланишни чеклаб қўйишлари мумкин. Жорий этиладиган ҳар қандай давлат аралашуви, чеклов ёхуд жазо чоралари давлатларнинг ички қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай демократик жамиятда тегишли мақсадларга эришиш учун зарур бўлган даражада ва миллий хавфсизлик талабларидан келиб чиқиб ўрнатилиши лозим. Шунинг эътиборига олиш зарурки, давлатлар ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай чекловлар жорий этиш заруратини ва бу чекловлар қонуний мақсадларга эришиш йўлидаги бирдан-бир чора-тадбир эканлигини исботлашлари талаб этилади²³.

16. Жадвал – Чеклов ўрнатувчи қоидалар: давлатлар ички юриспруденциясига мувофиқ амал қиладиган чекловларга мисоллар

Давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларига оид шартномаларнинг амал қилишига нисбатан жорий этиладиган чекловларнинг *нечоғлик қонуний эканлиги, ички қонунчилик талабларига жавоб бериши ва мутаносиблигини* аниқлаш инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар зиммасига юкланган. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясини Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди бир томондан давлатлар амалга татбиқ этишда ўз ихтиёрларига кўра талқин этиши мумкин, деб эътироф этган бўлса²⁴, иккинчи томондан давлатлар бундай чекловлар жорий этишга сабаб бўладиган

²³ Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддаси.

²⁴ Шартнома шартларини амалга татбиқ этишда давлатлар ўз ихтиёрларига кўра талқин этиши мумкинлиги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан кўп ҳолатларда қўлланилинади. Бошқа ташкилотлар, масалан, Инсон ҳуқуқлари қўмитаси шартномани эркин талқин қилиш каби шунга ўхшаш тушунчаларни қўллаيدди.

ижтимоий эҳтиёжни исботлаб беришларини талаб қилади. Масалан, Ирландия ҳукумати томонидан жиноят қонунчилигига кўра бесоқолбозликнинг тақиқланиши пировардида омма ахлоқини ҳимоя қилиш учун зарур, деб эътироф этилгани суд томонидан рад этилганининг сабаби ўша пайтда бесоқолбозликни тақиқлашга қаратилган қонунчилик асосларининг бирон-бир Европа давлати томонидан қабул қилинмагани ва қонун билан бундай шахсий муносабатнинг тақиқланиши инсон ҳуқуқларини чекланиши сифатида талқин этилгани билан изоҳланган эди. Суд фикрича, Ирландия давлат маъмурлари бесоқолбозликни тақиқлаш асносида шахсий дахлсизлик ҳуқуқига жуда кенг ёндашган бўлиб, шахсий масала ҳисобланган жинсий муносабатларга чекловлар жорий этилишига сабаб бўладиган даражадаги ижтимоий эҳтиёж йўқ, деб топилди.

Фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда йўл қўйиладиган истиснолар

Истисно ҳолатларда қуролли можаролар, исён, табиий офат ёки бошқача тарздаги фавқулодда ҳолатлар халқ ҳаётига жиддий таҳдид соладиган тақдирда, ҳукуматлар инсон ҳуқуқларига оид ўз мажбуриятларини чеклашга қаратилган чора-тадбирлар кўришлари мумкин бўлиб, бунда улар қуйидаги талабларга риоя этиши лозимдир:

- Халқ ҳаётига жиддий таҳдид соладиган фавқулодда ҳолат расман эълон қилиниши шарт;
- Фавқулодда ҳолатнинг эълон қилиниши туфайли давлатнинг инсон ҳуқуқларига оид мажбуриятларига нисбатан чекловлар жорий этилиши халқаро ташкилотлар ва бошқа инсон ҳуқуқларига тегишли шартномаларда иштирок этувчи давлатлар ваколатли идоралари эътиборига етказилиши лозим;
- Бундай чеклашларнинг ўрнатилиши мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, ҳолатга қатъий мутаносиб даражада ўрнатилишига рухсат бериш;
- Фавқулодда ҳолатнинг тугаши биланоқ чеклашларнинг амал қилишини бекор қилиш;
- Давлат ҳаётини хавф остида қолдирадиган фавқулодда ҳолатларда ҳам чекланиши ёхуд бошқача тарзда уларга дахл қилиниши мумкин бўлмаган ҳуқуқларга нисбатан чекловлар жорий этилишига йўл қўймаслик (батафсил маълумот олиш учун 17-жадвал ва 5-бобга қаранг).

17. Жадвал – Давлат ҳаётини хавф остида қолдирадиган фавқулодда ҳолатларда ҳам чекланиши ёхуд бошқача тарзда уларга дахл қилиниши мумкин бўлмаган ҳуқуқлар, эркинликлар ва чекловлар рўйхати

Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 4-моддасига мувофиқ

- Яшаш ҳуқуқи

- Қийноқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолаш турларининг тақиқланиши
- Қулчилик ёки қарамликнинг ман этилиши
- Қарздорлиги учун озодликдан маҳрум этмаслик
- Орқага қайтиш кучига эга жиноят қонунчилиги нормалари қўлланилишининг тақиқланиши
- Қонун олдида инсон сифатида эътироф этиш ҳуқуқи
- Фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 15-моддасига мувофиқ

- Яшаш ҳуқуқи, уруш оқибатида ҳаётдан қонуний маҳрум этиш ҳолатлари бундан мустасно
- Қийноқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолаш турларининг тақиқланиши
- Қуллик ва қарамликнинг тақиқланиши
- Орқага қайтиш кучига эга жиноят қонунчилиги нормалари қўлланилишининг тақиқланиши

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг 27-моддасига мувофиқ

- Ҳуқуқий шахс бўлиш ҳуқуқи
- Яшаш ҳуқуқи
- Инсоний муомалага бўлган ҳуқуқ
- Қуллик ва қарамликнинг тақиқланиши
- Орқага қайтиш кучига эга жиноят қонунчилиги нормалари қўлланилишининг тақиқланиши
- Виждон ва дин эркинлиги
- Фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқи
- Давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи
- Бузилган ҳуқуқларнинг суд тартибида тикланишига бўлган ҳуқуқ
- Исмга бўлган ҳуқуқ
- Оилага бўлган ҳуқуқ
- Болалар ҳуқуқлари
- Юқорида кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган суд кафолатларига эга бўлиш ҳуқуқи

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартиясига мувофиқ

- Низомда чекланиши ёхуд бошқача тарзда уларга дахл қилиниши мумкин бўлмаган ҳуқуқлар мавжуд бўлмаса-да, бироқ иштирокчи-давлатлар фавқулдда вазиятларда маълум ҳуқуқларни чеклаши мумкин.²⁵

Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартиясининг 4-моддасига мувофиқ

- Яшаш ҳуқуқи
- Қийноқ, қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолаш турларининг тақиқланиши
- Инсонларда тиббий ёки илмий тажрибаларни ўтказиш ёки инсон органларини сотишни тақиқлаш
- Қуллик, қарамлик ва одам савдосининг тақиқланиши
- Ваколатли, мустақил ва холис суд олдида адолатли судловга бўлган ҳуқуқ, шу жумладан зарур молиявий маблағларсиз ҳуқуқий ёрдам олиш
- Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳибсга олиниши асослари қонунийлигини ваколатли суд томонидан белгиланишига бўлган ҳуқуқ (ҳабеас корпус)
- Орқага қайтиш кучига эга жиноят қонунчилиги нормалари қўлланилишининг тақиқланиши
- Шартнома қарзини тўламаганлик учун озодликдан маҳрум қилишни тақиқлаш
- Айна бир жиноят учун икки марта жиноий таъқиб қилишни тақиқлаш
- Озодликдан маҳрум этилганларнинг инсоний муносабатга бўлган ҳуқуқи
- Қонун олдида тан олиниш ҳуқуқи
- Шахсларнинг ҳар қандай мамлакатдан чиқиб кетиши ёки ҳар қандай мамлакатда яшашини ноқонуний равишда тақиқлаш
- Сиёсий бошпана олиш ҳуқуқи
- Фуқароликка бўлган ҳуқуқ
- Қонун билан ўрнатилган чекловлар доирасида фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи
- Юқорида кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган суд кафолатларига эга бўлиш ҳуқуқи

18. Жадвал – Фавкулодда ҳолатларда чекловлар ўрнатиш тўғрисидаги Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 29-сонли Умумий шарҳи (2001)

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг назорат органи сифатида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларини изоҳлашда иштирокчи давлатларга ёрдам бериш учун умумий шарҳ бериши мумкин. Фавкулодда вазиятлар ҳақидаги 29-умумий шарҳда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита таъкидлаганидек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 4 (2)-моддасида берилган фавкулодда ҳолатлар жорий этилганда ҳам чекланиши мумкин бўлмаган мавжуд ҳуқуқлар рўйхатига мутлақо тўлиқ рўйхат сифатида қараш ўринли эмас. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 4 (2)-моддасида берилмаган барча шахсларнинг инсоний муносабатда бўлинишига бўлган ҳуқуқи, инсоннинг ўз қадр-қимматини ҳурмат қилинишига бўлган ҳуқуқи ёки уруш ва адоватни тарғиб қилишни тақиқланиш сингари айрим ҳуқуқлар ёки ҳуқуқлар элементлари қонунан чекланиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита процессуал кафолатлар, шу жумладан суд кафолати каби ҳеч қачон чекланиши мумкин бўлмаган ҳуқуқлар ҳимоя қилинишининг олдини оладиган чоралар кўрилиши мумкин эмас, деган фикрни илгари сурди. Бундан ташқари Қўмита, «қонунийлик ва қонун устуворлиги тамойиллари фавкулодда ҳолат шароитида адолатли суд жараёнининг асосий талабларига риоя қилишни талаб қилади», деб таъкидлади.

19. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари ва истисно давлатлар бўйича БМТ махсус маърузачиси Л.Деспойнинг «Парламент, Инсон ҳуқуқлари кўриқчиси» мавзусидаги Парламентлараро иттифок симпозиумидаги маърузасидан, Будапешт, 1993

«Тажриба шуни кўрсатадики, фавкулодда ҳолатларни тартибга солувчи қоидалар конституциявий чоралар даражасига эга бўлиши керак. Аксарият давлатлар қонунчилигида бу аниқ кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бироқ айрим мамлакатлар қонунчиликда «фавкулодда ҳолатлар мавжудлиги сабабли ҳеч қайси давлат органи қонунчилик вазифасини ўз зиммасига олмайди» деган иборалардан фойдаланиб, ҳуқуқларга билвосита тарзда дахл қилади».

Шартномаларга изоҳ бериш

Давлатлар шартномага қўшилиш, уни тасдиқлаш, ратификация қилиш ёки имзолаш пайтида айрим ҳолатларда ўз тутган позицияларини бир томонлама изоҳлаш ҳуқуқига эга бўлиб, изоҳ бераётган давлат унга нисбатан шартноманинг қоидалари

ҳуқуқий таъсирини ўзгартириш ёки уларга нисбатан амал қилмаслигини билдириб ўтади. Бундай изоҳ бериш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқда «изоҳ бериш», «баёнот бериш», «меморандум», «шарҳлаш баённомаси» ёки «шарҳ бериш» деб аталади.

1969 йилда қабул қилинган Шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 19-моддасига мувофиқ давлатлар халқаро шартномани имзолаш, ратификация қилиш, тасдиқлаш ёки уларга қўшилиш жараёнида қуйидаги шартларга биноан изоҳ беришлари мумкин:

1. Агарда шартномада унга изоҳ бериш тақиқланмаган бўлса;
2. Агарда шартномада муҳокама этилаётган масалага оид махсус изоҳлар бериш имкони тақиқланмаган бўлса;
3. Юқорида тилга олинган икки ҳолат ҳам назарда тутилмаган бўлса, изоҳлар бериш шартноманинг мақсад ва вазифаларига зид ҳисобланади.

Мабодо шартномаларда шартнома қоидалари юзасидан изоҳлар бериш ҳақида тўхталиб ўтилмаган ва давлатлар аллақачон изоҳлар берган бўлса ҳамда шартномага аъзо давлатлар ўртасида изоҳ ёрлиғи тарқатилган бўлса, давлатлар изоҳ бериш тўғрисидаги ўз мақсадини изҳор этган кундан бошлаб, шартномада иштирок этувчи бошқа давлатлар изоҳга 12 ой давомида ўз фикрини билдиришлари мумкин. (1969 йилда қабул қилинган Шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 20-моддаси 5-бандига қаранг).

Агарда шартномада бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлатлар исталган пайтда ўзи берган изоҳлари ёки изоҳлар юзасидан берилган фикрларини тўлиқ ёки қисман бекор қилишлари мумкин. Шартнома тузиш органи томонидан тегишли шартнома мазмуни ва мақсадига мос келмайдиган деб топилган изоҳ бекор қилинади. Натижада ушбу шартнома қоидалари давлатга нисбатан ҳеч қандай изоҳларсиз қўлланилади (Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг №24-сон умумий шарҳи, CCPR/C/21/Rev.1/Add.6, 18-банд) (батафсил маълумот олиш учун 10-бобга қаранг).

Қўшимча ўқиш учун

- Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг фавқулодда ҳолатлар тўғрисидаги 29-сонли умумий шарҳи (CCPR/C/21/Rev.1/Add.11).
- Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг халқаро пакт ва қўшимча протоколларни ратификация қилиш ёки уларга қўшилиш жараёнида берилган изоҳ ёки халқаро пактнинг 41-моддасига мувофиқ берилган баёнотлар тўғрисидаги 24-сонли Умумий шарҳи.
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларини амалда бажармаслик ёки чеклашга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги Сиракуса тамойиллари (E/CN.4/1985/4, илова).



Бешинчи боб

Бирлашган миллатлар ташкилотининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномавий органлари

Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида БМТ томонидан қабул қилинган асосий 9 та халқаро шартнома ва уларнинг қўшимча протоколлари юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини қандай бажараётганлиги (батафсил маълумот олиш учун 3-бобга қаранг) шартномалар мониторингини олиб борувчи идоралар ёки шартномавий қўмиталар номи билан маълум бўлган эксперт органлар томонидан мониторинг қилинади.

- Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт);
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт);
- Ирқий камситишларга барҳам бериш қўмитаси (Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция);

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси энг кўп давлатлар томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартнома ҳисобланади. Конвенцияга мувофиқ иштирокчи давлат томонидан шартноманинг ижро этилиши устидан мониторинг олиб бориш учун 18 нафар мустақил экспертлардан иборат Қўмита таъсис этилган.

© АФП/Ризван Табассум

- Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита (Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция);
- Қийноқларга қарши курашиш қўмитаси (Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция);
- Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олиш бўйича кичик қўмита;
- Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита (Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция);
- Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита (Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция);
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қўмитаси (Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция);
- Ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш қўмитаси (Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция).

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан 1985 йилда қабул қилинган резолюцияга мувофиқ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг иштирокчи давлатлар томонидан амалга татбиқ этилиши ва бажарилишини назорат қилиб боровчи Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита ташкил этилган бўлиб, юқорида номлари зикр этилган қолган барча қўмиталар бевосита тегишли шартномалар қоидаларига кўра таъсис этилган ва шартномалар кучга кириши биланоқ ўз фаолиятини бошлаганлар.

Қўмиталарга аъзолик ва уларнинг фаолият юритиш асослари

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси, Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш қўмитаси, Бола ҳуқуқлари қўмитаси ва Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қўмитасининг ҳар бири 18 аъзодан ташкил топган бўлса, Ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш қўмитаси ва Қийноқларга қарши курашиш қўмитасида 10та, Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасида 14та, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитасида 23та ва Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олиш бўйича кичик қўмитада 25 нафар аъзолар бор. Барча қўмиталарнинг аъзолари тенг географик тақсимот тамойилини инобатга олган ҳолда тегишли шартномага аъзо давлатлар томонидан сайланади. Аъзолари тўғридан-тўғри Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш томонидан лавозимига сайланадиган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита бундан мустаснодир. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси, Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш қўмитаси, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси, Қийноқларга

қарши курашиш қўмитаси, Бола ҳуқуқлари қўмитаси ва Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олиш бўйича кичик қўмита йилига уч маротаба, Ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш қўмитаси, Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қўмитаси каби қолган шартномавий органлар йилига икки маротаба йиғилади. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси барча шартномавий органларга ёрдам кўрсатади.

Давлатлар миллий маърузаларининг тақдим этилиши ва улар билан боғлиқ таомиллар

Давлатларнинг мажбуриятлари

Давлатлар томонидан Миллий маърузалар тақдим этиш инсон ҳуқуқларига доир 9та энг асосий шартномаларнинг барчаси учун умумий ва мажбурий бўлган таомил ҳисобланади. Ҳукуматлар шартномаларнинг амалга татбиқ этилиши ва бажарилиши бўйича мониторинг олиб борувчи ҳар бир қўмитага, қўмиталар илтимосига кўра, фавқулодда ёхуд бошқача тарздаги маърузалар, шунингдек, тегишли шартномага қўшилгач (ратификация қилгач) Дастлабки миллий маърузалар тақдим этишлари шарт. Дастлабки миллий маъруза тақдим этилгач, тегишли давр оралиғида давлатлар ҳукуматлари Даврий миллий маърузалар тақдим этишда давом этишлари мажбурийдир. Шартнома мониторингини олиб борувчи идоралар томонидан давлатлар Миллий маърузаларини тайёрлашлари ва ишлаб чиқишларига кўмаклашиш мақсадида махсус йўриқномалар билан таъминланадилар.

Умуман олганда, Миллий маърузаларда ҳеч бўлмаганда қуйидаги маълумотлар қамраб олиниши ва берилиши лозим:

- Шартномада белгилаб берилган ҳуқуқларнинг амалда рўёбга чиқиши юзасидан давлатлар томонидан кўрилатган барча чора-тадбирлар;
- Бу ҳуқуқлардан фойдаланишда эришилган ютуқлар;
- Статистик маълумотларни ўз ичига олган тегишли эмпирик ахборотлар;
- Шартноманинг давлат миқёсида амалга татбиқ этилишига таъсир кўрсатаётган омиллар, муаммолар ва қийинчиликлар.

Қоида тариқасида Миллий маърузалар лойиҳалари тегишли ҳукуматлар томонидан тайёрланади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Миллий маърузаларнинг тўлиқ ва холис бўлиши учун уларнинг тайёрланишида бошқа давлат идоралари ва ҳамкорларнинг, хусусан, энг аввало парламентларнинг, инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар (комиссиялар, қўмиталар, марказлар), омбудсман, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Давлатлар миллий маърузаларининг кўриб чиқиши

Шартномалар мониторингини олиб боровчи қўмиталар давлатлар Миллий маърузаларини давлат вакиллари ҳозирлигида ва жамоатчилик иштирокидаги очиқ йиғилишларда муҳокама қилиб, таҳлил қиладилар. Қўмиталар ҳукуматлар билан ижобий мулоқот олиб боришни кўзласалар-да, давлат вакиллари қўмита аъзолари томонидан билдириладиган танқидий мулоҳазалар ва ноқулай саволларга жавоб беришларига тўғри келади. Ҳар бир Миллий маъруза кўриб чиқилгач, шартномавий қўмиталар томонидан кейинчалик сессия якунида омма ҳукмига ҳавола этиладиган ва уларнинг йиллик ҳисоботида ўз аксини топадиган якунловчи мулоҳазалар, таҳлиллар ва таклифлар қабул қилинади. Давлатлардан ушбу таклифларни амалга татбиқ этиш кутилиб, улар билдирилган мулоҳазалар юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар хусусида келгуси маърузаларда ахборот беришлари талаб этилади. Айрим ҳолларда, хусусан, фавқулодда вазиятлар ва инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиш ҳолатлари юз берганда қўмиталар махсус маърузалар тақдим этишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин (Парламентлар томонидан кўриладиган чоралар тўғрисида батафсил маълумот олиш учун 1-бобга қаранг).

Шартномавий органлар фаолияти жараёнида ННТ, парламент ва бошқа ташкилотларнинг роли

Халқаро ва давлат миқёсида фаолият олиб боровчи нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий маърузаларнинг кўриб чиқиши жараёнини яқиндан кузатиб бориш баробарида мутахассисларни тегишли ахборот билан таъминлайдилар ёки ҳаттоки ўзларининг муқобил маърузаларини ҳам тақдим этадилар. Биргина Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 45(а)-моддасида ушбу шартномавий орган фаолиятида ННТнинг иштироки аниқ кўрсатиб ўтилган. Шунга қарамай, барча шартномавий органлар турли хил кўринишларда ННТ билан алоқалар ўрнатган бўлиб, уларни ёзма ёки оғзаки таклифлар тақдим этишга ундайди. Халқаро меҳнат ташкилоти ва ЮНЕСКО каби БМТнинг ихтисослашган муассасалари ва БМТ бошқа органлари шартномаларнинг амалга татбиқ этилиши бўйича олиб бориладиган мониторинг ишларига кўмак бериш учун жалб этиладилар. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), хусусан, бутун дунё давлатлари бўйлаб жойлашган ваколатхоналари тизими орқали Бола ҳуқуқлари қўмитаси, Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қўмитаси ва бошқа шартномавий органларни барча иштирокчи давлатлардаги аҳволни ўрганиш ва уларда шартномаларнинг амалга татбиқ этилишига оид мониторинг олиб боришдек юксак мақсадли вазифасини бажаришида зарур, қимматли ахборот билан таъминлаб, фаол ёрдам кўрсатади.

20. Жадвал – Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни тарғиб қилишда парламент иштироки бўйича Парламентлараро иттифоқ ва Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик

Парламентлараро иттифоқ Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси билан яқин ҳамкорликда Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни тарғиб қилишда парламентлар ўз ҳиссаларини қўшишларини бир неча йўл билан тарғиб қилиб келади.

Биринчидан, Парламентлараро иттифоқ мунтазам равишда парламент аъзоларини ўз мамлакатлари Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва унинг қўшимча протоколини ратификация қилган ёки қилмаганликларини ва мазкур ҳужжатларга қўшимча изоҳ берганликларини кузатиб бориб, маълумотларни алмашишга даъват қилиб келади.

Иккинчидан, Парламентлараро иттифоқ парламент аъзолари учун Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция бўйича қўлланмани ҳамкорликда нашр этган бўлиб, Конвенция қоидалари бўйича депутатлар орасида хабардорликни ошириш учун мунтазам равишда маълум бир мавзуга доир сессиялар ўтказилади.

Учинчидан, ҳар бир қўмита мажлисидан олдин, Парламентлараро иттифоқ даврий ҳисоботлари кўриб чиқиладиган мамлакатлар парламентлари аъзоларининг ҳисоботни ишлаб чиқиш жараёнидаги ва қўмита якуний ҳулосаларини кузатишда парламентнинг иштироки даражаси бўйича сўровнома тўлдиришга таклиф қиладилар. Умумлаштирилган жавоблар жамланган маъруза Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитасининг тегишли сессияси давомида ҳисобот шаклида тақдим этилади. Ушбу ҳисоботда аёлларнинг тегишли парламентдаги иштироки тўғрисидаги маълумот ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитасининг сессияси мобайнида Парламентлараро иттифоқ гендер тенглик дастури ва Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси бир гуруҳ аъзолари Парламентларнинг конвенцияни амалга татбиқ этишдаги ҳиссасини кенгайтиришда ҳамкорликни муҳокама қилиш ва янада ривожлантириш учун мунтазам равишда учрашувлар ўтказиладилар.

Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси аъзолари мажлислар оралиғида ҳам гендер тенглиги масалалари бўйича мунозараларда парламент ҳамжамиятига мурожаат қилиш учун мунтазам равишда таклиф этилади. Улар, шунингдек, Парламентлараро иттифоқ таклифига биноан қўмитанинг ҳулосалари муҳокамасига бағишланган миллий парламент семинарларида иштирок этадилар.

Ўз навбатида, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси конвенцияни амалга оширишда парламентларнинг ролини кучайтириш бўйича ўзининг мустаҳкам позициясига эга. 2008 йилда қўмита даврий ҳисоботлари кўриб чиқиладиган мамлакатлар учун ишлаб чиқиладиган яқуний ҳулосаларда конвенцияни амалга татбиқ этишда парламентларнинг роли муҳимлигига эътиборни жалб қилиш мақсадида стандарт бандни киритишни маъқуллади. Қўмита ўзининг 45-сессиясида (2010 йил январь-февраль) Конвенцияни амалга татбиқ этишга нисбатан миллий парламентларнинг ролини аниқлаштириш ва кучайтириш ҳамда қўмита ва Парламентлараро иттифоқ ўртасидаги муносабатларни аниқлаштириш бўйича баёнот берди.

Шартномавий органлар томонидан умумий шарҳлар бериш

Шартномавий органлар томонидан тегишли шартномаларда белгилаб берилган қоидалар ва мажбуриятларга тааллуқли бўлган умумий шарҳлар ва умумий тавсиялар қабул қилиниб, чоп этилади. Бу ҳужжатларда қўмиталар томонидан Миллий маърузалар тақдим этиш таомили бўйича тўпланган тажриба ўз аксини топган бўлиб, улар инсон ҳуқуқларига оид шартномаларнинг талқин этилиши борасидаги умумэътироф этилган манбалар ҳисобланади.

Шартномавий органлар томонидан берилган умумий шарҳлар ва умумий тавсияларнинг тўлиқ рўйхати билан батафсил танишиш учун қаранг: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/Pages/TBGeneralComments.aspx>.


Шахсий шикоят билан мурожаат қилишга тегишли таомиллар

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшимча протоколлар ва Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция, Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция ва Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияларнинг махсус моддаларида тегишли шартномавий органлар томонидан кўриб чиқилиши учун шахсий шикоят билан мурожаат қилишга тегишли таомиллар (бу таомил «шикоят қилиш» деб ҳам номланади) белгилаб қўйилган.

Борган сари кўпроқ иштирокчи-давлатлар томонидан қабул қилинаётган бу қоидаларга кўра давлат юрисдикцияси остида бўлган шахс инсон ҳуқуқлари бузилишларидан жабр кўрган ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан давлат миқёсида йўлга қўйилган барча амалдаги воситалардан фойдаланиб бўлган-у, бироқ чиқарилган қарордан қаноат ҳосил қилмаган бўлса, ваколатли шартномавий қўмитага ариза ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир (батафсил маълумот олиш учун 21-жадвалга қаранг). Қўмиталар бундай шикоятларни ярим-судлов ва махфий таомиллар доирасида кўриб чиқиб, якунловчи, мажбурий характерда бўлмаган қарорлар қабул қиладилар (бундай якунловчи қарорлар «сўнги фикр, таклиф ва тавсия» деб аталади). Якунловчи ва мажбурий характерда бўлган қарорларда шикоятларнинг тааллуқли эмаслиги (агарда расмий талабларга риоя қилинмаган бўлса) ёхуд тааллуқлиги масаласи, шунингдек, тааллуқли бўлса, унинг мазмуни (шикоятчининг инсон ҳуқуқлари бузилганлиги ёки бузилмаганлиги юзасидан тўхтамга келиш) бўйича фикр билдирилади. Бу фикрлар кейинчалик оммага ошкор этилади.

Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг 30-моддасига биноан Ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш қўмитаси йўқолган шахсни зудлик билан излаш кераклиги ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга. Зудлик билан ҳаракат қилиш лозимлиги тўғрисидаги бундай аризалар конвенциянинг иштирокчи-давлатида инсон ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолган тақдирдагина қабул қилинади.

Аризалар билан ишлаш графиги



Манба: Individual Complaint Procedures under the United Nations Human Rights Treaties, Fact Sheet No. 7

Rev. 2, New York and Geneva, OHCHR, United Nations, 2013. Манбара ҳавола:

<http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet7Rev.2.pdf>.

Давлатлараро ариза, шикоят билан мурожаат қилиш таомили

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция, барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция давлатлараро ариза, шикоят билан мурожаат қилиш таомили белгилаб берилган бўлиб, бу таомилга кўра халқаро шартномаларда иштирок этувчи давлат исталган вақтда тегишли қўмига бирон-бир иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлат тегишли халқаро шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаяпти, деган маълумотни қабул қилиши ва кўриб чиқиши юзасидан ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бу таомил ҳар қандай иштирокчи-давлат халқаро ҳуқуққа мувофиқ бошқа иштирокчи-давлатнинг ўз мажбуриятларини бажаришидан қонуний манфаатдордир деган ғояга асосланган.

Мисол учун бундай жамоавий манфаат Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга иштирокчи-давлатлар зиммасига юклатилган умумий ҳуқуқий мажбуриятнинг табиати тўғрисидаги 31-сонли Умумий мулоҳазада берилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмига томонидан иштирокчи-давлатга бошқа иштирокчи-давлатлар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кафолатланган ҳуқуқларнинг бузилиши ҳолатларига бефарқ бўлмасликлари ва эътибор қаратишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Унда белгиланишича, «бошқа иштирокчи-давлатлар томонидан халқаро пакт қоидаларининг бузилиши мумкинлиги ҳолатларига эътиборини жалб қилиш ва уларни халқаро пакт бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини сидқидилдан бажаришга чақириш давлатларнинг бир-бирига нисбатан бўлган дўстона бўлмаган хатти-ҳаракати сифатида кўрилмасдан, жамият манфаатларининг қонуний инъикоси, деб баҳоланиши зарур».

Тегисли шартномалар бўйича ташкил этилган турли хилдаги таомиллар давлатлараро ариза, шикоят билан мурожаат қилишда дўстона ечим топишни мақсад қилган. Қўмиталар манфаатдор давлатларга улар учун яқин маслақдош бўлишга хизмат қилиши назарда тутилган. Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияда, лозим топилган тақдирда, давлатлараро шикоятларни текшириш ва ҳал қилиш учун махсус келишув комиссияларини тузишни таъминловчи қоидалар белгиланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўпгина конвенцияларда давлатлараро шикоят қилиш тартиби ихтиёрий бўлса-да, Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияда мазкур таомилнинг мажбурийлиги таъминланган (Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг ҳар

қандай иштирокчи-давлати бошқа ҳар қандай иштирокчи-давлат томонидан ирқий камситишга йўл қўйилганини даъво қилиб, шикоят бериши мумкин). Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа барча шартномалар иштирокчи-давлатлари қўшимча баёнот бериш орқали давлатлараро ариза, шикоят билан мурожаат қилиш таомилини қабул қилиши керак. Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шартномавий органларининг ҳеч бирига давлатлараро шикоят келиб тушмаган.

Текширувлар ўтказиш таомили

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция, Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция ва Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияларнинг қўшимча протоколларида уларнинг тегишли шартномавий органлари томонидан *suo moto* текшируви ўтказиш таомили белгилаб қўйилган («ўз ташаббусига кўра текширув ўтказиш таомили» деб ҳам номланади). Агар иштирокчи давлатда конвенциялар қоидаларини жиддий ёки тизимли равишда бузилишига доир асосли кўрсатмаларни ўз ичига олган ишончли маълумот бўлса, тегишли шартномавий органлар томонидан ўз ташаббусига кўра текширувлар ўтказилиши мумкин. Бундай текширувни бошлайдиган шартномавий орган ушбу мамлакатда ҳақиқатда нима содир бўлганлигини аниқлаш бўйича ишларни амалга ошириши мумкин бўлиб, шартномавий органнинг бутун фаолияти давомида давлат ҳамкорлик қилиши зарурлиги боис шартномавий орган фаолияти олдин тегишли ҳукумат томонидан маъқулланиши лозим. Бу жараён сир сақланади, аммо қўмиталарнинг йиллик ҳисоботлари шартномавий орган текшируви натижаларининг қисқача мазмунини ўз ичига олиши мумкин.

21. Жадвал – Ариза ва шикоят билан муурожаат қилиш таомилларининг тавсифи

Шартнома номи	Қабул қилинган ва кучга кирган сана	Шартномавий органнинг номланиши	Аъзолар сони	Аъзоларнинг ким томонидан сайланиши	Миллий маърузалар тақдим этиш	Давлатлараро муурожаат қилиш таомили	Шахсларнинг муурожаат қилиш таомили	Suo moto текширишлар ўтказиш таомили
CAT	1984, 12 декабрь / 1987, 26 июнь	Қийноқларга қарши курашиш қўмитаси	10	Иштирокчи давлатлар	19-моддага кўра мажбурий	21-моддага кўра ихтиёрий	22-моддага кўра ихтиёрий	20- ва 28-моддалар (давлатларнинг чиқиш имконияти мавжуд)
ICCPR	1966, 16 декабрь / 1976, 23 март	Инсон ҳуқуқлари қўмитаси	18	Иштирокчи давлатлар	40-моддага кўра мажбурий	41-42 моддаларга кўра ихтиёрий	Биринчи қўшимча протокол	
CEDAW	1979, 18 декабрь / 1981, 3 сентябрь	Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси	23	Иштирокчи давлатлар	18-моддага кўра мажбурий		қўшимча протокол	қўшимча протокол 8- ва 10-моддалари (давлатларнинг чиқиш имконияти мавжуд)
CERD	1989, 20 ноябрь / 1990, 2 сентябрь	Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш қўмитаси	18	Иштирокчи давлатлар	9-моддага кўра мажбурий	11, 12 ва 13-моддаларга кўра мажбурий	14-моддага кўра ихтиёрий	
ICESCR	1966, 16 декабрь / 1976, 3 январь	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси	18	Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (1985)	16-моддага кўра мажбурий	қўшимча протоколнинг 12-моддасига кўра ихтиёрий	қўшимча протокол (1-модда)	қўшимча протокол (11-модда)
ICRMW	1989, 18 декабрь / 2003, 1 июль	Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси	10	Иштирокчи давлатлар	73-моддага кўра мажбурий	76-моддага кўра ихтиёрий (ҳали кучга кирмаган)	77-модда (ҳали кучга кирмаган)	
CRC	1989, 20 ноябрь / 1990, 2 сентябрь	Бола ҳуқуқлари қўмитаси	18	Иштирокчи давлатлар	44-моддага кўра мажбурий	қўшимча протоколнинг 12-моддасига кўра ихтиёрий	қўшимча протокол (5-модда)	қўшимча протокол (13-модда)
CRPD	2006, 13 декабрь / 2008, 3 май	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қўмитаси	18	Иштирокчи давлатлар	35-моддага кўра мажбурий		қўшимча протокол (1-модда)	қўшимча протокол (6-модда)
ICPPED	2006, 20 декабрь / 2010, 23 декабрь	Ўз эрига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш қўмитаси	10	Иштирокчи давлатлар	29-моддага кўра мажбурий	32-моддага кўра ихтиёрий	31-моддага кўра ихтиёрий, тезкор аризалар 30-моддага асосан	33-моддага кўра мажбурий

Қийноқлар тўғрисидаги конвенциянинг қўшимча протоколига биноан таъсис этилган озодликдан маҳрум қилиш муассасаларига мунтазам ташриф буюриш тизими

2002 йил декабрда қабул қилиниб, 2006 йилда кучга кирган Қийноқлар тўғрисидаги конвенциянинг қўшимча протоколида озодликдан маҳрум қилиш жойларига қийноқлар бўйича қўмитанинг Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олиш кичик қўмитаси каби халқаро ташкилотлар ва Миллий превентив механизм сингари давлат идоралари томонидан мунтазам ташриф буюриш тизими йўлга қўйилган. Бу тизим қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олишга мўлжалланган. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олиш кичик қўмитаси ва Миллий превентив механизм томонидан таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли давлат ҳукуматига юборилади. Миллий превентив механизмнинг бу борадаги таклифлари унинг йиллик ҳисоботларида чоп этилиши мумкин бўлса-да, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олиш кичик қўмитасининг ҳисоботлари сир сақланади. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турлари олдини олиш кичик қўмитаси иштирокчи-давлат шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки мавжуд вазиятни ўнглаш учун чоралар кўрмаган тақдирда Қийноқларга қарши курашиш қўмитасидан ўзининг таклифлари ва у томонидан олиб борилган кузатув якунларига оид хулосалар ошкор этилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Тавсияларга амал қилиш

Давлатларга берилган тавсияларга амал қилинишида ёрдам бериш учун айрим шартномавий органлар томонидан самарали механизмлар жорий этилган. Баъзи шартномавий органлар ўзларининг якуний хулосаларида давлатлардан махсус тавсияларга риоя этилиши ёки «тезкорлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар» юзасидан зудлик билан кўриладиган чоралар хусусида давлат маърузачисига ёки тавсияларга амал қилинишини назорат қилувчи маърузачига бир йил ичида (баъзан икки йил) ҳисобот бериш бўйича талаблар қўйиши мумкин. Маърузачи кейинчалик қўмимага ҳисобот тақдим этади.

Худди шу тарзда, шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган барча шартномавий органлар тегишли иштирокчи-давлатдан маълум муддат ичида шартноманинг бузилиши қайд этилган барча ҳолатларда давлатларнинг ўз мажбуриятларига қандай амал қилаётганлигини кузатиб бориш учун улардан маълумот талаб қилиши мумкин. Шартномавий органларнинг тавсияларига давлатлар томонидан амал қилинишига оид батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/Pages/FollowUpProcedure.aspx>.

22. Жадвал – Шартномавий органлар фаолиятини кучайтириш

Биринчи шартномавий орган тузилган 1970 йилдан буён ўтган давр мобайнида тизим сезиларли даражада кенгайди. 2004 йилда тўртта янги шартномавий орган, шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бешта янги таомиллар ва кўмиталарда фаолият олиб бораётган аъзолар сонининг кескин даражада ошиши билан шартномавий органларнинг умумий сони икки бараварга кўпайди. Бироқ шартномавий органлар тизими ўсиб бораётгани билан унинг фаолиятига қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда :

- сурункали равишда маблағ танқислиги;
- иштирокчи-давлатлар ҳисоботлари ва шахсий мурожаатлар сонининг доимий тарзда ўсиб бориши натижасида иш ҳажмининг ортганлиги;
- бир-бирига ўхшаш жараёнларда турли хил иш услубларининг тарқалиши натижасида мураккаб тизимнинг ҳосил бўлгани.

Бундан ташқари, кўплаб иштирокчи давлатлар ҳисобот бериш мажбуриятларини ҳурмат қилишмайди ёки ўз вақтида ҳисоботларини тақдим этишмайди.

Бу ҳолат ўша пайтлардаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Нави Пиллай томонидан кўрсатилган ташаббус асосида 2009 йилда шартномавий органлар фаолиятини кучайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича ишлар йўлга қўйилди. У давлатлар, шартномавий органлар экспертлари ва бошқа ҳамкорлар билан тизимни мустаҳкамлаш бўйича фикрлар алмашиш жараёнини бошлади. Инклюзив ва кенг қамровли иштирокчилар доирасида олиб борилган маслаҳатлашувлар 2012 йилда Бош ассамблеяга тақдим этилган муҳим ҳисоботнинг (A/66/860) нашр этилиши билан якунланди. Ушбу ҳисоботда Олий комиссар шартномавий органларни мустаҳкамлаш учун инновацион чоралар таклиф этилди.

2014 йил апрель ойида аъзо давлатлар ўртасида олиб борилган икки йиллик музокаралардан сўнг, Бош ассамблеянинг шартномавий органлар тизимини мустаҳкамлаш тўғрисидаги 68/268-сонли резолюцияси қабул қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича шартномавий органларининг имкониятларини кенгайтириш мақсадида Бош ассамблея томонидан:

- шартномавий органларнинг фаолият олиб бориш давомийлиги йилига 75 ҳафтадан 96 ҳафtagача оширилиб, шартномавий органлар томонидан йил мобайнида кўпроқ давлатлар ҳисоботи ва шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш имкони яратилди. Шунингдек, объектив мезонларга асосан ҳар икки йилда бир маротаба шартномавий органларнинг фаолият олиб бориш давомийлигини кўриб чиқишга қарор қилинди;
- шартнома мажбуриятларини бажаришда техник ёрдамга муҳтож бўлган мамлакатларга ёрдам бериш учун салоҳиятни мустаҳкамлаш дастури тасдиқланди;
- шартномавий органлар ва уларнинг аъзолари мустақиллиги ва холислиги таъкидлаб ўтилди;

- шартномавий органлар билан ҳамкорлик қиладиган одамлар ва ташкилотларга нисбатан қилинган қатагон ва репрессиялар қаттиқ танқид қилинди;
- экологик барқарор амалиётларни қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшиш мақсадида шартномавий органларда ҳужжатлар билан ишлаш такомиллаштирилди;
- видеоконференцсалоқа ускуналарини тақдим этиш орқали алоқа тизими модернизация қилинди;
- шартномавий органлар фаолиятларини янада самарали ташкил этиш ва мослаштиришга хизмат қиладиган иш услублари рағбатлантирилди;
- шартномавий органлар ўртасидаги жараёнларни уйғунлаштириш учун уларнинг раислари ваколатлари кучайтирилди;
- БМТ Бош котибидан шартномавий органлари фаолиятдан имконияти чекланган кишилар баҳраманд бўлишларини босқичма-босқич таъминлаш сўралди;
- Женевада ўз ваколатхонасига эга бўлмаган давлатлардан шартномавий органлар билан мунтазам алоқа боғлаш учун ихтиёрий равишда бу масалага кўпроқ маблағ ажратиш рағбатлантирилди.

Қўшимча ўқиш учун

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари шартномалари тизими: Фактлар №30, 1-ўлдирилган нашр, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2012. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet30Rev1.pdf>.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари шартномалари бўйича шахсларнинг мурожаат қилиш таомили: Фактлар №7, 2-ўлдирилган нашр, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2013. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet7Rev.2.pdf>.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлар аъзолари учун қўлланма, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2015. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: http://www.ohchr.org/Documents/Publications/HR_PUB_15_2_TB%20Handbook_EN.pdf.
- Шартномавий органларнинг барча ҳисоботлари, хулосалари ва қарорларини шартномавий органларнинг веб-саҳифаларидан топиш мумкин. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/Pages/TreatyBodies.aspx>.



Олтинчи боб

БМТ уставига кўра ташкил этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва унинг механизмлари

2016 йил июнь ойида Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 32-сессия йиғилиши. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Муннинг баёнотида кўра «Инсон ҳуқуқлари бузилишларидан азият чеккан барча қурбонлар Инсон ҳуқуқлари кенгашига улар учун ҳаракат қиладиган форум ва трамплин сифатида қарашларига эришиш керак».

© Нур Фото / Ху Жинқуан

«Ушбу Кенгаш [Инсон ҳуқуқлари кенгаши] БМТ тизимида таъсири ва ҳурмати тобора ошиб бораётган муҳим ташкилотга айланди. Инсон ҳуқуқлари кенгаши ўз иш фаолиятининг иккинчи ўн йиллик даврида жаҳон воқеаларига муҳим таъсир кўрсатиши ва биз бугунги кунда гувоҳ бўлаётган инсон ҳуқуқларининг даҳшатли бузилишлари эртага рўй бериши мумкин бўлган янада улканроқ азоб-уқубатлар ва бетартибликнинг дебочаси бўлмаслигини таъминлашга ёрдам бериши лозим».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раъд ал Ҳусайн, 2016 йил 29 февралда Женевада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 31-сессияси.

БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясидан БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси

Хавфсизлик, ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзаро боғлиқ бўлган уч устунини ташкил этади. БМТ Низомининг VII Бўлимига мувофиқ мажбурий санкциялар жорий қилиш ва ҳарбий куч ишлатишга рухсат берадиган Хавфсизлик кенгашида халқаро тинчлик ва хавфсизлик масалалари муҳокама қилинади. Ривожланиш, қашшоқлик даражасини пасайтириш ва халқаро ҳамкорликнинг шу каби шакллари Иқтисодий ва ижтимоий кенгашда (ЭКОСОС) кўриб чиқилади. Бироқ Низом учинчи устун саналган инсон ҳуқуқлари учун бундай сиёсий органни яратмаган. БМТ Низомининг 68-моддасида Иқтисодий ва ижтимоий кенгашга аёлларнинг мақоми ва ривожланишга тааллуқли бошқа масалалар билан шуғулланадиган функционал комиссияларга ўхшаш Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияни яратиш бўйича ваколат берилган. 1946 йилда ташкил этилиб, 2006 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш (ХР) таъсис топгунга қадар Инсон ҳуқуқлари комиссияси ярим аср мобайнида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича дастури амалга оширилишида етакчи куч сифатида хизмат қилди.

Комиссия фаолият олиб борган охириги йилда унинг аъзолари 53та давлатдан иборат бўлса-да, унинг олти ҳафталик ҳар йили март-апрель ойларида Женевада ўтказиладиган мажлиси йирик тадбирга айланиб, барча давлатлар, жумладан, ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотлар, давлат ташкилотлари, инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакилларида иборат 3000га яқин иштирокчилар қатнашар эди. Комиссия ва унинг ақл маркази ҳисобланган 26 нафар мустақил экспертдан ташкил топган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссияси нафақат БМТнинг кўплаб инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатларини ишлаб чиқди, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида инсон ҳуқуқларига оид мавжуд муаммоларни муҳокама қилди. Фақатгина ЭКОСОС томонидан сайланган Комиссиянинг аъзо давлатлари овоз бериш ҳуқуқига эга бўлса-да, бироқ кузатувчи давлатлар қарорлар ва резолюциялар ишлаб чиқиш бўйича музокаралар жараёнида тенг даражада иштирок этишди. ЭКОСОСда кузатувчи мақомидан фойдаланадиган халқаро ННТлар сўзлаш ва ёзма ҳужжатларни тарқатиш ҳуқуқига эга эди. Комиссия махсус таомиллар ва юқорида қайд этилган кичик комиссия орқали мустақил экспертларни жалб қилиш ва улардан маслаҳат олишнинг жуда самарали тизимини ишлаб чиққан эди.

1950 ва 1960 йиллар мобайнида «чора кўришга ваколати йўқ» доктринаси билан бошланган дастлабки фаолият давридан сўнг комиссия айрим мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг ялпи ва тизимли равишда бузилиши ҳолатлари билан шуғулланиш учун ЭКОСОСнинг 1967 йил 6 июндаги 1235 (XLII) ва 1970 йил 27 майдаги 1503 (XLVIII) резолюциялари асосида босқичма-босқич оммавий ва махфий таомилларни ишлаб чиқди. Махфий ҳисобланган «1503 таомил»га кўра комиссия шахсий шикоятларни кўриб чиққан бўлса, оммавий саналган «1235 таомил»га кўра мамлакатлардаги вазият жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиши учун рухсат берилган эди.

Агар бирор вазият махфий 1503 таомил бўйича кўриб чиқилмаса, бу масала кўпинча 1235 таомили бўйича муҳокама қилинган. Агар аъзо давлатларнинг аксарияти маълум бир давлатда умумий вазият комиссиянинг эътиборини жалб қилиш учун етарли даражада жиддий эканлиги тўғрисида қарор қабул қилса, ўша мамлакатдаги вазиятга тегишли резолюция қабул қилиб, одатда мустақил экспертларга (ишчи гуруҳлар, махсус вакиллар, маърузачилар, элчилар ва бошқа мутахассислар) вазиятни ўрганиш ва келгусида ҳаракат қилиш учун тавсиялар билан комиссияга ҳисобот бериш бўйича мажбурият юклар эди. Биринчи ишчи гуруҳлар 1967 йилда Жанубий Африка ва Исроилдаги вазият бўйича ва 1973 йилда Чилида генерал Пиночет томонидан ҳарбий тўнтариш амалга оширилганидан кейин ташкил этилган. 1980 йиллардан бошлаб одатда, маълум бир давлат учун махсус таомил сифатида Махсус маърузачилар ва бошқа мутахассислар ташкил этилган.

1980 йилда биринчи тематик механизм сифатида инсонларнинг мажбуран ёки ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолиши бўйича ишчи гуруҳ таъсис этилди. Унинг вазифаси дунёнинг тегишли ҳукуматлари ҳамкорлигида барча мамлакатларда бедарак йўқолган шахснинг оила аъзолари ёки нодавлат ташкилотлари томонидан берилган ариза асосида мажбурий йўқолиб қолиш ҳолатларини тергов қилиш ва аниқлашдан иборат эди. Кейинчалик махсус тематик таомиллар асосида инсон ҳуқуқларига оид турли масалалар, хусусан, қатл этиш, қийноқ, дин эркинлиги, асоссиз ҳибсга олиш, таълим, уй-жой ва озиқ-овқат билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш махсус маърузачилар ва бошқа индивидуал мутахассислар тайинланди.

Давлатлардан ташкил топган сиёсий орган сифатида Комиссия музокаралари ҳар доим, энг аввало Совуқ уруш даврида сиёсий нуқтаи назардан кўриб чиқилган. ННТлар ва индивидуал экспертларнинг борган сари фаол иштирок этиши билан, айниқса 1990 йилларга келиб ҳолис муҳокамалар ўтказила бошланди. Аммо янги Мингйиллик бўсағасида иккиёқлама стандартларни қўллаш ва бир-бирини айбдор қилиб кўрсатиш асосига қурилган мафкуравий мунозаралар кўплаб давлатлар томонидан қаттиқ танқидларга сабаб бўлди. Ниҳоят, БМТ Бош котиби Кофи Аннан Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш бўйича ҳисоботида²⁶, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ўрнида доимий асосда фаолият олиб борадиган Инсон ҳуқуқлари кенгашини ташкил этишни таклиф қилди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши

Бош ассамблеядаги қизгин музокаралардан сўнг Инсон ҳуқуқлари кенгаши 2006 йилда Бош ассамблеянинг 60/251-сонли резолюцияси билан ташкил этилган. Давлатлар БМТ Низомига ўзгартиш киритиш хусусида бир тўхтамга кела олмаганликлари сабабли, Инсон ҳуқуқлари кенгаши БМТнинг Хавфсизлик кенгаши ва ЭКОСОС каби БМТнинг доимий сиёсий органларидан бири ҳисобланмайди, бироқ унинг ҳуқуқий мақоми олдинги ЭКОСОСнинг функционал комиссиясидан Бош ассамблеянинг қўшимча ёрдамчи органига айлантирилди. Инсон ҳуқуқлари кенгашига 47 давлат аъзо бўлиб, сон жиҳатдан Комиссиядан бир оз кичикроқ. Инсон ҳуқуқлари кенгаши йилига камида уч марта март (тўрт ҳафта), июнь (уч ҳафта) ва сентябрь (уч ҳафта) ойларида

²⁶ Кенгрок эркинлик: ривожланиш, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш. Бош котибнинг маърузаси (A/59/2005); Бош котибнинг ҳисоботида қўшимча: Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш тўғрисидаги тушунтириш баёноти (A/59/2005/Add.1).

ўтказиладиган даврий сессиялар ўтказади. Агар аъзо давлатларнинг учдан бир қисми сўраса, Инсон ҳуқуқлари кенгаши исталган вақтда инсон ҳуқуқлари бузилиши ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун махсус сессия ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Кичик комиссия Инсон ҳуқуқлари кенгашига инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича тавсия ва маслаҳатлар тақдим этадиган 18 та мустақил экспертлардан иборат Маслаҳат қўмитаси билан алмаштирилди. Инсон ҳуқуқлари кенгашида қуйида улар ҳақида батафсил маълумот бериладиган бир қатор механизмлар, жумладан, Универсал даврий ҳисобот, махсус таомиллар ва мурожаат қилиш таомили мавжуд.²⁷ Инсон ҳуқуқлари кенгашига Комиссиянинг ишчи гуруҳлари ва бошқа механизмлари мерос қилиб қолдирилган бўлиб, ривожланиш ҳуқуқи, тубжой аҳолиси ва халқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Дурбан декларацияси ва Ҳаракатлар дастурини амалга ошириш, хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компаниялари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси, тинчлик ҳуқуқи, деҳқонлар ва қишлоқ жойларда ишлайдиган бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари каби маълум бир мавзуга ихтисослашган янги тематик механизмлар ташкил этилди. Кенгашнинг бошқа ёрдамчи органлари сирасига Озчиликлар масалалари бўйича форум, Ижтимоий форум, Бизнес ва инсон ҳуқуқлари Форуми ва Инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлиги бўйича форум киради. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари кенгаши халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини тергов ва тафтиш қилиш, текшириш учун тергов комиссиялари ва текширув комиссиялари каби тергов механизмларини тузиши мумкин.

Универсал даврий ҳисобот

Ҳар бир мамлакат учун ҳолислик ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадида 2006 йилда Универсал даврий ҳисобот, деб номланган янги тартиб яратилган бўлиб, у БМТга аъзо барча 193та давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисоботларини ҳар тўрт ярим йилда бир марта кўриб чиқишни ўз ичига олади. Универсал даврий ҳисобот – Инсон ҳуқуқлари кенгаши шафелиги остида ҳар бир давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволини яхшилашни асосий мақсад қилган бошқа давлатлар томонидан баҳолаш жараёндир. Ушбу Қўлланма ёзилаётган вақтда Универсал даврий ҳисобот иккинчи цикли тугаш арафасида эди. Цикл якунига етгач, БМТнинг барча аъзо давлатларидаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият икки марта ўрганиб чиқилган бўлади.

Универсал даврий ҳисобот доирасидаги давлатлар ўртасидаги мунозарани жуда сиёсатлаштириши мумкин бўлса-да, ҳисоботни кўриб чиқишда кўплаб маълумотлар инобатга олинади. Кўриб чиқилаётган давлат томонидан тақдим этилган ҳисоботдан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси иккита маъруза тайёрланади: бири ННТ ва бошқа манфаатдор томонлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар томонидан тайёрланади ва иккинчиси мустақил экспертлардан ташкил топган шартномалар мониторингини олиб борувчи органлар ва махсус таомиллар ҳамда БМТ органлари томонидан тақдим этилган хулосалар ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилади.

²⁷ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг фаолиятини бошқариш ва унинг тартиб-қоидалари ва механизмларини белгилловчи «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг муассасалар ташкил этиши» номли Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 2007 йил 18-июндаги 5/1-сонли резолюцияси.

2011 йилда яқунланган таҳлиллардан сўнг, Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва Универсал даврий ҳисоботнинг иш услубларига бир нечта кичик ўзгаришлар киритилди.

23. Жадвал – Универсал даврий ҳисобот таомили босқичлари

- «Миллий даражада барча манфаатдор томонлар билан кенг маслаҳатлашув жараёни»га асосланган, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳисоботларининг қисқача тавсифини қамраб олган ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси томонидан тайёрланадиган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органлари билан мулоқот қилиш ва давлат мажбуриятларига риоя қилиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган миллий маърузаларни тайёрлаш;
- Тавсия бераётган давлат томонидан миллий ҳисоботни баҳолаш ва тавсиялар тайёрлаш;
- Универсал даврий ҳисоботнинг барча аъзоларидан ташкил топган ишчи гуруҳи томонидан маърузаси кўриб чиқиладиган давлатни муҳокама қилиш; маърузаси кўриб чиқиладиган давлат томонидан тақдим этилган ҳисоботни кўриб чиқиш, давлатлар саволлар ва тавсиялар бериши учун интерактив мулоқот ўтказиш. Ҳар бир давлат миллий маърузаси муҳокамасини тайёрлашга учта давлатдан иборат «учлик» деб номланган гуруҳлар ёрдам беради. Учлик интерактив мулоқотнинг силлиқ ва тартибли равишда амалга оширилишини таъминлаш учун миллий маърузаси кўриб чиқиладиган Давлат билан биргаликда муҳокама қилинадиган масалалар ёки саволларни гуруҳларга ажратиши мумкин;
- Давлатларнинг тавсияларини ўз ичига олган ва миллий маърузаси кўриб чиқиладиган давлат томонидан ўз зиммасига ихтиёрий олинган мажбуриятларни бажариш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;
- Миллий маърузани кўриб чиқиш яқунлари бўйича дастлабки ҳисоботни қабул қилиш;
- Универсал даврий ҳисоботнинг ялпи мажлисида миллий маъруза бўйича якуний ҳисоботни қабул қилиш.

Батафсил маълумот олиш учун 10-бобга қаранг.

Махсус таомиллар

Инсон ҳуқуқлари кенгашининг махсус таомиллар тизими инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил экспертлардан ташкил топган бўлиб, улар маълум бир мавзу ёки маълум бир давлатдаги инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолати юзасидан инсон ҳуқуқлари бўйича маъруза ва маслаҳат беришлари керак. Мазкур тизим Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсон ҳуқуқлари механизми марказининг асосий унсури бўлиб, барча инсон ҳуқуқларини – фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий – қамраб олади. Илгари оз сонли бўлган давлатларни текширишга ваколатли таомиллар сони Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан босқичма-босқич кўпайтириб келинмоқда.

2016 йил июль ҳолатига кўра 41та маълум бир мавзуга тегишли (тематик) ва 14 та маълум бир давлатдаги инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганувчи (давлатларга алоқадор) таомиллар мавжуд эди.²⁸

Махсус таомиллар якка шахс («Махсус маърузачи» ёки «Мустақил эксперт», деб номланади) ёки беш кишилик ишчи гуруҳдан иборат (Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi бешта минтақавий гуруҳларнинг ҳар биридан бир нафардан). Махсус маърузачилар, мустақил экспертлар ва ишчи гуруҳ аъзолари Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан лавозимга тайинланиб, мустақил шахс сифатида хизмат олиб борадилар. Улар ҳолислик, самарадорлик, лаёқат, шараф, виждонан ва пок ният билан хизмат қилишни ўз зиммаларига оладилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ходимлари ҳисобланишмайди ва ҳеч қандай молиявий рағбатлантириш олишмайди. Уларнинг мустақил мақоми ваколатларини беғараз бажариши учун имконият яратиши сабаб жуда муҳимдир. Маълум бир мавзуга тегишли (тематик) ва маълум бир давлатдаги инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганувчи (давлатларга алоқадор) ваколатли шахсларнинг ваколат муддати максимал олти йил қилиб чегараланган.

24. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари кенгашининг махсус таомиллари

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси кўмагида (батафсил маълумот олиш учун 7-бобга қаранг), махсус таомиллар бўйича ваколатли мансабдор шахслар ва органлар турли вазифаларни, жумладан, қуйидагиларни бажарадилар:

- мамлакатга ташриф буюриш;
- якка шахсга тегишли ва ташвишлар уйғотаётган, кенг миқёсли, тизимли характердаги инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига эътиборни тортган бошқа давлатларга ва манфаатдор шахс ҳамда органларга хабар бериш орқали ҳаракат қилиш;
- маълум бир мавзуга оид тадқиқотлар ўтказиш ва эксперт маслаҳатлашувларини чақириш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг ривожланишига ҳисса қўшиш;
- ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда иштирок этиш;
- техник ҳамкорлик бўйича маслаҳат бериш.

Махсус таомиллар бўйича ваколатли мансабдор шахслар ва органлар ҳар йили Инсон ҳуқуқлари кенгашига, шунингдек, уларнинг аксарияти Бош ассамблеяга ҳам ҳисобот беради. Уларнинг вазифалари уларни тузиш ёки ваколат доирасини кенгайтириш тўғрисидаги резолюцияларда белгилаб берилади.

²⁸ Махсус таомиллар бўйича ваколатли мансабдор шахслар ва органларнинг тўлиқ рўйхати қуйидаги интернет саҳифасида берилган: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/SP/Pages/Welcomepage.aspx>.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг шикоятлар билан ишлаш таомили

Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан асосан эски комиссиянинг шикоятлар бўйича махфий «1503 таомили»га ўхшаш бўлган шахсий мурожаатларни кўриб чиқишга оид янги таомил яратилди. Ушбу таомил, шунингдек, «дунёдаги ҳар қандай минтақада ва ҳар қандай шароитда юз берадиган барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларнинг ялпи, изчил ва ишончли тарзда тасдиқланган бузилиши ҳолларини муҳокама қилишга қаратилган».

Иккита ишчи гуруҳи – Шикоятлар бўйича ишчи гуруҳи ва Вазиятлар бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, улар юз бераётган барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларнинг ялпи, изчил ва ишончли тарзда тасдиқланган бузилиши ҳолларига Инсон ҳуқуқлари кенгашининг эътиборини торттириш ва тегишлича бу борадаги ёзма мурожаатларни кўриб чиқишга жавобгардирлар. Шикоятлар бўйича ишчи гуруҳи раиси Котибият билан биргаликда дастлабки тарзда мурожаатларнинг мақбуллигини текширади ва мақбул, деб топиш мезонларга жавоб берадиган мурожаатларни тегишли давлатларга мурожаатларда иддао қилинган мавжуд инсон ҳуқуқлари бузилишлари юзасидан ўз фикрларини билдиришлари учун етказди.

Кейинчалик Маслаҳат қўмитаси томонидан тайинланган бешта экспертдан иборат бўлган Шикоятлар бўйича ишчи гуруҳи мурожаатнинг мақбуллиги ва тегишлилигини баҳолайди. Ишчи Гуруҳ мурожаатни кўриб чиқиши ва тегишли давлатдан оқилона вақт мобайнида қўшимча маълумотларни тақдим этишни сўраши, мурожаатни кўриб чиқишни бекор қилиши мумкин ёки мурожаатни муҳокама қилишни Вазиятлар бўйича ишчи гуруҳга таклиф қилади.

Шикоятлар бўйича ишчи гуруҳнинг маърузаси мустақил равишда фаолият юритувчи Инсон ҳуқуқлари кенгашининг беш нафар аъзосидан иборат бўлган Вазиятлар бўйича ишчи гуруҳга тақдим этилади. Шикоятлар бўйича ишчи гуруҳнинг маълумот ва тавсиялар асосида Вазиятлар бўйича ишчи гуруҳ Инсон ҳуқуқлари кенгашига инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларнинг ялпи, изчил ва ишончли тарзда тасдиқланган бузилиши ҳоллари тўғрисида ахборот бериши ва қай тарзда иш юритиш бўйича тавсиялар бериш талаб этилади. Вазиятлар бўйича ишчи гуруҳ ҳам мурожаатни кўриб чиқишда давом этиши, мурожаатни келгусида муҳокама қилиш ёки бекор қилиш (тугатиш) учун Инсон ҳуқуқлари кенгашига юбориш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари кенгаши ҳисобот ва тавсиялар асосида қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

- вазиятни келгусида кўриб чиқиш ёки у юзасидан ҳаракат қилиш шарт бўлмаган ҳолатларда кўриб чиқишни тўхтатиш;
- вазиятни кўриб чиқишда давом этиш ва тегишли давлатдан оқилона вақт ичида қўшимча маълумот тақдим этишни сўраш;
- вазиятни кўриб чиқишда давом этиш ва вазият мониторингини олиб бориши ҳамда бу борада Инсон ҳуқуқлари кенгашига ҳисобот бериши учун мустақил ва юқори малакали мутахассис тайинлаш (Комиссиянинг 1503 таомили бўйича Либерия билан боғлиқ вазиятда худди шундай йўл тутилган);

- ишнинг оммавий тарзда кўриб чиқилиши мақсадида мурожаатни махфий кўриб чиқиш таомили орқали муҳокама қилишни давом эттирмаслик (1503 таомили бўйича кўриб чиқилганидан кейин 2006 йили Қирғизистон билан боғлиқ бўлган икки ҳолатда ва 2012 йилда Эритрея билан боғлиқ ҳолатда шундай йўл тутилган);
- БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасига тегишли давлатга техник ҳамкорлик, салоҳиятни ошириш ёки маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича тавсия бериш (масалан, 2011 йил Конго Демократик Республикаси ва 2012 йил Ироқ билан бўлган ҳолатларда шундай йўл тутилган).

Қўшимча ўқиш учун

- «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг муассасалар ташкил этиши» номли Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 2007 йил 18 июндаги 5/1-сонли резолюцияси.
- Махсус таомиллар бўйича ваколатли мансабдор шахслар ва органлар каталоги. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/SP/Pages/Welcomepage.aspx>.



Еттинчи боб

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ходими маълумотлар тўплаш жараёнида Жанубий Судандаги инсон ҳуқуқларига оид вазият бўйича маҳаллий аҳоли билан мулоқот қилмоқда.

© БМТ фотоси/ЖейСи
МакИлвейн

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги етакчи ташкилотидир. Унга БМТнинг Бош ассамблеяси томонидан барча инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш учун ўзига хос ваколат берилган.

Тарих

БМТнинг инсон ҳуқуқлари дастури 1940 йилда Нью-Йоркдаги БМТ Котибиятининг кичик бўлими сифатида иш бошлаган. Бўлим Женевага кўчиб ўтгач, 1980 йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича марказга айланган. 1993 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясида БМТга аъзо давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янада мустаҳкам институтини тузишга қарор қилишди ва 1993 йил 20 декабрда Бош ассамблеянинг 48/141-сонли резолюцияси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозими таъсис этилди. Орадан ўн икки йил ўтиб, 2005 йилдаги БМТ Жаҳон саммитида давлат раҳбарлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иш

фаолиятининг барча жабҳаларида инсон ҳуқуқлари ёндашуви тутган марказий рол ва унинг муҳимлигини эътиборга олиб, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича дастурини кенгайтиришга аҳд қилдилар.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятининг таркибий қисми бўлиб, Женевада ўз бош қароргоҳига эга. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасига раҳбарлик қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бошқаради. Олий комиссарга Олий комиссар ўринбосари ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Нью-Йоркдаги идорасини бошқаришга БМТ Бош котиби ёрдамчиси ёрдам беради. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Нью-Йоркдаги идораси Нью-Йоркда Олий Комиссар номидан вакилликни амалга ошириб, Нью-Йоркдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг органлари ва агентликлари фаолиятига инсон ҳуқуқлари стандартларини самарали интеграция қилиш, сиёсатни ишлаб чиқиш жараёни ва жамоатчиликни хабардор қилиш ташаббуслари учун ишлайди.

25. Жадвал – Бош ассамблеянинг 48/141-сонли резолюцияси

Бош ассамблеянинг 48/141-сонли резолюциясига мувофиқ, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарига Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги инсон ҳуқуқлари бўйича «асосий маъсулият»ни амалга ошириш учун қуйидаги ваколатлар берилган:

- ҳамма инсонларнинг барча инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тизимидаги органларга барча инсон ҳуқуқларини янада яхшироқ рағбатлантириш ва ҳимоя қилишни тавсия этиш;
- ривожланиш ҳуқуқини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият учун техник ёрдам кўрсатиш;
- БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва жамоатчиликни хабардор қилиш дастурларини мувофиқлаштириш;
- инсон ҳуқуқларини амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф этиш учун фаол иш олиб бориш;
- инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини давом эттиришнинг олдини олиш учун фаол иш олиб бориш;
- барча инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминлаш мақсадида ҳукуматлар билан мулоқотга киришиш;
- халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;
- БМТ тизимида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш;
- БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини рационализация қилиш, мослаштириш, кучайтириш ва тартибга солиш.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси иш тартиби

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича дастурини амалга оширишга маъсул бўлган ташкилот сифатида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси барча жойда фуқаролар ҳаётида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалга оширади. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг фаолияти одатда учта кенг соҳада амалга оширилади: инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартлар ишлаб чиқишини қўллаб-қувватлаш; инсон ҳуқуқлари мониторинги ва мамлакат даражасида инсон ҳуқуқларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари билан инсон ҳуқуқлари меъёрлари ва стандартлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бутун тизимида интеграциялашуви учун ҳамкорлик қилади. Шунингдек, БМТнинг шартномалар мониторингини олиб боровчи органлари ва махсус таомилларига сифатли котибият хизматини кўрсатади. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилинишини кучайтириш соҳасида миллий салоҳиятни яратиш мақсадида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳукуматлар билан мулоқот олиб боради. Қолаверса, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси лозим топилганда маслаҳат хизматлари кўрсатади ва техник ёрдам бериб, ҳукуматларни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун самарали миллий муассасалар ва тартиб қоидаларини жорий этишга даъват қилади.

26. Жадвал – Давлатлар ва парламентларга техник кўмак кўрсатиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги техник ҳамкорлик дастури

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги техник ҳамкорлик дастури давлатларнинг илтимосларига кўра, уларга инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига риоя этишга бевосита таъсир кўрсатадиган миллий тузилмаларни яратиш ва мустаҳкамлашда уларнинг талабларига биноан ёрдам беради.

Дастурнинг таркибий қисмлари халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрлари ва стандартларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш ва бу борадаги сиёсатни ишлаб чиқиш; инсон ҳуқуқларини, демократия ва қонун устуворлигини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга қодир миллий институтларни яратиш ёки мустаҳкамлаш; инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича миллий ҳаракат режаларини шакллантириш; инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия беришни ташкил этиш; инсон ҳуқуқлари маданиятини тарғиб қилиш масалаларини қамраб олади. Бундай ёрдам мутахассислар маслаҳат хизматлари, тренинг курслари, семинарлар, грантлар, стипендиялар, маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш ҳамда ички инсон ҳуқуқлари эҳтиёжларини баҳолаш шаклларида бўлади.

Техник ҳамкорлик дастури доирасида бир қатор миллий парламентларга инсон ҳуқуқлари бўйича ўзларининг муҳим вазифаларини амалга оширишларида

уларга ёрдам бериш учун бевосита тренинг ва бошқа кўмак кўрсатилган. Ушбу Дастурнинг таркибий қисмлари кўплаб долзарб масалаларни, хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчиликка оид маълумотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича парламент кўмиталари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш ва уларга қўшилиш ҳамда умумий олданда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишда парламентнинг ролини ўрганиш сингариларни қамраб олади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти техник ҳамкорлик дастурларига инсон ҳуқуқларига риоя қилиш дастури доирасида амалга ошириладиган мониторинг ва текшириш таомилларининг ўрнини босувчи ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи омил сифатида эмас, аксинча, уларни тўлдирувчи механизм сифатида қарайди. Бош котибнинг тегишли ҳисоботларида таъкидланганидек, маслаҳат хизматлари ва техник ёрдам кўрсатиш дастурлари давлатнинг ўз ҳудудидаги инсон ҳуқуқларига доир вазият бўйича ҳисобдорлиги учун жавобгарликни камайтирмайди ёки уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли таомиллари бўйича мониторингдан озод қилмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг миллий парламентлар учун мўлжалланган техник ёрдам кўрсатиш ва салоҳиятни ошириш дастурларига мисоллар

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўз штаб-квартираси ва турли мамлакатлар ҳамда минтақалардаги бир неча идоралари орқали техник ёрдам кўрсатади.

Мадагаскар: 2014 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Миллий ассамблея билан биргаликда ишчи гуруҳ тузган бўлиб, инсон ҳуқуқлари бузилиши ва таҳдидларига оид ахборот алмашинуви ва уларга мувофиқлаштирилган жавоб бериш учун майдон ҳисобланган ҳафталик учрашувлар ўтказиб келади. Бундай ҳамкорликни давом эттириш учун Миллий ассамблея Президенти миллий ассамблея таркибида Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитани ташкил этиш ва 2014 йилда ўз идорасида инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчи тайинлашга қарор қилди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси мустақил миллий инсон ҳуқуқлари комиссиясини яратиш бўйича қонунчиликни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни қўллаб-қувватлади. 2015 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси мустақил миллий инсон ҳуқуқлари комиссияси ваколатлари ва комиссияга Миллий ассамблея вакили тайинлаш зарурлиги тўғрисида Миллий ассамблеяда ахборот сессиялари ташкил этди.

Грузия: 2015 йилда Парламент Қонунчилик кўмитаси раисининг сўровига жавобан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати моделлари юзасидан ўтказилган тадқиқотларни қўллаб-қувватлади. Тадқиқот якунлангач, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасидан психологик нуқсони бўлган шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатига оид мавжуд қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишларни якунлаш ва қўллаб-қувватлаш жараёнида етакчилик қилиш талаб қилинди. Мазкур ўзгартиришлар 2015 йилда қабул қилинди.

Парагвай: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро тавсиялар учун парламентлар аъзолари ва турли

вазирликларнинг вакилларида иборат муассасалараро мониторинг тизимини («SIMORE» деб номланган) яратиш учун техник ёрдам кўрсатди. Ҳозирги вақтда Депутатлар Палатасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасида тегишли тавсиялар бўйича мониторинг олиб борадиган марказ мавжуд.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг жойлардаги фаолиятдан лавҳалар

2016 йил июль ойи ҳолатига кўра, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси мамлакат миқёсида ҳам қонунчиликда, ҳам амалиётда халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларини босқичма-босқич амалга ошириш ва татбиқ этишни таъминлаш мақсадида жойларда 65та идора ташкил этган ёки мавжуд органларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу инсон ҳуқуқлари бўйича салоҳиятни ошириш ва миллий муассасалар яратиш, масалан, судьялар ва қуроли кучлар аъзолари, милиция ва бошқа миллий иштирокчиларни қайта тайёрлаш орқали ташкил этишни англатади. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан амалга оширилаётган бошқа фаолият турларига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрлар ва стандартларга мос бўлган миллий қонунчиликни ишлаб чиқиш ва инсон ҳуқуқлари мониторинги бўйича саъй-ҳаракатларни бажаришга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома тузиш органлари тавсиялари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашининг механизмларига ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномалар мониторингини олиб боровчи органлар тавсияларига риоя қилишга ёрдам бериш киради. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг жойлардаги фаолияти миллий ва бошқа ҳамкорлар, айниқса, ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликка асосланган.

27. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари амалда: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг жойлардаги фаолияти (2016 йил июль ҳолатига)

Мамлакат идоралари / якка тартибдаги идоралар

Боливия, Бурунди, Камбоджа, Колумбия, Корея Халқ Демократик Республикаси,²⁹ Гватемалада, Гвинея, Гондурас, Мавритания, Мексика, Фаластин давлати,³⁰ Тунис, Уганда, Украина (Инсон ҳуқуқлари мониторинг миссияси), Яман

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси минтақавий ваколатхоналари

Шарқий Африка (Аддис-Абеба), Жанубий Африка (Претория), Ғарбий Африка (Дакар), Марказий Африка (Яоундэ), Жануби-Шарқий Осиё (Бангкок), Тинч океани (Сува), Яқин Шарқ ва Шимолий Африка (Байрут), Марказий Осиё (Бишкек), Европа (Брюссель), Марказий Америка (Панама шаҳри), Жанубий Америка (Сантьяго де Чили)

²⁹ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 25/25-сонли резолюцияси.

³⁰ Фаластин давлатига ҳавола берилганда мазкур ибора БМТ Бош ассамблеясининг 67/19-сонли резолюциясида берилган таърифга тўлиқ мувофиқ тушунилади.

Жанубий-Ғарбий Осиё ва Араб минтақаси инсон ҳуқуқлари бўйича қайта тайёрлаш ва ҳужжатлаштириш маркази (Доха)

БМТ тинчлик миссиясининг инсон ҳуқуқлари компонентлари

Афғонистон, Марказий Африка Республикаси, Кот-д'Ивуар,³¹ Конго Демократик Республикаси, Гвинея-Биссау, Гаити, Ироқ, Косово,³² Мали, Либерия, Ливия, Сомали, Жанубий Судан, Судан (Дарфур)

БМТ мамлакат жамоалари ва БМТ Тараққиёт гуруҳи минтақавий жамоалари учун инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчилар

Бангладеш, Чад, Доминикан Республикаси, Ямайка, Кения, Мадагаскар, Малави, Мозамбик, Нигерия, Папуа-Янги Гвинея, Парагвай, Филиппин, Россия Федерацияси, Руанда, Сербия, Сиерра Леоне, Шри-Ланка, Жанубий Кавказ (Тбилисида жойлашган бўлиб, Арманистон, Озарбайжон ва Грузияни қамраб олади), Тимор-Лесте, Танзания Республикаси, Македония собиқ Югославия Республикаси

БМТ Тараққиёт гуруҳи Жануби-шарқий Осиё минтақавий жамоаси ва БМТ Тараққиёт гуруҳи Марказий Америка минтақавий жамоаси.

*Таркиб ўзгариб туриши мумкин. Охирги батафсил маълумот www.ohchr.org интернет саҳифасида берилади.

28. Жадвал – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарлари

Эквадорнинг дипломатик хизматида мартабага эришганидан сўнг Хосэ Аяла-Лассо 1994 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биринчи Олий комиссари бўлган. 1997 йилда унинг ўрнини Ирландия собиқ президенти Мари Робинсон эгаллаган. 2002 йил 12 сентябрь Серхио Виеира де Мелло учинчи Олий комиссарга айланди. 2003 йил май ойида у Бош котиб томонидан унинг Ироқдаги махсус вакили сифатида фаолият олиб бориш учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан тўрт ойлик хизмат таътилига чиқарилган, 2003 йил 19 августда фожиали ҳалок бўлган.

Янги Олий комиссар тайинланганига қадар БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасига гаяналик Олий комиссар вазифасини бажарувчи Бертран Рамчаран раҳбарлик қилган. 1996 йилдан 2000 йилга қадар собиқ Югославия ва Руанда бўйича халқаро жиноий трибуналларнинг Бош прокурори сифатида фаолият олиб борган, Канада Олий судининг собиқ судьяси Луиз Арбор 2004 йил 1 июлдан 2008 йил 1 июлга қадар бўлган давр мобайнида Олий комиссар лавозимида ишлаган. Жанубий Африкадаги Олий суди Руанда бўйича

³¹ БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан 2016 йил 28 апрелда бир овоздан яқдиллик билан қабул қилинган 2284-сонли резолюцияда UNOCI ваколати 2017 йил 30 июнда тугатилиши кўрсатиб ўтилган.

³² Косово давлатига ҳавола берилганда мазкур ибора БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1244-сонли резолюциясида берилган таърифга тўлиқ мувофиқ тушунилади.

халқаро жиноий трибунал (1999-2003) ва Халқаро жиноят суди (2003-2008) собиқ судьяси Наванетхем Пиллай 2008 йил июлдан 2014 йилнинг августигача БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси раҳбари бўлган. 2014 йил сентябридан бошлаб БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси иорданиялик Зайд Раад Зайд Ҳусайн раҳбарлиги остида фаолият юритмоқда. Унинг бошчилигида ташкилот фаолиятида кенг кўламда олиб борилаётган кўп томонлама дипломатия сезилмоқда. Зайд Раад Зайд Ҳусайн халқаро жиноий-одил судлов соҳасини яхши билиши боис Халқаро жиноят судини ташкил этишда, айниқса, унинг бошқарув органи биринчи президенти сифатида муҳим рол ўйнаган. У 19 йил мобайнида тинчликпарварлик масалалари бўйича, хусусан, Бош котиб Пан Ги Муннинг тинчликни сақлаш миссияларига қўшин юборадиган мамлакатлар молиявий харажатларни қоплаш бўйича Юқори мартабали маслаҳат гуруҳидаги беш нафар таниқли экспертлардан бири сифатида ишлаган. 2004 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарвар кучлари томонидан содир этилган кенг тарқалган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақидаги айбловлардан сўнг, жаноб Зайд Кофи Аннан томонидан Бош котибнинг жинсий эксплуатация ва зўравонлик масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши раиси сифатида ҳам ишлаган.

Қўшимча ўқиш учун

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари Дастурлари билан ишлаш: Фуқаролик жамияти институтлари учун қўлланма, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2008 й. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: http://www.ohchr.org/EN/AboutUs/CivilSociety/Documents/Handbook_en.pdf.



Саккизинчи боб

Инсон ҳуқуқларига доир минтақавий шартномалар ва уларнинг амалдаги ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низомига асосланган барча давлатларга нисбатан ва фақатгина иштирокчи давлатлар учун амал қиладиган БМТнинг шартномавий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида кўшимча равишда, Африка, Америка, Араб минтақаси ва Европада кўплаб давлатлар минтақавий даражада инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларни зиммаларига олганлар ва уларнинг амалдаги ижроси юзасидан халқаро мониторинг олиб борилишини қабул қилганлар.

Осиё ва Тинч океани минтақасида минтақавий инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома ва мониторинг механизми ҳали қабул қилинмаган бўлса-да, Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий ёндашувни институционаллаштириш бўйича жараён давом этмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий судлардан бири ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясини ратификация қилган Европа кенгашининг аъзоси саналган барча 47та давлатда истиқомат қиладиган 800 миллион нафар европаликлар инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини кузатиб боради.

© Анадолу агентлиги/
Мустафо Ялчин

Африка қитъаси

Африка Бирлиги Ташкилоти, кейинчалик номи Африка Иттифоқига ўзгартирилган, аъзо давлатлар томонидан 1981 йилда Африка Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги хартияни қабул қилган бўлиб, у 1986 йил октябрда кучга кирган. 2016 йилнинг март

ойи ҳолатига кўра, Хартия Африка Иттифоқининг барча аъзо давлатлари томонидан ратификация қилинган бўлиб, биргина Жанубий Судан бундан мустасно. Хартиянинг номидан ҳам кўриниб турганидек, ушбу минтақавий шартномада бир қатор фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар билан биргаликда халқларнинг тенг ҳуқуқлилиқ, ўз тақдирини ўзи белгилаш, бойликларини ва табиий ресурсларини эркин тасарруф этиш, ривожланиш, миллий ва халқаро тинчлик, хавфсизлик ҳамда «оммавий мақбул муҳит» сингари халқларнинг жамоавий ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган. Хартияга қўшимча равишда, Африка Иттифоқи томонидан қочоқлар ҳимояси, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар қабул қилинди.

Африка хартиясига мувофиқ қароргоҳи Банжулда шахрида жойлашган (Гамбия) Африка Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссияси шикоятларни кўриб чиқади. Шикоятлар (ёки «мурожаатлар») ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс томонидан берилиши мумкин. Бу таомил давлатлараро шикоят бериш ҳуқуқига эга давлатлар ва ННТ, оилалар, кланлар, жамоалар ёки бошқа гуруҳлар номидан мурожаат қилиши мумкин бўлган ҳар қандай жамоавий ташкилот ёки шахсни ўз ичига олади. Комиссияга юборилган бир ёки бир нечта хабарлар инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари жиддий ёки оммавий бузилишларининг мавжудлигидан далолат берса, Комиссия Африка Иттифоқининг энг юқори сиёсий органини – Давлат ва ҳукумат раҳбарлари ассамблеясини – хабардор қилади. Кейинчалик Давлат ва ҳукумат раҳбарлари ассамблеяси комиссиядан вазият бўйича мустақил ўрганишни амалга оширишни сўраши мумкин. Ушбу шикоятларни ўрганиш жараёнига қўшимча равишда, комиссия, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий органлари томонидан олиб бориладиган ўхшаш таомилга кўра давлат ҳисоботларини кўриб чиқади. Бундан ташқари, махсус маърузачилар, ишчи гуруҳлар, инсон ҳуқуқларига оид муайян масалалар бўйича ҳисоботларни топшириш ва текшириш ваколатига эга қўмиталар шаклидаги бир нечта махсус механизмлар мавжуд.

1998 йилда қабул қилиниб, 2004 йил 25 январда кучга кирган Африка хартиясига қўшимча протоколга мувофиқ Африка Инсон ва халқлар ҳуқуқлари суди ташкил этилган. Африка Инсон ва халқлар ҳуқуқлари суди 2006 йил ноябр ойида Аддис-Абебада (Эфиопия) ўз фаолиятини бошлаганидан сўнг, 2007 йил август ойида ўзининг доимий қароргоҳи жойлашган Арушага (Танзания Республикаси) кўчган. Суд қарорлари комиссияниқидан фарқли ўлароқ, томонлар учун мажбурийдир. Суд Африка хартияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа тегишли шартномаларни бузилганлиги учун бир қатор ариза берувчилардан шикоятларни қабул қилиши мумкин: Комиссия устидан Комиссияга шикоят юборилган иштирокчи-давлатлар; фуқаролари инсон ҳуқуқлари бузилишининг қурбони бўлганини даъво қилаётган бир ёки бир неча иштирокчи давлатлар; Африка ҳукуматлараро ташкилотлари; жисмоний шахслар ва Африка Комиссиясида кузатувчи мақомига эга ННТлар. Бироқ, жисмоний шахслар ва НХТнинг шикоятлари фақат жавобгар давлат суднинг ўзига нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш ваколатини қабул қилган тақдирдагина муҳокама қилинади. Суднинг «шубҳа остига олинган юрисдикциясига» (икки томоннинг ишларини кўриб чиқиш ваколатига) қўшимча равишда, суд, шунингдек, Африка хартияси, иштирокчи давлатлар учун мажбурий бўлган инсон ҳуқуқларига оид бошқа ҳужжатларни шарҳлаш юзасидан маслаҳат қарорлари чиқариш ва миллий қонунчиликнинг ушбу ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолаш ваколатига эга.

Суд 1998 йил июнь ойида Оуагадоугоуда (Буркина-Фасо) Африка Иттифоқи Ташкилотининг аъзо давлатлари томонидан қабул қилинган Африка Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги хартиясининг Африка Инсон ва халқлар ҳуқуқлари судини таъсис этиш ҳақидаги протоколи 1-моддаси асосида тузилган. Протокол 15 дан ортиқ мамлакат ратификация қилинганидан кейин 2004 йил 25 январда кучга кирган. Суднинг биринчи қарори 2009 йилда Сенегалга қарши 2008 йил 11 августда берилган аризани кўриб чиққач, чиқарилган. 2016 йил январь ҳолатига кўра фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари берган 74та мурожаат суд томонидан қабул қилинган. Бироқ, ушбу мурожаатларнинг аксарияти юрисдикциянинг йўқлиги ёки жавобгар давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ёхуд жисмоний шахслар томонидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқиши бўйича суднинг ваколатларини қабул қилмаганлиги сабабли муҳокама этилмаган. 2016 йил февраль ойи ҳолатига кўра, протокол иштирокчи-давлатларидан етти нафаригина нодавлат нотижорат ташкилотлар ёхуд жисмоний шахслар томонидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқиши бўйича суднинг ваколатларини қабул қилганлиги юзасидан баёнот берганлар.

2008 йил июль ойида Африка Иттифоқи Африка суди ва Африка Инсон ва халқлар ҳуқуқлари судини бирлаштириб, уларнинг ўрнига янги ҳудудий суд – Африка Одиллик ва инсон ҳуқуқлари суди тузилди. Шунингдек, янги суд бўйича Африка Иттифоқи протоколи қабул қилинган бўлиб, аммо 2016 йил июль ҳолатига кўра фақат бешта давлат (Бенин, Буркина-Фасо, Конго, Ливия ва Мали) уни ратификация қилган (протокол кучга кириши учун 15та давлат томонидан ратификация қилиниши зарур).

Ғарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамияти суди Ғарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамияти қонунлари ва тамойилларига риоя қилинишини таъминлаш умумий ваколати билан бирга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун алоҳида ваколатга эга. 2005 йилда қўшимча протокол қабул қилинган, суднинг ваколати Ғарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамиятига аъзо ҳар қандай давлатда инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақидаги хусусий шикоятларни кўриб чиқиш мақсадида кенгайтирилган. Африка комиссияси ва Африка Инсон ва халқлар ҳуқуқлари судидан фарқли ўлароқ, Ғарбий Африка давлатлари Иқтисодий ҳамжамияти суди томонидан ишларнинг кўриб чиқиши учун олдин давлат ички ҳимоя воситаларидан фойдаланиш талаб қилинмайди.

Шарқий Африка адлия суди – Шарқий Африка ҳамжамиятининг судлов органи – 2001 йилда ишга тушган бўлиб, Шарқий Африка ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартномани талқин қилиш ва уни амалга татбиқ этиш бўйича юрисдикцияга эга. ҳамжамият аъзолари инсон ҳуқуқлари масалаларини қамраб олиш бўйича суд ваколатини кенгайтирувчи протоколни қабул қилиш тўғрисида қарор қилишлари мумкин.

Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти ҳам ўз судлов органига эга: 1992 йилда ташкил этилган Жанубий Африка тараққиёт ҳамжамияти трибунали. Трибунал ўз табиатига кўра инсон ҳуқуқлари бўйича суд ҳисобланмаса-да, унда инсон ҳуқуқлари масалаларини қамраб олинган бир неча ишлар кўрилган бўлиб, трибуналда инсон ҳуқуқлари масалаларини кўриб чиқиш ваколатига эга.

Америка қитъаси

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Америка қитъаси тизими иккита алоҳида жараёни ўз ичига олади. Улардан бири «Америка давлатлари ташкилоти низоми» ва иккинчиси «Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси» («Сан-Хосе Пакти» деб ҳам номланади) асосида таъсис этилган. Низомга асосланган тизим Америка давлатлари ташкилотига аъзо барча давлатга тегишли бўлса, «Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси» эса фақат ундаги иштирокчи-давлатлар учун мажбурийдир. 1969 йилда қабул қилинган ва 1978 йилдан кучга кирган конвенция фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга қаратилган бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар («Сан-Салвадор протоколи») бўйича қўшимча протокол (1988 йилда қабул қилинган ва 1999 йилда кучга кирган) билан тўлдирилган. Америка давлатлари ташкилоти томонидан, шунингдек, ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолиш, қийноққа солиш, аёлларга нисбатан зўравонлик, вояга етмаганларнинг халқаро савдоси ва ногиронларга нисбатан камситишлар юзасидан махсус шартномалар қабул қилинган.

Конвенцияга мувофиқ, Вашингтонда жойлашган ярим судлов органи ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро комиссияси ва Сан-Хоседа (Коста-Рика) жойлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро судига давлатлар ва жисмоний шахслар томонидан шикоятлар юборилиши мумкин. 2016 йил март ойи ҳолатига кўра, Америка давлатлари ташкилотига аъзо 35 давлатдан 23 таси конвенция иштирокчи-давлатлари ҳисобланиб, уларнинг 19 таси суднинг ваколатини тан олган. Конвенцияни ратификация қилмаган давлатлар (ёки Тринидад ва Тобаго ҳамда Венесуэла Боливар Республикаси каби Конвенцияда иштирок этишдан бош тортган давлатлар) фақат низомга асосланган тизим – Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро комиссияси олдида ҳисобдордир.

Ушбу тизим асосида топширилган минглаб шикоятларнинг аксарият қисми фақатгина Америка давлатлараро комиссияси томонидан кўриб чиқилиши асносида, Америка давлатлараро комиссияси ё шикоятларни қабул қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайди ёки уларни дўстона ҳал қилиш воситаларини ишга солади ёхуд муҳокамадаги ишларнинг аҳамиятига оид мажбурий бўлмаган тавсиялар шаклидаги хулосаларни эълон қилади. Аризачилар ўзларининг ишлари бўйича бевосита Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро судига мурожаат қилишга ҳақли эмас; фақат манфаатдор давлатлар ва Комиссиягина буни амалга ошириши мумкин. Судга мурожаат қилинган кўп ҳолларда давлатлар инсон ҳуқуқларининг қўпол ва тизимли равишда бузилиши (жумладан, қийноқлар, асоссиз қатл қилиш ва ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолиш) учун жавобгарликка тортилган бўлиб, улар қурбонлар ва уларнинг оилаларига етказилган зарарни қоплаш учун моддий жавобгарликка тортилишдан ташқари, репарациялар, жумладан бу каби ҳолатлар қайта тақдорланмаслиги бўйича кафилиликлар беришади.

Африка суди сингари Америка давлатлараро суди ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни (айниқса Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясини) талқин қилиш ва давлатлар ички қонунчилигининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларга мувофиқлигини баҳолаш бўйича тавсиявий мулоҳазаларини беришга ҳақлидир.

Кариб ҳавзаси давлатлари Адолат суди 2005 йилда ташкил қилинган. У Порт-оф-Спейн (Тринидад ва Тобаго) шаҳрида жойлашган бўлиб, бошқа аъзо давлатлар

худудида ҳам ишларни кўриб чиқиши мумкин. Суд биринчи инстанция ва апелляция ваколатига эга бўлиб, суд юрисдикциясини ўз ички қонунчилигида тан олган аъзо давлатлар учун якуний апелляция суди сифатида ҳам фаолият юритади. Суд Кариб ҳавзаси давлатлари Умумий бозори билан боғлиқ ишлар, шунингдек, кенг миқёсдаги инсон ҳуқуқлари ва экологик муаммолар қамраб олган масалаларни кўриб чиқиш ваколатига эга.

Араб минтақаси

2004 йилнинг май ойида Араб давлатлари лигаси томонидан «Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартияси» қабул қилинган бўлиб, 2008 йил март ойидан кучга кирган. Янги таҳрирдаги Хартия 1994 йилнинг сентябрида қабул қилинган, лекин Араб давлатлари лигасига аъзо бирон-бир давлат томонидан ратификация қилинмаган олдинги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартияси» ўрнини эгаллади. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан БМТ шартномавий органларига аъзо бўлган Араб инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлардан иборат гуруҳ тузилиб, хартияни янгилаш жараёни қўллаб-қувватланди. Мутахассислар қўмитаси томонидан таклиф этилган таҳрирдаги лойиҳа Араб давлатлари Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси – Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб доимий қўмитаси (ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича доимий комиссия деб ҳам аталади) томонидан маълум ўзгартишлар билан қабул қилинди. Араб давлатлари Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси 1968 йилда Араб давлатлари лигасининг доимий инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилоти сифатида ташкил этилган ва унга аъзо ҳар бир давлат вакилларида иборат. 2003 йилдан буён фуқаролик жамияти институтлари комиссия ҳузурида кузатувчи мақомини олиш ҳуқуқига эга бўлиб келмоқдалар. Араб давлатлари Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси «Араб хартияси»нинг асл ва янги таҳрирдаги намуналарини қабул қилишдаги ўзининг ҳал қилувчи ролидан ташқари, айрим араб давлатларида содир этилаётган инсон ҳуқуқлари бузилишларини танқид қилиш, араб дунёсида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим олиш учун Ҳаракат режасини ишлаб чиқиш, янги таҳрирдаги «Араб хартияси» асосида Араб давлатлари лигаси доирасидаги келишувларни қайта кўриб чиқишда фаол иш олиб бормоқда.

Амалдаги «Араб хартияси» ўзидан олдин қабул қилинган хартиянинг салоҳиятига асосланган бўлиб, бошқа барча минтақавий инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларда топилиши мумкин бўлган, ҳар қандай вазиятда ҳам бузилишига йўл қўйилмайдиган ҳуқуқларнинг энг кенг қамровли рўйхатини ўз ичига олган. Ушбу хартияда фавқуллодда ҳолатлар, адолатли суд жараёнлари, қуллик, жинсий зўравонлик, ногиронларнинг ҳуқуқлари ва одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқларга риоя қилиниши кафолатлари эски таҳрирдагидан кўра анча тараққий эттирилган. Янги таҳрирдаги хартияда, шунингдек, ривожланиш ҳуқуқи эътироф этилган бўлиб,³³ барча инсон ҳуқуқлари «умуминсоний, бўлинмас, ўзаро алоқадор ва бир-бирига боғлиқдир» деган тамойилга асосланиб,³⁴ бир қатор бола ҳуқуқлари тан олинган.³⁵

³³ «Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартияси» 37-модда. (2004 йил 23 майда қабул қилинган бўлиб, 2008 йил 15 мартдан кучга кирган).

³⁴ Ўша жойда, 1(4)-модда.

³⁵ Ўша жойда, 17, 33 ва 34-моддалар.

Давлатларнинг ҳисобот топшириш орқали «Араб хартияси»ни амалга татбиқ қилиб боришларининг мониторингини олиб бориш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита таъсис этилган бўлиб, у Араб давлатлари лигаси кенгашига ўз тавсияларининг тақдим этилишини таъминлайди. Гарчи у шахсий шикоятларни олиш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, етти нафар инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлардан иборат Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси усулига ўхшаш усулда фаолият олиб боради. «Араб хартияси»нинг 52-моддасида хартияга келгусида шахсий шикоят қилиш механизмини яратишни кўзда тутувчи қўшимча протоколни қабул қилиш имконияти белгилаб қўйилган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти 2012 йилда ўзининг илк учрашувини ўтказган Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясига эга. Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган бўлиб, аъзо давлатларга ҳуқуқий маслаҳат ва ахборот бериш билан бир қаторда, тадқиқотлар олиб борадиган ва Ислом ҳамкорлик ташкилотига тавсиялар тақдим этадиган 18 нафар мустақил экспертлардан таркиб топган. Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия шахсий шикоятлар ва мурожаатларни қабул қилмаса-да, маслаҳатлашув ва мувофиқлаштириш салоҳиятига эга бўлиб, Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзолари, фуқаролик жамияти институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизмлар ўртасида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга интилади.

Осиё ва Тинч океани минтақаси

Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий конвенция мавжуд бўлмаса-да, Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари ҳудудий ҳамкорликни, шу жумладан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси орқали инсон ҳуқуқларига ҳурматни рағбатлантиришни мустаҳкамлашга эътибор қаратиб келмоқда. Ўтган 20 йил мобайнида Осиё-Тинч океани минтақавий семинарларида иштирок этиб келаётган қатор давлатлар томонидан ҳамкорлик доирасида ишлаб чиқилган.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) томонидан Осиёда минтақавий инсон ҳуқуқлари тизимини барпо этиш йўлида нисбатан муҳим қадам қўйилди. 2009 йил октябрь ойида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасининг (АСЕАН) Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳукуматлараро комиссияси таъсис этилди. Унинг ваколати аъзо давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларини самарали амалга оширишга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш, уларни кенгайтириш ва уларни рағбатлантириш билангина чекланган. Шу мақсадда, комиссияга АСЕАН инсон ҳуқуқлари бўйича декларациясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган бўлиб, мазкур ҳужжат Пномпенда (Камбоджа, 2012 йил ноябрь) ўтказилган XXI АСЕАН саммитида қабул қилинди.

Декларация инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрлар ва стандартларни тўлиқ қамраб олмагани ва лойиҳани тайёрлаш жараёнида фуқаролик жамияти билан етарлича маслаҳатлашувлар ўтказилмагани сабабли кенг жамоатчиликнинг танқидига учради. 2015 йил ноябрь ойида Куала-Лумпурда (Малайзия) қабул қилинган, лекин ҳали кучга кирмаган (2016 йил март ҳолатига кўра) «Одамлар, айниқса аёллар ва

болалар савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенция» каби инсон ҳуқуқлари компонентлари мавжуд бошқа минтақавий ҳужжатлар ҳам қабул қилинганини эслатиш мумкин.

Жануби-Шарқий Осиё давлатлари минтақавий ҳамкорлик уюшмаси томонидан инсон ҳуқуқлари масалалари, жумладан аёллар ва болалар савдоси, болалар фаровонлиги ва терроризмга қарши курашиш соҳаларида қатор конвенциялар қабул қилинди.

Тинч океанида ҳозирча ҳеч қандай субрегионал инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартнома ёки орган мавжуд бўлмаса-да, бу мавзу сўнгги йилларда муҳокамалар марказида бўлиб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг Осиё-Тинч океани форуми (АПФ) муҳим минтақавий ташкилот саналади. Унинг аъзолари минтақадаги миллий инсон ҳуқуқлари ташкилотлари бўлиб, улар «Париж принциплари»да белгиланган халқаро стандартларга жавоб беради.

Европа

Европа Кенгаши

Европа Кенгаши³⁶ Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ташкил этилган бўлиб, 47 давлат аъзо бўлган халқаро ташкилотдир. Унинг асосий мақсадлари Европада демократияни тарғиб қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашдир. 1949 йилда ташкил топганидан сўнг Кенгаш «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси»ни ишлаб чиқишга киришган ва мазкур ҳужжат 1950 йилда имзоланган ва 1953 йилдан кучга кирган. «Европа конвенцияси» ва унинг қўшимча протоколлари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга эътибор қаратилган умумий инсон ҳуқуқлари шартномасини ташкил қилади.

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар «Европа ижтимоий хартияси»да (1961–65) ва унинг қўшимча протоколлари ҳамда янги таҳрирдаги (1996–99 йилларда қайта ишлаб чиқилган «Европа ижтимоий хартияси» аста-секинлик билан эски Хартиянинг ўрнини эгаллаши назарда тутилган) хартияда белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Европа Кенгаши томонидан махсус келишувлар, хусусан маълумотларни ҳимоя қилиш, меҳнат муҳожирлари, озчилик, қийноқларнинг олдини олиш, биотиббӣёт, одам савдоси ва аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш соҳаларидаги шартномалар қабул қилинган.

Бугунги кунда «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси» инсон ҳуқуқлари мониторингининг минтақавий даражадаги энг ривожланган тизимини ифодалайди. «Европа конвенцияси»нинг 34-моддасига биноан, Конвенция ва унинг протоколлари бўйича инсон ҳуқуқлари бузилишининг қурбони бўлганини даъво қилган ҳар қандай шахс, нодавлат ташкилот ёки шахслар гуруҳи давлатлардаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид барча ички воситалардан фойдаланиб бўлинганч, Страсбургда (Франция) жойлашган ва тўлиқ штатда фаолият

³⁶ Европа Кенгаши (Council of Europe) Европа Иттифоқи давлатлари ёки ҳукумат раҳбарларидан иборат Европа Иттифоқи (ЕИ) институти саналган Европа Кенгашидан (European Council) ва Европа Иттифоқи Кенгашидан (Council of the European Union – Европа Иттифоқининг икки қонун чиқарувчи органидан бири бўлиб, маълум бир соҳа учун масъул бўлган, Иттифоққа аъзо ҳар бир давлатнинг вазирларидан иборат) фарқланади.

олиб боровчи профессионал судьялар ишлайдиган, инсон ҳуқуқларига ихтисослашган ягона маҳкама – Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилишлари мумкин. Агар инсон ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари аниқланса, суд зиён кўрган томонга етказилган зарар қопланишини талаб қилиши мумкин. Унинг қарорлари иштирокчи-давлатлар учун яқиний ва мажбурийдир. Қарорларнинг амалга оширилиши эса Европа Кенгашининг энг юқори сиёсий органи бўлган Вазирлар қўмитаси томонидан назорат қилинади. Судга ҳар йили қарийб 65 минг мурожаат келиб тушади ва суд бу катта иш ҳажмини бошқаришда қийинчиликларга дуч келмоқда. 2010 йил июнь ойида кучга кирган 14-сонли протокол ушбу масалани ҳал қилишга қаратилган бўлиб, унга кўра, аризаларни филтрлаш ва кўриб чиқиш жараёнини оптималлаштириш, ишларни яқка судья ёки уч нафар судьядан иборат таркибда кўриш, судьяларнинг ваколат муддатини қайта сайланиш имкониятисиз тўққиз йилгача узайтириш орқали суднинг узоқ муддатли самарадорлигини кафолатлашни мақсад қилиб қўйган. 2013 йилда қабул қилинган 15- ва 16-сонли протоколлар билан миллий судлар ва апелляция инстанцияси судлари «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси»да назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг қўлланилиши ва у юзасидан тушунтиришлар беришга тааллуқли тамойилларга доир масалалар бўйича суднинг тавсиявий мулоҳазаларини сўраб мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақидаги ислоҳотлар жорий қилинди.

1998 йилда кучга кирган «Европа ижтимоий хартияси протоколи»га биноан, баъзи ташкилотлар³⁷ Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитасига мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаат қабул қилиниши мумкин, деб эълон қилинганидан сўнг, аризани кўриб чиқиш жараёни бошланиб, қўмита ишнинг мазмуни хусусида қарор қабул қилади. Тўрт ой ичида очиқ эълон қилинадиган ҳисобот шаклидаги қарор манфаатдор томонлар ва Вазирлар қўмитасига юборилади. Вазирлар қўмитаси резолюция қабул қилиб, унда тегишли давлатга кўриб чиқилган вазиятни хартияга мувофиқлаштириш учун аниқ чоралар кўришни тавсия қилиши мумкин.

1989 йилнинг февраль ойида кучга кирган **«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Европа конвенцияси»**га мувофиқ, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши курашиш Европа қўмитаси таъсис этилди. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши курашиш Европа қўмитаси ҳар бир иштирокчи-давлатнинг мустақил экспертларидан иборат бўлиб, улар қийноқлар ва бошқа ёмон муносабатларнинг олдини олиш мақсадида барча ҳибсда сақлаш жойларига мунтазам равишда олдиндан эълон қилинмаган ва кузатувчилар назоратисиз ташрифларни амалга оширадilar. Ташкил этилган пайтдан бошлаб қўмита 400 дан ортиқ ташрифларни амалга оширди ва 300 дан зиёд ҳисоботларни нашр этди.

1994 йилда Европа Кенгаши томонидан ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм ва тоқатсизликка қарши курашувчи мустақил назорат органи сифатида **Ирқчилик ва тоқатсизликка қарши курашиш бўйича Европа комиссияси** тузилган.

³⁷ Мурожаатлар беришга ваколатли ташкилотлар сирасига Европа касаба уюшмалари конфедерацияси, Бизнес Европа; Халқаро иш берувчилар ташкилоти кирази. Бундан ташқари, Европа Кенгаши ишида ҳамкорлик қилувчи ННТ, шунингдек, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Қолаверса, давлатлар миллий нодавлат ташкилотларига уларга қарши шикоят беришга рози бўлишлари мумкин. Қаранг: «Европа ижтимоий хартиясига жамоавий шикоятларни тақдим этиш тўғрисидаги қўшимча протокол» 1-моддаси (1995 йил 9 ноябрда имзоланган, 1998 йил 1 июлдан кучга кирган).

1999 йилда Европа Кенгаши томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссар мустақил институти ташкил этилиб, у Кенгашга аъзо барча 47 давлатда инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳурмат қилинишини таъминлаш ваколатига эга. Шу билан бирга, Комиссар аъзо давлатлар билан мунтазам мулоқот олиб боради, мамлакатларга ташриф буюради, аниқ мавзуларда тавсиялар беради ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий тузилмаларнинг ривожланишига ёрдам кўрсатади.

Европа Иттифоқи

Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома (Маастрихт, 1992) қабул қилинганидан сўнг, «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси томонидан кафолатланган асосий ҳуқуқлар ва Иттифоққа аъзо давлатларга хос бўлган конституциявий анъаналардан келиб чиққан ҳолда», Ҳамжамият ҳуқуқининг умумий тамойилларига айланди. 1997 йилдаги Амстердам шартномаси билан инсон ҳуқуқлари Европа Иттифоқининг асосий тамойиллари сифатида тасдиқланди.

2000 йилда ЕИга аъзо давлатлар томонидан имзоланган ва кейинчалик Лиссабон шартномасида қамраб олинган (Шартноманинг 1- ва 7-моддалари) «Асосий ҳуқуқлар хартияси» нафақат Европа Иттифоқи муассасалари учун, балки Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан Европа ҳуқуқини қўллашда мажбурий ҳисобланади. Хартия фуқаролик ва сиёсий, шунингдек, биоэтика ва маълумотлар муҳофазаси каби ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар бўйича муайян махсус кафолатларни қамраб олади. Низомнинг 53-моддасига биноан, «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси» белгиланган асосий ҳуқуқлар амал қилиниши лозим бўлган минимал меъёрни ташкил этади, бироқ аъзо давлатлар конвенцияда назарда тутилганидан ҳам кўра ортиқроқ ҳимоя қилиш имкониятларини тақдим этишлари мумкин. Бундан ташқари, хартиядаги ҳеч бир меъёр унда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни чекловчи деб талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Европа Иттифоқининг барча институтлари асосан ўзларига берилган махсус ваколатлар доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этадилар. 2007 йилда ташкил этилган Европа Асосий ҳуқуқлар агентлиги ҳамжамият ҳуқуқини амалга татбиқ этишда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш юзасидан Иттифоқ органлари ва аъзо давлатларга маслаҳат бериш ваколатига эга.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти

ЕХҲТ – инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш, хусусан, ҳаракат ва дин эркинлиги, озчилик ҳуқуқлари, эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш ва одам савдосининг олдини олишда фаол иштирок этадиган дунёдаги энг йирик минтақавий хавфсизлик ташкилоти саналади. ЕХҲТ иштирокчи-давлатлардаги инсон ҳуқуқларига оид вазиятни кузатиб бориб, ҳисоботлар тақдим этади ва иштирокчи-давлатлар маъмуриятларининг малака ошириши ва уларни қайта тайёрлашда қатнашади. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро, Одам савдоси бўйича махсус вакил ва координатор, ОАВ эркинлиги бўйича вакил ва Миллий озчиликлар бўйича Олий комиссар унинг ихтисослашган муассасалари сирасига киради. ЕХҲТ Босния ва Герцеговина ҳамда Косово каби қуролли можаролардан кейин ўзини

тиклаётган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари ва демократияни рағбатлантиришга ихтисослашган узоқ муддатли миссияни амалга оширади.³⁸

29. Жадвал. Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий шартномалар

Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи

«Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси» (1950–1953)³⁹ ва қўшимча протоколлар

«Европа ижтимоий хартияси» (1961–1965), қўшимча протоколлар ва янги тахрирдаги «Европа ижтимоий хартияси» (1996–1999)

«Муҳожир ишчиларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Европа конвенцияси» (1977–1983)

«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Европа конвенцияси» (1987–1989)

«Минтақавий ёки озчилик тиллари бўйича Европа хартияси» (1992–1998)

«Миллий озчиликларни ҳимоя қилиш бўйича Доиравий конвенция» (1995–1998 йиллар)

«Болалар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича Европа конвенцияси» (1996–2000)

«Инсон ҳуқуқлари ва биотиббиёт тўғрисидаги конвенция» (1997–1999)

«Фуқаролик тўғрисидаги Европа конвенцияси» (1997–2000)

«Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар хартияси» (2000 йил)

«Одам савдосига қарши кураш бўйича Европа конвенцияси» (2005–2008)

«Европа Кенгашининг болаларни жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш конвенцияси» (2007–2010)

«Европа Кенгашининг хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликка қарши кураш бўйича конвенцияси» (Истанбул конвенцияси) (2011–2014)

Америка давлатлари ташкилоти

«Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси» (1969–1978) ва қўшимча протоколлар (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида)

«Қийноқларнинг олдини олиш ва жазолаш бўйича Америка давлатлараро конвенцияси» (1985–1987)

³⁸ Косово давлатига ҳавола берилганда мазкур ибора БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1999 йилдаги 1244-сонли резолюциясида берилган таърифга тўлиқ мувофиқ тушунилади.

³⁹ Ҳар бир шартномадан кейин берилган биринчи сана шартнома қабул қилинган санани; иккинчиси эса зарур миқдордаги аъзо давлатлар томонидан ратификация қилинганидан кейин шартнома кучга кирган санани англатади.

«Аёлларга қарши зўравонликнинг олдини олиш, жазолаш ва уларни бартараф этиш бўйича Америка давлатлараро конвенцияси» (1994–1995)

«Инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Америка давлатлараро конвенцияси» (1994–1996)

«Халқаро вояга етмаганлар савдоси тўғрисидаги Америка давлатлараро конвенцияси» (1994–1997)

«Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Америка давлатлараро Конвенцияси» (1999–2001)

«Ирқчилик, ирқий камситишлар ва тоқатсизликнинг бошқа шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Америка давлатлараро конвенцияси» (2013–2013)

«Барча шакллардаги камситишлар ва тоқатсизликка қарши курашиш тўғрисидаги Америка давлатлараро конвенцияси» (2013–2013)

Африка Иттифоқи (собиқ Африка Бирлиги Ташкилоти)

«Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси» (1981–1986)

«Африкадаги қочоқлар муаммосининг ўзига хос жиҳатларини бошқариш тўғрисидаги конвенция» (1969–1974)

«Африка болалар ҳуқуқи ва фаровонлиги тўғрисидаги конвенцияси» (1990–1999)

«Африкада хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси протоколи» (Мапуто протоколи) (2003–2005)

«Африка Ёшлар хартияси» (2006–2009)

«Африка демократия, сайлов ва бошқарув хартияси» (2007–2012)

«Мамлакат ҳудудида кўчиб юришга мажбур шахсларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Африка конвенцияси» (Кампала конвенцияси) (2009–2012)

Қўшимча ўқиш учун

– Европа Иттифоқи ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Европа бўлими: батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: http://www.europe.ohchr.org/Documents/Publications/EU_and_International_Law.pdf.



Тўққизинчи боб

Инсон ҳуқуқларини самарали ривожлантиришга парламент ўз ҳиссасини қўшиши учун қўйиладиган асосий шартлар

Парламентлараро иттифоқнинг Парламент аъзолари инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси вакилларининг 2016 йил март ойида Лусака шаҳрида (Замбия) ўтказилган 135-чи Парламентлараро иттифоқ ассамблеяси пайтидаги муҳокама жараёни.

© Парламентлараро иттифоқ / Беллах Зулу

Асосий тамойиллар

Гап инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш ҳақида кетар экан, парламентлар ва уларнинг аъзолари бу жараёндаги муҳим иштирокчи эканликларига алоҳида урғу бериш лозим: қонунчилик асосларини яратиш, бюджетни қабул қилиш ва ижро ҳокимиятини назорат қилиб боришдан иборат бўлган парламент фаолияти бир бутунлигича сиёсий, фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг барча жабҳаларини қамраб олади ҳамда фуқароларнинг бу ҳуқуқлардан фойдаланишларига дарҳол таъсир кўрсатади. Фуқаролар вакилларида иборат бўлган давлат институти сифатида ва айнан шу идора орқали фуқаролар давлат ишларини бошқаришда қатнашишларини ҳисобга оладиган бўлсак, парламентнинг ҳақиқатан ҳам инсон ҳуқуқлари қўриқчиси эканлиги янада ойдинлашади. Парламент гарданидаги ушбу масъулиятли вазифани давлатнинг тинчлиги, ижтимоий яқдиллик ва барқарор

ривожланиш, авваламбор инсон ҳуқуқларига алоқадор масалаларнинг парламент фаолиятида нечоғлик қамраб олинишига боғлиқ эканлиги учун ҳам доимо ёдда тутишлари шарт.

Парламентлар ўзларининг инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деган ролини самарали амалга ошириш учун махсус мезонлар талабларига жавоб беришлари ва зарур муҳофаза чоралари ўрнатилиши лозим.

Парламентнинг кенг қамровли вакиллик хусусиятини таъминлаш

Парламент ҳокимияти асосан унинг жамиятидаги турфа хил аҳоли қатламлари манфаатларини сидқидилдан акс эттира олиш салоҳиятига боғлиқ. Бунга жумладан, аёллар ва эркаклар, ҳар хил сиёсий партиялар, этник гуруҳлар ва озчиликка мансуб миллат вакиллари киради. Бунга эришиш учун парламент аъзолари фуқаролар томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21- ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддаларига мувофиқ умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловларда сайланиши керак.

30. Жадвал. Парламентлар ва Парламентлараро иттифоқда аёлларнинг иштироки даражаси

Аёллар дунё аҳолисининг ярмини ташкил қилса-да, аммо бу кўрсаткич уларнинг парламентларда эгаллаган ўринлари сонига мутаносиб эмаслигини бу кўрсаткич 22,6 фоизни ташкил этишидан билса бўлади. Шунга қарамасдан, ўтган ўн йил мобайнида муҳим ютуқларга эришилди: 2005 йилда уларнинг улуши фақат 16,2 фоизни ташкил этган.

Парламентлараро иттифоқнинг «Парламентдаги аёллар: йил сарҳисоби» номли йиллик нашрида парламентда аёллар томонидан йил давомида ўтказиладиган сайловлар ва такрорий сайловларда эришилган ютуқлар ва камчиликлар ҳисоботи ва таҳлили берилган.

Парламентлараро иттифоқнинг 2015 йилги таҳлилидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Квоталар: зарур, аммо етарли эмас. Сайловлар бўйича гендер квоталари аёлларнинг парламентга сайланишларида катта ўзгаришлар ясайди. 2015 йилда квоталар қонунийлаштириладиган сайловларда иштирок этган аёллар парламентдаги ўринларнинг деярли тўртдан бирини эгаллаган. Бироқ бир қатор мамлакатлар тажрибасида кузатилганидек, квоталар уларни амалга ошириш режими билангина самаралидир. Квота белгилашга оид қоидалар эътиборга олинмаган ва бунинг учун санкциялар татбиқ этилмаган ёки қатъий ижро этилмаган аксарият ҳолатларда аёллар сайланмаслиги табиийдир. Аёлларнинг ўз сайлов кампанияларини етарли миқдорда молиялашини таъминлашда учрайдиган давомли муаммоларни ҳал қилиш учун эса инновацион ечимлар зарур.

- Контекст масалалари: сайлов тизими. Ҳатто гендер квоталарига риоя қилиш тўлиқ ҳурмат қилинмаган бўлса ҳам, Шимолий ҳудуд (Дания ва Финляндия) ва Лотин Америкасидаги (Аргентина ва Гаяна) сайлов тизимлари олдин сайланган аёллар сонининг сақлаб қолинишига хизмат қилди. Пропорционал сайловлар орқали 25,8 фоиз хотин-қизлар овоз олган бўлса, мажоритар сайлов тизими ёки тайинлаш йўли билан 22,3 фоиз аёллар сайланган. Пропорционал вакиллик сиёсий партияларга кўпроқ аёлларни жалб қилиш имконини бериш баробарида (бир сайлов округига бир нечта номзод сайланиши мумкинлиги сабабли) квоталар қонунийлаштирилган тизимга нисбатан мос ҳисобланади. Бу квоталар мажоритар сайлов тизимларида амалга оширилиши жуда қийин, чунки ҳар бир сайлов участкасидан фақат битта номзод сайланиши мумкин.
- Барча сиёсий партиялар аёллар номзодларини кўрсатишлари керак. Номзодлар ҳақидаги маълумотлар бир вақтнинг ўзида йиғилиши кенг қамровли таҳлил ўтказишни қийинлаштиради. Мавжуд маълумотларга кўра, захира ўринлари ажратиш шаклидаги квоталар мавжуд давлатлар (Покистон ва Танзания Республикаси) ва сайлов натижаларини ҳокимиятдаги партиянинг қудрати туфайли олдиндан тахмин қилиш имкони бўлган давлатларда (Эфиопия, Сингапур ва Тожикистон) аёлларнинг муваффақият қозониш даражаси юқоридир. 2015 йилда аёлларнинг сайловдаги (нисбатан кичик парламентларда) муваффақияти, айниқса Маршалл ороллари, Тувалу, Сент-Китс ва Невис ороллари сингари ривожланаётган кичик орол-мамлакатларга катта таъсир кўрсатди. Бироқ бу маълумотлар муҳим аҳамиятга эга бир хулосани хаспўшлайди: консерватив сиёсий партиялар аёлларнинг кўп ўрин эгаллаши йўлидаги мақсадларга эришиш ёки ихтиёрий квоталарга қаршилиқ кўрсатишга интиломқдалар ва шунинг учун сайловларда номзод сифатида кўрсатилаётган аёллар сони камдир.

Парламентлараро иттифоқ тайинланадиган лавозимлар учун аёлларга ички квоталар жорий этган ва иккала жинс вакилларида иборат бўлмаган делегациялар учун санкциялар қўлловчи ягона халқаро ташкилот сифатида халқаро намуна бўлиб келмоқда.

Парламент аъзоларининг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш

Парламент аъзолари ўз сайловчилари номидан гапира олишлари учун зарур бўлган ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирдагина олдига қўйилган вазифани адо эта олади. Парламент аъзолари ҳеч қандай ўч олиш қўрқувисиз ахборот ва уларни эркин қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлишлари шарт. Шунинг учун ҳам уларга зарур мустақиллик бериш мақсадида аксарият ҳолатларда алоҳида махсус мақом берилган бўлиб, улар парламентдаги фаолият жараёнида ўз фикрини эркин ифода этиши учун парламент имтиёзи ёки парламент иммунитетидан фойдаланадилар.

31. Жадвал. Парламент иммунитетининг тарихий жиҳатлари

Буюк Британияда, 1215 йилда Магна Карта билан бошланиб, шахснинг ҳуқуқлари қирол ҳокимиятини суиистеъмол қилишдан, хусусан, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ва қамашдан ҳокимият тепасига келган мансабдорлар орқали кафолатланган эди. «Ҳуқуқлар петицияси» (1628), «Хабеас корпус қонуни» (1679) ва нихоят «Ҳуқуқлар билли» (1689) каби ҳужжатларнинг ҳаммасида умумий ҳуқуқ аъаналари билан тасдиқланган шахсий ҳуқуқларга ҳаволалар берилган ёки шахсий ҳуқуқларни янада бойитган. Шу боис иммунитетларнинг англо-саксон тушунчаси ҳар кимга, парламент аъзоларига ва бошқаларга нисбатан қўлланадиган одатларнинг тадрижий ривожланишидан келиб чиққан. Шунинг учун Британия парламентининг аъзолари Қирол ёки ҳукумат томонидан ўзбошимчалик билан ҳаракат қилинганда ўзларини ҳимоя қилиш учун умумий ҳуқуқ етарли деб ҳисоблаб, махсус ҳимоя чораларини ривожлантиришга зарурият сезмаганлар.

Францияда эса вазият ўзгача бўлиб, шахс ҳуқуқларини давлат ҳокимияти орқали ҳимоялаш учун инқилоб рўй бериши зарур эди. 1789 йилги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»нинг қабул қилиниши йиллар давомида ривожланиб келган асосий сиёсий қадриятлар ҳақида умумий келишув натижаси эмас эди. Шунинг учун Миллий ассамблея аъзоларининг мустақиллигини таъминлашда махсус чоралар кўрилиши талаб этилган. 1789 йил 25 июнда қирол Қироллик кенгаши аъзоларидан йиғилиш жойини тарк этишни буюрганида Миллий ассамблея ҳар бир депутатнинг шахсини дахлсиз деб эълон қилган ва Қироллик кенгашининг йиғилиши пайтида ёки ундан берилган таклифлар, қилинган баёнотлар ёки қарашлари учун депутатни жазолайдиган, жиноий жавобгарликка тортиш учун қамаш ва ҳибсга олишга уринадиган шахслар, корпорациялар, судлар ва комиссияларни «нафратга сазовор ва халқ хоинлари ҳамда олий жиноят» деб эътироф этган. Ушбу янги дахлсизлик тушунчаси жамоат тартибини сақлаш мақсадида қонунчилик ҳокимиятини ижро ҳокимияти томонидан содир этиладиган тажовузкорликдан асраш учун кўрилган чора сифатида баҳоланиб, айрим тоифадаги шахслар манфаати учун берилган имтиёз сифатида кўрилмаслиги лозим. Парламент аъзоларининг иммунитети миқёси, унинг ҳуқуқий ва амалий натижалари ривожлантирилиб, депутатлар томонидан уларнинг расмий ваколат доирасида ва шахсий мақсадда амалга оширадиган ҳаракатлари ўртасидаги аниқ фарқлар пайдо бўлди. Шундай қилиб, француз модели сўз эркинлиги ва парламентнинг дахлсизлиги ҳуқуқини ўз ичига олади. Вестминстер модели Британия Ҳамдўстлиги давлатларига қандай таъсир кўрсатган бўлса, бу ғоя, шубҳасиз, худди шу сингари Европа ва собиқ француз мустамлака давлатларига жуда катта таъсир кўрсатди.

Парламент иммунитетига кўра, халқ вакиллари мансабдор шахслар ёки бошқа фуқаролар томонидан ўзларига қарши йўналтирилган ҳар қандай таҳдид, кўрқитиш ёки бошқача тарздаги асоссиз чора-тадбирлардан ҳимоялаш орқали уларнинг мустақиллиги ва кадр-қиммати таъминлаб берилади. Иммунитетнинг қўлланилиш соҳаси турлича шаклда бўлади. Барча парламент аъзоларига нисбатан қўлланиладиган минимал кафолат – бу ҳисобот бермаслик кафолатидир. Бу кафолатга мувофиқ, парламент аъзолари ўз вазифаларини бажариш пайтида ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасига қарши бўлмаган ва охир-оқибатда мандатининг

янгиланишига таъсир кўрсатмайдиган ҳар қандай гапни санкция қўллаш таҳдидисиз айта олишлари мумкин. Баъзи мамлакатларда парламент аъзолари шахсий дахлсизлик ҳуқуқига мувофиқ парламент аъзоларига нисбатан қўзғатиладиган ҳар қандай фуқаролик ва жиноий ишлар, уларнинг ҳибсга олиниши ёки ушлаб турилиши фақатгина парламентнинг розилиги билан амалга оширилади. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш маъносини англатмайди. У фақатгина парламент томонидан парламент аъзосига нисбатан қўзғатилган ишларнинг нечоғлик қонуний асосга эга эканлигини аниқлашга хизмат қилади.

32. Жадвал. Парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқлари бўйича Парламентлараро иттифоқ қўмитаси

- Агар парламент аъзолари ўзлари вакиллари бўлган инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқчи бўлсалар, уларнинг ўзлари ўз инсон ҳуқуқлари, жумладан сўз эркинлиги ҳуқуқидан фойдалана олишлари лозим. Ҳар доим ҳам улар ўз инсон ҳуқуқларидан фойдалана олмасликларини инобатга олиб, Парламентлараро иттифоқ томонидан 1976 йилда депутатларнинг инсон ҳуқуқлари поймол этилишига оид даъволарни текшириш ва муҳокама қилишга доир таомилни қабул қилган.
- Парламентлараро иттифоқ томонидан Парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига «жорий парламентдаги, фаолияти тўхтатиб қўйилган парламентдаги ёки аксилконституциявий ёки фавқулодда чоралар натижасида тарқатиб юборилган парламентда ўз ваколатларини амалга оширишлари чоғида уларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракат содир этилган» парламент аъзоларининг шикоятларини кўриб чиқиш вазифаси топширилган. Мазкур таомил ҳар қандай мамлакатнинг миллий парламенти аъзолари учун амал қилади.
- Қўмита гендер мувозанати ва оқилона жуғрофик тақсимотга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бири ўз шахсий салоҳиятига кўра беш йил муддатга сайланадиган ўн нафар аъзодан иборат. Қўмита йил давомида учта ёпиқ йиғилиш ўтказади.
- Қўмита манфаатдор давлат органлари ва шикоят берувчи билан биргаликда унга юборилган иддаолар, ахборот ва тегишли ишга алоқадор далилларни текшириш ва аниқлашга интилади. Мурожаатни қабул қилиш мумкинлигини аниқлагандан сўнг, Қўмита миллий, минтақавий ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ меъёrlари ва юриспруденцияни ҳисобга олган ҳолда ишни муносиб тарзда ҳал қилиш учун ечим топишга интилади. Қўмита ўз ваколатларини бажариш чоғида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли тавсиялари, шунингдек, расмий минтақавий ва миллий инсон ҳуқуқлари тузилмалари ва механизмларидан фойдаланади. Ишни муносиб тарзда ҳал қилиш учун топилган ечимлар турли хил шаклларда, масалан ҳибсга олинган парламент аъзосини озод қилиш, сиёсий айбловларни бекор қилиш, парламент вакилига нисбатан амалга оширилган зўравонликларни самарали тергов қилиш ва уларни содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўриш шаклида бўлиши мумкин.

- Қўмита – тегишли давлат томонидан маъқулланган ва баъзи бир минимал шартлар бажарилган тақдирда – томонлар билан муҳокамалар ўтказиши, давлатларга ташрифларни амалга ошириши ва қонун бузилиш ҳолатлари юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги хавотирлар мавжуд бўлганда парламент вакилларига нисбатан олиб борилаётган суд муҳокамаси жараёнини кузатиши мумкин.
- Қўмита қарорлари махфий равишда қарор қабул қилиш учун асосий сабаблари мавжуд деб ҳисобланмагунича ошкора қабул қилинади. Қўмита ишни Парламентлараро иттифоқнинг қарор қабул қилиш органи саналган Бошқарув кенгашига у томонидан қабул қилиниши учун қарор лойиҳасини тақдим этиш орқали кўриб чиқишга жалб этиши мумкин. Бошқарув кенгашига барча Парламентлараро иттифоқ аъзоларининг хавотирини ифодалаб, парламентларнинг бирдамлик тамойилига асосан, барча аъзо давлатлар парламентларини қарор қабул қилиш жараёнида ўз фаолиятида иштирок этиш ва уни қўллаб-қувватлаш учун таклиф қилади.
- Манфаатдор парламент аъзоси ёки унинг оиласи ёки адвокатлари, парламентнинг бошқа аъзолари, сиёсий партия, инсон ҳуқуқлари соҳасида ваколатли нуфузли халқаро ёки миллий ташкилот (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари, ҳукуматлараро ташкилотлар, парламентлараро ташкилотлар ва нодавлат ташкилотлари) ўз мурожаатларини Қўмитанинг қуйидаги электрон почта манзилига юборишлари мумкин: postbox@ipu.org.

Қўмита ва унинг иш фаолияти, жумладан шикоятлар билан ишлаш таомили ҳақида батафсил маълумот Парламентлараро иттифоқнинг интернет саҳифасида – www.ipu.org – берилган.

«Афсуски, айрим мамлакатларда депутатларнинг инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинмайди. Уларнинг сўз эркинлиги рад этилган. Улар ўз халқи номидан гапиргани учун қурбон бўлиб, қамоққа ташланган, ҳатто ўлдирилган. Парламентлараро иттифоқнинг Парламент аъзолари инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси фаолияти орқали ушбу адолатсизликка чек қўйишда жуда муҳим роль ўйнайди. Тинч мулоқотлар ва музокаралар олиб боришдан фойдаланиб, Парламентлараро иттифоқ сиёсий маҳбустларнинг озод қилиниши ва ҳуқуқбузарлик қурбонларига етказилган зарар қопланишида муносиб натижаларга эришади».

*Парламентлараро иттифоқ 125 ёшда: Тинчлик ва демократияга бўлган садоқатимизни янгилаш.
Парламентлараро иттифоқ раисининг мунозаралари
баёни, 2014.*

Ҳуқуқий асосларни, хусусан парламентнинг иш жараёнини англаб етиш

Парламент аъзоларининг конституциявий қоидалари ва давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари, ҳукуматнинг фаолият юритиш тартиби, давлат ишларини бошқариш ва албатта, парламент фаолияти билан тўлақонли таниша билиши муҳим аҳамият касб этади. Айрим парламентлар, хусусан Жанубий Африка парламенти янги сайланган парламент аъзоларини парламент иш юритиш тартиби ва парламентда ўрнатилган таомиллар билан таништириш мақсадида ўқув семинарларини ташкиллаштириб келмоқда.

Парламент аъзолари зиммаларидаги юксак масъулиятли вазифани адо эта олишлари учун зарур маблағ ва молиявий манбалар билан таъминланишлари шарт.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида парламент аъзоларининг билимларини бойитишга қаратилган техник кўмак дастурлари ажратиладиган маблағ етишмовчилигига қарши курашишнинг самарали воситаларидан ҳисобланади (батафсил маълумот олиш учун 26-жадвалга қаранг).

Фавқулодда ҳолатларда парламентнинг ролига аниқлик киритиш

Фавқулодда ҳолатлар жорий этилишидан, энг аввало парламентлар жабр чекадилар. Бунинг асосий сабаби бундай ҳолатларда парламент ҳокимиятининг бирданига кутилмаган даражада чекланиши ёки ҳатто тарқатилиб юборилиш хавфининг мавжудлигидир. Бундай кутилмаган ҳолатларнинг олдини олиш учун парламентлар қуйидаги чора-тадбирларни кўришлари шарт:

- Фавқулодда ҳолатларнинг эълон қилиниши асоссиз меъёрлар қўлланилишига йўл қўймаслигини таъминлаш;
- Халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрларига мувофиқ фавқулодда вазиятларнинг жорий этилиши ва бундай ҳолатнинг амал қилишини тугатиш парламентлар чекига тушган;
- Инсон ҳуқуқларига доир айрим мажбуриятлардан чекинишга йўл қўйилмаслиги учун ҳам парламентлар масъул ҳисобланади (батафсил маълумот олиш учун 4-бобга қаранг);
- Фавқулодда вазиятлар эълон қилинган ҳолатларда парламентларнинг тарқатиб юборилиши ёки унинг фаолиятининг вақтинча тўхтатиб қўйилиши қонунга зид ҳисобланади;
- Фавқулодда ҳолатлар эълон қилинган давр мобайнида парламент махсус ваколатлар берилган давлат ҳокимияти идоралари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти устидан назорат олиб боришлари зарур;
- Фавқулодда вазиятларга конституция ёки конституциявий қонунларда таъриф берилиши лозим бўлиб, бундай ҳолатларнинг эълон қилиниши ҳокимият ваколатига эга айрим шахсларнинг иродасига боғлиқ бўлмаслиги лозим.

Инсон ҳуқуқларининг ўзгариб бораётган табиати ва парламент фаолиятининг турли соҳаларига у кўрсатаётган таъсирларни ҳисобга олсак, ҳозирда парламентлар инсон ҳуқуқлари бўйича кўмига эга бўлишлари ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ муҳимдир (батафсил маълумот олиш учун 11-бобга қаранг).

Қўшимча ўқиш учун

- Парламентда болаларнинг иштироки бўйича Парламентлараро иттифок қўлланмаси. –Женева: Парламентлараро иттифок, 2011.
- Миллий парламентларда ёшлар иштироки тўғрисидаги Парламентлараро иттифок ҳисоботи. –Женева: Парламентлараро иттифок, 2016.



Ўнинчи боб

Инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилишдаги парламент функциялари

Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва унинг Универсал даврий ҳисоботи фаолиятига парламентларнинг қўшган ҳиссалари бўйича 2015 йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги қароргоҳида ўтказилган муҳокамалар.

© БМТ/ БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси фотоси / Даниелле Тиссот Кирби

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномаларни ратификация қилиш

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш халқаро жамоатчилик ва мамлакат ижтимоий фикрини ўзгартириш ва афкор оммага давлатнинг инсон ҳуқуқларига бўлган садоқатини намоиш этиш воситаси ҳисобланади.

Ратификация — ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб берилган мажбуриятларнинг давлат томонидан амалга татбиқ этиш истагининг ифодаланиши бўлиб, унинг инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида эришаётган ютуқлари ва олиб бораётган саъй-ҳаракатларини халқаро жамоатчилик томонидан назорат қилиниши ҳамда кузатиб боришига рухсат беришдир, у ратификация қилаётган давлат учун ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ижроия ҳоқимияти вакиллари томонидан, асосан давлат бошлиғи ёки ҳукумат раҳбари ёхуд ташқи ишлар вазири

томонидан имзоланади ва ратификация қилинади. Бироқ шартноманинг охир-оқибатда ратификация қилиниш-қилинмаслиги масаласи аксарият давлатларда парламент ваколатига киритилган бўлиб, парламент ратификацияни маъқуллаши лозим. Ратификация қилиниши билан ҳуқуқий ҳужжат ратификация қилаётган давлатда инсон ҳуқуқларига оид тегишли қонунчилик асослари яратилишини тақозо этади ва давлат зиммасига халқаро шартномани миллий қонунчиликка татбиқ этиш ёки миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий меъёрларига яқинлаштириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар хусусида халқаро ҳамжамиятга маърузалар тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

33. Жадвал. Парламентларнинг халқаро ҳуқуқий шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва улар юзасидан музокаралар олиб боришда иштирок этиши

Миллий парламентлар аъзолари халқаро ёки минтақавий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёхуд сиёсий қарорлар қабул қилиш чоғида бевосита иштирок этмайдилар.

1949 йилда ташкил этилган ва минтақавий парламент уюшмаси ҳисобланмиш Европа кенгаши Парламент ассамблеяси инсон ҳуқуқларига дахлдор ҳолатлар мониторингини олиб бориш ва янги ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда борган сари муҳим ўрин тутаётган ягона ташкилот саналади. Унинг Ҳуқуқий масалалар ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Вазирлар қўмитаси (Кенгашга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирларидан иборат) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Бошқарув қўмитаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, янги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда ва инсон ҳуқуқларига оид муаммоли масалалар юзага келганда биргаликда фаолият юритишади.

Парламентлараро иттифоқ ратификация қилинадиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга татбиқ этилишини таъминлаш юзасидан тегишли қонунлар парламент аъзолари томонидан қабул қилинишини, шунинг учун ҳам парламент ҳукумат вакиллари билан биргаликда ратификация босқичидан анча олдин ва халқаро қонун чиқарувчи идоралар томонидан халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиш босқичидаёқ иштирок этиши лозимлигини инобатга олиб, парламент аъзоларини инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларни ишлаб чиқишда янада фаолроқ рол ўйнашга мунтазам равишда чорлаб келмоқда.

Парламент аъзоси сифатида сиз нималар қилишингиз мумкин:

- ✓ Ҳукуматингиз томонидан (ҳеч бўлмаганда) инсон ҳуқуқларига оид асосий 9 халқаро шартнома ва уларга қўшимча протоколлар (батафсил маълумот олиш учун 3- ва 5-бобларга қаранг) ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мавжуд минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинганми йўқми, текшириб кўринг (батафсил маълумот олиш учун 8-бобга қаранг).

- ✓ Агарда шартномалар ратификация қилинмаган бўлса, ҳукуматнинг бу ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш истаги бор-йўқлигини аниқлашга уришиб кўринг. Агар имзолаш истаги бўлмаса, бундай ҳаракатсизликнинг сабабини билиш ва кечиктиришларсиз ҳукуматни бу ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш ва ратификация қилишини рағбатлантириш мақсадида парламент таомилларини ишга солинг.
- ✓ Агарда халқаро ҳуқуқий ҳужжатни имзолаш назарда тутилаётган бўлса, ҳукуматнинг шартномага изоҳ киритиш истаги бор-йўқлигини аниқланг ва шундай истак мавжуд бўладиган бўлса, киритилиши режалаштирилаётган изоҳлар шартноманинг мазмуни ва мақсадларига қанчалик мувофиқлиги ҳамда бунга зарурат бор-йўқлигини текшириб кўринг (батафсил маълумот олиш учун 4-бобга қаранг). Агарда изоҳ киритилиши ҳеч қандай асосларга эга эмас, деган хулосага келсангиз, ҳукумат ўз тутган мавқеини қайтаришини таъминлаш йўлида чора-тадбирлар кўринг.
- ✓ Давлатингиз томонидан кучга кирган шартномаларга изоҳлар берилганми йўқми, текшириб кўринг ва берилган изоҳларга айна пайтда эҳтиёж сезилмаётган бўлса, уларнинг бекор қилинишига эришиш учун чоралар кўринг.
- ✓ Ҳукуматингиз томонидан қуйидаги мақсадларга тегишли қўшимча протоколлар (батафсил маълумот олиш учун 5-бобга қаранг) ратификация қилинганми ёки улар юзасидан зарур баёнот берилганми йўқми, текшириб кўринг:
 - Шартномавий қўмиталарнинг шахсларнинг ариза, шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқиш ваколати тан олинганми («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол», «Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қўшимча протоколи», «Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция», «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол», «Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция», «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қўшимча протокол», «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» ва «Барча ишчи-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция»);
 - Шартномавий қўмиталарнинг мустақил текширувлар олиб бориш ваколати тан олинганлиги («Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция», «Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция», «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қўшимча протоколи», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол», «Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам

бериш тўғрисидаги конвенция қўшимча протоколи» ва «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшимча протокол»га мувофиқ);

- Озодликдан маҳрум қилиш муассасаларига мунтазам ташрифлар уюштириш тизими кўзда тутилган «Қийноқ ҳамда муомала ва жазоларнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг қўшимча протоколи» ратификация қилингани.
- ✓ Юқорида номлари тилга олинган халқаро шартномалар ратификация қилинмаган ёки улар юзасидан зарур баёотлар берилмаган бўлса, баёотлар берилиши ва факультатив протоколлар ратификация қилинишини таъминлаш учун чоралар кўринг.
- ✓ Барча, шу жумладан мансабдор шахслар, давлат идоралари ходимлари ва кенг жамоатчилик ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар ва уларнинг қоидалари билан танишишларига имкон берилишини таъминланг.
- ✓ Агар сизнинг давлатингиз Халқаро жиноят суди Статутини имзоламаган ва ратификация қилмаган бўлса, унинг имзоланиши ва ратификация қилинишига эришиш, Статутнинг кучи ва суднинг ваколатларини чеклашга қаратилган ҳар қандай шартномадан давлатингиз тийилиб туришини таъминлаш борасида чора-тадбирлар кўринг.

«Парламентлар жумладан, халқаро мажбуриятларни миллий сиёсатлар ва қонунларга айлантиришда, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар бир аъзоси томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилиши ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар олиб борилиши ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаши эътироф этилади».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 22/15-сонли (2013 йил) резолюцияси.

Миллий қонунчиликка имплементация қилишни таъминлаш

Халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш юзасидан қонунлар қабул қилиш

Агарда халқаро ҳуқуқий мажбуриятлар давлат миқёсида миллий қонунчиликка татбиқ этилмаса, тегишли шартномалар қоидалари карахт бўлиб қолаверади. Барча соҳалар, хусусан, меҳнат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва таълим қонунчилиги соҳаларида зарур шартнома қоидаларини миллий қонунчиликка (фуқаролик, жиноий,

маъмурий ҳуқуқ) татбиқ этишда парламентлар ва парламент аъзолари асосий роль ўйнайдилар.

Шахсларнинг миллий судларда халқаро шартномалар қоидаларини тўғридан-тўғри қўлланилишини талаб қилиш ҳуқуқи даражаси ва миллий қонунчиликка татбиқ этиш усуллари давлатлар конституцияларида белгилаб берилган. Халқаро шартномаларнинг амалга татбиқ этилишига оид икки хил ёндашув мавжуд:

а) Автоматик инкорпорациядан иборат монистик тизим. Бу тизимга мувофиқ, шартнома ратификация қилиниши ёки унга қўшилиш биланоқ миллий ҳуқуқнинг таркибий қисмига айланиб, шахслар судларда халқаро шартномалар қоидаларининг тўғридан-тўғри қўлланилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалар. Айрим ҳолларда шартномалар судларда миллий ҳуқуқ мақомида қўлланилиши учун уларни аввало расмий нашрларда эълон қилиш ёки уларни амалга татбиқ этиш юзасидан махсус миллий қонун қабул қилиниши талаб этилади ва шундан сўнгина шахслар миллий судларда ушбу шартномалар қоидаларига ҳавола қилишлари мумкин;

б) Дуалистик тизим. Ушбу тизимга кўра, халқаро шартномалар қоидалари фақатгина миллий қонунларда акс эттирилган ёхуд бу борада тамомила янги қонун қабул қилинган тақдирда миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмига айланади. Бу тизимга мувофиқ, шахслар халқаро шартноманинг миллий қонунчиликнинг узвий қисмига айланмаган қоидаларининг қўлланилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Конституция ҳуқуқий нормалар йиғиндиси эканлиги ва бошқа барча миллий қонунлар унинг руҳи ва принципларидан келиб чиқиб қабул қилинишини инобатга оладиган бўлсак, роман-герман ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатларда инсон ҳуқуқларининг конституцияда ўз ифодасини топганлиги сабабли бошқа барча қонун ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг конституцияда белгилаб қўйилган мақсад ва тамойилларига уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади.

Парламент аъзоси сифатида сиз нималар қилишингиз мумкин:

- ✓ Инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар қоидалари миллий қонунчиликка инкорпорация қилиниши ва имкон бўлса, бу қоидалар миллий қонунчиликка мувофиқ максимал даражада ҳимояланиши учун уларга конституциявий мақом берилишини таъминлашингиз;
- ✓ Парламент ва сиз аъзоси ҳисобланган қўмита томонидан ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларининг давлатингиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларига қай даражада мувофиқ эканлигини баҳолаш ва мавжуд қонунларнинг бу мажбуриятларга қанчалик мос келиши текширилишини таъминлашингиз;
- ✓ Шу мақсадда шартномавий қўмиталар фаолияти, улар томонидан ишлаб чиқиладиган тавсиялар ва инсон ҳуқуқлари мониторингини олиб борувчи халқаро ёки минтақавий механизмлар (батафсил маълумот олиш учун 5-, 6- ва 8-бобларга қаранг) билан, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида иш юритаётган халқаро ва миллий нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда давлат

муассасалари фаолияти билан танишиб чиқинг. Агарда улар фаолиятида номувофиқликлар сезсангиз, қонунчиликка тегишли қўшимча, ўзгартиш ва тузатишлар киритиш ёки янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ёхуд конституциявий суд ёки шунга ўхшаш бошқа бир суд муҳокамасига мурожаат қилиш орқали ушбу ҳолатнинг ўнгланиши юзасидан чора-тадбирлар кўришингиз;

- ✓ Мавжуд қонунлар асосида ҳукумат томонидан қабул қилинадиган қонун ости актлар ушбу қонунлар руҳи ёки улар орқали тарғиб этилиши кўзда тутилган инсон ҳуқуқлари кафолатларига зид бўлмаслигини таъминлашингиз;
- ✓ Мансабдор шахслар, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари инсон ҳуқуқларига оид шартномаларда белгилаб берилган бурч ва масъулиятларидан хабардор бўлиши ҳамда зарур малака ошириш курсларида таҳсил олишларини таъминлашингиз;
- ✓ Инсон ҳуқуқларидан жамоатчилик бохабар бўлиши муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари таълими давлатингиз мактабларидаги ўқув жараёнининг таркибий қисмига айланишини таъминлашингиз;
- ✓ Конституция ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ, давлат зиммасига юклатилган инсон ҳуқуқлари соҳасида мажбуриятлар ошкора, конструктив руҳда, ишга янгича ёндашган ҳолда ва жадал суръатларда амалга татбиқ этилишини таъминлашингиз мумкин.

Парламентлараро иттифоқ Кенгаши «барча парламентлар ва уларнинг аъзоларини инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш имконини берадиган қонунлар қабул қилинишини таъминлаш ва ўз миллий қонунлари ҳамда қонун ости ҳужжатларини бу шартномаларда белгилаб берилган нормалар ва стандартлар билан уларни тўлиқ амалга татбиқ этиш мақсадида уйғунлаштиришлари учун давлат миқёсида зарур чора-тадбирлар кўришга чақиради».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилинганлигига 50 йил тўлиши муносабати билан қабул қилинган Резолюция. –Қоҳира, 1997 йил сентябрь, 3-банд (ii).

34. Жадвал. Қонунчилик жараёни ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар: мисоллар

Финляндия қонунчилик жараёни – хусусан парламент Конституциявий ҳуқуқ масалалари қўмитасининг фаолияти – қонунчилик таклифларини ишлаб чиқиш ва кўздан кечиришда халқаро стандартлардан ҳамда шартномавий идоралар томонидан қабул қилинган ҳужжатлардан қанчалик кенг фойдаланиш мумкинлигига мисол бўла олади. Халқаро стандартлардан фойдаланишга оид ҳуқуқий асос 2000 йилда қабул қилинган Конституциянинг 22-бўлимида белгилаб берилган бўлиб, унга мувофиқ «давлат идоралари асосий ҳуқуқ ва эркинликлар

ҳамда (ҳалқаро) инсон ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлайдилар». Конституциянинг 74-бўлимига кўра, «Конституциявий ҳуқуқ қўмитаси қонунчилик таклифлари, муҳокамага киритилган бошқа масалаларнинг конституцияга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқлиги юзасидан қарорлар қабул қилади».

Конституциявий ҳуқуқ қўмитасининг асосий вазифаси қонун лойиҳаларининг конституция ва инсон ҳуқуқларига оид стандартларга мослигини текшириб чиқиш ҳамда парламент ва бошқа муассасаларга тегишли масалалар юзасидан фикр беришдан иборатдир. Қўмита ташқаридан жалб этиладиган мутахассисларнинг ёрдамига ҳам таяниб иш юритади.

Конституциявий ҳуқуқ қўмитаси ўз вазифаларини бажаришда БМТнинг шартномавий органлари, хусусан Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг фаолияти натижаларига таянади. Қўмита ўз фаолиятида биринчи навбатда алоҳида ишлар ва умумий шарҳлар бўйича қабул қилинган қарорлар, шунингдек, якуний мулоҳазалар, ҳисобот йўриқномалари ва бошқа материалларни, шу жумладан Финляндия бошқа мамлакатларга тегишли маълумотларни ҳам инобатга олади.

35. Жадвал. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар судлар томонидан кўриб чиқилишини қўллаб-қувватлаш юзасидан парламент томонидан олиб борилиши лозим бўлган ишлар

Кўплаб давлатлар фуқаролари судларга ўзларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бузилишлари бўйича даъво билан мурожаат қилишга ҳақли эмаслар. Парламентлар, масалан, кўплаб давлатлар юрисдикцияга мувофиқ меҳнат ҳуқуқий муносабатлари кўриб чиқилгани каби миллий судларга ҳуқуқ бузилишларига тааллуқли имкониятларни кўриб чиқиш ваколатини берадиган қонунлар қабул қилиш орқали бундай ҳолатларни ўнглашлари мумкин. БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси сингари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ташкилотлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, озиқ-овқат ёки ижтимоий таъминот каби ҳуқуқларни амалда татбиқ этишга оид қонунларда, улар бузиладиган бўлса, мурожаат қилиш икониятини назарда тутадиган қоидаларни ўз ичига олиши лозимлигини тавсия этадилар. Ҳақиқатан ҳам, қиёсий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилганда мурожаат қилиш мумкин бўлган ҳуқуқий воситаларнинг мавжудлиги давлат томонидан ушбу ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қўйилган қадамларни баҳолаб, уни жавобгарликка тортиш учун кучли механизм бўлиб хизмат қилади.

Бюджетни тасдиқлаш

Барча фуқароларнинг инсон ҳуқуқларидан фойдаланишларини кафолатлаш текинга амалга оширилмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг, айниқса, инсон ҳуқуқлари бузилишларининг олдини олишнинг самарали воситаларини йўлга қўйиш катта маблағ талаб этади. Давлат бюджетини қабул қилиш ва устувор йўналишлар, тармоқ ва соҳаларини белгилаш чоғида инсон ҳуқуқларига оид халқаро

ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш учун зарур маблағнинг ажратилиши парламент томонидан кафолатланиши шарт. Шундан сўнг ҳукумат ҳаражатларини кўриб чиқиш ва бюджет ижроси мониторинги ўтказилаётганда парламент ҳукумат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун уни жавобгарликка тортиши ҳам мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кўрсаткичлардан фойдаланиш мавжуд камчиликларни ва қийинчиликларни яхшироқ тушунишга ҳамда бюджет циклини манфаатдор томонлар иштирокида муҳокама қилиш, шаффофлик, холислик ва ҳисобдорликка янада кўпроқ мослаштиришга ёрдам беради.⁴⁰

36. Жадвал. Давлат бюджети ва инсон ҳуқуқлари

«Давлат бюджети барча ҳуқуқларга таъсир кўрсатади. Шу боис, инсон ҳуқуқларини амалга оширилиши ва кимга нисбатан амалга оширилишида миллий бюджетлар муҳим ҳисобланиб, барчаси бевосита унга боғлиқдир. Бюджет таҳлиллари сиёсат ва ҳаракат ўртасидаги камчиликларни кузатиш, инсон ҳуқуқларини изчил амалга оширишни таъминлаш, муқобил сиёсий қарорлар қабул қилиш ва устувор йўналишларни ишлаб чиқиш ва охир-оқибат ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган масъулларнинг жавобгарлигини кучайтириш учун муҳим восита ҳисобланади. Ҳуқуқларга асосланган бюджет ёндашувли сиёсат танловлар шаффофлик, ҳисобдорлик, камситмаслик ва кенг жамоатчилик иштироки асосида амалга оширилишини талаб қилади. Ушбу тамойиллар бюджет жараёнининг барча босқичларида – кенг қўламли маслаҳатлашувлар йўли билан амалга оширилиши керак бўлган миллий ривожланиш режаларини ишлаб чиқишга боғлиқ лойиҳа тайёрлаш босқичидан тортиб, таклифларни ҳар томонлама баҳолаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш учун тегишли ўзгартишлар киритиш талаб этадиган зарур вақт давомида парламент томонидан маъқуллангунига қадар – қўлланилиши лозим».

Бюджетни мониторинг қилиш, таҳлил қилиш ва тарғиб қилишда инсон ҳуқуқлари // Ўқув қўлланма. –Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2010.

«Бутун мамлакат бўйлаб фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларнинг амалга оширилишини енгиллаштириш учун давлатнинг бюджет борасидаги саъй-

⁴⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўрсаткичлардан фойдаланиш бўйича қўшимча маълумот БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан нашр этилган «Инсон ҳуқуқлари бўйича кўрсаткичлар: ўлчов ва амалиётга татбиқ қилиш бўйича Қўлланма»да берилган. –Нью-Йорк ва Женева: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2012. <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org> интернет саҳифаларидан топиш мумкин.

ҳаракатлари унинг инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларига мутаносиб бўлиши муҳимдир. Чунки бюджет давлатни ривожлантириш ва бошқариш учун зарур маблағларни сафарбар қилиш, ажратиш ва сарфлашнинг асосий воситаси бўлгани боис бу мантиқан тўғридир. Бюджет давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларини бажаришда ҳуқуқлар яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш воситасидир. Шу билан бирга, бюджет сиёсий воситаси сифатида ўзаро боғлиқ мақсадлар, яъни шартнома мажбуриятларини давлат ҳаракатлар дастурига айлантиришда муҳим тадбир бўлиб хизмат қилади».

Инсон ҳуқуқлари бўйича кўрсаткичлар, Инсон ҳуқуқлари бюджети. —Женева: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2012.

Ижро этувчи ҳокимият устидан назорат

Ижро этувчи ҳокимият томонидан олиб борилаётган сиёсат ва амалга оширилаётган ишларни доимий текшириб туриш ва ўзларининг назорат функцияларини бажариш орқали парламентлар ва парламент аъзолари қонунлар ҳақиқатан маъмурият ва бошқа тегишли идоралар томонидан амалга татбиқ этилишини таъминлашлари мумкин ва шундай қилишлари шарт. Парламент ихтиёридаги, ҳукумат фаолиятини кўздан кечириб боришга тегишли воситаларга қуйидагилар киради:

- Вазирлар, давлат хизматчилари ва ижроия ҳокимиятининг бошқа мутасадди шахсларига ёзма ва оғзаки саволлар билан мурожаат қилиш;
- Сўровномалар юбориш;
- Исбот-далиллар йиғиш ёки текшириш қўмиталари ёхуд комиссиялари;
- Агарда юқорида баён этилган воситалар иш бермаса, ишончсизлик вотумидан фойдаланиш мумкин.

Тавсиялар ва қарорларнинг ижросини ҳаётга жорий этиш

Парламент аъзолари давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятлари уларни амалда ижро этишга қаратилган ҳаракатлар билан мувофиқлигини текшириш учун БМТ шартномавий органлари, Инсон ҳуқуқлари кенгашининг махсус таомиллари, минтақавий шартномалар мониторингини олиб боровчи органлари, шунингдек, Универсал даврий ҳисобот томонидан тайёрланган тавсиялардан (батафсил маълумот олиш учун 5-, 6- ва 8-бобларга қаранг) фойдаланиши мумкин. Худди шу сингари, парламентлар юрисдикцияси қабул қилинган минтақавий инсон ҳуқуқлари судларининг қарорларига эътибор қаратишлари ва уларнинг бажарилишини назорат қилишлари керак.

37. Жадвал. Минтақавий инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг тавсияларини амалга татбиқ этиш: мисол

Парламентлар, хусусан уларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмиталари халқаро ёки минтақавий инсон ҳуқуқлари бўйича идораларнинг қарорлари ёки тавсиялари амалга ошишини таъминлашда муҳим ўрин тутишлари мумкин. Масалан, Буюк Британия парламенти Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қарорларининг бажарилишини назорат қилувчи ва қонун лойиҳасининг инсон ҳуқуқлари меъёрлари билан мувофиқлигини текширадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўшма қўмита тузилган. «Гиллан ва Куинтон Буюк Британияга қарши (2010)» суд иши бўйича, Европа суди Буюк Британиянинг «Терроризм тўғрисида»ги қонуни билан полицияга берилган тўхтатиш ва қидириш ҳуқуқлари шикоят қилувчиларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларини бузганлиги ҳақида қарор чиқарди. Буюк Британия парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўшма қўмитаси томонидан бир нечта маъруза тайёрланди, қонунчиликка ўзгартиш киритиш бўйича тавсиялар берилди ва янги қонунлар қабул қилиниши кутилаётгани сабабли суд қарорига риоя қилиниши учун Ички ишлар вазиридан тезкор тартибга солувчи буйруқ чиқарилишини сўради. Ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган таҳрирдаги қонун 2012 йилда Буюк Британия парламенти томонидан қабул қилинди.

Парламент аъзоси сифатида сиз нималар қилишингиз мумкин:

Парламент доимий равишда БМТ ва минтақавий инсон ҳуқуқлари мониторингини олиб боровчи механизмлар (батафсил маълумот олиш учун 5-, 6- ва 8-бобларга қаранг) фаолиятини кузатиб бориши ва бунга ўз хиссасини қўшиши лозим. Шунга кўра, Сиз қуйидагиларга қўл уришингиз мумкин:

- ✓ Ўз ҳукуматингиздан ахборот талаб қилиш орқали сиз истиқомат қилаётган давлат, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шартномавий қўмиталари ва инсон ҳуқуқлари мониторингини олиб боровчи бошқа халқаро ёки минтақавий механизмлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳолатини ўрганиш. Сиз бу борада ўзингизни қизиқтираётган саволлар билан ҳукуматингизга мурожаат қилишингиз мумкин.
- ✓ Парламентнинг шартномавий органлар ва тегишли ташкилотлар фаолиятига доир сўнгги ахборотлардан хабардор бўлиб туриши ҳамда парламент фаолиятини маъмурий, техник жиҳатдан таъминлаб туриш хизматлари томонидан зарур маълумотларнинг парламентга етказиб берилишини таъминлаш.
- ✓ Шартномавий органлар томонидан давлатингиздаги аҳвол юзасидан ишлаб чиқилган тавсияномалар, яқунловчи мулоҳазалар ёки бошқача тарздаги тахминлар бўйича чора-тадбирлар кўриш.
- ✓ Мактаблар, касалхоналар, қамоқхоналар ва озодликдан маҳрум қилиш муассасалари, милиция таянч пунктлари ва хусусий ташкилотларга ташриф

буюриб, у ерларда инсон ҳуқуқлари нечоғлик ҳурмат қилинаётганлигини аниқлашда ўз ваколатингиздан фойдаланишингиз мумкин.

- ✓ Тегишли миллий ҳисоботларни мунтазам равишда Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органларга, Инсон ҳуқуқлари кенгашига ва Универсал даврий ҳисоботга тақдим этишни таъминлаш, шу жумладан, мамлакатнинг ҳисобот бериш жадвалидан кейин ҳам қизиқиб кўриш лозим. Ҳисобот тақдим этиш кечиктирилганда, агар лозим топсангиз, сиз ҳукуматингиздан тушунтириш беришини сўрашингиз ва уни ўз мажбуриятларини бажаришга чақириш учун парламент тартиб-таомилларидан фойдаланишингиз мумкин.
- ✓ Тўлиқ ҳисоботлар тақдим этилишини таъминлаш.

Шу мақсадда сиз қуйидагиларни амалга оширишингиз мумкин:

- ✓ Давлат маърузаларининг тайёрланиши ва бу жараёнга ахборотлар етказиб бериш орқали ҳисса қўшиш учун парламент (ўзининг тегишли қўмиталари орқали) иштирок этишини ва унинг фаолиятида маърузада батафсил ёритиб берилиши ҳамда ҳар қандай ҳолатда ҳам парламентда маърузанинг мазмунидан хабардор бўлишини.
- ✓ Тақдим этилаётган маъруза маърузалар тайёрланишига доир раҳбарий кўрсатмаларга мувофиқ бўлиши (батафсил маълумот олиш учун 5- ва 6-бобларга қаранг) ва шартномавий қўмиталар томонидан билдирилган умумий тавсиялар ва илгари тақдим этилган маърузалар хусусидаги якунловчи мулоҳазалар, шундан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ишларга оид ахборотлар маърузада қамраб олиншини.
- ✓ Миллий маъруза тегишли шартномавий қўмитага тақдим этилаётган пайтда парламент аъзоларидан бири ҳам ҳозир бўлишини таъминлашингиз мумкин. Агарда бунинг имкони бўлмаса, давлатингизнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси (шартномавий қўмита қаерда йиғилиш ўтказишига қараб ёки Нью-Йоркда, ёки Женевада) шартномавий қўмита фаолиятини кузатиб бориши ва унинг маърузаси парламентга юборилишини таъминлаш тўғрисида таклиф билан чиқишингиз мумкин.

Худди шу сингари, парламентлар БМТнинг махсус таомиллари фаолиятига ҳисса қўшишлари керак (батафсил маълумот олиш учун 6-бобга қаранг). Шунга кўра, сиз қуйидагиларни амалга оширишингиз мумкин:

- ✓ Агарда тегишли бўлса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус таомиллари томонидан ишлаб чиқилган тавсияларни, хусусан, сизнинг мамлакатингиздаги вазият муҳокамасига алоқадор бўлганларини ўрганишингиз.
- ✓ Ушбу тавсияларни амалга ошириш учун бирон-бир иш амалга оширилган ёки оширилмаганини текшириб кўришингиз ва агар амалга оширилган бўлмаса, сабабларини аниқлаш ва кейинчалик кузатиб бориш мақсадида ҳаракатлар бошлаш учун парламент таомилидан фойдаланишингиз.
- ✓ Жойларга чиқиб вазиятни ўрганишга алоқадор махсус таомиллар доирасидаги

миссиялар сизнинг парламентингизга ёки ваколатли парламент комиссияларига ташриф буюришини таъминлашингиз ва парламентингиз уларнинг ҳисоботлари нусхасини олганига ишонч ҳосил қилишингиз.

- ✓ Сизнинг мамлакатингизга ташриф буюриш учун юборилган таклифномалар махсус тартиб-таомилларга ҳам татбиқ этилишини таъминлашингиз.

Универсал даврий ҳисоботни тақдим этишда қатнашиш

Парламентлар инсон ҳуқуқларига риоя этилишини муҳокама қилиш ваколатига эга Универсал даврий ҳисоботни таъсис этиш тўғрисидаги Бош ассамблеянинг A/RES/60/251-сонли резолюциясида манфаатдор идоралар қаторида назарда тутилмаган бўлса-да, бошқа шартномавий органларнинг фаолиятида бўлганидек, парламентларнинг бу механизм ишида иштирок этиши унинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Парламентлар Универсал даврий ҳисоботнинг дастлабки цикли фаолиятига мунтазам равишда жалб қилинмаган бўлса-да, бироқ бу ҳолат ўзгармоқда: парламент аъзолари кўпинча Универсал даврий ҳисобот ва ушбу жараённинг бошқа босқичларида миллий делегациялар аъзолари сифатида киритилмоқда (қаранг: Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 26/29-сонли резолюцияси).

Парламент аъзолари қуйидагиларни амалга ошириш Универсал даврий ҳисоботнинг самарадорлигига ҳисса қўшишлари мумкин:

- Ўз мамлакатларига нисбатан Универсал даврий ҳисобот томонидан чиқарилган ҳисоботдан, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ва фуқаролик жамияти институтлари орқали хабардор бўлиш;
- Ўз давлатлари томонидан қабул қилинган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўриш;
- Даврий ҳисоботларни амалга оширишга ёрдам бериш ва ўрта муддатли ҳисоботларни тайёрлашни рағбатлантириш;
- Парламентда мунтазам равишда эришилган ютуқлар мониторингини ташкил этиш;
- Парламентнинг миллий (кузатув) ҳисоботларига ҳисса қўишини таъминлаш ва уларни парламентда, масалан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ташкилотлар ёки ННТ томонидан тайёрланган муқобил маърузалар билан биргаликда муҳокама қилиш;
- Универсал даврий ҳисоботга унинг тавсиялари амалга татбиқ этилиши юзасидан ҳисоботлар тақдим этилишида миллий делегациялар таркибида парламент аъзолари иштирок этишини рағбатлантириш ва ҳар қандай ҳолатда ҳам парламент Универсал даврий ҳисоботга олдидаги тинглов қандай ўтганлигидан хабардор бўлишини таъминлаши;
- Тавсиялар бажарилиши юзасидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш;

- Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, хусусан Универсал даврий ҳисобот ва шартномавий органлар тавсиялари бўйича парламент фаолиятининг таъсирини баҳолаш.

38. Жадвал. Универсал даврий ҳисоботни тақдим этишда парламентнинг иштирок этишига оид яхши амалиёт: Мексика мисолида

П009 ва 2013 йилларда Мексикага нисбатан Универсал даврий ҳисоботнинг икки цикли нихоясига етди. Мексика парламенти (Конгресо де ла Унион – Congreso de la Unión), айниқса Универсал даврий ҳисобот иккинчи циклининг ҳар бир босқичидаги жараёнларда иштирок этди.

Мексика парламенти Универсал даврий ҳисоботнинг ҳар икки циклида ҳам миллий ҳисоботларни тайёрлашда иштирок этди. Хусусан, иккинчи цикл мобайнида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан миллий маърузани тайёрлаш учун тузилган ишчи гуруҳ таркибига Парламент вакиллари ҳам киритилди. Сўнгги тўрт йил мобайнида Мексикада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги маълумотларга ойдинлик киритиш мақсадида ўзларининг инсон ҳуқуқлари бўйича тегишли комиссиялар орқали ҳам Мексика Сенати, ҳам Депутатлар Палатаси миллий ҳисоботни тайёрлаш юзасидан ўтказилган маслаҳатлашувларда фаол иштирок этди. Бундан ташқари, ҳар иккала қўмита ҳам қонуний жиҳатдан инсон ҳуқуқларининг тўлиқ амалга оширилишини қўллаб-қувватлашни чеклайдиган асосий муаммолар ва қондирилмаган эҳтиёжлар бўйича ахборот тақдим этишга даъват қилинди.

Универсал даврий ҳисоботнинг ҳар икки циклида ҳам парламент аъзолари маърузани Кенгашга тақдим этган расмий миллий делегация таркибида қатнашдилар. Биринчи циклда уч нафар депутат иштирок этган бўлса, иккинчи циклда Конгресс вакиллари сони 11 нафарга (6 сенатор ва 5 депутат) етди. Иккинчи миллий маърузада маърузанинг тақдими пайтида Сенатнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси раиси сенатор Ангелика де ла Пена (Angélica de la Peña) Универсал даврий ҳисобот ишчи гуруҳининг қонунчилик масалалари бўйича саволларига жавоб бериш орқали фаол иштирок этди.

Универсал даврий ҳисоботнинг ҳар икки циклида ҳам парламент Мексика бўйича Универсал даврий ҳисобот Кенгашининг ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган тавсиялар ва хулосалар юзасидан Мексика позициясини аниқлаш учун ўтказилган маслаҳатлашувлар жараёнида иштирок этди. Иккинчи цикл учун маслаҳатлашув ва таҳлил қилиш жараёни дастлаб миллий ҳисобот тайёрлаш учун ташкил этилган ишчи гуруҳи доирасида амалга оширилиб, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирлиги котибиятлари томонидан мувофиқлаштирилди.

«Болалар ва ўсмирлар ҳуқуқлари тўғрисидаги умумий қонун»нинг (2014 йил декабрь) қабул қилиниши ва Ҳарбий адлия кодексининг ислоҳ қилиниши (2014 йил июнь) дарак бераётганидек, Универсал даврий ҳисобот тавсияларини амалга татбиқ этишда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларига доир қонунчиликда сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда. Бундан ташқари, Парламентда инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги умумий қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

БМТ Бош ассамблеяси «Парламентлараро иттифоқнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши, хусусан Универсал даврий ҳисобот ишида янада қатъий иштирок этиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органларида Парламентлараро иттифоқ, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитаси ва ҳисоботлари кўриб чиқиладиган мамлакатлар миллий парламентлар ўртасида сўнгги йилларда ишлаб чиқилган ҳамкорлик йўналишида олиб бориладиган фаолиятга қўшаётган ҳиссасини мамнуният билан қарши олади».

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, миллий парламентлар ва
Парламентлараро иттифоқ ўртасидаги муносабатлар, Бош
ассамблея 2016 йил 25 июлда томонидан қабул қилинган A/
RES/70/298-сонли резолюция.*

Ижтимоий фикрни шакллантириш

Парламент жамоатчилигини инсон ҳуқуқлари ва унга алоқадор масалалардан хабардор этиш ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантиришга улкан ҳисса қўшади. Гендер тенглиги, озчилик ҳуқуқлари, ижтимоий масалалар ёки турли хил гуруҳларга нисбатан амалга ошириладиган камситишлар юзасидан сиёсий мулоқотларнинг олиб борилиши бунда муҳим ўрин тутadi. Парламентлар инсон ҳуқуқларига оид масалалар бўйича улар томонидан қабул қилинадиган оммавий мурожаатномалар аҳолининг муҳокама этиладиган масала бўйича фикрини шакллантиришга кўрсатадиган таъсирига ҳеч қачон бефарқ бўлмаслиги лозим.

Парламентлар мамлакатда аҳолининг инсон ҳуқуқларига доир аҳвол хусусидаги фикрини шакллантиришда инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият юритувчи турли хил муассасалар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда иш олиб боришлари шарт.

«Кўплаб давлатларда маблағ танқислиги ва зарур кўмакнинг етишмаслигидан азият чекадиган парламент аъзолари агарда ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб бораётган сиёсати ва амалиётини мониторинг қилишда самарадор фаолият юритиш истагида бўлсалар, касба уюшмалари, хусусий ассоциациялар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар сингари нодавлат нотижорат бирлашмалар уларни ахборот ва техник кўмак билан таъминловчи қимматбаҳо манба сифатида хизмат қилади».

Парламентлараро иттифоқнинг «Парламент: Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» номли симпозиуми материалларидан. —Будапешт: 1993 йил май, // Мулоҳазалар

Парламент аъзоси сифатида сиз нималар қилишингиз мумкин:

- ✓ Инсон ҳуқуқларига оид масалалар, хусусан жамоатчилик катта эътибор қаратаётган муаммолар хусусида парламент муҳокамалари ташкил этилишини уюштиришингиз;
- ✓ Ўзингиз мансуб бўлган сиёсий партия доирасида инсон ҳуқуқларига оид масалалар ва ҳукуматингизнинг бу борадаги мажбуриятлари юзасидан парламент муҳокамалари ташкил этилишини уюштирингиз;
- ✓ Инсон ҳуқуқларига оид масалалар бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлида маҳаллий, минтақавий ва давлат миқёсидаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришингиз;
- ✓ Инсон ҳуқуқларига доир масалалар бўйича телевидение, радиода баҳслар уюштириш, йиғилишларда иштирок этиш ва бу хусусда интервьюлар беришингиз;
- ✓ Газета ва журналларда инсон ҳуқуқларига доир мақолалар чоп этишингиз;
- ✓ Конференция, симпозиум, семинар ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларни уюштириш ва уларга ҳисса қўшиш орқали ўз сайлов округингиздаги сайловчиларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги саводхонлигини оширишингиз;
- ✓ Инсон ҳуқуқларига оид маҳаллий тарғибот-ташвиқот ишларини қўллаб-қувватлашингиз;
- ✓ 10 декабрда нишонланадиган «Халқаро инсон ҳуқуқлари куни»дан жамоатчилик эътиборини инсон ҳуқуқларига оид муаммоларга тортиш мақсадида фойдаланишингиз мумкин. Бошқа халқаро кунларда («Халқаро аёллар куни» ва «Халқаро ногиронлиги бўлган шахслар куни» кабиларда) мазкур тоифадаги шахслар ҳуқуқига дахлдор масалаларга эътибор қаратишингиз мумкин.

Худди шу сингари, парламент аъзолари Универсал даврий ҳисоботнинг самарадорлигига ҳам ўз ҳиссаларини қўша оладилар. Шунга кўра, сиз қуйидагиларни амалга оширишингиз мумкин:

- ✓ Ҳукумат миллий ҳисоботи лойиҳасини Универсал даврий ҳисоботга топширмасидан олдин муҳокама қилиш;
- ✓ Миллий ҳисоботни Универсал даврий ҳисоботга тақдим этадиган миллий делегация таркибига парламент аъзоларини жалб қилишни рағбатлантиришингиз;
- ✓ Давлат томонидан қабул қилинадиган тавсиялар бўйича, шу жумладан қонунчилик ва назорат соҳасидаги махсус парламент чора-тадбирлари орқали муҳокама уюштирилишини рағбатлантириш.

Халқаро саъй-ҳаракатларда иштирок этиш

Парламентлар ва парламент аъзолари халқаро миқёсда амалга ошириладиган инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга катта ҳисса қўшиши мумкин. Илгарироқ муҳокама қилинганидек, инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг қонуний манфаатлари йўлида эканлиги боис, халқаро ҳуқуққа мувофиқ, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг иштирокчи-давлатлари шартнома мажбуриятларининг бошқа иштирокчи-давлат томонидан бажарилишидан манфаатдор ҳисобланишади. Давлатлараро шикоят билан мурожаат қилиш таомилига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари бўйича айрим энг муҳим шартномалар (батафсил маълумот олиш учун 5-бобга қаранг) ва Универсал даврий ҳисоботга кўра, давлатлар шартномага аъзо бошқа бир давлат томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатларига жамоатчиликнинг эътиборини қаратиши мумкин. Парламентлар ўзларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги идоралари орқали шундай мажбурият бузилишларини ҳам қамраб олувчи инсон ҳуқуқларига оид муаммоларни кўтариб чиқишлари ва шу йўсинда бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқларига мувофиқ иш олиб боришни тарғиб этишлари мумкин.

Парламентлар ва парламент аъзолари инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият олиб боровчи халқаро ташкилотлар учун зарур бўлган маблағлар ажратилишини кафолатлаш билан уларни қўллаб-қувватлашлари мумкин. Улар БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши фаолиятида фаол иштирок этишлари ва кейинчалик ўзлари ҳам ратификация қилишни тақозо этувчи инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларни ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутишлари шарт.

Борган сари глобаллашиб бораётган бугунги дунёда халқаро даражада қабул қилинаётган қарорлар миллий сиёсатни ишлаб чиқишга катта таъсир кўрсатиб, давлат миқёсидаги қонунчилик соҳаси ваколатларини чеклаб қўймоқда. Сўнгги пайтларда фуқароларнинг ҳаётига таъсир кўрсатаётган улкан иқтисодий қарорлар давлат сарҳадларидан ташқарида жойлашган ва бевосита бирон-бир давлат олдида ҳисобдор бўлмаган халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилиниш ҳолатлари кўп кузатилаётган бўлса-да, бу халқаро ташкилотлар давлатнинг инсон ҳуқуқлари, хусусан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаб бериш қобилиятига таъсир кўрсатади.

Агарда алоҳида олинган давлатлар инсон ҳуқуқлари, хусусан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлай олиш салоҳиятларини кучайтиришни истасалар, бундай халқаро муассасаларни «демократлаштириш»га эҳтиёж сезилади. Шунинг учун парламент ва парламент аъзолари ўз овозларига эга бўлишлари учун бундай муассасалар томонидан қарор қабул қилишда фаол иштирок этишлари лозим.

39. Жадвал. Халқаро савдо битимлари, инсон ҳуқуқлари ва давлатларнинг мажбуриятлари

Собиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссиясининг илтимосномасига биноан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси инсон ҳуқуқлари билан савдо муносабатлари ўртасидаги масалалар, хусусан Бутунжаҳон Савдо

Ташкилотининг «Муаллифлик ҳуқуқларининг тижоратга алоқадор жиҳатлари тўғрисидаги битимлари»,⁴¹ шу ташкилотнинг «Қишлоқ хўжалиги бўйича битими»⁴² ва «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги савдо бўйича Бош битими»⁴³ юзасидан бир қатор маърузалар чоп этди. Ушбу маърузаларда кўрсатиб ўтилишича, Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг барчаси ҳеч бўлмаганда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бир шартномани, аксарият давлатлар «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»ни ратификация қилганлар, бироқ бир аъзо давлатгина «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»ни ратификация қилган.

Ушбу маърузаларда Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти аъзолари савдони либераллаштириш соҳасидаги халқаро қоидалар ишлаб чиқишда ўзларининг инсон ҳуқуқларига оид шартнома мажбуриятларини бузмасликлари таъкидлаб ўтилган. Шунинг учун савдо соҳасидаги қонунлар ва бу борада олиб бориладиган сиёсат «нафақат иқтисодий ўсиш, бозор ёки иқтисодий ривожланиш, қолаверса соғлиқни сақлаш тизими, таълим, ичимлик суви таъминоти, озиқ-овқат хавфсизлиги, меҳнат, сиёсий жараёнлар ва шунга ўхшаш масалаларга ҳам урғу бериши лозим».

Давлатлар савдо битимлари тузишда йўқотиши мумкин бўлган мухторият «ўзларининг миллий тараққиёт сиёсатларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш салоҳиятларига номуносиб тарзда таъсир кўрсатмаслиги»ни таъминлаш мажбурияти остидадирлар. Буларнинг барчаси савдо соҳасидаги битимлар ва бу борада олиб бориладиган сиёсат инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга таъсир кўрсатиши боис уларнинг доимий равишда кўриб чиқилишини тақозо этади. Савдо соҳасидаги битимлар ва бу борадаги сиёсатнинг «инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга кўрсатадиган реал таъсири ва таъсир кўрсатиш салоҳиятини баҳолаб бориш, эҳтимолки, инсон ҳуқуқларидан фойдаланиш имкони камайтирадиган ҳар қандай чора-тадбирларнинг амалга татбиқ этилишидан сақланишнинг энг мақбул воситаси ҳисобланади».

Айни шу маънода, соғлиққа бўлган ҳуқуқ бўйича «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»га берилган 14-сонли умумий шарҳда белгиланишига иштирокчи-давлатлар халқаро битимлар тизимида саломатликка бўлган ҳуқуқнинг таъминланиши учун зарур диққат-эътибор қаратишлари ва «тузиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар саломатлик ҳуқуқига акс таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш учун» барча чора-тадбирларни кўришлари зарур. Худди шунингдек, иштирокчи-давлатлар «ўзларининг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши чоғида саломатликка бўлган ҳуқуқнинг ҳисобга олинишини таъминлашга мажбурдирлар...» (39-банд).

Инсон ҳуқуқлари кенгаши бутун дунё миқёсида инсон ҳуқуқлари амалга оширилиши ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида жаҳон озиқ-овқат инқирози (A/HRC/S-7/2) ҳамда иқтисодий ва молиявий инқироз (A/

⁴¹ E/CN.4/Sub.2/2001/13-сонли ҳужжат.

⁴² E/CN.4/2002/54-сонли ҳужжат.

⁴³ E/CN.4/Sub.2/2002/9-сонли ҳужжат.

HRC/S-10/1) таъсири бўйича махсус сессиялар ўтказди. Кенгаш давлатларни инсон ҳуқуқларини кафолатлаш учун барча зарур чораларни қўришга чақириб, иқтисодий ва молиявий инқирозлар «миллий ҳокимият ва халқаро ҳамжамиятнинг масъулиятини камайтирмаслигини» таъкидлаб ўтган эди (A/HRC/2-10/1, 5-банд).

Бундан ташқари, 2011 йил июнь ойида БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши бизнес доиралари томонидан инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш мажбуриятига оид «Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича Раҳбарий тамойиллар» қабул қилинишини қўллаб-қувватлади.

Худди шу маънода, Парламентлараро иттифоқ парламентларни Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти каби ташкилотлар билан яқинлаштириш бўйича иш олиб бормоқда.

Парламентлараро иттифоқ ва Европа Парламенти томонидан 2015 йил биргаликда ташкил этилган, ҳар йили ўтказиладиган Бутунжаҳон савдо ташкилоти бўйича Парламент конференцияси сессиясининг хулосаларида таъкидланганидек, «Бутунжаҳон савдо ташкилоти олдида юзага келган муаммолар бу ўзига хос ноёб жаҳон савдо ташкилоти билан парламент аъзолари давомли равишда ҳамкорлик қилиши заруриятини намоёиш этиб турибди. Парламент аъзолари музокаралар натижаларини фақатгина ратификация қилишдан ташқари, улар Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва ўзлари хизмат қилишни мақсад қилган одамлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим боғловчи нуқтасидир. Биз Бутунжаҳон савдо ташкилотини ҳар йили ўтказиладиган Бутунжаҳон савдо ташкилоти бўйича Парламент конференциясидан тўлақонли фойдаланиб, парламент аъзоларига ўзларининг назорат ролига самарали таъсир кўрсатишлари ва мазмунли савдо сиёсатини амалга ошириш учун ҳисса қўшишларига зарур бўлган барча маълумотларни олишларини таъминлашга чорлаймиз».

128-Парламентлараро иттифоқ Ассамблеяси томонидан яқдиллик билан қабул қилинган «Адолатли савдо ва барқарор ривожланишни инновацион молиялаштириш механизмлари» тўғрисидаги Резолюциянинг 1-банди. –Қуито, 2013.

Парламент аъзоси сифатида сиз нималар қилишингиз мумкин:

Парламентлар ва парламент аъзолари инсон ҳуқуқлари халқаро даражада ҳимоя қилиниши ва тарғиб этилишига ҳисса қўшиб, ўз овозларига эга бўлишлари лозим.

Шу мақсадда сиз қуйидагиларни амалга ошириш истагини билдиришингиз мумкин:

- ✓ а) чиқарилган сабоқлар, муваффақиятли амалга оширилган лойиҳалар, тажриба алмашиш; б) траффикинг, миграция ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда давлатлараро ҳамкорлик қилишни талаб этадиган инсон ҳуқуқлари бузилишлари юзасидан икки томонлама ёки кўп томонлама халқаро ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилиш мақсадида бошқа давлатлардаги парламент аъзолари билан алоқалар ўрнатиш;
- ✓ Ўзининг тегишли қўмиталари орқали парламентнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши фаолиятида иштирок этиши ёки Кенгашда муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ҳукуматингиз тутаётган позициядан доимий тарзда хабардор бўлиб туришини таъминлаш. Мақбул топсангиз, ҳукуматингизга тутган позициясини аниқлаб баён этишини сўраб мурожаат қилишингиз мумкин;
- ✓ Парламент ишлаб чиқилаётган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги халқаро шартномалар бўйича олиб борилаётган музокаралар жараёнидан хабардор бўлиши ва бундай музокараларга ҳисса қўшиш имконига эга бўлишини таъминлаш;
- ✓ Ўзининг тегишли қўмиталари орқали парламент бошқа мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари бузилишларига эътибор қаратиш ва лозим топилса, ҳукуматнинг – давлатлараро шикоятлар билан мурожаат қилиш таомилига мувофиқ (батафсил маълумот олиш учун 5-бобга қаранг) – ариза топширишини таъминлаш;
- ✓ Сайловлар ёки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа халқаро тадбирда кузатувчи сифатида иштирок этиш;
- ✓ Давлатингизнинг инсон ҳуқуқларига оид мажбуриятларини бажаришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган халқаро музокаралардан парламентни хабардор қилиш ва мақбул топилса, ҳукумат ўз мажбуриятларини қай тарзда адо этишига алоқадор саволлар билан мурожаат қилиш.

Қўшимча ўқиш учун

- Халқаро қарз келишувлари ва унга алоқадор жараёнлар устидан парламент назорати, Женева ва Вашингтон, Парламентлараро иттифоқ, 2013.
- Парламент назорати воситалари, Женева, Парламентлараро иттифоқ, 2008.



Ўн биринчи боб

Парламентнинг институционал тузилмаси ва бошқа миллий манфаатдор органлар билан муносабатлари

2016 йил июнда Нью-Йоркда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар бўйича ҳар йили ўтказиладиган 4-семинарда иштирок этаётган манфаатдор томонлар низоли ва нозик жиҳатларга, шунингдек, осойишта, адолатли ва кенг қамровли жамиятлар қуришга инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар қўшиб келаётган ҳиссаларни муҳокама қилмоқдалар.

© БМТ фотоси / Эскиндер Дебебе

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги парламент органларини таъсис этиш

Инсон ҳуқуқлари масалалари парламент фаолиятининг барча жабҳаларига сингдирилиши лозим. Парламент таркибидаги ҳар бир кўмита ўз ваколати доирасида инсон ҳуқуқларига мунтазам равишда эътибор қаратиб, аҳоли томонидан инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга қабул қилинаётган қонунлар ёки таклиф этилаётган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қанчалик таъсир кўрсатаётганини баҳолаб боришлари шарт. Инсон ҳуқуқларининг ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш учун парламентлар инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи махсус идораларни ташкил этишга борган сари кўпроқ аҳамият беришмоқда, ёки мавжуд кўмиталарнинг зиммасига инсон ҳуқуқлари билан шуғулланиш вазифасини юклашмоқда, ёхуд шундай йўл тутишга

ундамоқдалар. Кўплаб парламентларда инсон ҳуқуқларига оид алоҳида масалалар, хусусан гендер тенглиги, бола ҳуқуқлари ва озчиликка мансуб миллатлар ҳуқуқлари билан шуғулланувчи махсус қўмиталар ташкил этилмоқда. Қолаверса, парламент аъзоларидан иборат норасмий гуруҳлар ҳам бу борада фаол иш юритиб келмоқдалар.

Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи парламент идоралари зиммасига турли хил вазифалар, жумладан – деярли доимо – қабул қилинаётган қонунлар ёки қонун лойиҳаларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларга қанчалик мувофиқлигини баҳолаб бориш сингари мажбуриятлар юкланган. Айрим ҳолларда бундай идоралар шахсларнинг ариза, шикоят ва мурожаатларини ҳам кўриб чиқиш ваколатига эга.

40. Жадвал. Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент қўмитасининг ваколатлари

Зиммасига юклатилган мажбуриятни тўлақонли ва самарали тарзда адо этиш учун инсон ҳуқуқлари бўйича парламент қўмитаси:

- Қонунчилик ва назорат функцияларидан ташқари инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг қамровли ваколатларга эга бўлиши;
- Қонун лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни миллий қонунчилик давлатнинг халқаро инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятлари билан уйғун бўлишини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлинг;
- Ўзи муҳим деб ҳисоблайдиган инсон ҳуқуқларига оид ҳар қандай масалалар билан шуғулланишга ваколатли бўлиши, инсон ҳуқуқлари соҳасида қонунчилик ва бошқа ташаббуслар билан чиқиш ҳамда инсон ҳуқуқларига оид муаммоларни муҳофаза қилиш ва учинчи тарафлар томонидан унга билдирилган хавотирларни кўриб чиқиш;
- Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича парламентнинг бошқа идораларга маслаҳат бериш ваколатига эга бўлиши;
- Ҳужжатларни сўраб олиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ҳамда воқеа-ҳодисаларни жойида текшириш ваколатига эга бўлиши лозим.

Институционал инфратузилмани ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар

Сўнгги йигирма йил мобайнида инсон ҳуқуқларига оид стандартларга мувофиқ иш олиб бориш ва уларни давлат миқёсида амалга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида биргаликда фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёж омма орасида ортиб бормоқда. Ушбу мақсадда қўлланилаётган воситалардан бири бу инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар фаолиятини йўлга қўйишдир. Ушбу ибора ўзининг ҳуқуқий маъноси, тузилиши, таркиби, фаолият юритиш соҳаси ва ваколатига кўра турли

хил идораларни (инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиялар, омбудсман, давлат ҳимоячиси ва ҳоказо тарзда) қамраб олса-да, улар ўртасидаги умумий боғлиқлик – бу уларнинг барчаси суд идоралари сингари мустақил фаолият кўрсатиш учун ҳукумат томонидан таъсис этилиши ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этишга хизмат қилишидадир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар инсон ҳуқуқлари бўйича мақсадларини аниқлаш ва уларнинг мустақиллигини таъминлашга доир минимал стандартларни жорий қилувчи, инсон ҳуқуқлари бўйича кенг ваколат доирасига эга бўлиши, етарлича молиялаштирилиши, аъзоларини танлаш ва тайинлаш жараёнлари инклюзивлиги ва шаффофлиги белгилаб берилган халқаро келишувга – «Париж принциплари»га – мос бўлиши лозим (батафсил маълумот олиш учун 41-жадвалга қаранг). 1993 йилда, мазкур тамойилларга мувофиқ, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар тармоғи фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи Халқаро қўмита таъсис этилган. Қўмита аккредитация жараёнини ташкил этишга қарор қилгани сабаб Аккредитация бўйича кичик қўмита тузилган. Аккредитация бўйича кичик қўмита аккредитация тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқади ва таҳлил қилади ҳамда талабгорнинг аризаси «Париж принциплари»га мослиги бўйича Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи Халқаро қўмитага тавсиялар беради. Қўмита инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг «Париж принциплари»га мос аризаларга «А» мақомини, принципларга қисман мос аризаларга «Б» мақомини ва принципларга мос келмаган аризаларга «С» мақомини тақдим этади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар қуйидагиларни амалга оширишга қодир бўлишлари ва шунга мувофиқ тегишли ваколатларга эга бўлишлари лозим:

- Инсон ҳуқуқларига тегишли ҳар қандай масалалар бўйича ҳукумат ёки парламентга тавсиялар ва таклифлар тақдим этиш;
- Миллий қонунчилик ва амалиётни халқаро стандартларга мувофиқ бўлишини тарғиб этиш;
- Инсон ҳуқуқлари бузилишларига оид хусусий ёки жамоавий ариза, шикоят ва мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;
- Инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларнинг ратификация қилиниши ва амалга татбиқ этилишини тарғиб қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларига доир халқаро шартномаларга мувофиқ тақдим этиладиган миллий маърузаларнинг ишлаб чиқилишига ҳисса қўиш;
- Ахборот тарқатиш ва таълим, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий изланишлар олиб бориш орқали жамоатчиликнинг инсон ҳуқуқларига оид билим ва кўникмаларини ошириш ва инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш;
- БМТ, минтақавий ташкилотлар, бошқа давлатларнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

Парламентлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ўртасидаги алоқалар давлат миқёсида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашда юксак салоҳиятга эга. 2004 йил март ва 2012 йил февраль ойида Абиджан, Нигерия⁴⁵, Белград ва Сербияда⁴⁶ бўлиб ўтган халқаро семинарларда ушбу муносабатларга эътибор қаратилди. Дастлабки семинарнинг натижалари бўйича Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги «Абиджан Раҳбарий йўриқномалари» ишлаб чиқилди. Иккинчи халқаро семинар «Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва парламентлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Белград принциплари»ни қабул қилиш билан якунланди (батафсил маълумот олиш учун 43-жадвалга қаранг)⁴⁷.

41. Жадвал. Париж принциплари

БМТ Бош ассамблеяси 1993 йилда инсон ҳуқуқларига оид миллий институтлар ташкил этилишига тааллуқли бўлган принципларни қабул қилган эди. «Париж принциплари» номи билан машҳур бўлган бу принциплар шундай институтларнинг фаолият юритиши ва тутадиган ўрнига тегишли бўлган асосий мезонларнинг минимум стандартлари сифатида халқаро даражада эътироф этилган. Ушбу принципларга кўра, инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият олиб боровчи миллий институтлар:

- Мустақил бўлиши ва уларнинг мустақиллиги қонун ёки конституциявий нормалар билан кафолатлаб қўйилиши;
- Улар томонидан олиб бориладиган ишлар кенг қўламли бўлиши ва кенг жамоатчиликнинг улар фаолиятида иштирок этиши;
- Имкон қадар кенг ваколатларга эга бўлиши;
- Зарур даражада текширишлар ўтказиш ваколатига эга бўлиши;
- Доимий асосда ва самарадор иш олиб бориши;
- Етарли даражада молиялаштирилиши;
- Унинг хизматларидан барча аҳоли қатламлари фойдалана олиши лозим.

42. Жадвал. «А» мақомидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар («Париж принциплари»га мувофиқ) (2016 йил август ҳолати)

Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари: Афғонистон, Австралия, Ҳиндистон, Индонезия, Иордания, Малайзия, Мўғулистон, Непал, Янги Зеландия, Филиппин, Қатар, Корея Республикаси, Самоа, Фаластин, Тимор-Лесте;

⁴⁵ Семинар Нигерия Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий комиссияси, Нигерия вакиллар палатаси Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Нигерия ҳуқуқий ресурслар консорциуми ва Британия Кенгаши томонидан ташкиллаштирилди ҳамда Буюк Британия Қироллиги Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик мамлакатлари вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

⁴⁶ Белград семинари БМТнинг Сербия Республикасидаги ваколатхонаси кўмаги билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси бошқармаси, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи Халқаро қўмита, Сербия Республикаси Фуқаролар ҳимоячиси ва Миллий ассамблеяси томонидан ташкил этилган.

⁴⁷ Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва парламентлар ўртасидаги муносабатлар бўйича батафсил маълумотларни <http://www.ohchr.org/EN/Countries/NHRI/Pages/NHRIMain.aspx> интернет саҳифасидан топишингиз мумкин.

Африка қитъаси: Бурунди, Гана, Жанубий Африка Республикаси, Камерун, Кения, Мавритания, Малави, Марокаш, Миср, Намибия, Нигерия, Руанда, Сьерра Леоне, Танзания, Того, Уганда, Замбия, Зимбабве;

Америка қитъаси: Аргентина, Боливия, Венесуэла, Гаити, Гватемала, Канада, Колумбия, Коста-Рика, Мексика, Никарагуа, Уругвай, Панама, Перу, Чили, Эквадор, Эл-Сальвадор;

Европа қитъаси: Албания, Арманистон, Бирлашган Қироллик (Буюк Британия, Шимолий Ирландия ва Шотландия), Босния ва Герцеговина, Венгрия, Хорватия, Грузия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Латвия, Люксембург, Нидерландия, Польша, Португалия, Россия Федерацияси, Сербия, Украина, Финландия, Франция.

«Париж принциплари»га қисман мос бўлган 32 та инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга «Б» ва мос бўлмаган 10 та инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга «С» мақоми берилган.

43. Жадвал. «Абиджан Раҳбарий йўриқномалари» ва «Белград принциплари»да парламент аъзоларига берилган тавсиялар ва таклифлар

• Таъсис этиш тўғрисидаги қонун

- «Париж принциплари»га мувофиқ, Парламентлар тегишли манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар мустақиллигини ва уларнинг бевосита парламентга жавобгар бўлишларини таъминловчи қонунчилик асосларини ишлаб чиқишлари керак. Парламентлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ташкил этиш тўғрисидаги қонунини қабул қилиш ва унга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун мутлақ ваколатга эга бўлиши керак.
- Парламент аъзолари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг ишига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ҳукумат таклифларини диққат билан кўриб чиқиши ва ушбу таклифлар бўйича инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар аъзоларининг нуқтаи назарларини сўрашлари керак.

• Молиявий мустақиллик

- Парламентлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун уларга етарли маблағлар ва воситалар тақдим этилишини таъминлаши керак. Парламентлар, шунингдек, маблағларни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларга тақдим этилишини таъминлаши керак.
- Парламент бюджет таклифларини муҳокама қилиш жараёнида ҳисобга олиши учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ўзларининг стратегик режа ёки йиллик дастурларини тақдим этишлари керак.

- *Тайинлаш ва ишдан бўшатиш жараёни*

- Парламентлар таъсис этиш тўғрисидаги қонунчиликда очиқ танлов ва тайинлаш жараёни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар аъзоларини ишдан бўшатишга оид тартиб-қоидаларни аниқ белгилаб қўйиши керак. Ушбу жараёнларга тегишли фуқаролик жамияти институтлари жалб этилиши керак.
- Парламентлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг мустақиллигини таъминлаш учун таъсис этиш тўғрисидаги қонунчиликда расмий доирада қабул қилинган ҳаракатлар учун дахлсизлик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидаларни киритиши зарур.

- *Ҳисобот бериш*

- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг мустақиллигига ҳамоҳанг бўлган уларнинг иш фаолиятини муҳофама қилиш жараёни ўтказиладиган парламентга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ҳисобот тақдим этиши учун принципиал асослар яратилиши керак.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа маърузалари ва уларга ҳукумат томонидан берилган жавоблар мунтазам ва ўз вақтида ўтказиладиган парламент муҳокамаларида кўриб чиқиши керак.

- *Парламентлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ўртасидаги ҳамкорлик шакллари*

- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг ва парламентлар ҳамкорлигининг, шу жумладан инсон ҳуқуқлари масалаларини муҳофама қилиш учун расмий асосларни яратишга келишиб олишлари керак.
- Парламентлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар билан алоқаларида асосий нукта бўлиб хизмат қиладиган барча сиёсий партиялар вакилларида иборат тегишли парламент қўмитасини аниқлаб олишлари керак.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар аъзолари тегишли парламент қўмиталари олдида мунтазам равишда йиллик ҳисоботлари ва бошқа маърузаларини муҳофама қилиш учун таклиф қилиши керак ва парламент аъзолари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар аъзоларини ўзаро манфаатли масалаларни муҳофама қилиш учун мунтазам равишда учрашувга таклиф қилиши керак.
- Парламент аъзолари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг ишини муҳофама қилиш учун уларга етарли вақт берилишини таъминлаши керак.
- Парламент аъзолари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар тавсияларига риоя этилиши ва уларнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаши керак.

- *Парламентлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ўртасида қонунчилик, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизмлар, таълим, огоҳликни ошириш ва судлар ёки маъмурий органларнинг қарорлари устидан ижро этувчи ҳокимиятнинг жавобгарлигини мониторинг қилиш бўйича ҳамкорлик*

- Инсон ҳуқуқлари бўйича меъёрлар ва тамойилларнинг уларда акс эттирилишини таъминлаш мақсадида, янги қабул қилинадиган қонуннинг мазмуни ва қўлланилиши бўйича парламентлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларга мурожаат қилиши керак.
- Парламентлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни ратификация қилиш жараёни, шу жумладан давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларига риоя этилишини мониторинг қилишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар иштирок этишини таъминлашга интилишлари керак.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва парламентлар инсон ҳуқуқларига ҳурмат маданиятини ривожлантириш учун биргаликда ишлашлари керак; Парламентлар сайлов округлари ва участкаларида фаолият юритувчи шахсларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар томонидан берилган тавсиялардан хабардорлиги оширилишини таъминлаши керак.
- Парламентлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар (тегишли равишда) инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича судлар (миллий, минтақавий ёки халқаро) ва маъмурий органларнинг қарорлари устидан ҳукумат берган жавобларни назорат қилишда ҳамкорлик қилишлари керак.

«Парламентлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг мустақиллиги ва фаолият юртишининг таъминланишида ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. «Париж принциплари» инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва парламентлар ўртасидаги самарали ҳамкорликни талаб қилади ва шу жиҳатдан олиб қаралганда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва парламент ўртасидаги муносабатларга оид «Белград принциплари»ни қабул қилади. Давлатлар давлат даражасида инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун «Белград принциплари»дан кўрсатма сифатида фойдаланишга даъват этилади».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Бош ассамблеядаги маърузаси, A/HRC/20/9, 2012.

Омбудсман идораси

Омбудсман идораси кўплаб давлатларда фаолият кўрсатадиган миллий ташкилот ҳисобланади. Омбудсман идораси ва миллий институтлар фаолиятида айрим жабҳаларда ўхшашлик кузатилса-да, омбудсман идорасининг фаолият кўрсатиш соҳаси қайсидир маънода чекланган бўлиб, улар умуман олганда давлат бошқарувида одиллик ва адолатни таъминлашга хизмат қиладилар. Омбудсман қоида тариқасида парламентга ҳисобот тақдим этади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида алоҳида ваколатлар берилиб, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боровчи Халқаро кўмита томонидан аккредитациядан ўтган омбудсман идораларигина том маънода инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият юритувчи миллий институт сифатида талқин қилиниши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат дастурлари

Дунёдаги бирон-бир давлат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўрсаткичлари билан мақтана олмайди. Қолаверса, ҳар бир давлат ўзига хос сиёсий, маданий, тарихий ҳолатларидан келиб чиқиб инсон ҳуқуқларини ривожлантириб бориши назарда тутиладиган бўлса, инсон ҳуқуқларига оид муаммоларни ҳал қилиш борасидаги яқдил ёндашувнинг мавжуд эмаслиги аён бўлади. Шуни инобатга олган ҳолда, 1993 йилда бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена умумжаҳон конференцияси давлатларни ўзларига мувофиқ бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стратегияларини ишлаб чиқишга даъват этган эди. Миллий ҳаракат режаларининг қабул қилиниши, ҳақиқатан ҳам, миллий саъй-ҳаракатларнинг акс-садоси бўлиши ва бирон-бир сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилмаслиги лозим. Миллий ҳаракат режалари ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши ва миллий ҳаракат режаларининг муваффақиятли амалга оширилиши уларнинг аҳоли томонидан қай даражада илиқ кутиб олинishiга боғлиқ эканлиги боис миллий ҳаракат режалари аҳолининг барча қатламларини қамраб олиши шарт.

Бундай дастурларнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя этиш соҳасидаги аҳволни яхшилашдан иборат. Шу мақсадда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволнинг яхшиланиши махсус дастурларнинг амалга татбиқ этилиши, жамият ва ҳукуматнинг тегишли барча қатламлари иштироки ҳамда зарур маблағларнинг ажратилиши орқали қўлга киритилиши мумкин бўлган оммавий сиёсатининг асосий вазифаси сифатида эътироф этилади. Режалар давлатнинг инсон ҳуқуқларига оид эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аниқ баҳолашларга асосланиб ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу режаларда ҳукумат мансабдор шахслари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, касбий гуруҳлар, педагоглар, оқловчилар ва фуқаролик жамиятининг бошқа аъзоларини инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар билан таништириш юзасидан раҳбарий кўрсатмалар берилиши таъминланиши лозим. Бундан ташқари, миллий режалар инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ратификация қилиниши ва кам таъминланган ҳамда ночор аҳволдаги фуқароларнинг инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда инсон ҳуқуқларига оид стандартлар бўйича жамоатчилик фикри шакллантирилишини тарғиб этишлари зарур.

Миллий ҳаракат режаларининг ишлаб чиқиши жиддий саъй-ҳаракатлар олиб боришни тақозо этади. Миллий ҳаракат режаларининг самарадорлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатадиган омиллар сирасига қуйидагилар киради:

- Давомли тарзда сиёсий қўллаб-қувватлаш;
- Режалаштиришда кенг жамоатчиликнинг иштирок этиши ва шаффофлик;
- Инсон ҳуқуқларига оид мавжуд ҳолатларни баҳолашда барча масалаларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- Ечилиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишда қандай масалаларга устувор мавқе беришни реал воқелиқдан келиб чиқиб белгилаш ва шу йўналишларда иш олиб бориш;
- Юклатилган вазифаларни аниқ бажариш мезони ва инсон ҳуқуқларига оид вазиятни баҳолаш ҳамда унинг мониторингини олиб боришда иштирок этувчи кучли воситалардан фойдаланиш;
- Зарур маблағларнинг ажратилишини таъминлашга эришиш.

44. Жадвал. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқишга доир мисоллар

Либерияда миллий ҳукумат инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини, шу жумладан шартнома ратификация қилиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномалар мониторингини олиб боровчи органларига ҳисобот бериш ва уларнинг тавсияларини бажариш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқишга киришган эди. 2013 йил мобайнида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқишга ёрдам бериш учун Либерия Парламенти ва бошқа органлар билан ҳамкорлик қилди. Ушбу режанинг бир таркибий қисми сифатида Либерия Универсал даврий ҳисобот ва шартномавий органлар тавсиялари нечоғлик амалга оширилиб борилаётганини кузатиш ва ўз шартномавий мажбуриятларини бажариш бўйича механизм яратди. Миллий ҳаракат режаси 2013 йил 10 декабрь куни ишга туширилди.

Парламент ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар

Парламентлар ва фуқаролик жамияти институтлари биргаликда иш олиб боришса, кўп нарсага эришадилар. Бунинг юзага келиши учун парламентлар ва фуқаролик жамияти институтлари турли хил вазифаларни бажарсалар-да, бироқ аксарият ҳолларда бир-бирини тўлдирувчи роль ўйнашларини тан олишлари керак. Бу иқдорлик, бир томондан, парламент ва унинг аъзолари, бошқа томондан, фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги мавжуд ишончсизлик ёки кескинликни бартараф этишга ёрдам бериши боис жуда муҳим саналади.

Ҳозирда кўплаб парламентлар ва уларнинг кўмиталари эшиклари жамоатчилик учун очик бўлиб, кун тартибларига учинчи шахслар томонидан масала киритилишига имкон яратиб, муҳокамаларда иштирок этиш учун ташқи экспертларни жалб этмоқдалар. Парламентлар жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш орқали тобора фуқаролик жамияти орасига кириб бормоқдалар. Натижада, фуқаролик жамияти институтлари ўзларининг ихтисослашган кўникма ва маслаҳатларини парламент аъзолари ва қонун чиқариш жараёни иштирокчиларига тақдим этиш имконига эга бўлмоқдалар. Парламентда етарли қонунчилик тадқиқотлари салоҳияти мавжуд бўлмаган ҳолларда улар қўшадиган ҳисса айниқса муҳимдир. Бундан ташқари, фуқаролик жамиятининг парламент муҳокамаларига қўшилиши қарашлардаги мувозанатни таъминлашга ёрдам бериб, янги истиқболларни ривожлантириш учун муҳим имконият яратади. Бу ҳолат бир қатор мамлакатларда гендер масалаларига қизиқиш билдираётган депутатлар ва тегишли фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик натижасида пайдо бўлган гендер бюджетини ривожлантиришга тегишли ташаббусларининг кўпайиши билан боғлиқ.

Парламент аъзоси сифатида сиз нималар қилишингиз мумкин:

Инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда бу ишлардан жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини оширишда парламент ва парламентга алоқадор бўлмаган инсон ҳуқуқлари механизмларининг муҳимлигини ҳисобга олиб, сиз қуйидагиларни амалга оширишингиз мумкин:

- ✓ Парламентингизда инсон ҳуқуқлари соҳасига ихтисослашган парламент кўмитасининг тузилишини рағбатлантириш.
- ✓ «Париж принциплари»га мувофиқ ва «Абиджан Раҳбарий йўриқномалари» ва «Белград принциплари»ни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатингизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институт ташкил этилишини тарғиб қилишингиз ёки мавжуд инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшишингиз (батафсил маълумот олиш учун 41- ва 43-жадвалларга қаранг).
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни таклиф қилишингиз ва агар шундай қарорга келинса, уни тайёрлаш, лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг барча босқичларида парламентингиз иштирок этишини таъминлашингиз.
- ✓ Парламент тартиб-таомиллари орқали фуқаролик жамиятининг муҳим иштирокчилари инсон ҳуқуқларини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшишларини аниқлашингиз.
- ✓ Зарур ҳолларда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ахборот стратегияларини ишлаб чиқиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга сафарбар қилиш мақсадида нодавлат ташкилотлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа миллий иштирокчилар ва сиёсий партиялар билан алоқа ўрнатишингиз.

- Инсон ҳуқуқларига оид миллий ҳаракатлар режаси бўйича Қўлланма // Касбий маҳоратни ошириш туркумидан, 10-жилд. –Нью-Йорк ва Женева: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТ, 2002. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/training10en.pdf>.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар билан ҳамкорлик бўйича БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва БМТ Тараққиёт дастури йўриқномаси. –Нью-Йорк ва Женева, 2010. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Countries/NHRI/1950-UNDP-UHCHR-Toolkit-LR.pdf>.
- «Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар: тарих, тамойиллар, роллар ва масъулият» номли Қўлланма // Касбий маҳоратни ошириш туркумидан, 4-жилд (қайта нашр этилган). –Нью-Йорк ва Женева: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТ, 2010. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org>.



Ўн иккинчи боб

Парламент аъзолари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида нималарни билиши лозим?

1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»га кўра, иштирокчи-давлатлар шахслар ва гуруҳларнинг дин эркинлиги, қарашлар ва фикр эркинлиги, уюшиш эркинлиги, давлат бошқарувида иштирок этиш, қонунийлик, адолатли суд жараёнига бўлган ҳуқуқ сингари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилишга мажбурдирлар.

© СИТИЗЕНСАЙД / Хорхе Межиа
Пералта

Яшаш ҳуқуқи

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 3-моддаси:
«Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир».

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддаси 1-қисми:

«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни ҳаётдан маҳрум қила олмайди».

Яшаш ҳуқуқи энг асосий ҳуқуқ ҳисобланиб, ҳаттоки уруш ёки фавқулодда ҳолат эълон қилинган тақдирда ҳам ҳеч қандай тарзда чекланиши мумкин эмас. Қийноқ ёки кулчиликнинг тақиқланишидан фарқли ўлароқ, яшаш ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ саналмайди. «Урушнинг қонуний ҳатти-ҳаракат»лари натижасида — бу ибора халқаро гуманитар ҳуқуқда изоҳлаб берилган — қуролли кучлар таркибидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётдан маҳрум қилиниши яшаш ҳуқуқининг бузилиши сифатида баҳоланмайди. Худди шунингдек, шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан ҳаётдан маҳрум этилиши – агарда ўлим учинчи шахсни ҳимоя қилиш ёки қонуний ҳибсга олиш чоғида, қонуний равишда озодликдан маҳрум этилган шахсни озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан қочиб кетишининг олдини олиш, исён ёки тартибсизликларни бостириш ёхуд зарурий мудофаа каби қонуний мақсадларда куч ишлатишга мутлақ эҳтиёж сезиладиган ҳолатлар натижасида рўй берса, яшаш ҳуқуқининг бузилишини ташкил этмайди. Бундай мутлақ эҳтиёжнинг мавжудлиги ҳар бир ишни алоҳида кўриб чиқиш ва мутаносиблик принципи талабларини инобатга олган ҳолда, фақатгина ваколатли суд идоралари ёки охириги инстанция тариқасида шартномавий қўмиталар томонидан аниқланади. Бундан ташқари, яшаш ҳуқуқи ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқий тизимларда мутлақ ҳуқуқ сифатида талқин этилмайди (қуйига қаранг).

45. Жадвал. Яшаш ҳуқуқи ва давлатлардан устувор мақомга эга идора ҳамда ташкилотлар юрисдикцияси

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан 1995 йилда кўриб чиқилган «Мак-Кан ва бошқалар Буюк Британияга қарши» суд иши якуний ҳулосаларига кўра, ҳарбий операциялар чоғида терроризмда гумон қилинаётган уч нафар шахснинг отиб ўлдирилиши – Британия аскарлари уларни ҳибсга олишга уриниб кўрганликларини даъво қилсалар-да, – етарли даражада режалаштирилмаган деб топилди ва шу асосда уларнинг ўлдирилиши яшаш ҳуқуқининг бузилишини ташкил қилган деган қарорга келинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа ва Америка давлатлараро судлари томонидан кўриб чиқилган кўплаб ишларнинг натижаларига кўра, оммавий тарзда ёхуд асоссиз равишда одам ўлдириш уларга берилган таърифларданоқ яшаш ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

Қолаверса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди томонидан 1988 йилида кўриб чиқилган «Валаскез Родригез Гондурасга қарши» суд иши бўйича қабул қилинган ва бу борадаги муҳим ҳуқуқий бурилиш ҳисобланган қарорга мувофиқ, инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолиши жинояти давлатга алоқадор бўлмаган иштирокчилар томонидан содир этилган тақдирда ҳам яшаш ҳуқуқининг бузилиши ёки ҳеч бўлмаганда бу ҳуқуққа солинадиган улкан таҳдид сифатида баҳоланиши лозим (бошқа ҳуқуқлар сингари; масалан, эркинлик ҳуқуқи ёки одил судлов ҳуқуқи).

Яшаш ҳуқуқи ва давлат мажбуриятлари

Барча инсон ҳуқуқлари сингари яшаш ҳуқуқи ҳам шахсларни ҳукумат мансабдор шахсларининг асоссиз аралашувларидан ҳимоя этиш билан бир қаторда,

давлатларнинг фуқароларини асоссиз равишда ҳаётдан маҳрум қилиш, зўрлик остида ғойиб бўлиш ёки қуролланган ва уюшган жиноий гуруҳлар ёхуд ҳар қандай шахс томонидан шунга ўхшаш зўравонлик ҳолатлари содир этилишининг олдини олиш йўлида ижобий чора-тадбирлар кўришга мажбур этади. Шу боис давлатлар бундай ҳаракатларни жиноийлаштириб, яшаш ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш, уни ҳимоя қилиш ва у бузилган тақдирда етказилган зарарнинг қопланиши учун зарур тадбирларни амалга ошириши лозим.

46. Жадвал. Яшаш ҳуқуқига оид давлатлар мажбуриятларига тегишли суд амалиёти: «Эл Мозоте ва туташ ҳудудлар Эль Салвадорга қарши» қатлиом воқеасининг суд иши

2012 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди 1981 йилда Эл Салвадор қуролли кучлари томонидан Эль Мозоте минтақасида содир этилган инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича халқаро ҳуқуққа мувофиқ Эл Салвадор Республикаси жавобгарлиги эълон қилинган қарорни қабул қилди. Қуролли кучлар ўзлари ҳимоя қилишлари керак бўлган фуқароларни «оммавий, жамоавий ва ҳеч қандай истисносиз» тарзда ўлдирганлар. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро судининг фикрига кўра, давлат кейинчалик бир неча маротаба афв этиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиб, инсон ҳуқуқлари, шу жумладан ҳаётга бўлган ҳуқуқни (масалан «Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси»нинг 4-моддаси) жиддий бузилиш ҳолатларини самарали тергов қилиш ва жазолаш бўйича ўз зиммасидаги халқаро мажбуриятларини бажармаган. Суд ўзи қабул қилган қарорга репарация сифатида қараш лозимлигини таъкидлаб, давлатга аниқланган жиноятлар бўйича терговга алоқадор ва жазо чораларини қўллашдаги барча тўсиқларни бартараф этиш, тегишли жамоаларга ривожланиш учун ёрдам бериш, мавжуд ечимлар бўйича таълим бериш ва жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини ошириш, қирғин қурбони бўлганларни хотирлаш учун тегишли мемориал ва оммавий хотирлаш маросимларини ташкил қилиш, яқин қариндошларига моддий ва маънавий товон тўлаш юзасидан топшириқ берди.

Шунга кўра, давлатлар бундай хатти-ҳаракатларни жиноят сифатида тақиқлашлари ва тегишли қонунчиликни амалга татбиқ этишлари шарт. Қолаверса, давлатлар қуйидагиларни таъминлашга мажбурдирлар:

- Бирон-бир шахс томонидан бошқа шахсга ўлим ҳолатига олиб келувчи тан жароҳатининг етказилиши давлат жиноят қонунчилигига кўра тегишлича жазо ва жавобгарликка тортилувчи жиноят сифатида эътироф этилиши;
- Ҳар қандай оғир жиноятлар жиноятчиларини аниқлаш, уларни жазо ва жавобгарликка тортиш мақсадида тўлиқ тергов қилиниши;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан содир этиладиган асоссиз равишда ҳаётдан маҳрум этиш ҳолатларининг олдини олиш ва жазолаш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши;

- Зўравонлик остида ғойиб бўлган шахсларга тегишли ишларнинг тергов қилиниши бўйича қонунга мувофиқ самарадор механизмлар жорий этилиши.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита томонидан билдирилган фикрга кўра, давлатлар яшаш ҳуқуқи соҳасидаги мажбуриятларини жуда тор маънода тушунадилар ва бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамда амалда бажарилишини таъминлаш фақатгина одам ўлдириш, шахс ҳаётига суиқасд қилиш ёки ўлим ҳолатларига олиб келадиган тан жароҳати етказиш кабиларни жиноят сифатида баҳолашдан иборат деб талқин қилишади. Қўмитанинг 6-сонли «Умумий мулоҳазалар»ида таъкидланишича, давлатлар «ғўдаклар ўлимини камайтириш ва озиқ-овқат танқислиги ҳамда эпидемияларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриш орқали умр кўриш муддатининг узайтирилишини таъминлашлари лозим». Давлатларнинг умр кўриш муддатини узайтириш мажбурияти давлат муносиб турмуш кечириш учун зарур бўлган стандартларни кафолатлаш учун барча мавжуд имкониятларини ишга солиши лозимлиги ва «инсоннинг ҳаётдан асоссиз равишда маҳрум бўлишига олиб келадиган уруш, геноцид ва шунга ўхшаш бошқа оммавий зўравонлик ҳолатларининг олдини олишдек олий бурч»га эга эканлигини билдиради.

Айни шу маънода парламент аъзолари қуйидагиларни таъминлаш орқали яшаш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳисса қўшишлари мумкин:

- Яшаш ҳуқуқининг ҳимоя қилинишига ҳисса қўшувчи озиқ-овқат ҳуқуқи, саломатлик, хавфсизлик, тинчлик ва муносиб турмуш қуриш билан боғлиқ ҳолатларнинг яхшиланиши учун чора-тадбирлар кўриш;
- Ҳукумат яшаш ҳуқуқининг бузилиш эҳтимолини имкон қадар камайтирилишини таъминлаш мақсадида ички ишлар идоралари ва озодликдан маҳрум қилиш муассасалари ходимларининг билим ва кўникмаларини оширишга мўлжалланган дастурларни қабул қилиши ва амалга татбиқ этиши;
- Ғўдаклар ўлими ҳолатларини камайтириш ва умр кўриш муддатини узайтириш, айниқса озиқ-овқат танқислиги ва эпидемияларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш (батафсил маълумот олиш учун 13-бобга қаранг).

Яшаш ҳуқуқи билан боғлиқ мунозарали масалалар

Ўлим жазоси

Ўлим жазоси яшаш ҳуқуқига тааллуқли масалаларда марказий ўрин тутати. Ўлим жазосининг ҳуқуқий тарихи ва унинг атрофида турли хил мунозаралар яна бошқа икки амалиёт – қуллик ва қийноқ тарихи билан боғлиқ бир қатор ўхшашликларга эга. Инсоният тарихида асрлар давомида амал қилиб келинган қулчилик фақатгина XIX асрга келиб қонун билан бекор қилинади. Қийноқ эса маърифатпарварлик даврига қадар жиноят жараёнининг таркибий қисми сифатида қабул қилинган эди. Бугунга келиб бу ҳар икки амалиёт ҳам халқаро ҳуқуққа мувофиқ тақиқланган бўлса-да, ўлим жазосини бекор қилиш сари нисбатан секинлик билан қадам ташланмоқда.

47. Жадвал. Ўлим жазосининг қўлланилишини ёқловчи ва унга қарши бўлганларнинг далиллари

Ўлим жазоси қўлланилишини ёқловчи далиллар	Ўлим жазосининг қўлланилишига қарши далиллар
Бошқаларнинг жиноят содир этишдан тийилиб туришига ёки жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади	Жиноятчиликнинг олдини олиш ёки жиноят содир этишдан тийилиб туриш билан ўлим жазоси ўртасидаги боғлиқлик далиллар билан исботланмаган
Жабрдийдаларга нисбатан адолат бўлади, улар ўлим жазоси қўлланилганидан маънавий қониқиш ҳис қиладилар	Адолатга бўлган замонавий ёндашувлар ҳуқуқбузарларни реабилитация қилиш ва реинтеграция қилишни ёқлаб, жиноятчиларнинг ҳам инсон ҳуқуқлари борлигини тан олади
Апелляция шикоятларининг чекланиши ва «Хабеас корпус» тизимини ислоҳ этиш зарурати	Ўлим жазосининг қўлланилиши суд-тергов тизимлари хатога йўл қўйиши эҳтимолини оширади ва айбсиз шахслар қатл этилиши мумкин
Халқаро ҳужжатлар қонуний жазо қўллашни халқаро ҳуқуққа мувофиқ яшаш ҳуқуқига оид кафолатларга истисно сифатида тан олади	Бу истисно ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи жазо чораларини қонунийлаштиради.

1984 йилда БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан қабул қилинган ва БМТ Бош ассамблеяси томонидан маъқулланган «ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатловчи чоралар» қабул қилинган (баъзида «ЭКОСОСнинг кафолатловчи чоралари» деб ҳам аталади). Бу «Кафолатловчи чоралар» «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» қоидаларини ўзида мужассам этса-да, минимал стандарт ҳисобланиб, уларнинг бузилиш ҳолатлари ҳали ҳам кўзга ташланмоқда. Қуйида бу муаммага тегишли айрим мулоҳазалар баён этилган.

Айрим тоифадаги жиноятчиларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди ёхуд қўлланилмаслиги лозим. Бу тоифага қуйидагилар киради:

- **Балоғат ёшига етмаганлар:** «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ва «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»га мувофиқ, жиноят содир этиш пайтида 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилиши мумкин эмас. Бу қоида халқаро одат ҳуқуқи нормасига айланган;
- **Қариялар:** қарияларга нисбатан ўлим жазосининг қўлланилмаслиги на «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт», на «Кафолатловчи чоралар»да назарда тутилган бўлса-да, 1988 йили Жиноятчиликнинг олдини олиш ва назорат қилиш бўйича БМТ қўмитаси ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий кенгашга аъзо давлатлар ўлим

жазосини қўллаш ва унга ҳукм этишга доир максимал ёш чегарасини белгилашлари тўғрисидаги таклиф билан чиқишган эди; «Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси»нинг 4-моддаси 5-қисмида белгилаб қўйилишича, жиноят содир этиш вақтида 70 ёшдан юқори бўлган шахсларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди;

- **Ҳомиладор аёллар:** («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддасига мувофиқ) ҳали туғилмаган болани ҳимоя қилиш мақсадида «Кафолатловчи чоралар» ҳомиладор аёллар қатл этилишини тақиқлайди;
- **Интеллектуал жиҳатдан ногиронлиги бўлган шахслар:** ақли норасо шахслар, шу жумладан интеллектуал жиҳатдан ногиронлиги бўлган шахслар ўлимга ҳукм қилинмаслиги бўйича қоидалар «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ва минтақавий инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларда мавжуд бўлмаса-да, лекин «ЭКОСОСнинг кафолатловчи чоралари»да назарда тутилган.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқ барча давлатларда адолатли суд жараёнларини таъминлаш – жумладан ўлим жазосининг қўлланилишига ҳам тааллуқли, ҳурмат қилинишини назарда тутати. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14-моддаси қоидаларига риоя қилмасдан суд жараёни тугаши биланоқ ўлим жазосининг қўлланилиши яшаш ҳуқуқининг бузилишидир, деган хулосага келган (250/1987-сонли мурожаат бўйича қабул қилинган қарор). Адвокат жараённинг барча босқичларида ўлим жазосига маҳкум қилинган айбланувчиларга самарали ёрдам беришга мажбур. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6(4)-моддасига кўра, апелляция берилганда ёки бошқа ариза билан мурожаат қилинган давр мобайнида шахс қатл этилмаслиги керак ва бу шахсга нисбатан амнистия қўлланилиши, афв этиш ёки ҳукми бекор қилиш имкони бўлиши мумкин.

Ўлим жазоси бекор қилинмаган давлатларда бу жазо мутаносиблик принципига мувофиқ равишда қўлланилиши ва фавқулодда жазо чораси ҳисобланиши лозим. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддасида «ўта оғир жиноятлар» иборасига ҳавола мавжуд бўлиб, «Кафолатловчи чоралар»га кўра бу иборанинг таърифи «қасддан содир этилиб, одамнинг ўлимига ёки бошқа фавқулодда оғир оқибатларга олиб келадиган хатти-ҳаракатлар» чегарасидан ташқарига чиқмаслиги шарт. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси муайян жиноятлар учун мажбурий ўлим жазосининг қўлланилиши ҳар бир ҳолатда ҳам вазиятни ҳисобга ола билмаслиги сабабли инсон ҳуқуқларига мос эмас, деган хулосага келган (Қаранг: мисол учун «Rolando v. Philippines CCPR/C/82/D/1110/2002» иши).

Ўлим жазосини бекор қилиш йўлидаги ҳаракатлар

Инсон ҳуқуқларига оид кўплаб халқаро шартномалар ишлаб чиқилган Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда аксарият давлатларда ўлим жазоси ҳали ҳам қўлланилиб келарди. Шу сабабли бўлса керак, «Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси»нинг 2-моддаси, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддаси ва «Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси»нинг 4-моддаларида яшаш ҳуқуқи тамойилига ўлим жазоси билан боғлиқ истиснолар киритилган. Бироқ шундан буён ўтган давр мобайнида ўлим жазосини бекор қилиш ва уни тақиқлаш тенденцияси кузатилмоқда.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»ни ишлаб чиққанлар «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддасида «ушбу моддадаги ҳеч нарса иштирокчи-давлатларда ўлим жазосининг бекор қилинишини кечиктирувчи ёки ўлим жазоси бекор қилинишининг олдини олувчи чора сифатида кўрилмайди», деб ўлим жазосининг бекор қилинишига йўл очиб берган эдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан 1971 йилда қабул қилинган 2857-сонли резолюцияда «барча давлатларда ўлим жазосининг бекор қилиниши мумкинлиги нуқтаи назаридан» агар ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар сони босқичма-босқич камайтириб борилган тақдирдагина, яшаш ҳуқуқи тўлиқ кафолатланиши таъкидлаб ўтилган. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 1982 йилдаги яшаш ҳуқуқи тўғрисидаги умумий шарҳларида «яшаш ҳуқуқидан фойдаланишда муваффақиятга эришиш учун ўлим жазосини бекор қилувчи барча чоралар кўрилиши лозим»лиги назарда тутилган. Шу мақсадда, ўлим жазосини бутунлай бекор қилишни рағбатлантириш учун 1989 йилда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча иккинчи протокол» қабул қилинди.

2007 йил декабрь ойида Бош ассамблея томонидан мутлақ кўпчилик давлатлар ёқлаб овоз берган ўлим жазосини қўллашга мораторий эълон қилиш тўғрисидаги юксак аҳамиятга эга Резолюция (A/RES/62/149) қабул қилинди. Аксарият давлатлар ўлим жазоси бекор қилинишини ёқлаганликлари боис бу масала юзасидан яна бир қатор резолюциялар қабул қилинди (63/138, 65/206, 67/176 ва 69/186). Ушбу резолюциялар давлатлардан ўлим жазосини қўллаш босқичма-босқич чекланишини ва ҳомиладор аёллар ёки 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай кишилар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим жазосини белгиламасликни талаб қилади. Давлатлардан жазо тариқасида ўлим жазосига назарда тутилган жиноятлар сонини камайтириш сўралди. Ўлим жазосини бекор қилиш бўйича БМТнинг глобал ҳаракати ноҳақ айбловлар, ўлим жазоси ўта оғир жиноятлар содир этилишига тўсқинлик қила олмаслиги ва эътибордан четда қолган гуруҳларга мансуб одамларга ўлим жазосини камситувчи сифатида қўлланилиши каби муаммоларга диққат қаратмоқда.⁴⁸

Европада ўлим жазосининг бекор қилиниши

1993 йилда қабул қилинган ва Россия Федерациясидан ташқари Европа Кенгашига аъзо барча давлатлар томонидан ратификация қилинган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига қўшимча 6-факультатив протокол»га мувофиқ, тинчлик даврида ўлим жазоси қўлланилиши тақиқланади. 2002 йилда қабул қилинган 13-факультатив Протоколда Европа қитъасида ўлим жазоси батамом бекор қилиниши (хаттоки уруш пайтида ҳам) назарда тутилган. Ўлим жазосининг тамомила бекор қилиниши Европа Иттифоқи ва Европа Кенгаши сиёсатининг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгургани боис (бу Европа Иттифоқида янги аъзо давлатларни қабул қилишнинг талаби ҳамдир), Беларус ва Россия Федерациясидан ташқари Европа қитъасининг қолган барча қисмини бугунги кунда ўлим жазоси қўлланилишидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш мумкин.

⁴⁸ Ўлим жазоси бўйича маълумотларни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг интернет саҳифасидан олиш мумкин: www.ohchr.org/EN/Issues/DeathPenalty.

Америка қитъасида ўлим жазосини бекор қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар

Худди шундай ҳолат – ўлим жазосини бекор қилиш тенденцияси – Америка қитъасида ҳам кузатилмоқда. Америка давлатлари ташкилоти томонидан «Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси»га ўлим жазосини бекор қилишни кўзда тутувчи қўшимча Факультатив Протокол 1990 йилда қабул қилинган бўлса-да, 2016 йил июль ойи ҳолатига кўра, 13 давлат (Аргентина, Бразилия, Гондурас, Доминикан Республикаси, Коста-Рика, Эквадор, Мексика, Никарагуа, Панама, Парагвай, Чили, Уругвай, Венесуэла) бу ҳужжатни ратификация қилган.

Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Покистон, Саудия Арабистони ва Эрон Ислом Республикаси сингари давлатлар ўлим жазосини қўллашда давом этиб, унинг халқаро ҳуқуққа мувофиқ бекор қилинишига кескин қарши бўлишса-да, бугунги кунда давлатларнинг учдан икки қисми ўлим жазосини қонун билан ёки амалда бекор қилган. Қабул қилинганидан буён деярли ўттиз йил вақт ўтгач, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча иккинчи протокол» 80 дан ортиқ давлатлар (асосан Европа ва Лотин Америкаси давлатлари) томонидан ратификация қилинган ва 140 мамлакатда ўлим жазоси расмий равишда бекор қилинган ёки амалда қўлланилмайди (батафсил маълумот олиш учун 49-жадвалга қаранг).

48. Жадвал. Ўлим жазосига тортилиши мумкин бўлган шахсларнинг экстрадиция қилинмаслиги ва ўлим жазосининг бекор қилинишини қўллаб-қувватловчи суд амалиёти шаклланиб бораётганига мисоллар

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан 1989 йилда кўриб чиқилган «Соэринг Буюк Британияга қарши» суд иши бўйича қабул қилинган қарорга мувофиқ, ўлим жазосининг қўлланилишини бир неча йиллар мобайнида кутиб ётиши мумкин бўлган немис фуқаросининг Буюк Британия томонидан Америка Қўшма Штатларига экстрадиция қилиниши «Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси»нинг 3-моддасига кўра инсонийликка зид муомала ҳисобланади.
- Экстрадиция масаласида Америка Қўшма Штатлари иштирокидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита томонидан 1993 йилда кўриб чиқилган яна бир «Нг Канадага қарши» иши бўйича қабул қилинган қарорда ўлим жазосининг Калифорнияда бўғувчи газ ёрдамида амалга оширилиши «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 7-моддасига мувофиқ инсонийликка зид жазо турини ташкил этиши таъкидланган.
- Жанубий Африка Конституциявий суди томонидан 1995 йилда қабул қилинган машҳур қарорда эътироф этилишича, ўлим жазосининг қай тариқа қўлланилиши ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар инсонийликка зид ҳамда Жанубий Африкада инсонийликка зид жазо турлари тақиқланишининг бузилиши ҳисобланади.
- БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан 2003 йилда «Судья Канадага қарши» ишини кўриб чиқар экан, «Канада ўлим жазосини бекор қилиш мақсадидаги Халқаро пактга қўшимча Иккинчи протоколни ратификация қилган-қилмаганлигидан қатъи назар, ўлим жазосини бекор қилган иштирокчи-

давлат сифатида жиноят содир этган шахсни унга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслиги тўғрисида кафолатлар берилишини таъминламай туриб, у ҳозирда ўлим жазосига ҳукм этилган Америка Қўшма Штатларига уни депортация қилиш орқали шахснинг «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддаси 1-қисмида назарда тутилган яшаш ҳуқуқини бузган», деган ҳулосага келган.

- Ноҳолис суд жараёнлари орқали шахснинг ўлим жазосига ҳукм этилиши инсонийликка зид муомала билан баробар эканлиги ва «Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси» 3-моддасининг бузилиши ҳисобланиши Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан 2003 йилда кўриб чиқилган «Ўжалан Туркияга қарши» иши бўйича қабул қилинган қарорда ҳам ўз ифодасини топган.
- Америка Қўшма Штатлари Олий суди томонидан 2005 йил 1 мартда қабул қилинган қарорда жиноят содир этган пайтда балоғатга етмаган шахсларга нисбатан ўлим жазосининг қўлланилиши конституцияга зид эканлигига урғу берилган. Суд «халқаро жамоатчиликнинг балоғатга етмаган шахсларга нисбатан ўлим жазосининг қўлланилишига қарши эканлиги» бундай қарорга келишда «муҳим ўрин тутганлиги» ва бу қарорнинг «хурмат қилиниши ва эътироф этилишида муҳим рол ўйнаши»ни таъкидлаб ўтган. Суднинг фикрига кўра, «вояга етмаган шахсларга нисбатан ўлим жазосининг қўлланилишини тақиқлаш тўғрисида қарор чиқарилиши ва унинг конституцияга зид деб баҳоланиши, бошқа миллатлар ва халқлар томонидан айрим асосий ҳуқуқларнинг аниқ эътироф этилишини тан олиш, бу ҳуқуқлар бизга мерос қилиб қолдирилган озодлик ғоялари доирасида ҳам марказий ўрин эгаллашини яна бир қарра тасдиқлаш бизнинг конституцияга бўлган садоқатимиз ва унинг ишлаб чиқилишидан туядиган фахр туйғуларимизга шубҳа уйғотмаслиги лозим».

Аборт

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро идоралар аёлларнинг ҳаётга бўлган ҳуқуқларидан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи хавфли абортлар ва оналар ўлимининг нисбати ўртасидаги боғлиқлик ҳақида доимо хавотир билдириб келмоқдалар. Аксарият инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, шу жумладан «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддаси ва «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси»нинг 2-моддаси – яшаш ҳуқуқини таъминлаш туғилиш биланок бошланиши лозим деб талқин қилиниши керак. Ҳақиқатан ҳам, кўплаб шартномалар ва декларацияларни ишлаб чиқишдаги музокаралар тарихи, халқаро ва минтақавий суд амалиёти, аксарият қонунчилик таҳлилларидан инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда қайд этилган яшаш ҳуқуқи инсон туғилишидан олдин қўлланилмайди.

Ҳомиладор аёлнинг аборт юзасидан мустақил ва унинг оқибатларидан олдиндан хабардор бўлгани ҳолда қарор қабул қилиш ҳуқуқининг инкор этилиши инсон ҳуқуқларининг кенг доирада бузилишига олиб келмоқда ёки бу ҳуқуқларнинг бузилиш хавфи мавжуд. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар умуман аборт қилишни жиноий фаолият сифатида кўрувчи қонунларни аёлларга нисбатан камситувчи ва уларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги имкониятлардан фойдаланишларига тўсиқ

сифатида тавсифлайди (қаранг: масалан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг 22-умумий шарҳи).

«Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси»нинг 4-моддасига мувофиқ, яшаш ҳуқуқи «умуман олганда туғилган лаҳзадан бошлаб» ҳимояланишни назарда тутгани сабабли Америка қитъасида инсон ҳуқуқларига оид шартномалар мониторингини олиб борувчи органлар яшаш ҳуқуқининг ҳимояси мутлақ таъминланиши шарт эмаслигини таъкидлаб ўтганлар. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди эмбрионлар, Конвенция қоидаларига кўра, инсон саналмаслиги боис уларга мутлақ яшаш ҳуқуқи берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий идораларнинг кўпчилиги ҳар қандай воситалар орқали туғишдан ҳимоя қилиш аёлнинг ҳаётга, жисмоний дахлсизлик, соғлиқ ва шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек, тенглик ва камситилмаслик тамойилларига мувофиқ бўлиши кераклигини билдирганлар.

49. Жадвал. Ўлим жазосига доир бутун дунёдаги ҳолат

«Amnesty International» ташкилоти маълумотларига кўра, 2015 йилда 25 мамлакатда камида 1634 одам қатл қилинган ва камида 1998 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган. Уч мамлакат – Эрон Ислом Республикаси, Покистон ва Саудия Арабистони – амалга оширилгани қайд этилган 89 фоиз ўлим жазоси ҳолатлари учун масъулдир.⁴⁹ Бу рақамлар «Amnesty International» ташкилотига маълум бўлган ҳолатлардан иборат, ўлим жазоси қўлланилган ҳолатларнинг ҳақиқий сони бу кўрсаткичдан ҳам юқорироқ бўлиши мумкинлиги эҳтимоли мавжуд.

«Amnesty International» ташкилотининг ҳисоботида қайд этилишича, қатллар сони 2015 йилда деярли 54 фоизга ошган.

2015 йил декабрь ҳолатига кўра ўлим жазоси бекор қилинган ва ўлим жазоси сақлаб қолинган давлатлар

Барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар: 102

Фақат оддий жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар: 6

Амалиётда ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар: 32

Қонунчилик билан ёки амалиётда ўлим жазоси бекор қилинган давлатларнинг умумий сони: 140

Ўлим жазоси сақлаб қолинган давлатлар: 58

Барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар

Қонун билан бирон-бир жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилмаган давлатлар ва ҳудудлар:

Болгария, Боливия, Бурунди, Камбоджа, Кабо-Верде, Канада, Колумбия, Кук ороллари, Албания, Андорра, Ангола, Аргентина, Арманистон, Австралия,

⁴⁹ Ўлим жазоси бўйича батафсил маълумотни «Amnesty International»нинг қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: www.amnesty.org/en/death-penalty.

Австрия, Озарбайжон, Бельгия, Хорватия, Кипр, Чехия, Дания, Жибути, Доминикан Республикаси, Эквадор, Эстония, Финляндия, Фижи, Франция, Габон, Грузия, Германия, Греция, Гвинея-Биссау, Латвия, Лихтенштейн, Литва, Люксембург, Македония, Мадагаскар, Мальта, Маршалл ороллари, Мавритания, Мексика, Микронезия, Молдова, Монако, Гаити, Венгрия, Исландия, Ирландия, Италия, Кирибати, Парагвай, Филиппин, Польша, Португалия, Руминия, Руанда, Самоа, Сан-Марино, Сан-Томе ва Принсипе, Сенегал, Сербия, Сурия, Швеция, Швейцария, Шарқий Тимор, Того, Туркия, Туркменистон, Тувалу, Буюк Британия, Украина, Уругвай, Ўзбекистон, Вануату, Венесуэла.

Фақат оддий жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар

Қонун билан фақат ҳарбий жиноят ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши мумкин бўлган бундай жиноятлар учун ўлим жазоси белгилаган мамлакатлар:

Бразилия, Чили, Сальвадор, Исроил, Қозоғистон, Перу.

Амалиётда ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар

Ушбу туркум қуйидагиларни ўз ичига олади: а) одам ўлдириш каби оддий жиноятлар учун ўлим жазосини сақлаб қолган мамлакатлар бўлсалар-да, охириги ўн йил мобайнида ҳеч қимми қатл қилмагани учун ва ўлим жазосини қўлламаслик сиёсати ёки амалиётда қўллаш бекор қилинганлиги сабабли амалиётда ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар деб ҳисобланиши мумкин ва (б) ўлим жазосини қўлламаслик бўйича зиммаларига халқаро мажбурият олган давлатлар:

Малави, Мали, Мавритания, Мўғулистон, Марокаш, Мьянма, Науру, Нигер, Папуа-Янги Гвинея, Жазоир, Бенин, Бруней-Доруссалом, Буркина-Фасо, Камерун, Марказий Африка Республикаси, Эритрея, Гана, Гренада, Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Сьерра-Леоне, Шри-Ланка, Свазиленд, Тожикистон, Тонга, Тунис, Танзания, Замбия Республикаси.

Ўлим жазоси сақлаб қолинган давлатлар

Оддий жиноятлар учун ўлим жазоси сақлаб қолинган давлатлар ва ҳудудлар:

Беларусь, Боствана, Чад, Хитой, Қамар ороллари, Корея Халқ Демократик Республикаси, Конго Демократик Республикаси, Куба, Доминика, Миср, Венгрия, Афғонистон, Антигуа ва Барбуда, Ливан, Ливия, Нигерия, Корея Республикаси, Уммон, Покистон, Фаластин, Қатар, Экваториал Гвинея, Гаяна, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Ирок, Ямайка, Япония, Саудия Арабистони, Сингапур, Сомали, Жанубий Судан, Судан, Сурия, Тайван, Таиланд, Тринидад ва Тобаго, Уганда, Бирлашган Араб Амириклари, АҚШ, Вьетнам, Яман, Сент-Китс ва Невис, Зимбабве.

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси томонидан «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»да белгиланган яшаш ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши аборт қилишни чекловчи қонунлар натижасида аёллар хавфли абортдан ўлим хавфига дучор бўлган ҳолларда бузилиши мумкинлиги қатъий таъкидланган. «К.Л. Перуга қарши (2005)» иши бўйича чиқарилган Қўмита қарорида ҳомиладорликнинг давом этиши ва ҳомиладор аёлнинг ҳаёти ва руҳий саломатлигига жиддий хавф туғилганда терапевтик абортдан фойдаланиш ҳуқуқининг инкор этилиши аёлнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомаладан озод бўлиш ҳуқуқини бузиш сифатида тан олинган. Ушбу талқин инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий даражадаги бошқа органларнинг иш амалиётида ҳам мустаҳкамланган.⁵⁰

Гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун ўлим жазоси

Ўлим жазосини бекор қилмаган давлатларда, ўлим жазоси «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддасига биноан фақат «энг оғир жиноятлар» учун қўлланилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг фикрига кўра, гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар «энг оғир жиноятлар» мезонлари даражасида эмаслиги аниқланган (қаранг: CCPR/C/IDN/CO/1, 10-банд; CCPR/CO/84/TNA, 14-банд; CCPR/C/SDN/CO/3, 19-банд). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, Қийноқлар бўйича махсус маърузачидан ташқари, асоссиз ёки ноқонуний ўлим жазоси қўлланилиши бўйича махсус маърузачи, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, БМТ Бош ассамблеяси ва Бош котиби ҳам ушбу ёндашувни қўллаб-қувватлайди.

Шунга қарамай, 33 давлат ёки ҳудуд гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун ўлим жазосини қўллашда давом этмоқда ва натижада йилига тахминан 1000 киши қатл этилади. Айрим мамлакатларда амалга оширилган кўплаб қатллар гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун ўлим жазосининг қўлланилиши ҳисобига тўғри келиб, бу каби жиноятларга бир қатор давлатларда мажбурий равишда ўлим жазоси белгиланган (қаранг: Олий комиссарнинг «Жаҳондаги гиёҳвандлик муаммосининг инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга таъсири тўғрисидаги ҳисоботи» A/HRC/30/65).

Генетик муҳандислик

Ахлоқ, инсон ҳуқуқлари ва биотехнологик инновациялар кесишган нуқтада жойлашган генетик муҳандислик соҳаси яшаш ҳуқуқини ўзида мужассам этган қатор баҳсли саволлар туғдиради.

1997 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан «Инсон геноми ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси» қабул қилинди. Кейинги йил Декларация БМТ Бош ассамблеяси томонидан маъқулланган. Декларацияда генетик тадқиқотларни ўтказишда инсон қадр-қиммати; олдиндан, бепул ва келишилган розилик; махфийлик ва камситмаслик тамойиллари эътиборга олиниши таъкидланган. Декларациянинг 11-моддасига биноан, инсоннинг қадр-қимматига зид бўлган амалиётлар, масалан одамларнинг репродуктив клонланишига инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига мувофиқ йўл қўйилмайди.

⁵⁰ Қаранг: Кимнинг яшаш ҳуқуқи? // Репродуктив ҳуқуқ маркази, 2014. www.reproductiverights.org.

2003 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан «Инсон генетик маълумотлари тўғрисидаги декларация» қабул қилинган бўлиб, у инсон геноми соҳасида илгари қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни тўлдиради. Декларациянинг 1-моддасида «инсон генетик маълумотларини, инсон протеомик маълумотларини ва биологик намуналарни тўплаш, қайта ишлаш, фойдаланиш ва сақлаш инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа мувофиқ амалга оширилади», деб таъкидланган.

1997 йилдаги «Инсон ҳуқуқлари ва биотиббиде бўйича Европа конвенцияси» каби минтақавий даражадаги бошқа шартномалар мавжуд бўлса-да, ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган икки декларация ҳозирги вақтда генетик тадқиқотларнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ жиҳатларини ўзида мужассам этган ва мазкур муаммони ҳал қилишга қаратилган ягона халқаро ҳужжатлардир.

Эвтаназия

Давлатнинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбурияти ҳеч бир муболағасиз тузалмайдиган даражадаги хасталикка чалинган ва ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса қўлланиладиган эвтаназия чораларига нозик бўлган бошқа шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бироқ охир-оқибатда касаллик туфайли вафот этадиган шахсларнинг қатъий ва жиддий тарзда ўлимни исташ ҳолларида яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш шу шахс фойдаланадиган бошқа инсон ҳуқуқлари, энг аввало шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва кадр-қимматга бўлган ҳуқуқлар билан тарози паллаларида тортиб кўрилиши лозим. Масалан, Нидерландия қонунчилигида белгиланганидек, барча ҳуқуқлар ўртасидаги мувозанат диққат билан кўриб чиқилишини назарда тутувчи ва келгусида содир этилиши мумкин бўлган қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга қарши тегишли чоралар кўрилиши белгиланган, фаол ёки пассив эвтаназия учун жиноий жавобгарликни чеклайдиган ички қонунларнинг қабул қилиниши давлатнинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид ижобий мажбуриятига мутлақо мос келмайди. 2002 йилда ва тақроран 2009 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси беморнинг ўз ҳаётини тугатиш тўғрисидаги қарорини суд томонидан мустақил равишда текшириб чиқиш имконияти таъминламагани сабабли Нидерландиянинг «Инсон ўз жонига қасд қилишида ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қонуни «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6-моддасида белгиланган яшаш ҳуқуқига мос келмаслиги ҳақида хавотир билдирган.

Тиббиде ва ахлоқ ўртасидаги чегара чизиқлари хусусидаги мушкул саволларга жавоб топишда қийинчиликка дуч келадиган айрим давлатлар 2002 йил Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан кўрилган «*Претти Буюк Британияга қарши*» суд ишида баён этилгани каби (батафсил маълумот олиш учун 50-жадвалга қаранг) эвтаназияни тақиқлаб қўйишлари ҳам мумкин.

50. Жадвал. «Претти Буюк Британияга қарши (2002)» суд иши

Даян Претти тузалмас касалликка чалинган ва нерв ҳужайралари фалажланиши хасталиги туфайли бўйнидан пасти ҳаракатланишдан тўхтаган эди. Бироқ бу унинг қарор қабул қилиш ва ақлий салоҳиятига таъсир кўрсатмаган бўлса-да, у ўзини ўзи ўлдиришни истайди. Аммо унинг ҳолати ўзини ўзи ўлдиришига йўл қўймаслиги туфайли прокуратурадан турмуш ўртоғи агарда унга ўзини ўзи ўлдиришида ёрдам берадиган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмаслиги учун кафолат беришларини талаб қилади. Инглиз ҳуқуқининг тегишли қоидаларига кўра, ўзини ўзи ўлдиришга ёрдам бериш тақиқлангани боис, унинг бу илтимосномаси рад этилади ва бу қарор давлат миқёсидаги охириги суд инстанцияда ҳам асосли деб топилади. Ўзининг ҳуқуқлари, жумладан яшаш ҳуқуқи инглиз судлари томонидан қабул қилинган қарор туфайли бузилганлиги тўғрисидаги Даян Преттининг аризасини кўриб чиқар экан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди «Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси»нинг 2-моддасига мувофиқ кафолатланиши таъминланган яшаш ҳуқуқининг буткул тескарисини бўлган ўлим хоҳ у давлат идоралари кўмагида, хоҳ бошқа шахслар томонидан амалга оширилсин, ҳуқуқ сифатида талқин этилмаслиги тўғрисида қарор чиқаради. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг ушбу қарори натижасида Буюк Британия парламентида қатъий белгилаб қўйилган вазият ва ҳолатларда шифокорларнинг шахсга ўлишида ёрдам беришини қонунийлаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси («Касалларга уларнинг ўлишида кўмаклашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси) парламент аъзолари томонидан хусусий қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ваколатидан фойдаланган ҳолда киритилади. Ушбу қонун лойиҳаси муаллифларининг фикрича, инсонга ўзини ўзи ўлдиришида ёрдам бериш ҳуқуқи «Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси»нинг 8-моддаси 1-қисмида белгилаб берилган ҳар бир шахснинг ўз шахсий ва оилавий ҳаётининг ҳурмат қилинишига бўлган ҳуқуқидан келиб чиқади. Уларнинг эътироф этишларига кўра, шахсга уни ўзини ўзи ўлдиришида ёрдам кўрсатиш давлатнинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги ижобий мажбуриятларига номувофиқ ҳисобланмайди.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг тақиқланиши: шахсий қадр-қиммат ва обрў-эътибор орттиришга бўлган ҳуқуқ

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 5-моддаси:

«Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадр-қимматни ҳўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак».

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 7-моддаси:

«Ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни ҳўрловчи муомала

қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги лозим. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас».

«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция»нинг 1-моддаси:

«Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун қийноқнинг таърифи шундай исталган ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишида у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс, ёки уларнинг гижгижлаши билан, ёки уларнинг хабардорлигида, ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган исталган сабаб бўйича атайлаб кучли оғриқ ва азоб берилади. Бу таърифга санкциялар натижасида пайдо бўладиган шу санкциялардан ажралмас ёки улардан тасодифан чиққан оғриқ ёки азоблар кирмайди».

Қийноқ инсон шахсияти ва кадр-қимматига йўналтирилган тўғридан-тўғри хуруж бўлгани боис инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишларидан бири ҳисобланади. Қийноқ ва бошқа шакллардаги жисмоний ҳамда руҳий номақбул муомала турларининг тақиқланиши ҳар бир шахснинг мутлақ инсон ҳуқуқи саналиши туфайли ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ҳуқуқ чекланишига йўл қўйилмайди. Бу ҳеч бир шахс юқори турувчи идора ёки мансабдор шахс томонидан берилган буйруқ қийноқ қўлланилишига асос бўлганини рўқач қилиб, ўзини оқлай олмаслиги маъносини ҳам англатади.

51. Жадвал. Қийноқ қўлланилиши тақиқланишини кодификациялаштириш

Қийноқнинг тақиқланиши «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» (5-модда), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» (7-модда) ва «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция», шунингдек, минтақавий ҳисобланган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси» (3-модда), «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Европа конвенцияси», «Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси» (5-модда), «Қийноқ қўлланилишининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Америка давлатлараро конвенцияси» ҳамда «Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисида Африка хартияси» (5-модда) сингари шартномалар ва ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши мажбурий бўлмаса-да, ахлоқий сабабларга кўра риоя этилиши лозим ҳисобланган ҳужжатлар, шу жумладан «Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари», «Маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий принциплари», «Қандай шаклда бўлмасин, ҳибсга ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари туркуми», «БМТнинг озодликдан маҳрум

этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир Қоидалари», «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи турларига оид ҳолатларни самарадор тергов қилиш ва ҳужжатлаштириш Принциплари» каби ҳужжатларда кодификациялаштирилган.

Қийноқ 1949 йилда қабул қилинган Женева Конвенцияларининг турли хил қоидалари, хусусан барча конвенциялар учун умумий бўлган 3-моддада мутлақ тақиқланган. Колаверса, Халқаро жиноят судининг Рим статутига мувофиқ, қийноқ агарда ҳар қандай фуқаровий аҳолига қарши кенг тарқалган ва кенг қамровли ҳамда мунтазам равишда амалга оширилган ҳужумнинг таркибий қисми сифатида қўлланилса «инсониятга қарши жиноят» деб баҳоланади.

«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи турларини тақиқлашнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асослари мутлақ ва бажарилиши мажбурий ҳисобланиб, ҳеч қандай ҳолатда ҳам бошқа манфаатлар, сиёсатлар ёки амалиётларга бўйсундирилиши ёки бу борадаги аҳвол назорат қилинмаслигига ўй қўйилмаслик зарур».

Тео ван Бовен, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссиясининг қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи турлари бўйича собиқ махсус маърузачиси.

Қийноқ тушунчасининг ўзи нима?

«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция»нинг 1-моддасига кўра, қийноқ деганда давлат мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс ёки уларнинг гижигжланиши билан, ёки уларнинг хабардорлиги ва розилиги билан шахсдан маълумот олиш ёки унинг иқрор бўлиши, уни жазолаш, кўрқитиш ёки камситиш каби муайян аниқ мақсад учун қасддан кучли жисмоний ёки руҳий оғриқ етказиш ёки азоб бериш тушунилади.

Қийноқнинг ушбу таърифи «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 7-моддасида расмий равишда фаолият юритаётган шахс томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларнинг қасддан қилиниши табиати ёки «муайян аниқ мақсад» унсурига эга эмаслиги ҳақида сўз юритилмагани сабабли чекланган маънода тушунилади. Бироқ сўнгги йилларда Қийноқларга қарши қўмита қийноқ тушунчасининг доирасини кенгроқ таърифлашни ёқлаб, бунда аёллар ва болаларга нисбатан қилинадиган хонадонлардаги зўравонлик ёки давлатлар хусусий шахслар томонидан мажбурий меҳнатдан фойдаланиш каби жиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш ва бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар билан ҳаракат қилмаган ҳолатларни ҳам қамраб олмоқда. Худди шу сингари, БМТнинг қийноқлар масалалари бўйича махсус маърузачиси фикрига кўра, давлатлар томонидан яқин шериклар зўравонлиги, болалар ўртасидаги ва мажбурий никоҳ, аёллар жинсий аъзоларига шикаст етказиш (аёллар генитал мутилацияси) ва «ор-номус учун содир этиладиган жиноятлар» кабилар ва турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилган жинсий зўрлашни жиний ҳаракат сифатида баҳоламаслик ва зўрлаган шахслар ўз қурбонларига

никоҳланса, жиноий жавобгарликка тортилмаслиги тўғрисидаги қонунларни бекор қилмаслик сингари давом этиб келаётган амалиётларни бартараф эта олмаслик, қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олиш ва жазолаш бўйича давлатлар мажбуриятларининг бузилиши ҳисобланади (қаранг: Хуан Э.Мендеш – Қийноқ бўйича махсус маърузачининг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига тақдим этган қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг гендер жиҳатлари тўғрисидаги ҳисоботи, 2016, A/HRC/31/57).

«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция»да қийноққа берилган тарифга кўра, ҳаракат азоб-уқубатлар етказса-да, лекин қийноқнинг асосий унсурларидан бири – мотив, муайян аниқ мақсад ва жабрланувчининг кучсизлиги – мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам азоб-уқубатларнинг шакли, мақсади ва жиддийлигига қараб қийноқ шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолаш сифатида талқин қилинади. Қонуний жазоларнинг барча шакллари маълум бир даражада азоб-уқубатлар етказиши ва камситишнинг бир қисмини ўз ичига олишини инобатга олсак, жазо чораларини айрим қўшимча жиҳатлар мавжуд бўлмагунча, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи деб ҳисоблаш мумкин эмас. Қийноқларга қарши қўмита томонидан зўравонлик, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи жазо сифатида қараладиган ҳаракатларга мисол тариқасида 7 кундан ортиқ вақт мобайнида ёлғиз қамаш, маҳбустларни мунтазам равишда ечинтириб кўздан кечириш ва инсоннинг қадр-қимматини ерга урувчи ва камситувчи жазо саналган маҳбустнинг маҳаллий тилда сўзлаша олиш қобиляти акс эттирилган ўз номи туширилган белгиларни мажбурий тақиб юриши сингариларни санаб ўтиш мумкин.

«Қийноқ инсоннинг қадр-қимматини камситади, нафсониятига тегади ёки унинг шаънини оёқ ости қилишини мақсад қилиб олгани боис инсонни «буюм»га айлантиради».

Антонио Кассизи, Европа Кенгаши Қийноқларнинг олдини олиш қўмитасининг собиқ президенти, «Инсонийликка зид давлатлар: Бугунги кунда Европада ҳибсга олиш, ушлаб туриш ва қийноқ масалалари» китобидан. – «Кембриж Полити Пресс» нашриёти, 1996 йил, 47 бет.

«... Жабрланувчининг кучсизлиги, бир кишининг бошқаси устидан мутлақ ҳокимиятга эга эканлиги факти қийноқнинг нечоғлик ёвуз эканлигини белгилаб беради. Шу жиҳат қийноқни шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомаланинг бошқа шаклларида ажратиб туради... Шу боис қийноқ ҳам куллик сингари халқаро ҳуқуқнинг энг юқори меъёри саналган «jus cogens» билан тақиқланган махсус зўравонлик шакли бўлиб, тўғридан-тўғри инсон қадр-қимматининг асосига нисбатан содир этиладиган тажовуздир».

**Манфред Новак, собиқ Қийноққа қарши БМТ махсус маърузачиси.
Adalah - Исроилдаги Араб озчилик ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий**

Давлатларнинг қийноқни тақиқлаш борасидаги мажбуриятлари нималардан иборат?

Давлатлар шахсий кадр-қиммат ва шаънга бўлган ҳуқуқни ҳаттоки уруш ва фавқулодда ҳолатларда ҳам чекламасликлари ёки бундай чекловлар жорий этилишига йўл қўймасликлари шарт. Қийноқларга қарши қўмитанинг қарорига кўра, ҳаттоки гумон қилинувчи фуқаро аҳолининг ҳаётига хавф туғдирадиган ва содир этилиши режалаштирилаётган ҳужум тўғрисида маълумотларга эга деб тахмин қилинган тақдирда ҳам, ҳужум таҳдиди остида қолиши мумкин бўлган давлат унга нисбатан қийноқ ва инсонийликка зид муомаланинг тақиқланган усуллари қўллаган ҳолда тергов-суриштирув ишларини олиб бориши ман этилади.

52. Жадвал – Ички ишлар идоралари томонидан ушлаб туришга доир процессуал ҳимоя чоралари

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид турлари аксарият ҳолларда ички ишлар идораларида ушлаб туриш чоғида рўй бериши юзасидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномалар мониторингини олиб борувчи органларга кўплаб шикоятлар келиб тушади. Қуйидаги процессуал ҳимоя чораларининг ўрнатилиши ҳибсга олинган шахсларнинг бундай хавф-хатарга дучор бўлиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради:

- Ушлаб турилганлиги ҳақида хабар бериш: ҳибсга олинган шахснинг ўзининг ушлаб турилганлиги фактини ўзи ихтиёр этган учинчи шахс (оила аъзоси, дўсти, консуллик муассасаси)га билдириш ҳуқуқи;
- Тергов-суриштирув давомида ушлаб турилган шахсларнинг адвокат хизматидан фойдаланиши;
- Ушлаб турилган шахснинг ўзи танлаган тиббиёт ходими томонидан тиббий кўрикдан ўтказилишини илтимос қилиш ҳуқуқи (ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қақчиланган шифокор томонидан ўтказилган тиббий кўрикка қўшимча равишда);
- Ушлаб туриш муассасалари ва ушлаб турилган барча шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг марказлаштирилган қайд қилиш тизимининг мавжудлиги;
- Қийноқ ёки бошқа мажбурлов чоралари қўлланилиши туфайли қўлга киритилган далиллардан фойдаланмаслик;
- Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан амалга ошириладиган тергов-суриштирув ҳаракатларини аудио ва видео мосламаларга ёзиб олиш.

Шахсни уқубатли ҳолатда сақлаш, баланд овоздаги мусиқа садолари остида ушлаб туриш ёки уйқудан маҳрум этиш, қўрқитиш, тан жароҳати етказиш мумкин бўлган

даражада силкиш ва силташ, маҳбусни аёз-совуқ ҳавода сақлаш кабилар қийноқ ва инсонийликка зид муомаланинг тақиқланган усуллари сирасига киради. Қийноқ ҳамда инсонийликка зид муомала турларининг мутлақ тақиқланиши – агарда истисноларга йўл қўйиладиган бўлса, тажрибадан бу муомала амалиётининг тез тарқалиб кетиш хавфи мавжудлиги маълум эканлиги исботланганидандир.

Давлатлар қийноқ қўлланилганига доир ҳар қандай фактлар бўйича тўлиқ тергов олиб бориш, унинг олдини олиш, қийноқ қўллаган ҳар қандай шахсни жавобгарлик ва жазога тортишга масъулдирлар. Улар жабрдийдаларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаб беришлари ҳамда тиббий ва психологик реабилитация билан уларни таъминлаб беришлари шарт (батафсил маълумот олиш учун 53-жадвалга қаранг).

53. Жадвал. «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияси» ва унинг қўшимча протоколига мувофиқ давлатлар зиммасига юклатилган мажбуриятлар

Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари қуйидагиларни амалга оширишга мажбурдирлар:

- Қийноқни жазолаш, қийноқ қаерда содир этилиши ва уни қўллаган ҳамда бундан жабр чеккан шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар, уни жавобгарлик ва жазога тортиш учун давлат идораларига ваколатлар бериш, бундай амалиётнинг олдини олиш юзасидан (Конвенциянинг 5-моддасида назарда тутилган универсал юрисдикция принципига мувофиқ) қонунчилик асосларини яратиш;
- Ҳибсга олинган шахслар, ушлаб турилганлар ёки маҳкумлар билан ушлаб туриш, сақлаш, тергов-суриштирув олиб бориш юзасидан иш олиб боровчи давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, тиббиёт ходимлари, мансабдор шахслар ва бошқа фуқароларнинг малакаларини оширишда қийноқни тақиқлашга оид маърифий материаллар ва ахборотларнинг тўлиқ қамраб оlinишини таъминлаш (Конвенциянинг 10-моддаси);
- Тергов-суриштирув олиб бориш қоидалари, йўриқномалар, усуллар ва амалиёт ҳамда ҳар қандай шаклдаги ҳибсга олинган, ушлаб турилган ва ҳукм қилинган шахсларнинг озодликдан маҳрум этилиши ва улар билан муомалада бўлишга боғлиқ таомилларнинг мустақил идоралар томонидан мунтазам равишда қайта кўриб чиқилишини таъминлаш (Конвенциянинг 11-моддаси);
- Қийноқ ёки инсонийликка зид муомала ва жазолаш ҳолатларига тааллуқли шикоятлар вакиллари идоралар томонидан ҳар томонлама тергов қилиниши, уни содир этган шахслар жавобгарликка тортилиши, жабрдийдаларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича самарадор воситаларни ишлаб чиқиш ва ушлаб туриш чоғида қийноқ ёки инсонийликка зид муомала ва жазолаш турларининг олдини олишга қаратилган қонунлар қабул қилинишини таъминлашлари (Конвенциянинг 12–14-моддалари);

- Унга нисбатан қийноқ қўлланилиши мумкин бўлган шахсларни бошқа давлатларга жўнатмаслик, қайтармаслик («refoulement») ёки экстрадиция қилмаслик («non-refoulement» ёки «non-экстрадиция» принципи) (Конвенциянинг 3-моддаси);
- Қийноқларга қарши конвенция қоидаларини амалга татиқ этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар бўйича даврий маърузалар ёки қўмита талабига кўра бошқа маърузаларни Қийноқларга қарши қўмитага тақдим этиш (Конвенциянинг 19-моддаси);
- Озодликдан маҳрум қилиш ва ушлаб туриш муассасаларига ташриф буюриш ваколатига эга бўлган мустақил превентив механизмларни таъсис этиш («Қийноқларга қарши курашиш конвенцияси қўшимча протоколи», 2002 йилда қабул қилинган).

Қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи жазо чораларининг тақиқланиши

Қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи жазо чораларининг тақиқланишига оид минимал стандартлар бир давлатда иккинчи давлатникига қараганда фарқ қилади. Бироқ БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси, Қийноқларга қарши курашиш қўмитаси, Бола ҳуқуқлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди ва Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича суди сингари бир қатор ташкилотларнинг қарорларида қандай кўринишда бўлмасин, жисмоний жазолашнинг барча шакллари қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи жазо чоралари сифатида кўрилади ва шу сабабли замонавий инсон ҳуқуқларига кўра тақиқланади.⁵¹

Дунёнинг аксарият мамлакатлари ўлим жазоси қўлланилишини ҳам қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи жазо чораси деб ҳисоблайдилар.

Ушлаб турилган шахслар ва маҳбусларнинг инсоний муомалага бўлган ҳуқуқлари

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 10- моддасида озодликдан маҳрум этилган барча шахсларга инсонларча муомала қилиниши ва инсон шахсига хос бўлган қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши кафолатланган. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг фикрига кўра, озодликдан маҳрум этилган шахслар «озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай қийинчилик ёки чекловларга дучор қилиниши мумкин эмас».

Амал қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий ҳисобланмайдиган юмшоқ ҳуқуқий характердаги бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда ушлаб туриш ва ҳибсда сақлашга оид минимал стандарт қоидалар белгилаб берилган.

⁵¹ 2016 йил март ойи ҳолатига кўра, 48 давлат жисмоний жазолашнинг ҳар қандай шаклини ҳар қандай муҳитда, шу жумладан уйларда ҳам қўлланилишини тақиқлаган; 53 давлат бу борадаги қонунчиликда ислохотлар олиб боришга ошқора ваъда берган; 36 давлат жисмоний жазо чоралари фақат суд томонидангина белгиланишини эътироф этган ва 21 давлатда болаларга нисбатан жисмоний жазо чораларини қўллаш тақиқланмаган (www.endcorporalpunishment.org).

54. Жадвал. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти ва ушлаб туришга доир БМТ минимал стандарт қоидаларидан намуналар

- Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатловчи чоралар, 1948
- Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари, 1955
- Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий тартиботни сақлаш борасидаги ахлоқ кодекси, 1979
- Маҳбуслар ёки ҳибсга олинган шахсларни қийноқ ҳамда жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларидан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш ходимларининг, айниқса шифокорларнинг ролига тааллуқли тиббиёт этикаси принциплари, 1982
- Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатловчи чоралар, 1984
- БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари («Пекин қоидалари»), 1985
- Қандайдир шаклда бўлмасин, ҳибсга ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари туркуми, 1988
- Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар куч ва ўқотар қурол ишлатилишининг асосий принциплари, 1990
- Маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий принциплари, 1990
- БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари («Ар-Риёд дастурий принциплари»), 1990
- БМТнинг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари»), 1990
- БМТнинг озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари, 1990
- БМТнинг аёл маҳбуслар билан муомалада бўлиш ва аёл ҳуқуқбузарлар учун қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чоралар тўғрисидаги қоидалари («Бангкок қоидалари»), 2010
- БМТнинг жиноий адлия тизимида ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш бўйича тамойиллари ва йўриқномалари, 2012

55. Жадвал. Инсон ҳуқуқлари ва озодликдан маҳрум қилиш муассасаларининг хусусийлаштирилиши

Хусусий секторнинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ фаолиятда иштирок этиши – жазони ўташ муассасаларини қуриш, маҳбусларни ташиш, зарур маҳсулотларни етказиб бериш ва ҳаттоки озодликдан маҳрум қилиш

муассасаларини бошқариш – 1980 йиллардан буён барқарор суръатларда ўсиб келмоқда. Хусусий секторнинг озодликдан маҳрум қилишда иштирок этиш амалиёти илк бор АҚШда йўлга қўйилган бўлиб, мазкур амалиётдан бундан ярим аср илгари воз кечилган бўлса-да, 1980 йилларда яна қайтадан жорий этилди. Камида 11 мамлакатда қамоқхоналар маълум даражада хусусийлаштирилган. Озодликдан маҳрум қилиш муассасаларининг хусусийлаштирилиши давлатнинг маҳбуслар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш қобилиятини пасайтириб, инсон ҳуқуқлари бузилишлари учун маҳбусларнинг қамоқхона маъмурияти ва давлатни жавобгарликка тортиш қобилиятини чеклайди. Озодликдан маҳрум қилишга корпоратив тарзда ёндашувчи ташкилотлар асосан фойда кўришни мақсад қилганликлари сабабли одатда белгиланган меъёрдан пастроқ сифат даражасидаги ҳибсда сақлаш шароитлари яратилишига олиб келади ва ҳам ҳибсда сақланадиганлар, ҳам озодликдан маҳрум қилиш муассасалари ходимларига нисбатан амалга ошириладиган зўравонлик хавфини оширади.⁵²

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси қамоқхоналарнинг хусусийлаштирилишидан ташвиш билдирган. Қўмитанинг Австралияга йўллаган мурожаатида таъкидланишича, «куч ишлатиш ва шахсларни ҳибсда сақлашни ўз ичига олган асосий давлат фаолиятининг хусусий тижорий секторга берилиши шартнома иштирокчи-давлатини ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди» (1020/2001-сонли мурожаат, 7.2-банд). Қўмитанинг Янги Зеландия давлат ҳисоботида оид 2010 йил якуний хулосаларига кўра, «Озодликдан маҳрум қилиш муассасалари (Шартнома асосида бошқариш) тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгартиш ва тузатишлар сабабли юзага келадиган инсон ҳуқуқлари бузилишлари хавфини муҳокама қилиш учун иштирокчи-давлат томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилганини эътиборга олсак-да, Қўмита қамоқхона бошқаруви хусусийлаштирилиши билан боғлиқ ўз хавотирларини такрор билдириб ўтади. Мавжуд кафолатлар йўлга қўйилганига қарамай (Қонуннинг 2- ва 10-моддалари), озодликдан маҳрум қилиш муассасаларининг хусусийлаштирилиши конвенцияга мувофиқ энг нозик соҳага – озодликдан маҳрум бўлган шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул бўлган давлатнинг ўз мажбуриятларини самарали амалга оширишидан ташвишда эканлигини таъкидлайди (CCPR/C/NZL/CO/5, 2010, 11-банд)».

Шахсий эркинлик ва хавфсизликка бўлган ҳуқуқ

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» 3-моддаси:

«Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга».

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» 9-моддаси:

«Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас».

⁵² Коди Мейсон, Озодликдан маҳрум қилиш муассасаларини хусусийлаштиришда кузатилаётган халқаро амалиёт, Маҳкум этиш лойиҳаси, 2013. sentencingproject.org.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддаси 1-қисми:

«Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонун билан белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас».

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 35-сонли (2014) умумий шарҳларида «шахсий эркинлик ва хавфсизлик шахсларнинг ўзлари учун қадри бўлиб, шахснинг шахсий эркинлик ва хавфсизликдан маҳрум қилиниши тарихан олиб қаралганда бу ҳуқуқлар амалга оширилишини бузишнинг асосий воситаси бўлган», деб таъкидланган. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси шахсий эркинликка «умуман олганда ҳар қандай ҳаракат қилиш эркинлигини чеклаш эмас, балки вужуднинг қамалиши», шахсий хавфсизликка эса «вужуд ва оннинг жароҳатдан озод бўлиши» деб тариф берган.

Шахсий эркинлик ва хавфсизликка бўлган ҳуқуқ жабрланувчи қамоққа олинган-олинмаганидан қатъи назар, уни асоссиз ва ноқонуний ҳибсга олиш ва ушлаб туриш ҳамда унинг танаси ва руҳиятига қасддан азоб етказилишидан ҳимоя қилишни билдиради. Бу асосий кафолатлар барчага, хусусан қамоқдаги маҳбуслар, жиноий айблов эълон қилингани, руҳий касаллиги, дайдилиги, иммиграция назорати амалга оширилиши боис гаровда сақланаётганлар ва муассасаларга жойлаштирилган болаларга ҳам тааллуқлидир. Маълум бир ҳудуд ёки давлатга сургун қилиш, комендантлик соатларининг жорий этилиши, мамлакатдан чиқариб юбориш ёки мамлакатни тарк этишни тақиқлаш сингари ҳаракат эркинлигини чеклаш чоралари, шахсий эркинлик ва хавфсизликка бўлган ҳуқуқнинг бузилиши саналмайди. Бу чекловлар ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи ёки турар жойга бўлган ҳуқуқ каби бошқа инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланиши мумкин.

56. Жадвал. «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси»нинг 5-моддасига мувофиқ ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш учун асос бўладиган ҳолатлар

- Жиноят содир этганлик учун жазога тортилган шахсларнинг озодликдан маҳрум этилиши;
- Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг қочиб кетиши ёки далиллар йўқолиши ёхуд қайтадан жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида ушлаб туриш;
- Фуқаролик ишларида гувоҳнинг судда иштирок этиши ёки оталикни белгилаш бўйича текширувлар ўтказилишини таъминлаш мақсадида ушлаб туриш;
- Бошқа давлат фуқароларини иммиграция, бошпана бериш, мамлакатдан чиқариб юбориш ёки экстрадиция билан боғлиқ ҳолатларда ҳибсга олиш;
- Вояга етмаган шахсларнинг таълим олишларини назорат қилиш мақсадида ушлаб туриш;

- Руҳий хасталикка чалинган шахсларни психиатрия шифохоналарида сақлаш;
- Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида касалликка чалинган шахсларни карантинда сақлаш;
- Спиртли ичимликлар ичиш ёки наркотик моддалар қабул қилишга муккасидан кетган шахслар ва дайдиларни ушлаб туриш.

Ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш қандай ҳолатларда қонуний ҳисобланади?

Шахснинг эркинлик ҳуқуқи қонуний асосларга кўра қонуний ўрнатилган тартиб-таомилларгагина мувофиқ чекланиши мумкин. Ушбу қоида нафақат ички қонун қоидалар, балки халқаро стандартлар талабларига ҳам мансуб бўлиши шарт. Бу борадаги тегишли қонунчилик асоссиз бўлмаслиги, яъни номувофиқ қоидалар, адолатсизлик ва кутилмаган ҳолатларни қамраб олмаслиги шарт. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳар қандай ҳолатда ҳам асоссиз ва камситишлар билан қўлланилмаслиги, бироқ ишга алоқадор барча ҳолатларга мутаносиб бўлиши лозим. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 35-сонли (2014) умумий шарҳларининг 12-бандига кўра «Суд томонидан маълум бир муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукмдан ташқари, шахсни ҳар қандай шаклда ушлаб туриш, агарда бундай ушлаб туриш асослилиги вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилмайдиган бўлса, ноқонуний ҳисобланади».

57. Жадвал. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг суд муҳокамасидан олдин ушлаб туришга тааллуқли амалиёти

Суд муҳокамасидан олдин шахсни ушлаб туриш Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг фикрича, нафақат қонуний, қолаверса ҳар бир ҳолатда ҳам зарур ва асосли бўлиши лозим. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»да агарда шахснинг судда иштирок этишини таъминлаш мақсадида зарурат юзасидан уни фавқулодда чора сифатида давлат идоралари томонидан ушлаб турилишига йўл қўйилишини эътироф этган бўлса-да, «зарурат» талабига жуда ҳам тор таъриф берган. Қўмитанинг таърифига кўра, «зарурат» деганда шахснинг жиноят содир этгани тўғрисида шубҳага бориш уни тергов қилиш ёки унга нисбатан айблов эълон қилиш учун ушлаб туришга асос бўла олмаслиги тушунилади (қаранг: «А.В.Муконг Камерунга қарши» иши, 458/1991-сонли мурожаат).

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг фикрича, ушлаб туриш гумондорнинг қочиб кетиши, гувоҳларга тазйиқ ўтказмаслик, далил-исботларнинг йўқ қилиниши ёхуд қайтадан жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур бўлиши мумкин (қаранг: «Ҳилл Испанияга қарши» иши, 526/1993-сонли мурожаат 12.3-банди).

Ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатларнинг аниқ рўйхати «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси»нинг 5-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, Европада шахсий эркинлик ҳуқуқи қандай қонуний асосларда чекланиши мумкинлиги белгилаб

қўйилган (батафсил маълумот олиш учун 58-жадвалга қаранг) ва «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддасидаги «эркинликнинг асосий равишда чекланиши» иборасини шарҳлашга қўмаклашади. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 11-моддаси, «Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси»нинг 7-моддаси 7-банди ва «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига 4-қўшимча протокол»нинг 1-моддасига кўра, қарзни қайтариб бера олмастик каби шартнома мажбуриятларини бажара олмаганлик учун озодликдан маҳрум этиш тақиқланади.

Ушлаб турилган ёки ҳибсда сақланаётган шахс қандай ҳуқуқларга эга?

- Ҳибсга олинган шахслар зудлик билан ўзининг ушлаб турилиш ёки ҳибсга олиниш сабабларини билиш ёки ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқларидан хабардор қилиниши лозим. Улар ўзларига нисбатан эълон қилинаётган айблов ва ушлаб турилиш ҳамда ҳибсга олинишнинг қонунийлиги бўйича ўз эътирозларини билдира олишлари учун қандай жиноят содир этишда айбланаётганларини билишга ҳақлидирлар («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддаси 4-қисми).
- Жиноят содир этишда айбланаётган шахс ўзи хоҳлаган адвокатнинг қўмагидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Агарда улар бундай ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасалар, малакали ва самарадор ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланишлари таъминланиши шарт. Уларнинг ҳуқуқий ёрдам билан алоқа қилишлари учун зарур вақт ажратилиши ва шарт-шароит яратиб берилиши шарт бўлиб, уларнинг бу ҳуқуқи дарҳол амалга оширилиши зарур («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(3) (г)-моддаси).
- Ушлаб турилган ёки ҳибсда сақланаётган шахс ташқи дунё билан алоқада бўлиш ҳуқуқидан, хусусан ўз оила аъзолари, адвокат, шифокор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, агарда маҳбус бошқа давлат фуқароси бўлса, консуллик идоралари ёки халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашиш ҳуқуқидан фойдаланишлари зарур. Уларнинг ташқи дунё билан алоқада бўлишлари «ғойиб бўлиш», қийноқ ва инсонийликка зид муомалада бўлиш сингари инсон ҳуқуқлари бузилишларини ҳимояловчи муҳим чора бўлиб, адолатли судлов ҳуқуқларидан фойдаланишларида катта аҳамият касб этади (БМТнинг «Қандай шаклда бўлмасин, ҳибсга ёки қамоққа олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари» туркуми 16-моддаси).
- Жиноят содир этишда гумон қилиниб ҳибсга олинган шахс учун зудлик билан судья ёки тегишли шахс томонидан қуйидаги чоралар кўрилиши зарур: а) ҳибсга олиш учун қонуний асослар етарлилигини баҳолаш; б) судлов жараёнидан олдин ушлаб туриш масаласининг мувофиқлигини кўриб чиқувчи; в) ушлаб турилган шахснинг фаровонлигини ҳимоялаш чораларини кўриши мумкин бўлган; г) маҳбуснинг асосий ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ваколатига эга бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига дарҳол келтирилиш ҳуқуқига эга («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддаси).
- Судлов муҳокама жараёни бошланишидан олдин ҳибсга олинган шахс асосли муддатларда суд қилиниши ёки қўйиб юборилиши лозим. Айбсизлик презумпциясига мувофиқ, қоида тариқасида жиноят содир этишда айбланаётган шахслар ушлаб турилиши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддаси 3-қисми).

- Қандай асосларга кўра бўлмасин, шахсий эркинлигидан маҳрум бўлган шахслар «Хабеас корпус» ҳуқуқидан, яъни ваколатли суд олдида ўзларининг ушлаб турилиши ёки ҳибсда сақланиши қанчалик қонуний асосларга эга эканлигини билишни ва ушлаб туриш ёки ҳибсда сақлаш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар мунтазам тарзда қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалар. Судлар ҳеч қандай кечиктиришларсиз, одатда бир неча кун ёки ҳафта ичида ушлаб туриш ёки ҳибсда сақлашнинг қонунийлиги масаласини кўриб чиқишлари ва агарда бу ҳолат ноқонуний деб топилса, маҳбуснинг дарҳол озод қилиниши тўғрисида кўрсатмалар бериши шарт. Агарда номаълум муддатларга эркинликни чеклаш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса (масалан, руҳий касалликлар шифохонасида даволаш), маҳбус қоида тариқасида ҳар икки-уч ойда ушлаб туришнинг мақсадга мувофиқлигини қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддаси 4-қисми).
- Ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш ноқонунийлиги натижасида жабр кўрган шахс етказилган моддий ёки маънавий зарарни ундириш ҳуқуқига эга («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 9-моддаси 5-қисми).

Одил судловнинг амалга оширилиши: адолатли ва одил судловга бўлган ҳуқуқ

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 6-моддаси:

«Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқли субъект сифатида тан олинishiга ҳақли».

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 7-моддаси:

«Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гижгижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир».

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 8-моддаси:

«Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиш ҳуқуқига эга».

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 10-моддаси:

«Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида, унинг иши ошкора ва адолат талабларига

риоя қилинган ҳолда, мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиш ҳуқуқига эга».

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 11-моддаси:

«1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

2. Ҳеч ким содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас».

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14-моддаси:

«1. Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирон-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва ҳолис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиш ҳуқуқига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки буни томонларнинг шахсий манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгида бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ходимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай қарори ошкора бўлиши керак. Балоғат ёшига етганларнинг манфаатлари бошқача талаб этганда ёки никоҳ борасидаги низоларга ёки болага васийлик қилишга алоқадор ишлар бундан мустасно.

2. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча беғуноҳ деб саналиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир кишининг унга қўйилган ҳар қандай жиноий иши кўриб чиқилаётганда тўлиқ тенглик асосида қуйидаги кафолатларга эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд:

а) унга қўйилган айблов характери ва асослари ҳақида у тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиш;

б) ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган оқловчи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш;

в) асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан ўз ишининг судда кўриб чиқилиши;

г) ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзининг ўзи ёки танлаб олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши; агар оқловчиси бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиш, ушбу оқловчига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини текинга бериши;

д) унга қарши кўрсатмалар бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниш ҳуқуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳлар учун мавжуд шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларни терговга чақириш ва сўроқ қилиш ҳуқуқига эга бўлиш;

е) агар судда қўлланилаётган тилни у тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса, бепул тарзда таржимон кўмагидан фойдаланиш;

ё) ўзига ўзи қарши маълумотлар беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик.

4. Балоғатга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инобатга олинishi лозим.

5. Бирон-бир жиноят учун судланган ҳар бир киши унинг судланиши ва ҳукм чиқарилиши юқори суд инстанцияси томонидан қонун асосида кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

6. Агар бирон-бир шахс жинояти учун узил-кесил қарор билан судланган бўлса ва агар бирон-бир янги ёки янгидан топилган ҳолатга асосан суд ишида хато борлиги шубҳасиз исботланиши туфайли ҳукм бекор қилинса ёки ўша шахс авф этилса, шундай судлов хатоси сабабли жазоланган шахс қонунга мувофиқ компенсация олади. Аммо юқорида қайд этилган номаълум ҳолат фақат унинг айби ёки қисман айби билан ўз вақтида топилмаган бўлиши исботланиши зарур».

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 15-моддаси:

«1. Ҳеч ким содир этилган пайтида давлатнинг амалда бўлган ички қонунчилиги ёки халқаро қоидага кўра жиноят ҳисобланмаган

бирон-бир ҳаракати ёки камчиликка йўл қўйгани учун жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланилиши лозим бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас. Агар жиноят содир этилгандан кейин қонун билан нисбатан енгил жазо белгиланса, ушбу қонун мазкур жиноятчига нисбатан қўлланилади.

2. Мазкур моддадаги ҳеч нарса ҳар қандай шахсни содир этилган вақтда халқаро ҳамжамиятнинг умумий принциплариغا кўра жиноят деб ҳисобланган ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки камчилиги учун судга беришга ва жазолашга тўсқинлик қилмайди».

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 16-моддаси:

«Ҳар бир киши қаерда туришидан қатъи назар, унинг субъектлилик ҳуқуқи тан олинмиш ҳуқуқига эга»

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 6–11-моддалари «Одил судловнинг амалга оширилиши» номи умумий сарлавҳа остида бир гуруҳга киритилиши мумкин. Одил судловга бўлган ҳуқуқ «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий шартномаларда ҳам ўз ифодасини топган асосий инсон ҳуқуқларидан бири сифатида процессуал кафолатлар ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги

Шахсларнинг суд ва трибуналлар олдида тенглиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий унсури бўлиб, қонун устуворлигини таъминловчи процессуал восита сифатида хизмат қилади. Шахсларнинг қонун олдида тенглиги қонунлар кимларгадир нисбатан камситувчи бўлмаслиги, судьялар ва мансбдор шахслар ҳуқуқни қўллашда камситишларга йўл қўймаслиги лозимлигини англатади. Шахсларнинг қонун олдида тенглиги барча шахслар ҳуқуқий ва суд тизимидан тенг асосларда фойдаланиши ва уларга ҳуқуқий ва суд тизими маъмурлари томонидан тенг муомалада бўлиниши лозимлигини билдиради.

Одил судловга бўлган ҳуқуқнинг қўшимча унсурлари

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 32-сонли (2007) умумий шарҳларига кўра, одил судловга бўлган ҳуқуқ жиноий ёки фуқаролик суд процессларига тааллуқли бўлгани боис жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ва мазкур тарифга мувофиқ бўлган бошқа ҳуқуқ тармоқларига ҳам тегишлидир. Одил судловга бўлган ҳуқуқнинг асосий унсурлари – бу томонларнинг «имкониятлар тенглиги» тамойили ҳамда мустақил ва холис трибуналда ишнинг одил ва очиқ эшитувларда муҳокама қилиниш шартидир.

- «Имкониятлар тенглиги» деганда ҳар иккала томоннинг ҳам – жиноий ишларда қораловчи ва айбланувчи, фуқаролик ишларида эса даъвогар ва жавобгар судлов жараёнининг турли хил босқичларида тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиши

тушуниб, шахснинг қарши томоннинг далил ва даъволаридан хабардор бўлиши ва суд томонидан ўз қарши даъволари инобатга олиниши (*audiat et altera pars*) лозимлигини билдиради. Шунинг учун ҳам қоида тариқасида «имкониятлар тенглиги» принципининг таъминланиши учун қарши томонлар иштирокидаги процессуал жараёнлар талаб этилади.

- Суд жараёнлари ва қарорлар эълон қилинишининг очиқ бўлиши: нафақат суд жараёнидаги томонлар, қолаверса жамоатчилик ҳам суд жараёнларида иштирок этиши мумкин. Суд жараёнларининг очиқ бўлиши принципи замирида демократик жамиятда одил судлов амалга оширилишининг асосий шarti ҳисобланиши ошкоралик ва жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, яъни «нафақат адолат тантанаси, қолаверса унинг қай тарзда амалга оширилганини жамоатчилик билиши лозим»лиги тўғрисидаги ғоя ётади. Бундан ташқари, умумий қоида тариқасида судлов жараёнлари фақатгина ёзилган таомилларга асосланиб эмас, балки омма иштирок этиш имконига эга бўлган оғзаки савол-жавоблар асосида амалга оширилиши шарт. Суд жараёнининг барча босқичлари, хусусан апелляция шикояти бериш билан боғлиқ жараёнларида омманинг иштирок этиши талаб этилмайди. Ахлоқий сабаблар, жамоатчилик тартибини сақлаш, миллий хавфсизлик, томонларнинг манфаатлари ва айрим фавқулодда ҳолатларда адолат тақозосига кўра жамоатчилик, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам суд муҳокамаси жараёнларида иштирок этиши тақиқланиши мумкин. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарор очиқ эълон қилиниши шарт.

58. Жадвал. Мустақил ва холис суд: суд ҳокимиятининг мустақиллиги

Судлар уларнинг мустақиллиги ва холислиги таъминлаб бериладиган даражада таъсис этилиши лозим. Судларнинг мустақиллиги деганда судьяларнинг лавозимига тайинланиш усуллари, ваколат муддати ва уларни ташқи босимлардан ҳимоя қилишга қаратилган кафолатловчи қоидалар тушунилади. Холислик судьяларнинг ишни кўриб чиқишда қайсидир томонга тарафкашлик қилмасликлари, шахсий манфаат ва сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб йўл тутмасликлари лозимлигини билдиради. БМТнинг «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари тўғрисида»ги хужжатида бу соҳадаги асосий раҳбар йўриқномалари белгилаб берилган.

Судьялар ва суд органлари мустақиллиги ва холислигини таъминловчи зарур воситаларга қуйидагилар киради:

- Энг аввало, судьялар ва суд органлари мустақиллигини таъминловчи қоидалар конституция ва миллий қонунчиликда қамраб олиниши лозим;
- Суд идоралари ходимларини танлаш ижроия ҳокимияти ва аъзолари, ҳуқуқшунослик жамиятлари сингари касбий ташкилотлар томонидан тайинланадиган мустақил идоралар ўртасидаги мувозанат таъминланиши билан тавсифланади;
- Судьяларнинг ўз вазифаларини улар нафақага чиқадиған мажбурий ёш чегараси ёки ваколат муддатининг тугашига қадар бажаришлари кафолатланиши лозим;

- Судьяларга нисбатан интизомий жазо чораларининг қўлланилиши, вазифаларини бажаришдан вақтинчалик четлаштирилиши ёки лавозимларидан озод қилинишлари тўғрисидаги қарорлар мустақил идоралар томонидан қайта кўриб чиқилиши лозим.

Жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг суд жараёнидаги ҳуқуқлари

«Имкониятлар тенглиги» ва суд жараёнининг ошқора ўтказилишига бўлган ҳуқуқлардан ташқари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг бир қатор махсус ҳуқуқлари белгилаб қўйилган:

- Айбсизлик презумпцияси. Айблов гумондорнинг айбини исботлаши ва агарда унинг айбдорлиги хусусида шубҳа пайдо бўлса ёки унинг айбдорлиги ўз исботини топмаса, айбланувчи ёки унга нисбатан эълон қилинган айблов олиб ташланиши лозим («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(2)-моддаси);
- Кўрсатма бериш ёки айбига иқдор бўлишга мажбур қилинмаслик ҳуқуқи. Бу тақдирнинг жорий этилиши айбсизлик презумпцияси ҳуқуқи ва қийноқ ҳамда инсонийликка зид муомаланинг ман этилишига мувофиқ бўлиб, айбни исботлаш мажбурияти қораловчи зиммасига юклатилган. Қийноқ ёки инсонийликка зид муомала орқали қўлга киритилган далил ва кўрсатмалардан судда фойдаланилмаслик лозим («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(3)(ё)-моддаси);
- Шахснинг ўзини ўзи ёки ўзи танлаган оқловчи ёрдамида ҳимоя қилиши ёки бепул ҳуқуқий ёрдам билан таъминланиш ҳуқуқи («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(3) (г)-моддаси);
- Шахснинг ўзини ҳимоя қилиш учун зарур вақт ва шароит яратиб берилишини талаб қилиш ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш гуруҳи билан алоҳида бўлиш ҳуқуқи («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(3)(б)-моддаси);
- «Суд жараёнининг кечиктирилиши, адолатли судлов ҳуқуқининг рад этилиши билан баробар»лиги туфайли асоссиз кечиктирилишларсиз суд қилиниш ҳуқуқи. Қоида тариқасида, хусусан айбланувчи ушлаб турилган ёки ҳибсда сақланаётган ҳолларда жиноий судлов жараёнини бошқа судлов жараёнлари шакллариغا нисбатан тезроқ ўтказилиши лозим («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(3)(в)-моддаси);
- Шахснинг ўзи суд жавобгарлигига тортилаётган жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(2)(г)-моддаси);
- Гувоҳларни қақариш ва уларнинг кўрсатмалари текшириб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқи («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(3)(д)-моддаси);
- Агарда айбланувчи суд жараёни олиб борилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзлаша олмаса, таржимон хизмати билан бепул таъминланиши («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(3)(е)-моддаси);
- Юқори турувчи судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(5)-моддаси);

- Агарда адолатсизлик натижасида ҳуқуқ бузилишларига йўл қўйилса, етказилган маънавий ва моддий зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(6)-моддаси);
- Содир этилган айни бир жиноят учун икки маротаба жазо ва жавобгарликка тортилмаслик (икки маротаба зиён етказилишининг тақиқланиши ёки «ne bis in idem» принципи) («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 14(7)-моддаси);
- «nullum crimen sine lege» ва «nulla poena sine lege» принципларининг орқага қайтиш кучига эга қонунларнинг қўлланилишини тақиқланиши ва бу принципларга мувофиқ, маҳбус жиноят содир этганидан сўнг у содир этган жиноят учун қўлланиладиган енгилроқ жазо тўғрисида қабул қилинадиган қонунлардан фойдаланилади («Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 15-моддаси).

59. Жадвал. Қийноқ қўлланиб олинган далиллардан фойдаланиш одил судловга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши сифатида: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг суд амалиётидан мисоллар

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан кўриб чиқилган (2012 йил январь) «Усмон (Абу Қатода) Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарши» суд ишида террорчиликда гумон қилинаётган жаноб Усмоннинг Буюк Британиядан 1993 йилда ўзи қочган мамлакат Иорданияга депортация қилиниши, иш Иорданияда қайта кўриб чиқилиш пайтида унга нисбатан қийноқлар орқали олинган далиллардан фойдаланиш хавфи мавжудлиги сабабли «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси» 6-моддасининг (одил судловга бўлган ҳуқуқ) бузилиши ҳисобланиши мумкинлиги тўғрисида қарор чиқарган эди. Суднинг фикрига кўра, «қонун устуворлигига асосланган ҳеч қандай ҳуқуқий тизим алмисокдан қолган усул – қийноқ орқали олинган далилни, у қанчалик ишончли бўлмасин, қабул қилмаслиги лозим. Суд жараёни қонун устуворлигининг пойдеворидир. Қийноқ орқали олинган далиллар бу жараённинг шаънига қайта тиклаб бўлмас даражада доғ туширади; у қонун устуворлигини куч ишлатишга алмашади ва уни тан олган ҳар қандай суднинг обрўсига путур етказади. Суд жараёнининг кадр-қимматини ва охир-оқибат қонун устуворлигини сақлаб қолиш учун қийноқ орқали олинган далиллардан фойдаланишга истисно этиш лозим».

Махсус ва ҳарбий судлар

Айрим давлатларда махсус ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва алоҳида тоифадаги жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ёки маълум тоифадаги шахсларнинг ишларини кўриб чиқишга мўлжалланган махсус, фавқулодда ёки ҳарбий судлар таъсис этилган. Бундай судларда кўпинча оддий судларга нисбатан одил судлов кафолатлари камроқ таъминлангани ҳолатлари кузатилгани Инсон ҳуқуқлари кўмитасининг 32-сонли (2007) умумий шарҳларида берилган. Махсус халқаро судларнинг ташкил этилиши умумий халқаро ҳуқуқ доирасида очиқ тақиқланган эмас; бироқ инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатлар барча ихтисослашган судлардан адолатли суд жараёнлари билан боғлиқ бўлган ўз ваколатлари, мустақиллиги ва бетарафлигини кафолатлашларини талаб қилади.

60. Жадвал. Ҳарбий судлар ва одил судловга бўлган ҳуқуқ

БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги турли механизмлари, жумладан Инсон ҳуқуқлари кенгаши (A/HRC/RES/19/31), Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачининг (A/68/285) бир қатор ҳисоботи ва қарорларида ҳарбий судлар ва махсус судларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий инсон ҳуқуқлари ҳужжатларида белгиланган адолатли суд ҳуқуқи ва унинг кафолатларини тўлиқ ва самарали амалга оширилиши борасида жиддий муаммоларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланган. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачининг БМТ Бош ассамблеясидаги (A/68/285) 2013 йилги ҳисоботида таъкидланишича, «кўпгина мамлакатларда ҳарбий трибуналлардан фойдаланиш одил судловга бўлган ҳуқуқнинг таъминланишига эришиш, ҳарбий режимлар томонидан илгари амалга оширилган инсон ҳуқуқларининг бузилиши учун жавобгарликка тортилмаслик, суд тизимининг мустақиллиги ва беғаразлиги, судланувчига адолатли судлов жараёнларининг кафолатланишини ҳурмат қилиш каби масалаларда жиддий хавотирлар туғдиради».

Махсус маърузачи томонидан билдирилган таклифга кўра, «ҳарбий трибуналларнинг юрисдикцияси ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган ҳарбий характерга эга жиноятлар билан чекланиши керак. Ҳарбий адлия тизимини ташкил этувчи давлатлар ҳарбий трибуналларнинг мустақиллиги ва беғаразликларини таъминлашга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини амалга оширишга ва ундан фойдаланишга, шу жумладан одил судловга бўлган ҳуқуқ ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун самарали чоралар кўриш ҳуқуқига эга бўлишга кафолат беришни мақсад қилишлари керак».

Қуролли можаролар ва фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда адолатли судлов жараёнига бўлган ҳуқуқ

4-бобда айтиб ўтилганидек, баъзи бир инсон ҳуқуқлари ҳеч қандай шароитларда тўхтатиб турилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 29-сонли (2001) умумий шарҳларининг 16-бандида таъкидланганидек, «қонунийлик ва қонун устуворлиги тамойиллари фавқулодда ҳолат шароитида одил судловнинг асосий талабларига риоя қилишни талаб қилади. Фақатгина суд шахсни жиноят содир этишда айблаши мумкин. Айбсизлик презумпцияси ҳурмат қилиниши керак. Бузилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун, иштирокчи-давлатнинг унга нисбатан амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори ушлаб туришнинг қонунийлиги бўйича суднинг кечиктирмасдан қарор қабул қилишига имкон яратиш мақсадида жабрланувчининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Қисқа қилиб айтганда, давлатлар кўпинча фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда инсон ҳуқуқларини бузишлари мумкин. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этадиган одил судлов кафолатлари ва суд органлари мустақиллигининг таъминланиши учун парламентларнинг ўз ваколатларидан фойдаланиши фавқулодда ҳолатларга ҳам татбиқ этилиши лозим (батафсил маълумот олиш учун 10-бобга қаранг).

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи қуроли моҳаролар пайтида томонларнинг ҳаракатини тартибга солади, лекин юқорида таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ҳам қуроли моҳаролар ва инқирозли вазиятларда қўлланилишда давом этмоқда. Амалда бўлган халқаро инсонпарварлик ҳуқуқида, шунингдек, 1949 йил қабул қилинган «Женева Конвенциялари» каби халқаро шартномаларда халқаро ва ички қуроли моҳаролар даврида ҳам бузилиши мумкин бўлмаган одил судлов жараёнига бўлган ҳуқуқ қафолатланган.⁵³

Шахсий дахлсизлик ва оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 12-моддаси:

«Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга».

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 16-моддаси:

«1. Балоғат ёшига етган эркалар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади.

2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли».

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 17-моддаси:

«1. Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашш, унинг уй-жой дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиши мумкин эмас.

2. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга».

⁵³ «Amnesty International» ташкилоти, Одил судлов бўйича қўлланма (2-нашр), 2014. 240-бет. «Amnesty International» ташкилоти, Одил судлов бўйича қўлланма (2-нашр), 2014. 240-бет.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 23-моддаси:

«1. Оила жамиятнинг асосий бўғини саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Балоғат ёшига етган эркеклар ва аёлларнинг никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи тан олинади.

3. Никоҳдан ўтувчиларнинг эркин ва тўлиқ розилигисиз бирорта никоҳ тузилмаслиги керак.

4. Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар никоҳдан ўтишда, никоҳда бўлган вақтда ва у бекор қилинаётганда эр-хотинларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришлари лозим. Никоҳ бекор қилинган ҳолатда барча болалар зарур тарзда ҳимоя қилиниши ҳисобга олиниши керак».

Шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ шахснинг мухторият ва эркинлик ҳақидаги ғояларида марказий ўрин тутаети. Шахсий ҳаёт борасидаги қонунчилик доирасида кўтариладиган давлатнинг бесоқолбозлик, жинсни ўзгартириш, фоҳишабозлик, ўзини ўзи ўлдириш (кўмак ёрдамида амалга ошириладиган), аборт қилдириш, жамоат жойида ўзини қандай тутиш ёки қандай кийимлар кийиш, шахсий алоқалар, никоҳ, ажрашиш, генетик муҳандислик, репродуктив ҳуқуқлар, клонлаштириш ва боланинг ота-оналаридан мажбурий тартибда ажратиб қўйилиши каби соҳаларга аралашуви турли жамиятларда ҳар хил талқин қилинса-да, ахлоқ ва одобга тааллуқли асосий қадриятларга тегишлидир.

Шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ: мураккаб ва кўп қиррали инсон ҳуқуқи

Шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ куйидагиларни кафолатлайди:

- Шахснинг инсон сифатида мавжуд бўлиши, яъни унинг ўзига хос табиати, кўриниши, шаъни, обрў-этибори ва қадр-қиммати ҳамда ўзини тутишига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- Бу шахсий мухториятни ҳимоя қилиш билан бир қаторда, шахснинг бошқа инсонлардан ўзини ажратиб қўйиши ёки ўз хоҳиш-иродаси ва орзу-истакларига кўра яшаш мақсадида жамият ҳаётидан ўзини четга торттиб, ўз шахсий ҳаётини қуришини билдиради. Уй, оила, никоҳ ва ёзишмалар, сўзлашувларнинг махфийлигини ҳимоя қилиш сингари маълум бир институционал кафолатларнинг жорий этилиши шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқнинг бу жиҳатини қўллаб-қувватлайди.
- Бу ўзгача бўлиш ҳуқуқини қамраб олиб, маълум бир жамият ёки муҳитда қабул қилинган ахлоқий қадриятларга зид ҳисобланган юриш-туриш ва муомала орқали ўзининг бошқалардан фарқлигини намоён этишда акс этади. Айнан шу сабабли ҳам ҳукумат идоралари ва мансабдор шахслари ҳамда халқаро ташкилотлар шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ билан жамоат тартиби, соғлиқ, ахлоқ-одоб ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сингари давлатнинг қонуний манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашдек нозик ва мушкул вазифани ҳал қилишларига тўғри келмоқда.

Қуйида шахсий эркинлик ҳуқуқига тааллуқли бўлган айрим диққатга сазовор жиҳатлар атрофлича муҳокама қилинади. Муҳокама этиладиган масалаларнинг зиддиятли табиати эътиборга олинадиган бўлса, бу муаммолар ҳар бир муаммонинг атрофидаги қарама-қарши манфаатларни эҳтиёткорлик билан тарозида тортиб кўриш ва тегишли жамоатда устувор мавқе касб этадиган алоҳида ҳолатларни ҳисобга олишни талаб этиши боис уларга қатъий бир жавоб беришнинг деярли имкони йўқ.

Шахсий эркинлик ҳуқуқининг айрим диққатга сазовор жиҳатлари

Шахсият ва жинсий муносабатларнинг сир сақланиши

Шахсий эркинлик исм, кўриниш, кийиниш, соч турмаклаш усули, жинс, туйғулар, қарашлар, диний ёҳуд бошқача шаклдаги эътиқод сингариларни ўз ичига олган шахснинг ўзига хос шахсиятига нисбатан ҳурмат билан муомалада бўлишдан бошланади. Кийиниш ёки соч турмаклаш усулларининг мажбурийлиги, шахснинг ўз исми шарифини ўзгартиришга мажбур қилиш ёки исми шариф, дин ёки жинснинг ўзгартирилишини тан олмаслик (масалан давлатнинг трансгендер (жинсини ўзгартирган шахс)нинг шахсини тасдиқлаб берувчи ҳужжатига тегишли ўзгартиришлар киритилишини рад этиши), шахснинг қарашлари ёки эътиқоди шаклланишига таъсир ўтказиш ёҳуд шахснинг ўз шахсиятини ўзгартиришга мажбур қилиниши шахсий эркинлик ҳуқуқига асоссиз аралашув ҳисобланади. Шахсий ишқий ва жинсий муносабатлар жамоатчилик томонидан эътироф этилган махфийликни сақлаш мажбурияти (масалан, шифокорлар ва дин пешволарининг бу борадаги мажбуриятлари) ҳурмат қилиниши ва сир тутишнинг кафолатланиши (масалан, овоз бериш жараёнида) ҳамда маълумот олиш, ўзи ҳақидаги маълумотларга тузатиш киритиш ёки уларни батамом олиб ташлашга имкон берадиган шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги тегишли қонунлар қабул қилиш орқали муҳофаза этилиши таъминланиши шарт.

Шахсий мухториятнинг ҳимоя қилиниши

Шахсий мухторият тушунчаси ҳам шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг бир қисмидир. Шахсий мухторият – яъни, одамларнинг ўзларининг ҳуқуқларини бузмаслик орқали ўзини ўзи намоён этишга қилаётган ҳаракати шахсий ҳаёт соҳаси бўлиб, дахлсизликнинг либерал тушунчаси учун муҳим аҳамиятга эга. Шахсий мухторият асосан жинсий ва жинсий муносабатга боғлиқ бўлиб, шахснинг ўз танасига бўлган ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро идоралар вояга етганлар ўртасидаги розиликка асосланган жинсий хатти-ҳаракатлар махфийлик тушунчаси билан қамраб олинганини тасдиқлайди («Тоонен иши», 8.2-банд, Инсон ҳуқуқлари кўмитаси). Шунингдек, уларнинг фикрича, қонуний аборт хизматларидан фойдаланиш ва ҳомиладорликни қонуний равишда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинишининг рад этилиши шахсий ҳаёт ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади (қаранг: «К.Л. Перуга қарши», «В.Д.А. Аргентинага қарши» ишлар, Инсон ҳуқуқлари кўмитаси).

Махфийлик шахслар ҳаётининг энг нозик жабҳаларида, хусусан ким билан ва қачон жинсий алоқага киришиш; кимга ва қачон турмушга чиқиш; ким билан ва қанча фарзанд кўриш ва жинсий мансублиги ёки жинсий танловини қандай ифодалаш мумкинлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиш қобилияти учун муҳимдир. Шахсий мухториятни ҳимоя қилиш, шунингдек, ўз соғлиғига зарар етказадиган тарзда танага

муносабатда бўлиш, шу жумладан ўз жонига қасд қилиш ҳуқуқини ҳам қамраб олади. Шунга қарамай, айрим жамиятларда бундай хатти-ҳаракатлар зарарли деб ҳисобланади ва бу тахлитда инсоннинг ўз танасига муносабатда бўлиши аксарият ҳолларда тақиқланади (масалан ўзини ўлдириш, пассив эвтаназия, наркотик, спиртли ичимлик ва никотин истеъмол қилиш).

61. Жадвал. Рақамли даврда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи

Алоқа технологияларининг жадал ривожланиши жисмоний шахслар, жумладан парламент аъзолари, ҳуқуқ ҳимоячилари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари учун янги имкониятлар яратиб, онлайн мулоқотда иштирок этишга имкон яратди. Интернет ҳам давлатларга, корпорацияларга ва бошқаларга шахсий бўлган жабҳаларни босиб олишга, жумладан оммавий кузатув олиб бориш ва кенг миқёсдаги шахсий маълумотлардан тижорий ва бошқа мақсадлар учун фойдаланишга имкон яратди. Рақамли тармоқлардан маълумот олиш ҳамда алмашиш учун тобора кўпроқ фойдаланадиган бутун дунёдаги парламент аъзолари учун шахсий маълумотларнинг муҳофаза қилиниши жуда муҳимдир.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 27-мажлисига тақдим этилган маърузасида «алоқа маълумотларининг ҳар қандай тарзда қўлга киритилиши шахсий ҳаёт дахлсизлигига аралашув эҳтимоли келтириб чиқариши мумкин ва бундан ташқари, бу маълумотдан кейинчалик фойдаланилган ёки фойдаланилмагани ҳамда унга ҳавола қилинган ёки қилинмаганидан қатъи назар, алоқа маълумотларини йиғиш ва ушлаб қолиш шахсий ҳаёт дахлсизлигига аралашув ҳисобланади. Ҳатто қўлга киритилган алоқа маълумотлари шахсий ҳаётга аралашув имкониятини юзага келтириб, шу билан бирга бошқа ҳуқуқларга, жумладан сўз эркинлиги ва уюшиш эркинлигига салбий таъсир кўрсатади. Оммавий кузатув дастурининг мавжудлигининг ўзиёқ шахсий ҳаётга аралашишдир. Бундай аралашув ўзбошимчалик билан ёки қонунга хилоф эмаслигини намоиш қилиш мажбурияти давлатга юклатилади» (A/HRC/27/37, 20-банд).

«Рақамли алоқа ва рақамли ифода этишнинг бошқа шаклларида алоқадор оммавий кузатув дастурлари бир давлат ҳудудидан ташқаридан туриб олиб борилган тақдирда ҳам, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқларининг бузилишини ташкил этади ҳамда ўз фикрини эркин ифодалаш ва ахборот эркинлиги ҳуқуқларини, бошқа асосий инсон ҳуқуқларини, жумладан тинч йиғилиш ва уюшиш эркинлиги ҳуқуқини бузиб, вакиллик демократияси асосларини заифлаштиради».

Рақамли даврда демократия ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва эркинлигига таҳдид. Парламентлараро иттифоқ ассамблеясининг 133-мажлисида яқдиллик билан қабул қилинган резолюция (Женева, 2015 йил 21 октябрь).

Оилани ҳуқуқий ҳимоя қилиш шахсларнинг дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Оиланинг институционал кафолатлари (мисол учун унинг қонуний тан олиниши ва ушбу мақомдан келиб чиқувчи манфаатлар; эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги қонуний муносабатларнинг тартибга солиниши ва бошқалар) ижтимоий тартиб бузилишининг олдини олиш ҳамда оиланинг жамият мавжудлиги учун муҳим бўлган функцияларини (насл қолдириш ёки фарзанд тарбиялаб вояга етказиш каби) сақлаб қолишига қаратилган бўлиб, ушбу кафолатларни бошқа ижтимоий институтлар ёки давлат зиммасига ўтказиш кўзда тутилмаган. «Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» ва «Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция»да кўрсатиб ўтилган эркин турмуш қуриш ва оила барпо этиш ҳуқуқлари, шу жумладан насл қолдириш ҳуқуқи, аёлларнинг жинсий ва репродуктив ҳуқуқлари, турмуш ўртоқларнинг тенглик ҳуқуқлари, оналарнинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлари ҳамда бола ҳуқуқлари тўғридан-тўғри оиланинг институционал кафолатларига боғлиқдир. Қанча фарзанд кўриш ва уларни қандай вояга етказиш тўғрисида эркин ва масъулиятли қарор қабул қилишда ота ва онанинг бир хил ҳуқуқларга эга бўлиб, фарзандлар ўз ота ва оналаридан ажратилмаслик ҳуқуқига эга; оилавий мавқеидан қатъи назар, ота ва она фарзандлар камол топишида тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Оилаларнинг бирлашишга бўлган ҳуқуқи, муассасаларга жойлаштириш ва фарзандликка олиш айниқса муҳим ҳисобланади.

Шахсларнинг дахлсизлик ҳуқуқи оила ҳаётига ўзбошимчалик ёки қонунга зид тарзда – авваламбор ҳукумат вакиллари томонидан – аралашувлардан ҳимоя қилишни тақозо этади. Бундай аралашувга мисол қилиб болаларни ота-оналардан, ота-оналарнинг ўз вазифаларини бажармаётганлиги асосида, мажбурий тарзда ажратиб олиш ва давлат қарамоғига олишни кўрсатиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ана шундай воқеликларни ўрганган ҳамда ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларга оид бир қатор минимал кафолатларни ишлаб чиққан. Жумладан, уларнинг тааллуқли иш юзасидан олиб бориладиган суд ишларида ва суд томонидан қайта кўриб чиқиш жараёнида қатнашишлари учун берилган кафолат ҳамда болалар ва ота-оналарнинг болаларнинг махсус тарбия уйлари қарамоғида бўлган пайт давомида доимий равишда учрашиб туришларига берилган кафолатлар. Бундан ташқари, кўплаб юрисдикцияларда қабул қилинган умумий презумпцияга кўра, эр-хотинлар ажралганларидан сўнг ўз фарзандларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

62. Жадвал. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда «оила» тушунчасига қандай таъриф берилган?

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида оила институти «жамиятнинг табиий ҳамда фундаментал бўғини» сифатида тан олинган. Бундан ташқари, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 23-моддасида, «Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 10-моддасида, «Европа ижтимоий хартияси»нинг 16-моддасида, «Европа инсон ҳуқуқлари Конвенцияси»нинг 8-моддасида, «Америка инсон ҳуқуқлари Конвенцияси»нинг 17-моддасида ҳамда «Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари

Хартияси»нинг 18-моддасида ҳам оила институти алоҳида ҳимояланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланишича, «оила» тушунчасининг шакли турлича кўринишларда бўлиши мумкин. Инсонлар ўртасидаги маълум бир муносабатлар асосида юзага келган гуруҳнинг оила бўла олиши ёки бўлмаслигини аниқлашда нафақат қондошлик ва қонун билан белгиланган муносабатлар (турмуш қуриши, фарзанд асраб олиш, бир жинсдагилар ўртасидаги муносабатларни рўйхатдан ўтказиш в.б.), қолаверса биргаликда истиқомат қилиш, иқтисодий муносабатлар ҳамда ижтимоий ва маданий қадриятлар ҳам муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Уйи ҳимоя қилиш

Уй хўжалигини ҳуқуқий ҳимоя қилиш дахлсизлик ҳуқуқининг яна бир муҳим кўриниши ҳисобланади, чунки «уй» оилавий яқинлик, бошпана, хавфсизлик каби ҳиссиётларни ўзида ифода этади ва шунинг учун «уй» бирон-бир шахсга қўрқув ҳамда бошқаларнинг аралашувидан холи бўлган ҳолда ўз ҳаётини ўз хоҳиш-истаклари асосида қуриш имконини берувчи маконнинг рамзий ифодаси бўлиб хизмат қилади. Амалда «уй» тушунчаси нафақат асл истиқомат қилиш жойига тааллуқли, балки турли уй бинолари, кўп қаватли хонадонларга ҳам, уларнинг ҳуқуқий маконидан (эгаллик ҳуқуқи, ижара, вақтинчалик истиқомат қилиш ва ҳатто ноқонуний фойдаланиши) ёки фойдаланиш хусусиятидан (асосий яшаш жойи, дала ҳовли ёки ҳатто бизнес учун мўлжалланган бино) қатъи назар, тааллуқлидир. «Уй» тушунчаси билан ифодаланган ҳуқуққа нисбатан тегишли шахсларнинг розилигисиз бўлган ҳар қандай ҳаракат ноқонуний аралашув ҳисобланади. Бундай аралашувнинг классик кўриниши бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бирон-бир кимсани топиб, ҳибсга олиш ёки суд жараёнида фойдаланиш учун далил қидириш мақсадида уй ҳуқуқига киришидир. Лекин бу уйга нисбатан бўлган аралашувнинг ягона тури эмас. Хавфсизлик кучлари томонидан уйларнинг бузиб ташланиши, яширин камералар ёки эшитиш воситаларидан, электроник кузатув амалиётидан ёки атроф-муҳитни ифлослантиришнинг экстремал шаклларида (заҳарли газлар каби) фойдаланиши ҳам уй ҳудудини ифодалайди ва уйлар бундай аралашувдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Бундай аралашувларга фақатгина улар маҳаллий қонун-қоидалар асосида бўлса ва ўзбошимча бўлмасагина (мисол учун агар аралашув алоҳида мақсадга йўналтирилган бўлиб, мувофиқлик тамойилига мос бўлса) рухсат берилиши мумкин. Хавфсизлик кучлари томонидан амалга оширилувчи қидирув, ҳибсга олиш ва кузатув ишларига суд томонидан бериладиган ёзма равишда бериладиган ишончнома асосидагина рухсат берилиши мумкин ва бундай ҳаракат қўзланган мақсад (далил-исбот топиши) доирасидан четга чиқмаслиги ва ортиқча ноқулайликларга сабаб бўлмаслиги лозим.

63. Жадвал. Иммиграция, депортация ва экстрадиция тўғрисидаги қонунлар ва сиёсатлар доирасида давлатнинг оилавий муносабатларга аралашувига нисбатан жорий этилган чекловлар

Бирон-бир давлат фуқаросининг бошқа давлат ҳудудига эркин кириши ва истиқомат қилиши тўғрисида умумий ҳуқуқий асослар белгиланмаган бўлишига қарамасдан, ўзбошимча ва ноҳолис иммиграция сиёсати оиланинг ҳимоя қилиниш ва қайта бирлашишга бўлган ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Бирон-бир мамлакатда бегона бўлган инсон ушбу мамлакатда қанчалик узоқ вақт яшаса, хусусан турмуш қуриб, оила барпо қилгандан сўнг ҳукуматнинг бу инсонни

мамлакатдан депортация қилишга йўналтирилган асос ва сабаблари шунчалик кучли ва рад этиб бўлмайдиган бўлиши шарт.

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг пактга мувофиқ ажнабий шахсларнинг ҳолати тўғрисидаги 15-сонли (1986 йил) умумий шарҳларида таъкидлаганидек, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» оилаларнинг биргаликда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Бундан ташқари, оила, никоҳ ва эр-хотинларнинг тенг ҳуқуқлилигини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 19-сонли (1990) умумий шарҳларининг 5-моддасида, қўмита томонидан «биргаликда яшаш имконияти деганда ҳам давлат ичида, ҳам бошқа давлатлар билан ҳамкорликда, айниқса оила аъзолари сиёсий, иқтисодий ёки шунга ўхшаш сабабларга кўра ажратилганда оилалар бирлигини ёки бирлашишини таъминлашга имкон берадиган чоралар кўрилиши» тушунилиши лозимлиги таъкидланган.

«Франсеско Мадаффери Австралияга қарши (1011/2001-сонли мурожаат)» иши бўйича қарорида Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита қуйидагиларни эътироф этган: «Мазкур ишда иштирокчи давлатнинг тўрт нафар вояга етмаган болалари бўлган оиланинг отасини депортация қилиш тўғрисидаги қарори ва оилани ота билан бирга кетишига, ёхуд отасиз иштирокчи-давлат ҳудудида қолишдан бирини танлашга мажбур қилиши узоқ муддат давомида бирга бўлган оила ҳаётида бундай қарор натижасида жиддий ўзгаришлар юз беришига олиб келиши сабабли, ҳеч бўлмаганда бу каби ҳар иккала ҳолатда ҳам оилага бўлган ҳуқуққа «аралашув» сифатида қаралиши керак.

Шахсий ёзишмаларнинг ҳимоя қилиниши

«Ёзиб туриш» тушунчаси аслида мактубларга нисбатан қўлланилганига қарамасдан, айна вақтда ушбу тушунча масофадан туриб алоқа қилишнинг барча кўринишларига нисбатан қўлланилади, булар: телефон, телеграф, телекс, факс, электрон почта орқали бошқа механик ёки электрон воситалар орқали алоқа қилиш. Эркин алоқа қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш алоқа воситаларидан фойдаланувчи шахсларга нисбатан ҳурмат тарзида намоён бўлади. Шахсларнинг алоқа воситаларидан фойдаланишлари жараёнида алмашилувчи маълумотларни яшириш, цензура қилиш, текшириш, ушлаб қолиш ёки рухсатсиз чоп этиш ноқонуний аралашув ҳисобланади. Бундай аралашувнинг энг кўп учрайдиган кўриниши бу ҳукумат органлари томонидан жамиятда адолатни ўрнатиш, жиноятчиликнинг олдини олиш (айбланувчи шахслар ўртасидаги алоқа маълумотларини текшириш орқали) ёки терроризмга қарши курашиш мақсадида амалга ошириладиган кузатув чораларидир (мисол учун мактубларни очиб ўқиш, телефон суҳбатларини эшитиш, факс ва электрон почта маълумотларини ушлаб қолиш ва б.). Уйларда тинтув олиб бориш ҳолатларидаги каби шахслар ўртасидаги масофадан алоқа қилиш жараёнига бўлган аралашув ҳам миллий қонунчилик, ҳам халқаро ҳуқуқ (мисол учун умумий қоидага кўра суд қарори асосида) ҳамда мутаносиблик ва зарурият тамойиллари доирасида бўлиши шарт.

64. Жадвал – Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи ва терроризмга қарши кураш

Кейинги вақтларда бир қатор мамлакатларда терроризмга қарши кураш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хавфсизлик хизматлари

ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига катта таъсир кўрсатди. Ваҳоланки, кузатув амалиётларини мувофиқлаштирувчи трансмиллий разведка тармоқлари томонидан миллий қонунчилик режимлари томонидан тақдим этилган ҳимоя чораларининг ҳуқуқий асослари заифлаштирилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тинтув қилиш, ҳибсга олиш ва кузатув олиб бориш каби (қўп ҳолларда суд қарорисиз) анъанавий функцияларига қўшимча тарзда фуқароларнинг катта ҳажмдаги шахсий маълумотлари устидан мониторинг олиб бориш, уларни сақлаш, солиштириш, йиғиш, қайта ишлаш ва текшириш орқали яшириниб юрган ёки потенциал террорчилар устидан электрон таъминот ёрдамида кузатув ишларини олиб бориш ва бундан ташқари бармоқ изларининг автоматик нусхаларини олиш ҳамда ирқий саралаш асосида танланган гуруҳларнинг ДНК нусхаларини олиш каби методлар мисол бўла олади. Бу хатти-ҳаракатлар шахсларни танлаб олиш орқали ва мазкур сиёсатлар, қонунлар ва амалиётлар билан боғлиқ шаффофликнинг минимал даражаларида олиб борилади.

Бу соҳада (шахсий эркинлик ва одил судлов каби инсон ҳуқуқларининг бошқа соҳаларида бўлганидек) асосий жавобгарлик парламент аъзоларига юкланади: Улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик хизматларининг ваколатларини кенгайтирилиши зарур деб топилса, қуйидагича амалга оширилишини таъминлашлари лозим:

1. Барчага очиқ ва демократик йўл билан;
2. Халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига риоя қилган ҳолда;
3. Эркин ва демократик жамият қадриятларига путур етказмаган ҳолда: шахсий эркинлик, дахлсизлик ва қонун устуворлиги.

Парламент аъзолари полиция ва разведка хизматлари томонидан, хусусан, оммавий кузатув олиб бориш ва бу борадаги қонунлар, сиёсат ва чоралар амалга оширилиши устидан етарлича мустақил назорат ўрнатилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Ҳаракатланиш эркинлиги

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13-моддаси:

«1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-моддаси:

«1. Бирон-бир давлат ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир киши ҳар қандай мамлакатни, жумладан ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эга.

3. Юқорида қайд этилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклаш объекти бўлиши мумкин эмас. Қонунда белгиланган давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқини сақлаш учун ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини сақлаш учун ва ушбу Пактда эътироф этилган бошқа ҳуқуқлар билан мос келадиган ҳуқуқлар бундан мустасно.

4. Ҳеч ким ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддаси:

«Мазкур пактда иштирок этувчи бирон-бир давлат ҳудудида қонуний равишда турган чет эллик шахс қонунга мувофиқ ҳолда чиқарилган қарор ижро этилиши билангина чиқариб юборилиши мумкин ва агар давлат хавфсизлигига боғлиқ қатъий мулоҳазалар бошқача талаб этмаса, ўша чет эллик шахс ўзининг қақариб юборилишига қарши далиллар тақдим этиши, бу ишни нуфузли ҳокимият томонидан махсус тайинланган шахс ёки шахслар қайта кўриб чиқиши ҳамда ушбу мақсадда айна ҳокимият, шахс ёки шахслар ҳузурига кириш ҳуқуқига эга».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт томонидан бирон мамлакатда қонунларга риоя қилган ҳолда яшаётган ҳар бир шахснинг ушбу мамлакат ҳудудида эркин ҳаракат қилиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Ушбу ҳуқуқлар ижтимоий ва шахсий аралашув йўли билан поймол бўлишдан ҳимоя қилиш керак.

Чет эллик фуқароларнинг бошқа давлат ҳудудида эркин ҳаракат қилиши

Бунда ҳуқуқ бирон-бир давлат ҳудудида қонуний тарзда турган шахсларгагина алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳукумат органлари давлат ҳудудига кирмоқчи бўлган бегона фуқароларни текшириш асосида, бегоналарнинг ушбу давлатга киришига нисбатан чекловлар ўрнатиши ҳам мумкин. Бегона фуқаронинг давлат ҳудудида қонуний тарзда турганини аниқлаш давлат ҳудудига киришнинг қонуний мезонларини белгилаб берувчи, айна вақтда ушбу мезонлар ва давлатнинг халқаро мажбуриятлари уйғунлигини таъминловчи миллий қонунчилик асосида амалга оширилади. Мамлакатга ноқонуний тарзда кириб келган, лекин кейинчалик қонуний расмийлаштирилган чет эл фуқаролари мамлакат ҳудудида қонуний тарзда турган деб қабул қилиниши лозим. Агар бирон шахс чет давлат ҳудудида қонуний тарзда яшаб турган бўлса, унга нисбатан қўлланиладиган ҳар қандай тақиқлаш чоралари ёки ушбу давлат фуқароларига нисбатан бўлгандан бошқача муносабатда бўлиш Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-модда, 3-бандига кўра асослаб берилиши лозим.

Чет давлат фуқаросига юқорида кўрсатилган модда шартлари доирасида қўлланилган чекловларга 1994 йилда Инсон ҳуқуқлари қўмитаси томонидан кўрилган Челебий ва Швеция ўртасидаги иш яхши мисол бўла олади. Швеция ҳудудида истиқомат қилаётган, асли курд миллатига мансуб Туркия фуқароси Челебий террористик ҳаракатга қўшилганликда шубҳа остига олингани сабабли Швеция ҳукумати томонидан ундан мамлакатдан чиқиб кетиш талаб қилинган. Лекин Швеция ҳукумати жаноб Челебий Туркияда сиёсий таъқибга учраши мумкинлигини инobatга олиб, ушбу буйруқнинг бажарилишини таъминламаган ва Челебийга муниципалитетда полицияга доимий равишда ҳисоб бериб туриш шarti билан мамлакат ҳудудида қолишга рухсат берилган. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ушбу чекловларнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-модда, 3-бандида кўрсатилган шартларга мувофиқ тарзда қўлланилганини ва шунинг учун ҳам қонуний эканлигини тасдиқлади.

Мамлакатни тарк этиш эркинлиги

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-модда, 2-бандида кўрсатилганидек, ҳар бир шахс (фуқаро, бегона шахслар ва ҳатто вақтинчалик ноқонуний тарзда яшаб турган шахслар) давлат ҳудудини эркин тарк этиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳуқуқ чет давлатларга қисқа ва узоқ муддатли сафарлар ҳамда (доимий ёки вақтинчалик) эмиграцияга тааллуқлидир. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик чет давлатга сафарнинг муддати ёки мақсадига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Ушбу ҳуқуқ шахсларнинг яшаш жойи бўлган мамлакат ҳукуматига ҳам, уларнинг туғилган жойи бўлган мамлакат ҳукуматига ҳам ўзига хос мажбуриятлар юклайди. Мисол учун шахслар туғилиб ўсган мамлакат ҳукуматлари ўз фуқароларига хоҳ мамлакат ҳудудида бўлсин, хоҳ ташқарида паспорт ҳамда мамлакатдан чиқиш ҳужжатларини беришга мажбурдир. Агарда давлат ўз фуқароларига паспорт беришдан бош тортса ёки мамлакатдан ташқарига чиқиш учун чиқиш визалари олишни талаб қилса, бу ҳуқуқнинг асоссиз равишда бузилишидир. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг ҳаракатланиш эркинлиги тўғрисида 27-сонли (1999) умумий шарҳларида қуйидагилар қайд этилган: «Давлат ҳисоботларини ўрганиш жараёнида қўмита Конвенциянинг 12-моддаси бузилишини англатувчи аёлларнинг эркаклар розилиги ёки уларнинг ҳамроҳлигидагина эркин ҳаракатланишига ёки мамлакатни тарк этишига йўл қўйишни талаб қилувчи чоралар акс этган ҳолатлар бир неча бор кузатилмоқда».

65. Жадвал – Ҳаракатланиш эркинлигига нисбатан ўрнатилган тўсиқларга мисоллар

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 2-сонли (1999) умумий шарҳларининг 17-бандида таъкидланишича, ҳаракат эркинлиги кўп ҳолларда қуйида санаб ўтилган, турли кераксиз тўсиқларга дучор бўлади ва бу тўсиқлар шахсларнинг мамлакат ичида ёки мамлакатлараро ҳаракатларини мураккаблаштиради ёки имконсиз ҳолга келтиради. Парламент аъзолари бундай чораларга қаршилик қилишлари мумкин.

Мамлакат ичида ҳаракатланиш

- Мамлакат ичида ҳаракатланиш учун рухсатнома олиш мажбурияти
- Мамлакат ҳудудида яшаш жойини ўзгартириш учун рухсат сўраш мажбурияти

- Сафар манзили бўйича маҳаллий ҳукумат вакилларининг тасдиғини олиш
- Ёзма ариза ва мурожаатларни кўриб чиқишни асоссиз чўзиш

Бошқа мамлакатга чиқиш

- Четга чиқиш талабларига оид маълумотнинг йўқлиги ва мутассади ҳукумат органларига чиқишнинг мураккаблиги;
- Четга чиқиш паспортини олиш учун тўлдириладиган аризани олишда махсус ҳужжатлар топширишни талаб қилиш;
- Иш берувчилар ёки қариндошлар томонидан тасдиқловчи ҳужжатларни топшириш талаби;
- Саёҳатнинг тўлиқ маршрути тўғрисидаги маълумотни топшириш талаби;
- Четга чиқиш паспортларини расмийлаштириш учун катта бож талаб қилиниши;
- Четга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришни асоссиз чўзиш;
- Оила аъзоларининг бирга ҳаракат қилишларини тақиқлаш;
- Репатриация депозитини тўлаш ёки қайтиш чиптасини олдиндан сотиб олиш талаби;
- Саёҳат манзили бўлган давлатдан таклифнома олиш талаби;
- Четга чиқишга мурожаат қилганларни кўрқитиш.

Чекловлар

Ҳаракат эркинлиги тақиқланмаслиги лозим, лекин қонун асосида ва миллий хавфсизликни, жамоат соғлигини сақлаш ва маънавий қадриятларни ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадларида тақиқланиши ҳам мумкин (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-модда, 3-банди).

Инсон ҳуқуқлари қўмитасига мувофиқ, «агар бирон шахснинг давлат сирларидан воқиф бўлгани учунгина мамлакатни тарк этиши тақиқланса ёки бирор шахснинг мамлакат ҳудудида махсус рухсатномасиз юриши тақиқланган ҳолларда» юқорида кўрсатилган ҳаракат эркинлигини тақиқлашга сабаб бўла оладиган талабларни қондирмайди. Иккинчи тарафдан эса, миллий хавфсизликни ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий ҳудудларга киришни тақиқлаш ёки камчиликни ташкил қилувчи халқлар яшаб турган ҳудудларга кўчиб ўтишни чеклаш рухсат берилган чекловларни ташкил этади.

66. Жадвал – Чекловларни жорий этиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш

Қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-модда 3-бандига мувофиқ, чекловларни жорий этиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилишда парламентлар доимо ушбу ҳуқуқнинг асл мақсадларини поймол қилмаслик тамойили асосида иш тутмоқлари лозим. Қонунлар чекловларнинг аниқ ва равшан

мезонларини кўрсатиб ўтиши керак ва бу чекловлар объектив тарзда жорий этилиши ҳамда мутаносиблик тамойилига риоя этмоғи лозим; чекловлар вазиятга хос бўлиши, энг кам аралашувга йўл қўйиши ва ҳимояланиши кўзда тутилган манфаатга мутаносиб бўлиши талаб қилинади.

Амалда татбиқ этиш

Агар давлат чекловларни жорий этишга қарор қилса, ушбу чекловлар қонун билан белгиланиши лозим. Қонун билан белгиланмаган ёки Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-модда, 3-бандига мувофиқ бўлмаган чекловлар эркин ҳаракатланиш ҳуқуқининг тўғридан-тўғри бузилишига олиб келади. Ҳар қандай чекловларнинг амалда татбиқ этилиши юқорида кўрсатиб ўтилган зарурийлик ва мутаносиблик талабларига жавоб бериши керак. Бундан ташқари, чекловлар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳамда тенглик ва камситмаслик тамойилларига мувофиқ бўлиши шарт.

Шахснинг ўз мамлакатига кириш ҳуқуқи

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-модда, 4-бандида таъкидланишича, ҳар бир шахс ўз мамлакатига қолиш ва ўз мамлакатини тарк этгандан сўнг унга қайтиб келиш ҳамда мамлакатга илк бор кириш ҳуқуқига эгадир (агарда шахс ушбу мамлакатга мансуб бўлган ҳолда чет давлатда туғилган бўлса). Шахснинг ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқи, айниқса ўз хоҳиши билан ўз мамлакатига қайтмоқчи бўлган қочоқлар учун муҳимдир.

Шахснинг «ўз мамлакати» тушунчаси авваламбор ўша мамлакат фуқароларига нисбатан қўлланилади. Баъзи истисно ҳолларда, яъни шахслар бирор мамлакатда узоқ муддат давомида чет эл фуқароси сифатида яшаганда ёки иккинчи авлод иммигрантлари сифатида ушбу мамлакатда туғилган бўлсалар, ўзлари яшаб турган мамлакатни «ўз мамлакатлари» деб ҳисоблашлари мумкин.

Фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддаси:

«Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддаси:

«1. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, яқка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда,

ошкора ёки хусусий тартибда сиғинишга боришга, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимларни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади.

2. Ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

3. Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлиги, тартиби, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиниши мумкин.

4. Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўз шахсий эътиқодига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади».

Фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи жуда муҳим бўлиб, бу ҳуқуқни ҳатто фавқулодда вазиятда ҳам чеклаш мумкин эмас. «Forum internum», яъни дин эркинлиги ҳуқуқи, яъни бир шахснинг ўз дунёқараши, фикри, виждони, ишонч ва эътиқодини эркин шакллантириш ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ бўлиб, ҳар қандай кўринишдаги индоктринация (онгни тозалаш) каби давлат аралашувидан ҳимоялангандир. Лекин дин ва эътиқодни жамоатчилик олдида намоён этиш легитимликка эга бўлган сабаблар асосида чекланиши мумкин.

«Дин» ва «эътиқод» тушунчалари кенг маънода талқин этилиб, анъанавий ва ноанъанавий эътиқодларни – улар хоҳ диний, хоҳ атеистик бўлсин, динларни ўз ичига олиши лозим. Дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки уларни қабул қилиш ҳуқуқи ўз навбатида дин ёки эътиқодни танлаш, олдин сиғиниб келган дин ёки эътиқодини бошқасига алмаштириш, ёки атеистик қарашларни қабул қилиш, ёки ўз дин ёки эътиқодига содиқ қолиш ҳуқуқларини ҳам қамраб олади.

Мажбурлашнинг тақиқланиши

Ҳеч қандай шароитда инсон жисмоний куч ишлатиш ёки таҳдид қилиш ёхуд жазо санкцияларини қўллаш орқали бирор дин ёки эътиқодни қабул қилиш, унга содиқ қолиш ёки ундан воз кечишга мажбурланиши мумкин эмас. Ушбу кўрсатиб ўтилган ҳоллардагидек оқибатларга эга бўлган сиёсатни ёки чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам тақиқлангандир. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 22-сонли (1993) умумий шарҳларининг 5-бандида «таълим, тиббий ёрдам, иш билан таъминлаш ёки 25-моддада кафолатланган бошқа ҳуқуқлар ва пактда назарда тутилган бошқа қоидалар»ни чекловчи сиёсат ва амалиётлар пактнинг 18.2 моддасига ҳам номувофиқдир. Худди шундай ҳимоя чоралари диний эътиқодга эга бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Дин ёки эътиқодни намоёйиш этиш

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 22-сонли (1993) умумий шарҳларида айтилганидек, «дин ёки эътиқодни намоёйиш этиш эркинлигидан яқка тартибда, ёки жамоат билан,

ошкора ёки хилватда фойдаланиш мумкин». Қўмитанинг фикрига кўра, «намойиш этиш» тушунчаси жуда кенг маънога эга бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Эътиқод: маросим ва тадбирларни бажариш, эътиқод ва сиғиниш масканларини куриш, ритуал формула ва объектларни ишга солиш, рамзларни намоиш этиш, байрам ва дам олиш кунларини ўз вақтида нишонлаш;
- Диний таомилларни ўз вақтида бажариш: махсус тадбирларни бажариш, парҳезга (рўзага) риоя қилиш, ажралиб турувчи либос ёки бош кийими кийиш ва махсус сўзлашув тилидан фойдаланиш;
- Амалиёт ва таълим: диний йўлбошчиларни, роҳиб ва устозларни танлаш, диний таълим масканлари ва мактабларни барпо этиш, диний мақола ва матнларни тайёрлаш ва тарқатиш.

Шахснинг дин ёки эътиқодини намоиш этиши актив фаолият талаб қилади ва ушбу фаолият давомида бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказилиши ҳам мумкин, экстремал ҳолларда эса ҳатто жамиятга таҳдид солиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддаси 3-бандига кўра, дин ва эътиқодни намоиш этиш ўзига хос чекловларга дучор бўлиши мумкин.

Шахс ўз дини ва эътиқодини намоиш этишда амал қилиши лозим бўлган чекловлар

Шахснинг ўз дини ва эътиқодини намоиш этишини мувофиқлаштирувчи чекловлар аниқ белгиланган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин ва бунга қуйидаги ҳолларда рухсат этилади:

- агар чекловлар қонун билан белгиланса;
- ижтимоий хавфсизликни, тартибни, соғлиқни ёки маънавиятни ёки ҳуқуқ асосларини ва бошқаларнинг эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳолларда.

Дин ёки эътиқодни намоиш этишни асосли равишда чеклашга мисол сифатида урушни тарғиб этувчи ёки камситиш, низолар ёки тартибсизликка ундовчи миллий, ирқий ёки диний адоватга бошлайдиган намоишни чеклашни кўрсатиш мумкин. Кўп ҳолларда диний ҳурматсизлик этник ва диний гуруҳлар ўртасида кескин зиддиятлар келиб чиқишнинг асосий сабаби бўлиб хизмат қилади.

67. Жадвал – Франция мактабларида диний рамзлардан керагидан ортиқ даражада фойдаланишнинг тақиқланиши

2004 йили Францияда жорий этилган қонун атрофида юзага келган қарама-қаршилиқ дин ёки эътиқодни намоиш этишга нисбатан чекловлар киритиш масаласи нақадар нозик эканлигини кўрсатиб берди. Парламент аъзоларининг кўпчилиқ қисми томонидан қўллаб-қувватланиб, қабул қилинган ушбу қонун Франция мактабларида очиқ диний белгиларни намоиш этишни тақиқлашга қаратилган эди. Ушбу қонун яҳудийлар томонидан дўппи кийилишини, христианлар томонидан каттароқ ўлчамдаги хочлар тақиб юрилишини тақиқлашга ҳам йўналтирилганига қарамай, жамоатчилик томонидан Исломда қизларнинг ҳижоб кийиб юришига қарши қаратилган, деб қабул қилинди.

Бир томондан Франция парламенти ва ҳукумати ушбу қонунни дунёвий давлатчилик тамойили билан (давлат билан диннинг ўзаро ажратилганлиги) ҳамда мусулмон қизларнинг гендер хусусида камситилишидан ҳимоя қилиш зарурияти билан асослашса, иккинчи томондан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи турли ташкилотлар ушбу қонун шахсларнинг ўз дин ва эътиқодларини эркин намойиш этиш ҳуқуқларини бузиши ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-модда 2-бандига кўра тақиқланган мажбурлашни юзага келтиришини таъкидлашди.

Диний ва ахлоқий таълим

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-модда 4-банди давлатлардан ота-оналар ёки қонуний боқувчиларнинг ўз фарзандларини ўз диний ва ахлоқий қоидаларига биноан тарбиялаб вояга етказиш эркинликларини ҳурмат қилишларини талаб қилади.

Давлат мактабларида мажбурий диний ёки ахлоқий таълим бериш, агарда дин объектив ҳамда плюралистик тарзда ўқитилса (мисол учун дин ва этиканинг умумий тарихига оид фанлар), юқорида таъкидланган шартларга номувофиқ бўлмайди. Агарда давлат мактабларида маълум бир дин бўйича таълим берилса, у ҳолда барча ота-она ва қонуний вакилларнинг хоҳиш-иродалари ҳисобга олиниб, камситмаслик асосида истиснолар ёки муқобил фанларни ўқитиш таъминлаб берилиши лозим.

Қарашлар эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг 19-моддаси:

«Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддаси:

«1. Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрида собит бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидаги мақсадлар учун зарур бўлиши лозим:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун».

Юқоридаги қоидалардан икки асосий элементни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қарашлар эркинлиги;
- ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи.

Қарашлар эркинлиги

Шахснинг ўз қарашларига эга бўлиши табиатан берилган ҳуқуқ бўлиб, мутлақ эркинликни ифода этади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ушбу эркинликдан фойдаланишга тўсиқ бўлувчи ҳеч қандай истисно ёки чекловлар қўйилишига рухсат бермайди, лекин ушбу ҳуқуқнинг мутлақ табиати шахс ўз фикрини ифода этган заҳоти йўқолади, чунки бу масала шахснинг ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи доирасида кўрилади. Бундан кейинги бобларда кўришимиз мумкинки, шахснинг ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи маълум ҳолатларда чекланиши мумкин ва ҳатто шартдир.

Ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи

Ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи шахсларнинг бирлашиш ва уюшиш эркинликлари билан биргаликда демократик жамиятнинг тамал тоши ҳисобланади. Фикрларни эркин ифода этиш ва шакллантириш, инсонларнинг тўпланиши, фикрларни муҳофаза қилиш, танқид қилиш ва талаб қилиш, ўз манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу мақсадда қасаба уюшмалари ва сиёсий партиялар каби ташкилотларни тузиш имконисиз демократияни амалга ошириш мумкин эмас. Фикрни эркин ифодалаш ҳуқуқи бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус маърузачиси таърифлаганидек, ушбу ҳуқуқ «муҳим синов ҳуқуқи бўлиб, унга тўла риоя қилиниши Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Билда белгиланган барча инсон ҳуқуқларига риоя этилиш даражасини белгилаб беради ҳамда ушбу ҳуқуққа нисбатан ҳурмат-эътибор мамлакатнинг тўғри ўйин, адолат ва бирдамлик стандартларини ифодалаб беради».⁵⁴

Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши устидан мониторинг олиб боровчи барча халқаро ва минтақавий органлар демократия учун сўз эркинлиги муҳим аҳамиятга эгаллигига эътибор қаратганлар. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий

⁵⁴ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси махсус маърузачисининг қарашлар эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги маърузаси (E/CN.4/2002/75) 2002 йил январь.

шарҳларида қарашлар эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи «ҳар қандай эркин ва демократик жамиятнинг тамал тоши»ни ташкил этиш эканлигини таъкидлаганлар. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро комиссияси томонидан 2000 йилда Қарашлар эркинлиги тамойиллари тўғрисидаги Америка давлатлараро Декларацияси маъқулланган. Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан 2002 йилда Африкада қарашлар эркинлиги тамойиллари тўғрисидаги декларация қабул қилинган. Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси томонидан ҳам қарашлар эркинлигининг турли жиҳатлари билан боғлиқ бир қатор ҳужжатлар, жумладан, Европа оммавий ахборот воситаларида ахборот ва қарашлар эркинлиги тўғрисидаги 1506-сонли (2001) Тавсиялар ва Қарашлар эркинлиги ва диний эътиқодга ҳурмат тўғрисидаги 1510-сонли (2006) Резолюция қабул қилинган.

Фикрни эркин ифода этиш ҳуқуқи нафақат шахсларнинг ўз фикрини эркин ифода этишини, балки ҳар турдаги маълумот ва фикрларни излаш, қабул қилиш ва беришни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ушбу ҳуқуқ шахсий ва жамоавий жиҳатларга эга: ушбу ҳуқуқ шахсларга тегишли бўлиб, айна пайтда турли маълумотларни қабул қилиш ва бошқалар ифода этган фикрлар билан танишиш масаласида жамоавий ҳуқуқ тарзида намоён бўлади.

68. Жадвал – Ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқини кенг маънода талқин этиш

Инсон ҳуқуқлари кўмитаси томонидан кўриб чиқилган (1952-сонли (2010) мурожаат) «Виталий Симоник Беларусияга қарши» ишида ариза муаллифининг сиёсий варақалар тарқатишининг олди олингани, варақалар мусодара қилингани, унинг ҳибсга олингани, уни маъмурий ҳуқуқбузарликда айблаш ва кейинчалик унга нисбатан жарима тайинланиши Пактнинг 19-моддасида кафолатланган ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқининг асоссиз чеклаб қўйилиши, деб топилган.

«А.В.П. Данияга қарши» ишида (1879-сонли (2009) мурожаат) даъвогар «Дания мусулмонларига нисбатан нафратга тўла нутқ сўзлашларига қарши самарали чоралар кўриш борасидаги ижобий мажбуриятларини бажармаган ҳолда, иштирокчи-давлат ариза муаллифининг ҳуқуқларини бузган», деб даъво қилган. Муаллиф Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг мазмунига кўра камситувчи нутқнинг бевосита «жабрланувчиси» ўзи эканлигини намоиш қила олмгани сабабли Инсон ҳуқуқлари кўмитаси шикоятни асоссиз деб топди.

«Ирина Федотова Россия Федерациясига қарши» ишида (1932-сонли (2010) мурожаат) аризачи ўрта умумтаълим мактаби яқинида «Бесоқолбозлик одатий ҳол» ва «Мен бесоқолбозлигимдан фахрланаман» деган ёзув акс этган иккита постерни намоиш қилгани учун унга 1500 рубл миқдорида жарима солинган. Инсон ҳуқуқлари кўмитаси ўз қарорида «вояга етмаган шахслар ўртасида бесоқолбозликни тарғиб қилишга қаратилган оммавий ҳаракатлар»ни тақиқловчи Рязан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонуни Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда белгиланган камситишлардан холи бўлиш ҳуқуқи билан бир қаторда аризачининг ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқини бузган, деб топган.

«Ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи демократик жамият мавжуд бўлиб, ўрнашиб турган тамал тошдир. Бундан ташқари, бу ҳуқуқ сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, илмий ва маданий уюшмалар ва умуман жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш мақсадида бўлган ташкилотларнинг шаклланиши учун ҳам керакли шартдир. Қисқа қилиб айтганда, бу ҳуқуқ жамоатчилиكنинг ўз фаолиятини олиб боришида етарли маълумотга эга бўлиб туриш воситасини ифодалайди. Шу қаторда айтиш мумкинки, етарлича маълумот олиб турмаган жамият ҳақиқий эркин жамият бўла олмайди».

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро судининг ОС-5\85-сонли тавсиявий фикри, 70- банд

Ахборот ва ғояларни эркин тарқатиш ҳуқуқи

Ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқининг бу кўриниши парламент аъзолари учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу шахсга сиёсий жиҳатдан ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқини беради. Кивенмаа ва Финляндия ўртасидаги (1994) Финляндияга расмий ташриф билан келган чет давлат раҳбарининг инсон ҳуқуқлари масаласидаги ўтган фаолиятини танқид остига олган намоёиш юзасидан олиб борилган суд ишида Инсон ҳуқуқлари қўмитаси шахснинг ўз сиёсий фикрини ифода этиш, шу жумладан инсон ҳуқуқлари масаласига оид бўлган фикрини ифода этиши, Пактнинг 19-моддасига кўра кафолатланган шахснинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқининг бир қисмини ташкил этади деб топди. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳларида таъкидланганидек, ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқининг доираси «хатто тажовузкор деб ҳисобланиши мумкин бўлган ифодаларни ҳам қамраб олади». Бироқ, ўз фикрини бундай тажовузкор тарзда ифода этиш Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-модда, 3-қисмида ва 20-моддасида келтирилган чеклашларга олиб келиши мумкин.

Ахборот излаш ва олиш эркинлиги

«Ҳукумат вакиллари маълумотни ўзлари учун эмас, балки ижтимоий фаровонлик васийси сифатида сақлаб турадилар ва ҳар бир шахс ушбу маълумотга эга бўлиши ҳуқуқига қонун билан белгиланган аниқ қоидаларга мувофиқ эга бўлишга ҳақлидир».

Фикрни эркин ифодалаш ҳуқуқи тамойиллари тўғрисидаги Африка декларацияси, IV модда

Ахборот излаш ва олиш ҳуқуқи «ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқининг асосий унсуридир». БМТнинг Қарашлар эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи бўйича махсус маърузачиси ҳужжатининг (А/68/362) 18- ва 19-бандларида назарда тутилганидек, бошқа бир қатор инсон ҳуқуқларини амалга оширишда ахборот олиш муҳим имконият тақдим этиши мумкинлиги туфайли ахборот олиш ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ бўлиш билан бир қаторда «эркин ва демократик жамиятларнинг асоси ҳисобланган ҳуқуқлардан биридир».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига кўра «давлат органлари томонидан сақланадиган ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи» ҳам мавжуд. Бунинг учун давлатлар «жамоатчилик манфаатларига тааллуқли бўлган ва ҳукуматга оид маълумотларни фаол тарзда оммавий фойдаланиш имконияти мавжуд ресурсларга жойлаштиришлари керак... ва [...] бундай ахборотдан осон, тезкор, самарали ва амалий фойдаланишни таъминлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишлари керак» (БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳларининг 19-банди). Шу мақсадда давлатлар инсон ҳуқуқларига доир қонунларга мувофиқ ҳолда аниқ қоидалар асосида ахборотга бўлган талабларнинг ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлайдиган тизимларни жорий этишлари керак, ахборот сўровлари учун олинadиган тўловлар улардан фойдаланишга «ноўрин тўсиқ» бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, фуқароларнинг сўралган маълумотни тақдим этиш учун берган аризалари рад этилгани учун апелляция бериш жараёнлари мавжуд бўлиши шарт (БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳларининг 19-банди).

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқининг унсурлари Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг кўплаб моддаларига киритилганлигини таъкидлаган. Масалан, 2-моддага кўра давлатларга фуқароларнинг Пактда назарда тутилган ҳуқуқлари тўғрисида маълумот берилишини таъминлаш мажбурияти юклатилган; 27-моддага мувофиқ «озчилик гуруҳининг турмуш тарзи ва маданиятини сезиларли даражада бузиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш жараёни манфаатдор доиралар билан ахборот алмашиш ва маслаҳатлашиш жараёнида амалга оширилиши керак» (БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳларининг 18-банди).

Давлат органлари томонидан сақланадиган ахборотни излаш ва олиш эркинлиги бўлмаса, оммавий ахборот воситалари, парламент аъзолари ёки шахслар томонидан коррупция, нотўғри ёки самарасиз бошқарув тизимини ошкор этиб бўлмайди, шаффоф ва масъулиятли ҳукумат фаолияти таъминланмайди; ёки ўзларининг шахсий ҳуқуқларига таъсир этиши мумкин бўлган маълумотларга эга бўла олмайдилар (БМТнинг Қарашлар эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи бўйича махсус маърузачисининг ҳужжати 19-банди, A/68/362).

69. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари бузилишига доир ахборот олиш имконияти

Юқорида таъкидланганидек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига кўра, иштирок этувчи давлатлар жамоатчилик манфаатларига тегишли давлат ахборотларини омма фойдаланиши мумкин бўлган ресурсларга жойлаш, хусусан, ахборот олиш эркинлиги тўғрисидаги қонуний ҳужжатларни қабул қилиш ва бошқа чоралар кўриш орқали рағбатлантириб бориши лозим (Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳлари 19-банди). БМТнинг Қарашлар эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи масалалари бўйича махсус маърузачиси таъкидлаганидек: (а) маълумотлардан фойдаланиш имконияти билан ҳуқуқ ва ҳақиқатни билиш ҳуқуқи «ўзаро чамбарчас боғлиқдир»; (б) давлатлар жабрланувчилар тегишли органларни жавобгарликка тортиши ва ҳуқуқнинг бузилишига олиб келган шароитларни

ўрганиш юзасидан жамоатчилик муҳокамаси ташкил этиш мақсадида гумон қилинган инсон ҳуқуқлари бузилишларига оид маълумотларни ошкор қилишга мажбурдирлар (A/68/362, 24- ва кейинги бандлар) .

Инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақидаги маълумотларни олишда ҳали кўп тўсиқларга дуч келинмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро судининг фикрича, давлат ҳокимияти органлари бундай ахборотни расмий равишда яширин ёки махфий деб эълон қилиш каби механизмлардан фойдаланиш ёки бундай ҳолатларда суд ёки маъмурий тергов ва суд ишларини юритиш учун зарур бўлган маълумотларни давлат манфаатларини ёки миллий хавфсизликни рўқач қилиб рад этиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, БМТнинг Қарашлар эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи масалалари бўйича махсус маърузачиси қабул қилинган Миллий хавфсизлик ва ахборот олиш ҳуқуқи бўйича Глобал Тамойиллар (The Tshwane principles) муҳим эканлигини таъкидлаган. 10-тамойилнинг А қисми қуйидагиларни назарда тутди: «Инсон ҳуқуқларининг ёки гуманитар ҳуқуқнинг бузилиши тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниш аҳтимоли юқори бўлиши лозим. Зеро, ҳар қандай ҳолатда жавобгарликнинг олдини оладиган ёки жабрланувчининг ўз ҳуқуқини самарали тиклаш воситаларидан маҳрум этадиган тарзда миллий хавфсизликка асосланган сабабларга кўра ҳуқуқ бузилишлари содир этилишига йўл қўйилмайди». (A/68/362, 66-банд б-қисми).⁵⁵

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги

Фикрлаш эркинлигининг муҳим жиҳати матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг, жумладан, онлайн ахборот манбаларининг, қолаверса, шахсларнинг оммавий ахборот воситаларининг материалларидан фойдаланиш имконияти эркинлигига эришишдир. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳларида демократия демократик фаолият юритиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фуқаролар, номзодлар ва сайланган вакиллари ўртасида ахборот ва ғоялар алмашиш юзасидан эркин мулоқот қилиш эркин, турли хил ва мустақил оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлишини тақозо этади. Умумий шарҳларнинг 15-бандида Қўмита мобил ва интернетга асосланган янги алоқа технологияларининг ролига урғу бериб, давлатларни «ушбу янги оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш ва ундан фойдаланувчи шахсларнинг эркинлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришга чақиради».

Жорий этилган чекловлар

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 19-моддаси 3-қисмида сўз эркинлиги ҳуқуқининг амалга оширилиши алоҳида вазифалар ва масъулиятлар талаб этиши таъкидланган. Чекловларга икки соҳада рухсат берилади: (а) бошқаларнинг ҳуқуқларини ёки обрўсини ҳурмат қилиш; б) миллий хавфсизликни, жамоат тартибини ёки аҳоли саломатлигини ёхуд ахлоқини ҳимоя қилиш. Иштирок этувчи давлат

⁵⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро судининг Мирна Мак Чанг Гуатемалага қарши суд иши юзасидан 2003 йил 25 ноябрда чиқарган ҳукми 180-банди, Series C, No. 101 ва «Тиу Тожин Гуатемалага қарши» суд иши юзасидан 2008 йил 26 ноябрда чиқарган ҳукмининг 77-банди, Series C, No. 190.

томонидан ўз фикрини ифодалаш эркинлигига нисбатан татбиқ этиладиган чекловлар мазкур ҳуқуқни ўзини хавф остида қолдирмаслиги керак.

Фикрни эркин ифода этишга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳар қандай чеклов қуйидаги қатъий асосий мезонларига мувофиқ бўлиши лозим:

- Чеклов қонун билан белгиланган бўлиши лозим (парламент томонидан қабул қилинган қонун ҳужжати, суд органлари чиқарган умумий аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжатлари ёки профессионал қоидалар). Ҳар қандай чеклов аниқ ва равшан бўлиши ҳамда қонуний қатъийлик ва очиқлик мезонларига жавоб бериши лозим: чекловлар ҳақидаги маълумот тегишли шахсларга очиқ бўлиши ва чекловлар тааллуқли бўлган шахсларга таъсир этиши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан айтиш мумкин бўлиши шартдир. Аниқ ва равшан бўлмаган ёки жорий этишда ортиқча ваколатларга йўл қўйган қонунлар шахсларни зўравонлик аралашувидан ҳимоя қила олмайди ва камситилишга қарши керакли даражадаги ҳимоя воситасини шакллантира олмайди.
- Чеклов қуйидаги ҳолларда қонуний мақсадларни амалга ошириш учун зарурдир:
 - бошқаларнинг ҳуқуқ ва шаънини ҳурмат қилиш;
 - миллий хавфсизликни, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ва ахлоқни ҳимоя қилиш.

Юқоридаги талабларнинг иккинчиси чеклов жиддий ижтимоий эҳтиёжга йўналтирилган ва кўзланган қонуний мақсадга мутаносиб бўлсагина қондирилиши мумкин, чунки ушбу чекловнинг фикрни эркин ифода этиш ҳуқуқига нисбатан зарари унинг фойдаларидан ошиб кетмаслиги лозим.

70. Жадвал – Оммавий ахборот воситалари эркинлигини ҳимоя қилиш

Эркин, турлича қарашлардаги ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг мавжуд бўлишини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиш йўлида парламент бир қатор амалларни бажариши мумкин, жумладан:

- Оммавий ахборот воситаларига дахлдор қонунларни қайта кўриб чиқиш ва қўшимчалар киритиш, агар лозим бўлса, ушбу қонунларни Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига мувофиқ ҳолга келтириш, хусусан, матбуот ҳуқуқбузарликларни, ирқчилик ёки камситишга оид фикр-мулоҳазалар ёки зўравонликка чорлашга йўналтирилган фикрлар бундан мустасно, қамоқ жазоси билан жазолашни жорий этган қонунларни бекор қилиш ҳамда бировни тўхмат қилиш, камситиш ва обрўсини тўкиш каби ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари жабрланувчиларга етказилган шикаст даражаси билан мутаносиблигини таъминлаб туриш;
- Ирқчилик, камситувчи фикрлар ёки зўравонликни тарғиб қилиш ҳолатларидан ташқари журналистларни ва бошқа шарҳловчиларни озодликдан маҳрум этиш билан жазоловчи ва тўхмат, ғийбат ва ҳақорат қилиш учун белгиланган жарима миқдори жабрланувчи чеккан азобга нисбатан номутаносиб бўлмаслиги учун оммавий ахборот воситалари ва тўхмат тўғрисидаги қонунчиликни Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига мувофиқ ҳолга келтириш;

- Терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддаси 3-қисмига мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятига кераксиз ва номутаносиб аралашувларга олиб келишига йўл қўймаслик учун қайта кўриб чиқиш;
- Барча шакллардаги оммавий ахборот воситаларининг кўпайишини ва мустақиллигини қўллаб-қувватлаш;
- Теле ва радиоканалларни сиёсий ва тижорий (иқтисодий) таъсирдан ҳимоя қилиш, жумладан, мустақил бошқарув органини тайинлаш ва таҳририят мустақиллигига ҳурмат кўрсатиш йўли билан;
- Теле ва радиоканалларни лицензиялаш масаласида ваколатга эга бўлган мустақил органлар ташкил этилишини ва чекловчи бўлмаган ёки ортиқча заҳмат етказмайдиган лицензиялаш тизими барпо этилишини таъминлаш;
- Давлат томонидан матбуот вакилларига бериладиган субсидиялардан ҳукумат вакилларига нисбатан танқидий фикрларни оммага етказмай, яшириш йўлида фойдаланилишининг олдини олиш мақсадида ушбу субсидияларни қайтариш ва тўлаб беришнинг қатъий мезонларини ишлаб чиқиш;
- Оммавий ахборот воситалари назоратининг ортиқча даражада жамланишининг олдини олиш; ресурсларнинг холис тақсимланишини ва оммавий ахборот воситаларига нисбатан тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида дахлдор антимонопол қонунчиликни қабул қилиш;
- Барчанинг интернет тармоғига улана олиш имконини яратиш ва кенгайтириш.

Ўзгалар ҳуқуқи ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш юзасидан жорий этилган чекловлар

«Бошқаларнинг ҳуқуқи» тушунчаси («алоҳида» шахслар ва муайян жамоаларнинг аъзолари сифатида) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа халқаро ҳужжатларда тан олинган барча инсон ҳуқуқларига тегишли. Масалан, Пактнинг 25-моддасига мувофиқ сайловчиларни мажбурловчи ёки кўрқитувчи шакллардаги ифодалардан ва овоз бериш ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида сўз эркинлигини чеклаш қонуний бўлиши мумкин. Бироқ, бу чекловлар қизғин сиёсий мунозараларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилмаслиги керак (БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳлари 28-банди).

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг ҳужжатларида давлат ва жамоат арбоблари ва сиёсий институтлар билан боғлиқ жамоатчилик мунозараларини чеклашни тақозо этмаслик таъкидланади: «давлат ва жамоат арбоблари ҳам Пактда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдалансалар-да, уларгина таҳқирлаш деб ҳисоблайдиган ифода шаклларининг ўзи жазо чоралари қўлланилишини оқлаш учун этарли эмас» (БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳлари 38-банди). Шу сабабли, Қўмита давлат амалдорлари ва муассасалари танқид қилиниши жиноят сифатида баҳоланадиган қонунларнинг мавжудлиги ва қўлланилишидан ташвиш билдирган.

Бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки обрўсини таъминлаш билан сўз эркинлиги ўртасида бўлган ҳар қандай чеклашлар ҳам зарур, ҳам мутаносиб бўлиши керак. Масалан, маълум бир жамиятнинг тилини ҳимоя қилиш мақсадида маълум бир тилда тижорий реклама қилишни тақиқлаш агарда сўз эркинлигини чекламайдиган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин бўлса, у ҳолда зарурат синови бузилган ҳисобланади (Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, «Баллантайн, Давидсон ва МакИнтайр Канадага қарши» иши, 359/385/89-сонли мурожаат). Бошқа бир ишда Қўмита иштирокчи-давлат томонидан диний жамоага нисбатан душманлик кайфиятидаги материалларни нашр этган ўқитувчини у душманлик кайфиятида бўлган динга эътиқод қилувчи шу ҳудуддаги мактабда таҳсил оладиган болаларни ҳимоя қилиш мақсадида дарс беришга алоқадор бўлмаган бошқа лавозимга ўтказилганида зарурат синовиға мувофиқ ҳаракат қилган деб топган (Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, «Росс Канадага қарши» иши, 736/97-сонли мурожаат).

Миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини ҳимоя қилишга тааллуқли чекловлар

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳларига мувофиқ, давлатлар давлатга хиёнат қилиш ёки уйдирма тарқатиш тўғрисидаги қонунлар тор доирада қўлланилишини кафолатламаса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-модда, 3-қисмида кўрсатилган мажбуриятларини бузган ҳисобланади. Умумий шарҳларнинг 30-бандида Қўмита қуйидагиларни таъкидлаган: «масалан, бундай қонунларни миллий хавфсизликка зиён етказмайдиган жамоатчилик манфаатларига оид маълумотларни ошкор қилмаслик ёки тўхтатиш ёхуд журналистлар, тадқиқотчилар, атроф-муҳит ҳимоячилари, ҳуқуқ ҳимоячилари ва бошқаларни жиноий жавобгарликка тортиш учун ноқонуний қўллаш Пактнинг 3-бандга мувофиқ эмас».

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг «Соҳн Корея Республикасига қарши» (518-сонли (1992) мурожаат) иш бўйича чиқарилган қарорида таъкидлашча, миллий хавфсизликни ҳимоя қилиш мурожаатчининг меҳнат ҳуқуқлари учун давлат миқёсида намоишлар ўтказилишини қўллаб-қувватлаб баёнот бериши натижасида унинг ҳуқуқлари чекланишига қонуний асос бўла олмайди.

Ахлоқий муносабатлар асослари ва соғлиқни сақлашни ҳимоя қилишга доир чекловлар

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 22-сонли (1993) умумий шарҳларида «ахлоқ тушунчаси кўплаб ижтимоий, фалсафий ва диний анъаналардан келиб чиққан; шунинг учун ахлоқий меъёрларни ҳимоя қилиш учун чекловлар ... фақатгина битта одатдан келиб чиқмайдиган тамойилларга асосланиши керак». Ҳар қандай чекловлар инсон ҳуқуқларининг умуминсонийлиги ва камситмаслик тамойиллари асосида тушунилиши керак.

71. Жадвал – Ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи ва парламент аъзолари: уларнинг ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқини чеклашга уринишларни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда танқидий муносабатларга нисбатан бағрикенглик

Парламентлараро иттифоқнинг Парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ҳар доим таъкидлаганидек, ўз мандатларига кўра ўзларини сайлайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи шахс сифатида парламент аъзолари ўз фикрларини эркин ифода этишга қодир бўлишлари лозим. Парламентлараро иттифоқнинг Парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ҳукуматларни барча парламент аъзоларининг, хусусан, мухолифат партияларига тегишли бўлган парламент аъзоларининг дахлсизлик ҳуқуқи ва сўз эркинлигини самарали таъминлашга чақиради.

Парламентлараро иттифоқнинг Парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг парламент аъзоларига нисбатан содир этилган инсон ҳуқуқлари бузилишлари тўғрисидаги 2015 йилги ҳисоботида 43 та давлатда 320 нафар депутатга нисбатан инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари содир этилганини аниқлаган бўлиб, бу бузилишлар асоссиз равишда ҳибсга олиш, адолатли суд маҳкамаси жараёнининг таъминланмаслиги ва учинчи, энг кенг тарқалган бузилиш шакли уларнинг ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқининг бузилишидир. Кўпчилиكنи ташкил этувчи ёки ҳокимият тепасида бўлган сиёсий партиялар аъзоларига қараганда мухолиф сиёсий партия аъзолари сўз эркинлиги ва бошқа инсон ҳуқуқларини бузишлардан азият чекиш эҳтимоли юқоридир (батафсил маълумот олиш учун қаранг: www.ipu.org).

Ҳукумат вакилларини бир қатор қотилликларда иштирок этганликда айбловчи мақолани чоп этганлиги учун айбдор деб топилган парламент аъзоси иштирокидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган Костеллс ва Испания ўртасидаги ишда (1992) Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди «ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи ҳамма учун муҳим бўлган ҳолда, халқ томонидан сайланган вакил учун янада муҳимлигини» айтиб ўтган. Бундай вакил ўз сайловчилари номидан иш юритади, уларнинг иродасига эътибор қаратади ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Мувофиқ тарзда мухолифатдаги парламент аъзосининг ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқини камситиш ... Суд томонидан ҳар томонлама текширувлар ўтказилишига замин яратади». Суд яна шуни ишонтириб айтганки, «Рухсат этилиши мумкин бўлган танқидий муносабат чегаралари давлатга нисбатан оддий фуқаро ёки ҳатто сиёсатчи нисбатан бўлганидан ҳам кенгроқдир. Демократик жамиятда ҳукумат вакилларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги нафақат қонунчилик ва суд органлари томонидан, балки матбуот ва жамоатчилик фикри томонидан ҳам ҳар томонлама текширув олиб бориш мумкин бўлиши лозим. Бундан ташқари, давлатнинг устун мавқега эга бўлиши жиноий ишлар очиш чораларига боришдан сақланиш заруриятини тақозо этади, хусусан, қарши томонларнинг ёки оммавий ахборот воситаларининг асоссиз ҳужуми ва танқидий муносабатларига жавоб қайтаришнинг бошқа воситалари мавжуд бўлган ҳолларда...»

Кўп ҳолларда Европа суди белгиланганидек, ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида инсонлар сиёсий арбобларни жамоатчилик хизматида бўлмаган бошқа шахсларга нисбатан қаттиқроқ танқид қила олишига рухсат берилиши лозим (Масалан, Лингенс ва Австрия ўртасидаги (1986) ҳамда Диканд ва бошқалар билан Австрия ўртасидаги (2002) ишларга қаранг).

Ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига нисбатан қўлланиладиган мажбурий чекловлар

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 20-моддасига кўра, давлатлар «уруш ташвиқоти» ва «камситиш, душманлик ва зўравонликка тарғиб этувчи миллий, ирқий ёки диний адоватни ёқлаш» каби жиноятларни тақиқлаш юзасидан қонуний чоралар кўриши кераклиги назарда тутилган. Бироқ, Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳларига кўра, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 20-моддасига биноан қабул қилинган қонунга асосан сўз эркинлигининг ҳар қандай тарзда чекланиши мазкур пактнинг 19-модда, 3-қисмида назарда тутилган зарурият ва мутаносиблик синовлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Умумий шарҳларнинг 48-банди «Дин ва бошқа эътиқод тизимиغا, жумладан куфр тўғрисидаги қонунларга ҳурматсизлик кўрсатилишини тақиқламаслик, пактнинг 20-модда, 2-қисмида назарда тутилган алоҳида ҳолатлардан ташқари, пактнинг мақсад ва вазифаларига зиддир». Шундай қилиб, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларига биноан муайян динларни ёки эътиқод тизимларини қўллаб-қувватлайдиган ёки жазолайдиган қонунлар қабул қилиниши, диний раҳбарлар ёки таълимотларни танқид қилишни тақиқловчи ёки бунинг учун жазоловчи чора-тадбирларнинг амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ҳукуматларни уларга нисбатан зўравонлик ёки инсон қадр-қимматини камситувчи ёхуд ғайриинсоний муомала қилиниши мумкинлиги сабабли аёллар ва қизлар акс эттирилган одобсиз ва порнографик материалларни нашр этиш ёки тарқатишни чеклаш учун қонуний чоралар кўришга ундаган (28-сонли (2000) умумий шарҳлар).

72. Жадвал – «Хотира қонунлари» ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли (2011) умумий шарҳларига кўра, «Тарихий фактлар бўйича фикрларини ифода этганлик учун жазоловчи қонунлар қабул қилиш иштирокчи давлатларнинг пактга мувофиқ ўз фикрини эркин ифодалаш ва қарашлар эркинлигини ҳурмат қилиш билан боғлиқ зиммаларига олган мажбуриятларга зиддир. Пакт ўтган воқеаларни нотўғри талқин қилиш ёки бу ҳусусда нотўғри фикр билдириш юзасидан умумий тақиқ ўрнатилишига рухсат бермайди».

Қўмита умумий шарҳларида ариза муаллифи Гейссот қонуни бўйича жавобгарликка тортилган «Фауриссон Францияга қарши» ишига (550-сонли (93) мурожаат) ҳавола берган. Гейссот қонунига кўра, Нюрнберг трибуналига асос солган Лондон Хартиясида (1945) белгиланган инсониятга қарши жиноятларнинг содир этилгани фактига қарши чиққанлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Аксарият кўмита аъзоларининг фикрича, унинг сўзлари антисемитизмни тарғиб қилгани боис ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чоралар кўриш мақсадида Фауриссоннинг нутқиға нисбатан чеклов жорий этилишини оқлаш учун асос бўлган. Бироқ, кўмитанинг бир неча аъзолари Гейссот қонунни махсус қонун ҳисобланмаслиғига эътибор қаратганлар. Уларнинг фикрига кўра, қонундан бошқа ҳолатларда ҳам ҳақиқий тарихий тадқиқотлар билан боғлиқ нутқларга ва сўз эркинлиғига нисбатан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ йўл қўйилмайдиган узоқ муддатли асоссиз чекловларни жорий этишда фойдаланиш мумкин.

Тинч намоишлар ўтказиш ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 20-моддаси:

- «1. Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга.*
- 2. Ҳеч ким бирор уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас».*

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 21-моддаси:

«Тинч йиғинлар ўтказиш ҳуқуқлари тан олинади. Бу ҳуқуқдан фойдаланишда ҳеч бир чеклашга йўл қўйилмайди. Қонунга мувофиқ қўйилган ва демократик жамиятда давлат ва жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва ахлоқи ёки бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинлиги манфаатлари учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустасно».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддаси 1- ва 2-қисмлари:

- «1. Ҳар бир инсон бошқалар билан уюшмалар тузиш, жумладан, қасаба уюшмалари ташкил этиш эркинлиғига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга аъзо бўлиб кириш ҳуқуқига эга.*
- 2. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш асло чекланмайди, қонун билан белгиланганлари ва демократик жамиятда давлат ёки жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби манфаатлари учун, аҳоли саломатлиги ва ахлоқини муҳофаза этиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимояси учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу модда қуролли кучлар ва полиция таркибига кирувчи шахслар учун ҳуқуқдан фойдаланишда қонуний чеклашлар киритишга ҳалал бермайди».*

Ўз фикрини эркин ифодалаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи, шунингдек, тинч намоишлар ўтказиш ва жамоаларга уюшиш ҳуқуқлари фуқаролар демократик жараёнларда иштирок этишининг асосий шарти сифатида демократик жамиятда муҳим ўрин тутadi.

Оммавий йиғинлар ўтказиш ҳуқуқи

Қўлланиш доираси

Оммавий йиғинлар ўтказиш ҳуқуқи маълумот ёки фикрларни жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш ёки тарқатиш мақсадида йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шунга қарамай, оммавий йиғилишлар фақатгина «тинч йўлда» – кенг талқин қилиниши лозим бўлган тушунча бўлсагина ҳимоя қилинади. Масалан, ҳукумат вакиллари тинч намоишларни хавфсизлик кучлари томонидан куч ишлатиш ёки провокация қилишдан, таҳқирлаш ёки ўзга мақсаддаги намоишчиларнинг провокация қилувчи (таҳқирловчи) агентлари томонидан қўзғолон ёки оммавий тартибсизликка айлантирилишидан сақлаши лозим.

Давлатлар оммавий намоишлар ўтказиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган конструктив чоралар кўриш ва бу ҳуқуқни ҳукумат вакиллари ва шунга ўхшаш муассасалар томонидан поймол қилинишидан сақлашга мажбурдир. Бу масалада ҳукумат вакиллари оммавий йиғилишлар ва намоишларнинг тинчлик билан амалга оширилишини таъминловчи чоралар кўриши лозим. Мувофиқ тарзда ҳукумат вакилларига режалаштирилаётган оммавий йиғин ёки намоиш ҳақида маълум муддат олдин маълумот бериб огоҳлантирилиши ва уларга ушбу йиғинларда қатнашиш ҳуқуқи берилиши даркор.

Чекловлар

Тинч йўл билан оммавий йиғинлар ўтказиш ҳуқуқига нисбатан маълум чекловлар қўлланиши мумкин:

- Қонунга мувофиқ бўлиши лозим: уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи маъмурий ҳукумат вакиллари томонидан, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мустақил равишда умумий қонунчилик асосида чекланиши мумкин;
- Демократик жамиятда заруриятга эга бўлиши лозим: мисол учун чекловлар демократиянинг асоси бўлган плюрализм, бағрикенглик, ҳурфикрлилик ва халқ суверенитети каби қадриятларга мутаносиб бўлиши лозим; шунинг учун оммавий йиғинни куч ишлатиш йўли билан тарқатишга бошқа енгилроқ чоралар муваффақиятсизликка учраган ҳолдагина рухсат берилиши мумкин;
- Қонуний бўлган мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим, жумладан, миллий хавфсизлики, жамоатчилик тинчлигини (мисол учун агар оммавий йиғин инсонларга ёки намоиш жойига яқиндан ўтиб кетаётганларга таҳдид туғдирса, у тарқатилиб юборилиши мумкин), жамоат тартибини, халқ соғлигини ва ахлоқини ҳамда ўзга шахсларнинг эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадлари каби.

Уюшмаларга бирлашиш эркинлиги

Қўлланиш доираси

Уюшмаларга бирлашиш эркинлиги ҳар қандай шахснинг айна қарашларига эга бўлган бошқа шахслар билан уюшма ташкил этиш ёки мавжуд уюшмага қўшилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шунга қўра, бошқа партияларнинг шаклланиши ва фаолиятига йўл қўймайдиган ягона партиявийлик тизими ўз-ўзидан уюшмаларга бирлашиш эркинлигига зиддир. Уюшма ташкил этиш ва унга аъзо бўлиш кишиларнинг ўз хоҳиши

асосида бўлиши лозим; ҳеч бир шахс – бевосита ёки билвосита тарзда – давлат ёки хусусий муассасалар томонидан сиёсий партияга, диний гуруҳга, тижорат уюшмасига ёки спорт клубига аъзо бўлишга мажбурланиши мумкин эмас. Давлатлар уюшмалар тузиш тартибининг қонуний асосини таъминлаш ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқининг ўзга томонлар томонидан бузилишидан муҳофаза қилиш мажбуриятига эгадир.

Уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи, жумладан, айрим шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида қасаба уюшмалари тузиш ва уларга аъзо бўлиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади. Қасаба уюшмаларининг ҳуқуқлари Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддасида янада аниқроқ белгиланган.

73. Жадвал – «Туркия социалистик партияси ва бошқалар Туркияга қарши» суд иши (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2003)

ТСП 1992 йил 6 ноябрда ташкил этилган, лекин 1993 йилда партия, унинг дастури миллат бирлиги ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигига путур етказгани сабаби остида мамлакат Конституциявий суди томонидан тарқатиб юборилиши буюрилган. Конституциявий суд ТСП курдларни ўзлигини англаш учун курашга чорлаган ва «мустақиллик учун уруш» ҳуқуқини қўллаб-қувватлаган деган хулосага келган ва ушбу партиянинг қарашлари террористик гуруҳларнинг қарашларига хос экани айтиб ўтган. Шикоятчилар эса ўз навбатида партиянинг тарқатилиб юборилиши Европа инсон ҳуқуқлари Конвенциясининг 11-моддасида кўрсатилган уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқининг бузилиши деб даъво қилиб чиққан.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ТСПнинг тарқатиб юборилиши шикоятчининг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқининг бузилишига олиб келган, деб топган. Давлат аҳолисининг маълум қисмига оид ҳолатни жамоатчилик орасида муҳокама қилиш ҳамда демократик йўл билан барча алоқадор гуруҳлар талабини қондирувчи ечимлар топиш мақсадида мамлакат сиёсий ҳаётида қатнашиш истагида бўлган сиёсий гуруҳ фаолиятини тақиқлашга ҳеч қандай асос бўлиши мумкин эмас эди. Бундан ташқари, Европа суди Туркия Конституциявий суди ТСПни у ўз фаолиятини бошлашдан аввал тақиқлаганини ҳисобга олган ҳолда, Туркия Конституциявий судининг ТСПни Туркияда терроризм муаммоларининг келиб чиқишига жавобгар деган айбловни тасдиқлаш учун ҳеч қандай исбот-далил йўқлигини аниқлаган. Шунинг учун Европа судининг фикрига кўра, партиянинг тарқатиб юборилиши демократик жамият учун номутаносиб бўлиб, бунга мутлақо зарурат йўқ эди.

Чекловлар

Уюшмага бирлашиш эркинлигига нисбатан оммавий йиғинлар ўтказиш ҳуқуқига бўлгани каби бир хил чекловлар қўлланилиши мумкин: ҳар қандай чеклов қонунга мувофиқ бўлиши, демократик жамиятда заруриятга эга бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилиши учун асосли мақсадга йўналтирилган бўлиши, жумладан, миллий хавфсизликни, жамоатчилик тинчлигини, жамоат тартибини, халқ соғлиғи ва ахлоқини ва ўзга шахсларнинг эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиши даркор. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 20-модда 2-қисмига

кўра ҳар қандай миллий, ирқий ёки диний қарама-қаршиликларни тарғиб этиш ман этилганидек, миллий, ирқий ёки диний қарама-қаршиликларни тарғиб этувчи ҳар қандай уюшма фаолияти тақиқланиши лозимдир.

Давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси:

«1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатада давлат хизматиغا киришда тенг ҳуқуққа эга.

3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддаси:

«Ҳар бир фуқаро 2-моддада эслатиб ўтилган камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

б) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;

в) ўз мамлакатада умумий шартларда давлат хизматиغا киришда тенгликка йўл қўйиш».

Давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи замонавий демократиянинг асоси ҳисобланади ва шунинг учун парламент учун жуда муҳимдир. Ушбу ҳуқуқнинг амалда тўғри қўлланилиши парламентнинг демократик хусусияти ҳамда давлат бошқарувининг ва сиёсатларининг қонунийлигида бевосита аҳамиятга эгадир.

Ушбу ҳуқуқ қуйида баён этилган уч таркибий қисмдан иборат:

- Давлат бошқарувида оммавий иштирок этиш;
- Овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқи;
- Ҳукумат ишида хизмат қилиш учун тенг имкониятлар.

Давлат бошқарувида оммавий иштирок этиш ҳуқуқи

Давлат бошқарувида иштирок этиш а) давлат ишида ўз сайлаган вакиллари орқали билвосита қатнашиш ва б) бевосита иштирок этишдан иборат.

Билвосита иштирок этиш

Давлат бошқарувида иштирок этишнинг бу тури сайловлар ва вакиллик органлари, хусусан, миллий парламент тузиш йўли билан аҳолининг давлат ишларида қатнашиши, ўз иродасини ифода этиши ва ҳукуматни ҳисоботга қақриши орқали амалга оширилади. Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг таъкидлашича, вакиллик органларининг ваколатлари қонуний асосга эга бўлиши ва тавсия бериш вазифаси билангина чекланиб қолмаслиги лозим, бундан ташқари, халқ вакиллари конституция асосида белгиланган ваколатларнигина бажариши лозим (25-сонли Умумий мулоҳаза).

Парламентлар халқ иродасини тўлиқ ифода эта олиши учун сайловлар ҳаққоний, эркин бўлиши ва белгиланган муддатларда ўтказилиши лозим. 1994 йили Парламентлараро иттифоқ Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларацияни қабул қилган бўлиб, унга кўра овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқлари мезонлари; номзодлик, партиялар ва сайлов компаниясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. БМТ ҳам ўзининг сайловларга ёрдам кўрсатиш ва кузатув олиб бориш фаолияти асосида сайлов қонунчилиги ва амалиётнинг умумий элементлари қандай бўлиши тўғрисида аниқ мезонларни белгилаб қўйган.⁵⁶

Эркин ва адолатли бўлиши учун сайловлар қўрқувдан холи бўлган, фундаментал инсон ҳуқуқларини, жумладан, ўз фикрини эркин ифода этиш, эркин намоёйишлар ўтказиш ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқларини эъзозловчи, камситишга йўл қўймайдиган ҳамда мустақил текширув амалиётига эга бўлган муҳитда ўтказилиши лозим. Сайловлар шахсларнинг иродаси эркин ифода этилишини ва сайловчилар ҳаққоний танловга эга бўлишини таъминлайдиган тарзда амалга оширилиши лозим. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи қонун билан камситмаслик ва сайлов жараёнида барча шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида белгиланиши лозим. Сайловларда иштирок этиш давлат фуқароларидан бошқалар учун чегараланишига қарамай, жисмоний ногиронлик, саводсизлик, маълумот, партияга аъзолик ёки мулкка эгалик талаблари каби асоссиз сабабларга кўра чегараланиши қатъий тақиқланган.

Бевосита иштирок этиш

Бевосита иштирок этиш шуни англатадики, нафақат халқ томонидан сайланган вакиллар, балки фуқаролар ҳам халқ вакиллари билан ижтимоий муҳокамалар ва диалоглар олиб бориш, референдумлар ва оммавий ташаббуслар ёки ўз фикрини эркин ифода этиш, оммавий намоёйишлар ўтказиш ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқлари кафолатланган ўз-ўзини ташкиллаштириш орқали давлат бошқарувида иштирок этишлари мумкин. Лекин Маршалл ва Канада ўртасидаги суд ишида (1991) Инсон ҳуқуқлари қўмитаси сиёсий фаолиятда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини бериш масаласида давлатлар кенг ваколатларга эга эканлигини тан олган:

«Ҳар қандай демократик жамиятда давлат бошқаруви, шу мақсадда сайланган халқ вакиллари ва қонунга биноан тайинланган ҳукумат вакиллари томонидан амалга

⁵⁶ БМТ Тараққиёт Дастури, Сайловларда қўмаклашиш учун онлайн материаллар тўплами, Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://toolkit-elections.unteamworks.org/?q=node/17>.

оширилиши эътироз ва муҳокамалардан холи бўлиши лозим. Шубҳасиз, давлат бошқаруви аҳолининг катта қисми ёки ҳатто унинг барча қисми манфаатларига таъсир этади, баъзи ҳолларда эса давлат бошқаруви амалиёти жамиятнинг маълум гуруҳлари манфаатларига таъсир ўтказди. Кўп ҳолларда қонунчилик томонидан ёки давлат ишларини олиб бориш амалиётида давлат сиёсатига айланган, манфаатдор гуруҳлар билан ижтимоий муҳокамалар ёки консалтациялар олиб бориш каби дастлабки маслаҳатлашувлар кўзда тутилганлигига қарамай, пактнинг 25-модда, (а) банди манфаатлари давлат бошқаруви амалиёти таъсири остида бўлган ҳар қандай кичик ёки катта гуруҳ давлат бошқарувида қатнашиш шартларини танлашда чексиз ҳуқуққа эга деган маънони англатади деб тушуниш нотўғри бўлади. Юқорида айтилган моддани бу тарзда шарҳлаш фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирок этиш ҳуқуқини 25-модда, а) бандининг қамрови доирасидан четга чиқишга олиб келган бўлар эди.

74. Жадвал – Парламентлараро иттифоқнинг Эркин ва адолатли сайлов мезонлари тўғрисидаги декларацияси, 1994

Парламентнинг обрўси ва кучи асосан унинг жамиятнинг барча бўғинларини ўзида ифода этиш салоҳиятидан келиб чиқади, бу эса ўз навбатида сайловларнинг қай тарзда ташкил этилишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Парламентлараро иттифоқ сайлов мезонларини ишлаб чиқиш йўлида катта, сезиларли ишни амалга оширади. Бу ишнинг муҳим натижаси – 1994 йилда қабул қилинган адолатли сайлов мезонлари тўғрисидаги декларациядир. Ушбу декларация сайловларга доир давлатлар амалиёти ва халқаро ҳуқуқ мазмуни ва қоидаларини, хусусан, сайловларни мувофиқлаштирувчи қонундан бошлаб номзодликка қўйиш, овоз бериш жараёни устидан мониторинг олиб бориш, овозларни санаш, натижаларни эълон қилиш, шикоятларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал қилишгача бўлган бутун сайлов жараёнини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган.

Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи

Овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқи демократик институт бўлган парламент, парламент аъзолари ва умуман демократия учун катта аҳамият касб этади. Ушбу ҳуқуқнинг тўғри йўлга қўйилиши ва амалга оширилиши сайловчиларнинг сайланган вакилларни қабул қилишларига, парламент қабул қиладиган қонун ва қарорларнинг қонунийлигига тўғридан-тўғри таъсир этади. Шунинг учун бу ҳуқуқ парламент ҳамда вакиллар орқали халқ бошқаруви тушунчаси моҳиятига бевосита боғлиқдир. Ушбу ҳуқуқнинг бузилиши парламентнинг легитимлигига ва ҳатто ўта жиддий ҳолларда мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва барқарорликка нисбатан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, парламент аъзолари овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқининг тўғри йўлга қўйилишини таъминловчи ҳимоячи ҳисобланадилар.

Сайловлар шундай ташкил этилиши лозимки, унда одамлар фикри эркин ва самарали ифода этилиб, электоратга ҳаққоний танлаш имконияти берилиши керак. Қолаверса, барча номзодлар ва рақобатлашаётган партияларнинг барчаси ҳеч қандай камситишларсиз оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишини таъминланиш муҳим ҳисобланади.

Сайлаш ҳуқуқи

Сайлаш ҳуқуқиға эга бўлган барча шахсларнинг рўйхатдан ўтишларига имконият яратилиши лозим ва рўйхатдан ўтиш ва сайлаш жараёнида қўрқитиш ёки мажбурлаш каби ҳар қандай амалиёт қонун билан тақиқланиши лозим. Сайловлар «бир шахс – бир овоз» тамойили асосида амалга оширилиши лозим. Сайловчилар гуруҳларининг чегараларини белгилаш ва овозларни тақсимлашда сайловчиларнинг гуруҳларга тўғри тақсимланишининг бузилишига ёки маълум ижтимоий гуруҳларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Саводсизлик, тил билмаслик (маълумотлар озчилик гуруҳ тилида ҳам чоп этилиши лозим), қашшоқлик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг фойдалана олмаслиги ёки эркин ҳаракат қилишга тўсиқлар каби қийинчиликларни ҳал этиш учун зарур ижобий чоралар кўрилиши лозим.

Фуқаролар мажбурлаш ёки қайси томонга овоз беришни афзал кўришларини айтишга ундовчи ҳаракатлардан ҳимоя қилинишлари лозим ва ёпиқ овоз бериш тамойилининг бажарилиши таъминланиши лозим.

Сайланиш ҳуқуқи

Сайланиш ҳуқуқи минимал ёш ва фуқаролик каби чекловлар билан чегараланиши мумкин, лекин бундай чекловлар асосли ва мантиқий бўлиши керак. Таъкидланганидек, жисмоний ногиронлик, саводсизлик, маълумот, партияга аъзолик ёки мулкчилик талаблари ҳеч қачон чеклаш учун асос бўлмаслиги лозим.

Бундан ташқари, номзодликка қўйиш муддатлари, йиғин ёки тўловлар асосли ва камситмайдиган бўлиши лозим (Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 25-сонли (1996) Умумий шарҳларининг 16-банди).

Овоз бериш жараёни

Миллий қонунчиликда сайловларнинг эркин, адолатли ҳамда даврий бўлиши кафолатланиши лозим. Сайловчилар ҳукуматни эркин тарзда қўллаб-қувватлаш ёки унга қарши чиқиш ҳамда ўз фикрларини мустақил равишда шакллантириш ҳуқуқиға эга бўлишлари лозим. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродалари эркин ифодаланиши учун сайловлар яширин овоз бериш орқали ўтказилиши шарт.

Юқорида айтилган чора-тадбирларнинг муҳим жиҳати – сайлов жараёнини назорат қилиб турувчи мустақил органнинг ташкил этилишидир. Сайлов жараёнида овоз бериш қутиларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳам жуда муҳимдир. Овоз бериш якунлангандан сўнг бюллетенлар халқаро кузатувчилар, номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари иштирокида санаб чиқирилиши лозим.

«Сиз ким бўлишингиздан, қаерда яшашингиздан қатъи назар, халқаро ҳуқуққа мувофиқ сизнинг овозингиз ҳисобга олинади. Ҳукуматлар бу амалга ошириб бўлмас орзу эмаслигини таъминлаши керак. Бу айтиш ҳақиқат бўлиши керак».

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ Олий комиссари Нави Пиллайнинг 2012 йилда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари қуни муносабати билан сўзлаган нутқидан.

75. Жадвал – Давлат ва сиёсий ҳаётда аёлларнинг ҳуқуқлари

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи таъминланган бўлишига қарамай, амалда аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқига номутаносиб таъсир кўрсатадиган эркин ва адолатли сайловларнинг йўқлиги, ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқининг бузилиши, хавфсизлик даражасининг пастлиги каби бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги эркак ва аёлнинг овоз беришида қийинчилик туғдириб, бу ҳуқуқдан фойдаланишни деярли имконсиз ҳолга келтиради ёки баъзан овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишдан маъно ҳам қолдирмайди. Айрим мамлакатларда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёхуд шахсни тасдиқловчи гувоҳнома фақатгина эркакларга берилиши сабабли аёллар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Эркаклар ва аёлларнинг жамиятдаги ролига оид хурофий ва анъанавий қарашлар, шунингдек, тегишли ахборот ва ресурслардан фойдаланиш имкониятининг етишмаслиги каби бошқа тўсиқлар ҳам аёлларнинг овоз бериш қобилияти ёки хоҳишларини амалга оширишга монеълик туғдиради. Аёлларга нисбатан камситишлар ва бу каби амалиётларга қўшимча равишда кўплаб сиёсий партиялар ва ҳукуматларнинг анъанавий иш юритиш тартиби аёлларнинг жамият ҳаётида иштирок этишига тўсқинлик қилмоқда. Аёллар айниқса иш ҳажмининг икки баравар кўплиги ва давлат идораларида иш қидириш ва лавозимга эришишнинг баҳоси юқорилиги сабабли сиёсий лавозимларни эгаллашдан бош тортиши мумкин. Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган баъзи мамлакатларда аёлларнинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи қонуний равишда чекланган бўлиб, аёлларнинг ҳукуматнинг барча даражаларидаги иштироки ва уларнинг сони оздир.

Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш қўмитасининг 25-сонли (2004) умумий тавсиясида конвенция талаб қиладиган даражада жиддий гендер тенглигига эришиш учун вақтинчалик махсус чоралар кўрилиши лозимлиги кўллаб-қувватланган. Пекинда ўтказилган Бутунжаҳон конференциясидан сўнг давлатлар аёлларнинг иштирокини кучайтириш, камситишга қарши курашиш ва сиёсатда аста-секинлик билан ортиб бораётган аёллар сонининг янада оширилишини тезлаштириш учун квоталар қабул қилишмоқда. Энг кенг тарқалган квота турлари – сиёсий партиялар квоталари, қонун билан белгиланган квоталар ва аёллар учун банд қилинган ўринлардир.

Бироқ, агар бу чоралар бутун бир яхлитликда эмас, алоҳида олинган ҳолда татбиқ этиладиган бўлса, улар тенгликни амалда таъминлаш учун етарли эмас. Аёллар учун ажратилган квоталар аёлларнинг иштирокини таъминлаш учун қулай муҳит яратиш мақсадида бошқа чора-тадбирлар билан биргаликда амалга оширилиши керак. Айниқса, агар аёллар давлат ва сиёсий ҳаётдаги мунозараларда фаол иштирок этишга ва қарор қабул қилинишига таъсир кўрсата олмаса, аёлларнинг давлат ва сиёсий ҳаётдаги вакиллигини оширишга ижобий таъсир кўрсатадиган чора-тадбирларнинг натижалари сезилмайди.

«Аёллар ҳуқуқлари – инсон ҳуқуқидир» китобининг «Давлат ва сиёсий ҳаётда аёллар ҳуқуқлари» номли боби, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2014. <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org> интернет саҳифаларидан топиш мумкин.

Давлат хизматидан тенг асосларда фойдаланиш

Давлат ишидаги лавозимлар юзасидан, лавозимга тайинлаш мезонлари ва жараёнлари, лавозимдан лавозимга кўтариш, жазолаш ҳамда ҳайдаш масалаларида, объектив ва асосли бўлган тенг ҳуқуқлилиқ тамойили асосида иш кўрилмоғи лозимдир.

Парламент аъзолари ўз вазифалари доирасида давлат ишига қабул қилиш, ундаги мавжуд чекловлар, лавозимга тайинлаш жараёнлари, лавозимга кўтариш, жазолаш ва ҳайдаш масалаларига ҳамда ушбу жараёнларни суд томонидан ёки бошқа турдаги кўриб чиқиш механизмларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Ахборот ва оммавий ахборот воситалари

Хулоса сифатида шуни ҳам айтиш керакки, фуқароларнинг, номзодларнинг ва сайланган вакилларнинг сиёсий масалалардаги фикр ва маълумотларни эркин муҳокама қила олишлари ва фикр алмаша олишлари, тинч йўл билан намойиш ва митинглар ўткази олишлари, сиёсий материалларни чоп эти олишлари ҳамда сиёсий кампания олиб бора олишлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Турли хил сиёсий қарашларни ёритадиган мустақил нашриёт ва эркин оммавий ахборот воситалари бундай муҳитнинг асосий элементлари бўлиб, сиёсий партияларни шакллантириш ва уларга уюшиш эркинлигини таъминловчи уюшмаларга бирлашиш эркинлигига нисбатан ҳурмат нуқсонсиз демократик жамиятни шакллантириш учун ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Қўшимча ўқиш учун

- Рақамли даврда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, A/HRC/27/37
- Камситиш, душманлик ва зўравонликни ташкил этувчи миллий, ирқий ёки диний адоватни тарғиб қилишни тақиқлаш бўйича Работ Ҳаракат Режаси, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2013, Батафсил маълумотни қуйидаги интернет-саҳифадан олиш мумкин: www.ohchr.org/Documents/Issues/Opinion/SeminarRabat/Rabat_draft_outcome.pdf.
- Тенг сиёсий иштирокчи чекловчи омиллар ва ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган чоралар, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, A/HRC/27/29
- Ўлим жазосидан узоқлашиб: аргументлар, тенденциялар ва истиқболлар, Нью-Йорк, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2014, Батафсил маълумотни қуйидаги интернет-саҳифадан олиш мумкин: www.ohchr.org/Lists/MeetingsNY/Attachments/52/Moving-Away-from-the-Death-Penalty.pdf.



Ўн учинчи боб

Парламент аъзолари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида нималарни билиши зарур?

Таълим олиш ҳуқуқи Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда назарда тутилган. Ҳар куни қуроли мижозлар юз бераётган ҳудудларда мазкур ҳуқуқ хавф остида қолдирилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг 2016 йилги маълумотларига кўра тахминан 24 миллион нафарга яқин бола мактабларда таҳсил олмайди.

© Нур Фото/Самер Боуидани

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар иш жойига, ижтимоий ҳимояга, оилавий ҳаётга, маданий ҳаётда иштирок этишга, уй-жой, озиқ-овқат, тоза ичимлик сув ва санитария, соғлиқни сақлаш ва таълим олишга оид инсон ҳуқуқларидир. 12-бобда муҳокама қилинган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар сингари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар миллий, минтақавий ва глобал ҳуқуқий тизимларда тобора аниқ белгилаб берилмоқда. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг инсон ҳуқуқлари сифатида қабул қилиниши давлатларни қонуний равишда ҳар бир инсон учун ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш ва улар бузилган тақдирда ҳимоя воситалари билан таъминланиш имкониятини яратишга мажбур қилади. Камситмаслик тамойилига мувофиқ, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни эътироф этиш, сиёсатда,

қонунчиликда ва ресурсларни тақсимлашда жамият эътиборидан четда қолган гуруҳларнинг эҳтиёжларига устувор аҳамият қаратилишини англатади.⁵⁷

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бутун дунёдаги барча одамлар учун қўлланилади, лекин қашшоқлик кенг тарқалган шароитларда бу ҳуқуқларнинг бузилиши мунтазам равишда содир этилиб, кенг тарқалганлигича қолмоқда.

Глобаллашув, ривожланиш ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар

Тезкор глобаллашув жараёни барча инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга таъсир кўрсатмоқда. 1995 йилда Копенгагенда бўлиб ўтган Бутунжаҳон ижтимоий ривожланиш саммитида таъкидланганидек, глобаллашув натижасида ҳосил бўлган ҳаракатланиш қулайлиги ва коммуникациялар, савдо ва капитал оқимларининг ортиши ҳамда технологик тараққиёт бутун дунёда барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланиш, шунингдек, тажрибалар, ғоялар, қадриятлар ва орзу-истаклар алмашиш учун янги имкониятлар эшикларини очган бўлса-да, глобаллашув оқибатида «камбағаллик, ишсизлик ва ижтимоий парчаланиш кучайган».⁵⁸

Кўплаб мамлакатларда тартибга солиш вазифаларининг пасайтирилиши, савдо-сотиқнинг либераллаштириш, хусусийлаштириш ва шу каби тенденциялар давлатнинг ролини камайишига олиб келиб, давлат бажариб келган аънавий функциялар нодавлат секторга берилмоқда. Бу айниқса аҳоли ночор қатламининг таълим олиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, тоза ичимлик суви, санитария ва ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга нисбатан салбий таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро стандартлар ёритилган қуйидаги бўлимларда давлатнинг бу борадаги мажбуриятлари ва уларни бажариш учун давлатларнинг имконияти ва хоҳиш-истаклари ўртасида тафовут катта эканлиги ва тобора кенгайиб бораётгани кўрсатиб ўтилган. Кўплаб мамлакатларда нодавлат сектор вакиллари, шу жумладан трансмиллий корпорациялар, хусусий хавфсизлик компаниялари, яримҳарбий тузилмалар ва партизан гуруҳлар, уюшган жиноятчилик ва террористик гуруҳлар инсон ҳуқуқлари бузилишлари жиддий тус олгани ва кенг тарқалганлиги учун жавобгар ҳисобланади (озодликдан маҳрум қилиш муассаларини хусусийлаштириш тўғрисида батафсил маълумот олиш учун 55-Жадвалга қаранг). БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши жаҳон озиқ-овқат инқирози (A/HRC/S-7/2) ҳамда молиявий ва иқтисодий инқирози (A/HRC/2-10/1) инсон ҳуқуқларига қандай таъсир кўрсатганлигидан ташвиш билдирган. Кенгаш томонидан бу каби инқирозлар давлатларни ҳам, халқаро ҳамжамятни ҳам инсон ҳуқуқларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларидан озод этмаслигига аниқлик киритилган.

⁵⁷ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар юзасидан кўпинча бериладиган саволлар, 33-сонли Ахборотнома, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2008. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet33en.pdf>.

⁵⁸ Бутунжаҳон ижтимоий ривожланиш саммити, Копенгаген Декларацияси, 2005, 14-банд.

76. Жадвал – Бизнес ва инсон ҳуқуқлари

«Тадбиркорлик субъектлари инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши керак. Бу шунинг асослари, улар бошқаларнинг инсон ҳуқуқларига таъжовуз қилмасликлари ва ўзлари алоқадор бўлган инсон ҳуқуқлари бузилишларининг салбий таъсирларни бартараф этишлари керак».

«Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича Раҳбарий тамойиллар», БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2011.

«Бизнес инсон ҳуқуқларига катта таъсир кўрсатиши мумкинлиги узоқ вақтдан буён эътироф этиб келинади. Бу таъсир, масалан, бутун дунёдаги инсонлар турмуш даражасини яхшилаш учун инновация ва хизматларни етказиб бериш сингари ижобий бўлиши мумкин. Бу таъсир, масалан, тадбиркорлик фаолияти одамларнинг турмушини йўққа чиқариши, ишчилар эксплуатация қилиниши ёки аҳолини ўзи яшаб келган ҳудуддан кўчириш каби салбий бўлиши мумкин.

Масалан, агар улар хавфсизлик кучлари билан норозиликларни зўравонлик билан бостириш ёки диссидентларни кузатиш ва жазолашда давлатлар фойдаланиши учун мижозлар тўғрисида маълумот берсалар, компаниялар бошқалар томонидан, жумладан, давлатлар томонидан содир этилган инсон ҳуқуқлари бузилишларига аралашиб қолиши мумкин.

Бироқ, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар одатда компаниялар каби хусусий сектор вакилларига тўғридан-тўғри ҳуқуқий мажбуриятлар юкламайди. Аксинча, давлатлар, масалан, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш чегарасини белгилайдиган миллий қонунчиликни қабул қилиш ва бу мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъул бўлиб, компаниялар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб қилиши мумкин.

... Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича Раҳбарий тамойиллар: «Ҳимоялаш, ҳурмат қилиш ва уларни бартараф этиш» Дастури давлатлар ва компанияларнинг, тадбиркорлик фаолияти нуқтаи назаридан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳурмат қилиш бўйича ўз бурч ва мажбуриятлари белгилаб берилган 31та тамойилга асосланган. Дастур доирасида: давлатлар ўз юрисдикциясидаги барча инсонларни тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этиладиган инсон ҳуқуқлари бузилишларидан ҳимоя қилишга мажбур; тадбиркорлик субъектлари эса қаерда фаолият олиб бормасин, ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта

ёки кичик бўлмасин, бошқаларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш вазифасини ўз зиммаларига олиб, уларнинг ҳуқуқларини поймол этмаслик ва содир бўлган ҳар қандай ҳуқуқ бузилишининг таъсирини муҳокама қилишлари шарт. Тадбиркорлик субъектлари бу масъулиятни давлатлар ўз мажбуриятларини бажаришидан қатъи назар мавжуддир; ҳуқуқ бузилиши содир этилган тақдирда жабрдийдалар суд ва суддан ташқари шикоят бериш механизмлари воситасида ўз ҳуқуқларини тикланиши учун самарали чоралар кўриш имкониятларига эга бўлиши керак».

«Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича Раҳбарий тамойиллар юзасидан кўп бериладиган саволлар», БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2014.

77. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари, халқаро савдо ва инвестиция

Глобал савдо ва сармоялар режими инсон ҳуқуқларига сезиларли таъсир кўрсатади, чунки иқтисодий ўсишнинг ўзинигина тарғиб қилиш кенг қамровли, барқарор ёки адолатли ривожланишдан қутилган натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Бош ассамблеянинг 67/171-сонли резолюциясида кўп томонлама савдо музокараларида инсон ҳуқуқлари эътиборга олиниши зарур бўлган энг асосий ғоя бўлиши лозимлиги тасдиқланган. Резолюция халқаро савдо институтлари доирасида тараққиёт учун глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожланиш ҳуқуқи жорий этилишини талаб қилади.

Савдо ва инвестицион режимлар интеллектуал мулк, технологиялар алмашилиши (ўтказилиши), иқлим ўзгариши ва энергия режимлари билан ўзаро боғлиқ ва муносабатда бўлиб, бу режимларнинг яқинлашиши, узоқлашиши ва кесишиши инсон ҳуқуқларини амалга оширишга қандай таъсир кўрсатишига аниқ баҳо бериш керак.

Савдо ва инвестицияга инсон ҳуқуқлари асосидаги ёндашув савдо/инвестицион шартномалар/битимлар бўйича давлатларнинг мажбуриятлари уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини бажариш қобилиятига қандай таъсир қилиши мумкинлигига эътибор қаратиши; давлатлар ва бошқа иштирокчилар ижобийликни таъминлаш ва салбий таъсирлардан қочиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини; юзага келадиган ҳар қандай салбий таъсирни юмшатиш учун қандай ҳаракатлар талаб этилишини инобатга олади.

Бой ва камбағал мамлакатлар айна бир жамиятда яшаётган бой ва камбағал одамлар ўртасидаги бўшлиқ кенгайишда давом этмоқда. Бутун дунё бўйлаб тахминан бир миллиард одам етарлича озиқ-овқатсиз, бошпанасиз, таълим олиш ва соғлиқни сақлаш хизматларидан бебаҳра ҳолда қашшоқлик шароитида яшамоқда. Глобаллашув дунёнинг исталган нуқтасидаги яшаш шароитлари тўғрисида аниқ маълумот олишга, жамиятларнинг бир-бирига янада кўпроқ боғлиқ бўлишига ва қашшоқликка қарши кураш учун илғор технологияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бизнинг «глобал қишлоқда» инсониятнинг бу қадар кўп қисми инсон ҳуқуқларидан маҳрум этилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Қашшоқлик инсон ҳуқуқлари бузилиши сифатида

«Қашшоқлик ўз-ўзидан инсон ҳуқуқлари учун фавқулодда ташвиш уйғотади. Бу инсон ҳуқуқлари бузилишининг сабаби ва оқибати ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун қулай шароитдир. Ўта қашшоқлик фақатгина фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши билан тавсифланибгина қолмай, балки қашшоқликда яшовчи одамларнинг қадр-қиммати ва тенглигини мунтазам равишда рад этилиши билан ажралиб туради».

*Камбағаллик ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи
Магдалена Сепулведа Армона томонидан тақдим этилган «Ўта
қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича Раҳбарий тамойиллар»нинг
якуний лойиҳаси 3-банди, A/HRC/21/39.*

Юқорида келтирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, қашшоқликни бартараф этиш сўнгги ўн йилликлар давомида инсон ривожланишининг асосий мақсади сифатида юзага чиқмоқда. Қашшоқлик нафақат инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини, балки унинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини рад этилишини ҳам англатади.⁵⁹ Ҳар куни 24000 нафар 5 ёшгача бўлган бола очликдан ва олдини олиш мумкин бўлган касалликлардан вафот этади. Бу далиллар янги эмас, аммо бойлар билан камбағаллар ўртасидаги фарқ кенгайиб бораётган тезкор глобаллашув шароитида қашшоқликни самарали равишда бартараф этишга эришилмаётганини оқлаб бўлмайди. Шу маънода, 2000 йил сентябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси 2015 йилга қадар ўта қашшоқлик шароитида яшовчи аҳоли сонини тенг бараварга қисқартиришни назарда тутадиган Мингйиллик ривожланиш мақсадларини қабул қилган эди. Айни шу йилнинг ўзида амалга оширилиши керак бўлган юксак мақсадлар қаторига универсал бошланғич таълимга эришиш; беш ёшгача бўлган болалар ўлимини учдан икки қисмга қисқартириш, оналар ўлимини тўртдан учга қисқартириш; очликдан азоб чекаётган ва хавфсиз тоза ичимлик сув билан таъминланмаган одамларнинг нисбатини тенг ярмига қадар қисқартириш кирган.

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари муайян иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар учун ишончли вакил сифатида хизмат қилган бўлса-да, аммо инсон ҳуқуқларига оид бошқа муҳим масалалар эътибордан четда қолган эди. Аксинча, янги марраларни кўзловчи ривожланишнинг янги босқичи, Барқарор ривожланиш 2030 “Кун тартиби” инсон ҳуқуқлари тамойиллари ва стандартларини ўзида қатъий акс эттиради.

2030 “Кун тартиби” 2015 йил сентябр ойида Нью-Йоркдаги БМТ Барқарор ривожланиш саммитига йиғилган 170 нафар дунё раҳбарлари томонидан қабул қилинган. У кенг қамровли – 17 йўналишдаги 167 мақсадни қамраб олувчи Барқарор ривожланиш мақсадларини ва келгуси 15 йил мобайнида глобал ва миллий ривожланишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

⁵⁹ 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қашшоқларнинг ҳуқуқий имкониятларини кенгайтириш бўйича комиссияси томонидан chop этилган «Қонун ҳар бир инсон учун ишласин» номили ҳисоботда дунё аҳолисининг кўпчилиги – тўрт миллиардга яқин киши – қонун устуворлигидан фойдалана олмайди, деган хулосага келган. Ҳисоботда қайд этилганидек, улар «қонун билан ва очик ҳамда амалда фаолият юритаётган идоралар томонидан етарли даражада ҳимояланмаган ва бир қанча сабабларга кўра қонундан ўзларининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида самарали фойдалана олмайдилар».

Барқарор ривожланиш мақсадлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихидаги энг кўп муҳокама этилган ва энг кўп сонли иштирокчилар қамраб олинган жараён натижасидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа асосланган “Кун тартиби”да қаерда яшашидан қатъи назар барча инсонларнинг инсон ҳуқуқлари ҳеч қандай камситишларсиз амалга оширилишини янада ривожлантириш учун муҳим имкониятлар яратилган.

Барқарор ривожланиш мақсадлари



78. Жадвал – Барқарор ривожланиш мақсадлари Мингйиллик ривожланиш мақсадларидан қандай фарқланади?

Универсал: Мингйиллик ривожланиш мақсадлари фақатгина «ривожланаётган мамлакатлар»га нисбатан қўлланилган бўлса, Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳақиқатан ҳам универсал тартиб-қоида бўлиб, барча мамлакатлар учун амал қилади. Барча мамлакатлар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида илгарилашлари лозим бўлиб, Барқарор ривожланиш мақсадларида қамраб олинган барқарор ривожланишнинг кўплаб йўналишларига эришишда барча учун умумий бўлган ва ҳар бир давлатнинг ўзига хос бўлган муаммоларга дуч келади.

Трансформатив: «Инсонлар, сайёра, фаровонлик, тинчлик ва шериклик» тамойилларига асосланган кун тартиб сифатида 2030 “Кун тартиби” анъанавий ривожланиш моделидан кескин фарқ қилади. Барқарор ривожланиш мақсадлари тор доирадаги Мингйиллик ривожланиш мақсадларидан фарқли ўлароқ, одамларга ва сайёрамизга асосий эътибор қаратгани, инсон ҳуқуқларига ва гендер каби нозик масалаларга асосланган барқарор ривожланишга трансформатив шакл беради.

Кенг қўламли: Ижтимоий, иқтисодий ва экологик масалаларда эришиш назарда тутилган кенг қамровли мақсадлар билан бир қаторда, 2030 “Кун тартиби”да демократик бошқарув, қонун устуворлиги, адолатга судлов имкониятидан фойдаланиш ва шахсий хавфсизлик (16-мақсад) асосига қурилган «қўрқув ва зўравонликдан холи бўлган тинч, адолатли ва аҳолининг барча қатлами қамраб олинувчи жамиятлар», шунингдек, самарали халқаро муҳит (17-мақсад ва барча мақсадлар доирасида) яратилишига эътибор қаратилган. Шу боис, 2030 “Кун тартиби” барча инсон ҳуқуқлари, хусусан, иқтисодий, фуқаролик, маданий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлар ва ривожланиш ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларни қамраб олади.

Инклюзив: Янги “Кун тартиби”да ҳеч ким эътибордан четда қолдирилмаган бўлиб, у мамлакатлар ичида ва мамлакатлар орасида «тенглик ва камситмасликка нисбатан универсал ҳурмат дунёсини» барпо этишни назарда тутди. Янги “Кун тартиби”да гендер тенглиги қамраб олинган бўлиб, унда, хусусан, барча давлатларнинг инсонларнинг ирқи, ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулк, туғилиш, ногиронлик ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мажбуриятлари яна бир бор тасдиқланган.

2030 “Кун тартиби” парламентлар қонун лойиҳаларини, шу жумладан бюджетлар тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш орқали Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда муҳим ўрин тутишини эътироф этади. Бундан ташқари, 2030 “Кун тартиби”да парламентлар Барқарор ривожланиш мақсадлари амалга самарали татбиқ этилиши учун ҳукуматларнинг ҳисобот беришини таъминлашда ўзига хос ўрин эгаллаши эътироф этилган.

Миллий парламентларнинг дунё ташкилоти сифатида, Парламентлараро иттифок томонидан парламентлар барча қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва назорат олиб боришда келгуси 15 йил мобайнида янада кенг миқёсда ҳавола сифатида фойдаланишларини таъминлаш учун Барқарор ривожланиш мақсадларининг институционал асосларини шакллантиришга ёрдам бериш мақсадида бир қатор восита ва тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Парламентлараро иттифок томонидан парламент аъзолари учун миллий ва минтақавий семинарлар ташкил этилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий глобал текширув механизми – Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форумнинг ҳар йили ўтказиладиган сессиясида парламент аъзолари учун мўлжалланган тадбирлар ўтказиб келинмоқда (<http://sustainabledevelopment.un.org/index.html>).

Парламент аъзоси сифатида сиз нималар қилишингиз мумкин

- ✓ Барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ масалалар юзасидан парламент муҳокамалари ташкил этилишини рағбатлантириш ва сизнинг парламентингиз мақсадларни амалга ошириш учун керак бўлган қадамларини

белгилаши учун ҳаракат ёки қарор қабул қилинишини таъминлаш учун чоралар кўриш. Парламентлараро иттифоқ томонидан тайёрланган парламент қарорлари лойиҳалари бўйича ишлаб чиқилган намуналар қуйидагиларни таклиф қилади: (Батафсил маълумотни қуйидаги интернет-саҳифадан олиш мумкин http://www.ipu.org/un-e/model_SDG.pdf)

- Ҳукумат томонидан Барқарор ривожланиш мақсадларининг мамлакатга хос мақсадларини аниқлашга қаратилган миллий режа ишлаб чиқилгани ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган сиёсатга тайёрланишига ишонч ҳосил қилиш ва парламент бу режани қабул қилинишидан олдин кўриб чиқиш;
 - Ҳукуматдан парламентга миллий тараққиёт режасини амалга ошириш бўйича йиллик ҳисобот берилишини талаб қилиш.
- ✓ Парламентингиз Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун уларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўрувчи сиёсат ишлаб чиқишга қодирлиги, барча фуқаролар ва миллий озчиликка мансуб гуруҳларнинг вакилларида иборатлиги, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун ишлаб чиқилган миллий режа тегишли қонунчиликка айланиши ва бюджет маблағлари ажратилиши лозим даражада қуролланган бўлиши ва миллий режани амалга ошириш учун ҳукуматни жавобгарликка тортиш имкониятига эга бўлиши учун парламентнинг ўзи «мақсадга мувофиқ» иш юритаётганига ишонч ҳосил қилинг.
- ✓ Ҳар йили июль ойида ўтказиладиган Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форумнинг сессиясида миллий делегация аъзоси сифатида иштирок этишга ҳаракат қилинг. Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форумнинг ҳар бир сессиясида танланган маълум бир мавзу бўйича (масалан, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик, қашшоқликни бартараф этиш), шунингдек, маълум миқдордаги мақсадларни амалга оширишда эришилган ютуқларни чуқур текширишга асосланган умумий баҳолаш амалга оширилади. Бундан ташқари, ихтиёрий равишда бир қатор давлатлар миллий тадқиқотлар натижалари асосида ўзларининг тараққиётлари ҳақида ҳисобот беради.
- ✓ Сизнинг парламентингиз миллий муҳокамаларнинг барча босқичларида иштирок этишига ишонч ҳосил қилинг, чунки сизнинг ҳукуматингиз ихтиёрий равишда Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш давомида камида икки марта уни амалга оширилиши юзасидан муҳокамалар ташкил этиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўрсатмаларига биноан, миллий муҳокамалар очиқ ва инклюзив жараён орқали амалга оширилиши керак.
- ✓ Парламентлараро иттифоқнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти масалалари бўйича Доимий Қўмитасининг ҳар йили ўтказиладиган баҳорги сессиясида Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентлар қандай иштирок этаётганини баҳолаш учун унда иштирок этишга ҳаракат қилинг (батафсил маълумот <http://www.ipu.org/un-e/un-cmt.htm> интернет-саҳифасида

берилган). Ушбу сессия парламент аъзолари учун Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ўзларининг энг яхши тажрибаларини бир-бирлари билан баҳам кўришлари учун ажратилган махсус майдон бўлиб, парламентларга БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форуми ишини глобал муҳокамадан ўтказишга тайёрлашда ёрдам беради.

- ✓ Ўзингиз сайланган ҳудудларда Барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ анжуманлар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкиллаштиринг ёки уларни ташкиллаштиришда ёрдам беринг. Ўз шахсий веб-саҳифангизда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш миллий режасига ҳавола беринг ва парламентнинг веб-саҳифасида Барқарор ривожланиш мақсадлари учун алоҳида жой ажратилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

79. Жадвал – Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар иштирокига оид мисоллар

Бир қатор парламентлар ўзларининг ички жараёнларида Барқарор ривожланиш мақсадларини ўзлаштиришга ва тараққиётнинг миллий ва глобал баҳолаш жараёнларини муҳокама қилишда иштирок этишга киришдилар. Финляндияда барча сиёсий партиялар ва иккита ихтисослаштирилган органлар (Парламентнинг Ривожланиш сиёсати бўйича қўмитаси ва Барқарор ривожланиш бўйича миллий комиссия) вакилларида иборат бўлган жами 17 нафар депутат миллий муҳокамаларга оид жамоатчилик эшитувлари ва бошқа учрашувларда иштирок этишга жалб қилинган. Ҳукумат миллий муҳокама натижаларини БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форуми сессиясига тақдим этди. Германияда Барқарор ривожланиш бўйича Парламент маслаҳат кенгаши ҳукумат томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форуми сессиясига тақдим этилган ҳисобот лойиҳасига ёзма равишда шарҳ берди; Парламент маслаҳат кенгашининг 2 нафар аъзоси БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форуми сессиясида миллий делегация таркибида иштирок этиб, парламентнинг кузги мажлисида Парламент маслаҳат кенгашига ҳисобот бериши кутилмоқда. Тринидад ва Тобагода Парламентлараро иттифоқ томонидан тайёрланган парламент қарорлари лойиҳалари бўйича ишлаб чиқилган намуналардан фойдаланиб, парламентда Сенат томонидан қарор қабул қилинган. Ушбу қарор бир неча ҳафта мобайнида ўтказилган учта мажлисдан сўнг бир овоздан қабул қилинди. Малида Миллий ассамблея томонидан Барқарор ривожланиш мақсадларини парламентнинг ишига оқилона мувофиқлаштириш бўйича парламент қарори ва ҳаракат режаси қабул қилинди. Покистонда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга татбиқ этиш учун парламентнинг ишчи гуруҳи жорий этилди. Индонезия ва Нигерияда янги мақсадларга эришиш учун амалда фаолият юритиб келган мавжуд Мингйиллик ривожланиш мақсадлари қўмиталари қайта ташкил этилди.

БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси томонидан 2001 йил июль ойида юборилган сўровга жавобан, ўша пайтдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Мери Робинсон хоним ва унга экспертнинг қўмағи билан «Тамойиллар ва Қоидалар: Камбағаллик даражасини пасайтириш стратегияларига инсон ҳуқуқлари бўйича ёндашув», деб номланган ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди (ҳужжатнинг якуний версияси 2006 йил Робинсон хонимнинг вориши Лоуиз Арбор хоним томонидан чоп этилган – HR/PUB/06/12, 2006). Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан берилган алоҳида ваколат доирасида ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ махсус вакили Магдалена Сепулведа хоним 2012 йилда Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан қабул қилинган «Ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича раҳбарий тамойиллар»ни ишлаб чиқди (21/11-сонли Инсон ҳуқуқлари кенгаши резолюцияси). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси раҳбарий тамойиллар қабул қилинганлигини инобатга олиб, мазкур ҳужжатни «Қашшоқликни камайтириш ва бартараф этиш сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда давлатлар учун фойдали восита» деб атади (A/RES/67/164, 17-банд).

Қашшоқликка таъриф беришда ушбу ҳужжатлар, биринчи навбатда, Амартия Сен томонидан қашшоқликка берилган кенг қамровли, яъни «қашшоқ киши – очликдан қутулиш, соғлом ҳаёт кечириш ва ўқимишли бўлиш каби асосий қобилиятлардан маҳрум бўлган шахсдир», деган таърифни қўллаб-қувватлайди. Қашшоқликка таъсир кўрсатиши мумкин бўлган инсон ҳуқуқларига мисол сифатида озиқ-овқат, уй-жой, соғлиқни сақлаш ва таълим ҳуқуқларини санаб ўтиш мумкин. Қўллаб бошқа ҳуқуқлар ҳам қашшоқликни камайтиришга таъсир кўрсатмоқда. Масалан, меҳнат ҳуқуқидан фойдаланиш озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш ва уй-жойга эга бўлиш каби бошқа инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга ёрдам беради. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, шу жумладан, шахсий ҳафсизлик ва одил судловга бўлган ҳуқуқ, сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар қашшоқликка қарши курашга бевосита боғлиқдир.

80. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари ва 2030 Ривожланиш “Кун тартиби”

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар Маркази томонидан 2013 йилда чоп этилган «Ким жавобгар бўлади? Инсон ҳуқуқлари ва 2015 Ривожланиш “Кун тартиби”дан кейинги ҳолат» номли нашрда таъкидланишича, 2015 йилдан кейинги ривожланиш мақсадлари ва мақсадларни миллий ва маҳаллий миқёсларга мослаштириш қуйидаги қадамларни ўз ичига олиши лозим:

- Миллий ва маҳаллий мақсадларни тегишли мамлакатга нисбатан амалда бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома стандартларига мувофиқлаштириш.
- Миллий ва маҳаллий мақсадлар, кўрсаткичлар ва мезонларни белгилаш ва амалга оширилаётган ишлар жараёнини кенг жамоатчилик иштирокида кузатиб бориш.
- Энг кам таъминланган жамоалар ва минтақалар устуворлигини таъминлашда камситмаслик ва тенглик тамойилларини интеграциялаш.
- Ҳуқуқларнинг амалга оширилмаслигига сабаб бўладиган катта қийинчиликлар ва чекловларни кўриб чиқиш, ижобий натижаларни кўпайтирадиган ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун қулай муҳит яратадиган тадбирларни танлаш.

- Инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш масалалари бўйича етарли даражадаги мувозанатни акс эттириш учун умумий мақсадлардаги синергия ва камчиликларни қидириш.
- Мамлакат ихтиёрида мавжуд бўлган «максимал ресурслар»ни объектив баҳолаган ҳолда вақтни ва мақсадни аниқлаш.
- Молиявий ва сиёсий ҳаракатлар ҳамда натижалар учун мақсадлар ва кўрсаткичларни белгилаш.
- Тараққиётни кузатиш учун турли инсон ҳуқуқлари (фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий) бўйича бир қатор кўрсаткичлар ва мавжуд барча маълумотлардан (субъектив ва объектив, сифатли ва миқдорий) фойдаланиш.

Халқаро молиявий институтлар ва қашшоқликка қарши кураш

Халқаро молия институтлари 1996 йилдан буён инсон тараққиёти учун қашшоқликни камайтириш муҳимлигини эътироф этиб келадилар. Бреттон-Вудс институтлари деб номланган Жаҳон Банки Гуруҳи ва Халқаро валюта жамғармасининг Кенг қамровли Тараққиёт Дастури қарзни камайтириш ва ривожланиш бўйича ҳамкорлик стратегиясини амалга ошириш учун камбағаллик даражасини қисқартиришни асос қилиб олган. Юқори даражада қарздор ва бошқа камбағал мамлакатлар озиқ-овқат ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, таълим, меҳнат, судлов, яхши бошқарув ва демократия каби турли йўналишларда қашшоқликни камайтириш ва йўқотиш мақсадлари ва мезонлари кўрсатиб ўтилган камбағалликни тугатиш стратегияси ҳужжатларини кенг жамоатчилик иштироки жараёнида ишлаб чиқишга даъват этилади.⁶⁰ Шу билан бирга, бундай дастурларда макроиқтисодий интизомга риоя қилишга мажбурлаш ва маҳаллий мулкчилик ҳамда маҳаллий аҳолининг самарали равишда иштирок этиши рад этилган ҳолатлар кузатилгани учун улар БМТнинг махсус маърузачилари томонидан жуда кўп танқид қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси томонидан кенг жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқилган қашшоқликни камайтириш ва йўқотиш мақсадлари ва мезонлари кўрсатиб ўтилган камбағалликни тугатиш стратегияси ҳужжатларини баҳолаш якунлари бўйича БМТ томонидан унинг жойлардаги миссияларига ўз фаолиятларида қашшоқликни тугатиш стратегияларини ишлаб чиқишда инсон ҳуқуқлари омилларини ҳисобга олишлари юзасидан кўрсатмалар берилди.⁶¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари интеграциялашуви соҳасидаги умумий сиёсати инсон ҳуқуқларига оид ёндашув Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Бреттон-Вудс институтлари ва бошқа кўп томонлама ҳамда икки томонлама донорлик ташкилотлари фаолиятидаги қашшоқликни камайтириш стратегияларида акс эттирилишига олиб келди.

⁶⁰ Қаранг: Халқаро валюта фондининг Камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича стратегия ҳужжатлари тўплами, 2014, Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: www.imf.org/external/np/exr/facts/prsp.htm.

⁶¹ Қаранг: Мисол учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Гуруҳи, БМТнинг жойлардаги миссиялари фаолиятларида қашшоқликни тугатиш стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича Йўриқнома, 2004 йил 30 августда қабул қилинган.

Ушбу Бобнинг қолган қисмлари асосан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг умумий тавсиялари ва БМТнинг махсус тартиб-таомилларининг иш фаолияти натижаларига асосланган бўлиб, унда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт билан кафолатланган бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга боғлиқ амалий масалалар ёритилган.

Ривожланиш ҳуқуқи

Ривожланиш ҳуқуқи ўзи нима?

1986 йилги Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациянинг 1-моддасига биноан ривожланиш ҳуқуқи «ҳар бир шахснинг узвий ҳуқуқи ҳисобланиб, ҳар бир инсон ва барча халқлар иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожланишда иштирок этади ва ҳисса қўшади ҳамда унда барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ амалга ошириш мумкин бўлади. Ривожланиш ҳуқуқи инсонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишни назарда тутиб, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги иккала Халқаро пактнинг тегишли қоидаларига мувофиқ барча табиий бойликлар ва ресурсларга нисбатан уларнинг тўлиқ суверенитетга нисбатан ажралмас ҳуқуқини амалга оширишни қамраб олади».

Декларацияда белгиланган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кейинги резолюцияларида ва бошқа тегишли ҳужжатларда тасдиқланган ривожланиш ҳуқуқини тушунишнинг бошланғич нуқтаси ҳам инсон ҳуқуқи ҳисобланиб, унинг қолган бошқа барча инсон ҳуқуқлари билан тенглигидир. Ривожланиш ҳуқуқи – қолган барча ҳуқуқларни ўз ичига олган «супер-ҳуқуқ» ҳам эмас, жуда чекланган «мини-ҳуқуқ» ҳам эмас. У бошқа барча инсон ҳуқуқлари билан тенг бўлиб, умуминсоний, ажралмас, ўзаро алоқадор, ўзаро боғлиқ ва бўлинмасдир.

Иккинчидан, ривожланиш ҳуқуқи ҳам шахсий, ҳам жамоавий ҳуқуқдир. Бу барча инсонлар ва барча халқларга тегишлидир. Ривожланиш ҳуқуқи ҳам инсон ҳуқуқи сифатида умуминсоний бўлиб, ранг, жинс, тил, дин, сиёсий ёки бошқа қарашлар, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиш, мулкӣ, туғилиш ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар барча инсонларга, барча мамлакатларда қўлланилади.

Бошқа инсон ҳуқуқлари сингари, ривожланиш ҳуқуқи ҳам «иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий тараққиётда иштирок этиш, ўз ҳиссасини қўшиш ва улардан фойдаланиш» сингари махсус ҳуқуқларни қамраб олади. Декларацияда ушбу ҳуқуқнинг элементлари ва уни амалга ошириш воситалари белгилаб берилган бўлиб, унга мувофиқ ривожланиш ҳуқуқининг муҳим тамойилларига қуйидагилар киради:

- Диққат-эътибор марказида инсон омили бўлган ривожланиш: Декларацияга кўра ривожланишда «инсон шахси» марказий мавзу, иштирокчи ва ундан манфаатдордир (2-модда).
- Инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув: Декларация ривожланиш «барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ амалга ошириш мумкин» бўлган тарзда бажарилишини талаб қилади (1-модда).

- Иштирок этиш: Декларация шахсларнинг ва аҳолининг ривожланишда «фаол, эркин ва мазмунли иштирок этишини» талаб қилади (2-модда).
- Одиллик: Декларацияда ривожланиш натижасида эришилган «манфаатларнинг адолатли тақсимоти»нинг аҳамияти таъкидланган (2-модда).
- Камситмаслик: Декларацияга кўра «ирқ, жинс, тил ёки динга кўра камситиш тақиқланади» (6-модда).
- Ўз тақдирини ўзи белгилаш: Декларация халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, шу жумладан, табиий бойликлар ва ресурслар устидан тўлиқ суверенитетини амалга оширишни талаб қилади (1-модда).

Сиёсатни ишлаб чиқиш ва шакллантиришда роль ўйнаётган ҳар бир инсон, жумладан, парламент аъзолари ва сиёсатчилар ривожланиш ҳуқуқига уйғун ва унинг тамойиллари ҳамда элементларини ўз ичига олган сиёсатни шакллантиришга ҳисса қўшишлари мумкин.

2030 “Кун тартиби”, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва уларга алоқадор жараёнларда ривожланиш ҳуқуқининг моҳияти

Ривожланиш ҳуқуқи 2030 “Кун тартиби” ва Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Ривожланишни молиялаштириш бўйича учинчи Халқаро конференциянинг Аддис-Абеба тадбирлар режасини хабардор қилишда давом этмоқда. Энг муҳими шуки, 2030 “Кун тартиби”нинг 35-банди ва Аддис-Абеба тадбирлар режасининг 1-бандида давлатлар инсон ҳуқуқларини, жумладан, ривожланиш ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбуриятига доир аниқ ҳаволалар мавжуд. Барқарор ривожланиш учун 2030 “Кун тартиби”даги қарашларни ва ривожланишнинг афзалликларини дунё мамлакатлари учун тенг тақсимлашга мўлжалланган Аддис-Абеба тадбирлар режасини амалга ошириш бўйича ривожланиш тамойиллари давлатлар ўз мажбуриятларини бажаришида раҳбарий йўриқнома бўлиб хизмат қилиши лозим.

2030 “Кун тартиби”нинг муқаддимасида мазкур ҳужжат «одамлар, сайёрамиз ва фаровонлик учун ҳаракат режаси» деб таърифланган бўлиб, унда ҳеч бир шахсни эътибордан четда қолдирмаган ҳолда «барча мамлакатлар ва биргаликдаги ҳамкорликда фаолият юритувчи барча манфаатдор вакиллар томонидан инсониятни қашшоқлик ва эҳтиёж зулмидан озод қилиш ҳамда сайёрамизни соғайтириш ва ҳимоя қилиш» назарда тутилган. Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациядаги мавжуд асосий тамойиллар, шу жумладан иштирок этиш, камситмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, шахсий ва жамоавий жавобгарлик, халқаро ҳамкорлик ва тенглик 2030 “Кун тартиби”да ҳам такрор таъкидлаб ўтилган. Аъзо давлатлар томонидан овоз берилмасдан қабул қилинган “Кун тартиби” билан тасдиқланган Барқарор ривожланиш мақсадларида инсон ҳуқуқларига оид мажбуриятлар, хусусан, ривожланиш ҳуқуқига асосланган тараққиёт мақсадлари белгилаб берилган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатли ривожланишга асосланган Барқарор ривожланиш мақсадлари Мингйиллик ривожланиш мақсадларида назарда тутилган ғояларни янги чўққига кўтариб, уни янада ривожлантириш орқали барчага манфаат келтирувчи улкан имкониятларни тақдим этади.

Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ёрдам бериш учун 2030 “Кун тартиби” бевосита Аддис-Абеба тадбирлар режасини ва унинг барча инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятини, шу жумладан, ривожланиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олган. Аддис-Абеба тадбирлар режаси: (а) ривожланишни молиялаштириш бўйича мажбуриятларни (58-банд), шу жумладан, корхоналарнинг ҳисобдорлигини оширишга (35 ва 37-бандлар) даъват этади; (б) ҳар бир кишининг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш учун янги кафолатлар яратади (12-банд); (в) янги технологияларни татбиқ этиш механизмларини жорий қилади (123-параграф); ва (д) илк маротаба ривожланишни молиялаштиришни кузатиб бориш ва кўриб чиқиш механизмини ўз ичига олади (130-134-бандлар). Аддис-Абеба тадбирлар режасини амалга ошириш адолатли, одил, ҳамкорликка асосланган, ошкора ва ҳисобдор; инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларни ўз ичига олган ва ривожланиш жараёнининг марказига инсоният қўйиладиган ривожланишни халқаро молиялаш тизими яратилишини тақозо этади.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда диққат-эътибор ва назардан четда қолган гуруҳларнинг иштирокини ва имкониятларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш муҳим аҳамият касб этади. Бу ривожланиш мажбуриятлари ва Барқарор ривожланиш 2030 “Кун тартиби”ни молиялаштириш учун режалаштирилган муҳокамаларга тааллуқлидир.

81. Жадвал – Ривожланиш ҳуқуқи: Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг эътиборга молик қарори

Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг 2010 йилдаги қарорига кўра, Кения ҳукуматини мамлакатнинг маҳаллий Эндороис жамоаси аҳолисини ёввойи табиат қўриқхонаси барпо этиш мақсадида уларни еридан мажбурий равишда кўчиргани учун инсон ҳуқуқларини бузган, деб топган. Қарорда маҳаллий (тубжой) аҳолининг ўзи анъанавий тарзда эгалик қилиб келган ерларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва маҳаллий (тубжой) аҳолининг ривожланиш ҳуқуқлари эътироф этилгани учун муҳим ҳуқуқий прецедент ҳисобланади.

1970-йилларда Кения ҳукумати сайёҳлар учун қўриқхона сайилгоҳлари яратиш мақсадида Богория кўли атрофидаги юзлаб Эндороис оилаларини кўчирган. Кўчирилган Эндороис жамоалари уларга ваъда қилинган компенсация ва имтиёзларни олмадилар. Уларнинг ўз ерига кириш имкониятлари эса Қўриқхона сайилгоҳлари маъмурияти хоҳишига кўра чеклаб қўйилган. Бу жамоанинг пода боқишга (яйловлардан фойдаланишга) асосланган ҳаёт тарзи, маросим ва диний жойлар, анъанавий дори-дармон воситаларидан фойдаланган ҳолда турмуш кечиришига тўсқинлик қилган. Комиссия Кения ҳукумати томонидан Эндороис жамоасининг диний амалиёт, мол-мулк, маданият, табиий ресурслардан эркин фойдаланиш ва ривожланиш ҳуқуқларини бузганлигини аниқлаган. Комиссия фикрига кўра, ерга кириш чекловлари жамоатчилик билан маслаҳатлашилмаганлиги ва минтақани қўриқхона сайилгоҳ сифатида ривожлантириш жараёнида жамоанинг етарли даражада иштирок этмаганлиги уларнинг Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартиясида назарда тутилган ривожланиш ҳуқуқларининг бузилиши деб тан олинган. Комиссиянинг қўшимча қилишича, «етарли миқдорда тоvon ва имтиёзлар ёки яйлов учун муносиб ер берилмаганлиги, жавобгар давлат ривожланиш жараёнида Эндороис

жамоасининг ҳуқуқларини етарли даражада таъминламаганлигини» англатади. Комиссия Эндороис жамоасига нисбатан хартиянинг 22-моддасида (ривожланиш ҳуқуқи кафолатлари) белгиланган ҳуқуқ бузилиши содир этилган, деб топди». ⁶²

Қўшимча ўқиш учун

- Ривожланиш ҳуқуқи бўйича кўп бериладиган саволлар, 37-сонли ахборотнома, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2016. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет-саҳифадан олиш мумкин: http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FSheet37_RtD_EN.pdf.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 22-моддаси:

«Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг ҳадр-қимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддаси:

«1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак».

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддаси:

«Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ижтимоий таъминланиш, жумладан, ижтимоий суғурта ҳуқуқини эътироф этади».

⁶² Озчилик ҳуқуқларини ривожлантириш маркази (Кения) ва Эндороис жамоаси Фаровонлик кенгаши номидан Озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти Кенияга қарши суд иши, 276/2003.

Ижтимоий таъминот тизимининг ўзи нима?

Идеал жиҳатдан олиб қаралганда ижтимоий таъминот тизими шахснинг даромад ишлаб топиш ва муносиб турмуш кечириш қобилиятига таҳдид солиш мумкин бўлган барча ҳолатларга қарши ҳар томонлама ҳимоя чоралари кўрилишини таъминлашни мақсад қилиб олиши зарур. Ижтимоий таъминот соҳалари 1952 йилда қабул қилинган 102-Сонли Ижтимоий Таъминот (Минимал стандарт қоидалари) тўғрисидаги конвенцияда белгилаб берилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- Тиббий қаров;
- Касаллик учун тўланадиган нафақа;
- Ишсизлик нафақаси;
- Қариялик пенсиялари;
- Меҳнат жараёнида орттирилган касалликлар ва тан жароҳатлари учун товон пули;
- Оила ва оналик нафақаси;
- Ногиронлик нафақаси;
- Қаров ёки боқувчисини йўқотганлик нафақаси.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кўмитаси ижтимоий таъминот ҳуқуқининг таркибий қисмлари ўз ичига нималарни олиши тўғрисида ўзининг 19-сонли (E/C.12/GC/19) умумий шарҳларида кўрсатмалар бериб ўтган бўлиб, Ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Раҳбарий тамойиллар (A/HRC/21/39) инсон ҳуқуқларининг ижтимоий таъминотга тегишли бўлган жиҳатларига нисбатан ҳам қўлланилади. Ижтимоий таъминот тизимларида иш ҳақлари тўланиши билан боғлиқ муаммолар вужудга келишига тегишли нафақалар берилишини таъминлайдиган ижтимоий суғурта дастурлари ва аҳолининг ночор қатламига мансуб шахсларнинг етарлича бўлмаган даромадларига қўшимча тарзда бериладиган нафақалар билан таъминловчи ижтимоий кўмак дастурлари ўртасида фарқ мавжуд. Ҳар иккала турдаги дастурлар ҳам муносиб турмуш кечириш учун зарур бўлган моддий ҳолатнинг яхшиланишини кафолатлаш ва моддий беқарорлик ҳамда қашшоқликнинг таъсиридан ҳимоялаш мақсадида таъсис этилган. Халқаро меҳнат ташкилоти ва БМТнинг бошқа агентликлари давлатларга болалар, кексалар ва етарли миқдорда даромадга эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар (хусусан, касаллик, ишсизлик, туғруқ ва ногиронлик ҳолатларида) асосий даромад олишларини ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим имкониятлардан барча фойдаланишини кафолатлаш мақсадида ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун зарур чоралар кўришларини тавсия қиладилар.⁶³

Кам даромадга эга давлатларда ижтимоий таъминот бўйича қуйидагилар кузатилади:

- Кам сонли давлатларгина барча аҳоли қатламлари қамраб олинган мукаммал ижтимоий таъминот дастурларини таъсис этган;
- Ижтимоий таъминот дастурлари алоҳида махсус гуруҳларга ихтисослашган (болалар ёки ҳомиладор аёллар сингари);

⁶³ Қаранг: «Ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун миллий чоралар кўриш» бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 2012 йил 14 июнда қабул қилинган 202-сонли тавсиянома.

- Ижтимоий таъминот дастурлари аксарият ҳолларда фавқулдда вазиятларда ёрдам кўрсатиш дастурлари ҳисобланиб, табиий офат рўй берган ҳолларда ёрдам билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Кам даромадга эга давлатлар томонидан ижтимоий таъминот тизимини йўлга қўйишга тўғаноқ бўладиган омилларга қашшоқлик, маъмурий салоҳиятсизлик, қарздорлик ва халқаро молиявий институтлар томонидан жорий этилиши талаб қилинадиган давлат идоралари тузилмаларини ислоҳ қилиш киради.

82. Жадвал – Парламент аъзолари ижтимоий ҳимоя масалалари юзасидан Латвия парламентиغا петиция йўллашди (№2000-08-0109-сонли иш, 2001 йил 13 март)

Латвия парламентининг 20 нафар аъзоси иш берувчиларнинг пенсия таъминоти сифатида ўтказадиган ажратмаси миқдоридан қатъи назар, ходимларнинг пенсия ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмаган қонунни конституцияга зид деган талаб билан Конституциявий судга даъво аризаси киритишди. Парламент аъзолари ушбу қонун ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқни ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9 ва 11-моддаларини бузиш эканини таъкидладилар. Конституциявий суд қонунда ижтимоий ҳимояни таъминлашнинг самарали механизмлари таъминланмаганлиги сабабли унинг ижтимоий ҳимоя ҳуқуқига зид эканини аниқлади. Бу эса пировардида иш берувчилар мажбурий тўловларни тўламаган ҳолларда ходимларнинг ижтимоий таъминот ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келарди.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқига тегишли ҳисобга олиш лозим бўлган асосий омиллар

Ижтимоий таъминот ҳуқуқини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларда давлатлар, хусусан, парламентлар қуйидаги тавсияларни ёдда тутишлари лозим:

- Мақсад ва вазифалар, эришилган ютуқларни баҳолаб бориш имконини берувчи кўрсаткичлар ва аниқ вақт чегараси билан қамраб олинган миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш; ҳуқуқнинг амалга оширилишида эришилаётган ютуқларни мониторинг қилиш механизмларини таъсис этиш;
- Қонун билан шаффоф, барқарор ва кенг қамровли ижтимоий ҳимоя тизимлари яратилишини таъминлаш.
- Халқаро меҳнат ташкилотининг ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тавсияларига мувофиқ ижтимоий сугурта ва ижтимоий ёрдамни қамраб оладиган миллий миқёсдаги ижтимоий таъминот тизимларини кенгайтириш.
- Ҳар бир инсон учун ижтимоий ҳимояланишга эришиш ва камида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг минимал зарур даражаларидан фойдаланишни босқичма-босқич таъминлаш учун зарур ресурсларни ажратиш. Барча одамлар ижтимоий ҳимоя тизимлари томонидан аста-секин қамраб олиниши керак бўлса-да, энг ночор ва эътибордан четда қолган гуруҳларга устувор аҳамият бериш.
- Эркаклар ва аёллар учун мажбурий пенсия ёшини тенглаштириш орқали ижтимоий ҳимоя тизимидан тенг асосларда ва камситишларсиз фойдалана олишлари ҳамда

аёллар давлат ва шахсий пенсия тизимлари имкониятларидан тенг даражада манфаатдор бўлишини, шунингдек, аёлларга ҳомиладорлик таътили берилишини таъминлаш, фарзанд туғилганда эркаклар учун оталик таътили ёки ҳам эркаклар, ҳам аёллар учун ота-оналик таътили берилишига имкон яратиш.

- Камбағалликда яшовчи шахслар, хусусан аёллар ва норасмий иқтисодиётда ишлаётган шахслар ижтимоий таъминот, шу жумладан, етарли даражада турмуш даражасини ва улар ҳамда уларнинг оила аъзолари соғлиқни сақлаш хизматидан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ижтимоий нафақа олиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш учун аниқ чора-тадбирлар кўриш.
- Келгусида имтиёзлардан фойдаланувчи нафақа олувчиларга ўз ҳуқуқларини маъмурий ва суд тартибида ҳимоя қила олишлари учун тегишли тартиб-таомилларни жорий этиш.
- Коррупциянинг олдини олиш ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги фирибгарликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва иш жараёнидаги ҳуқуқлар

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддаси 1-қисми:

«Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга».

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддаси:

«1. Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган меҳнат ҳуқуқини тан олади. Меҳнат турини ҳар бир одам эркин ҳолда танлайди ёки унга эркин ҳолда рози бўлади. Шу Пакт иштирокчиси бўлган давлатлар эса фуқароларни мазкур ҳуқуқ билан таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

2. Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур ҳуқуқни тўлиқ амалга ошириш мақсадида кўрилиши керак бўлган тадбирларга касб-ҳунар ва техника таълими ва тайёргарлик дастури, инсоннинг асосий сиёсий ва иқтисодий эркинликларига кафолат берувчи шароитларда узлуксиз ҳолда иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётга одамларнинг ишлаб чиқаришида тўлиқ банд бўлишига эришиш усули ва йўллари киради».

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддаси:

«Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан, қуйидагиларни тан олади:

а) барча меҳнаткашларга камида қуйидагиларни таъминлайдиган иш ҳақи:

і) тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад, айни пайтда, жумладан, аёлларга эркакларникидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши керак;

іі) мазкур пактнинг қарорларига мувофиқ, улар ва уларнинг оилалари учун қониқарли бўлган турмуш;

б) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити;

в) меҳнат стажи ва тегишли малака асосида янада юқорироқ мансабларга кўтарилиш учун бир хил имконият;

ғ) дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек байрам кунлари учун ҳақ».

Меҳнат қилиш ҳуқуқи

Меҳнат қилиш ҳуқуқи шахсни иқтисодиётдан ажратиб қўйишдан, ишсизларни эса ижтимоий ёлғизланиб қолишдан ҳимоя қилади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-модда, 1-қисмида белгилаб берилган касб танлаш ва мажбурий меҳнатнинг тақиқланишига алоҳида урғу бериш зарур. БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кўмитасининг 18-сонли (2005 йил) умумий шарҳларига кўра «Меҳнат қилиш ҳуқуқи бошқа инсон ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиб, инсон қадр-қимматининг ажралмас ва ўзига хос қисмини шакллантиради. Ҳар бир инсон ўз қадр-қиммати билан яшашга имкон берувчи меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Меҳнат қилиш ҳуқуқи шахснинг ва унинг оила аъзоларининг яшаши, шунингдек, эркин касб танлаши ёки уни қабул қилиши, шахснинг ривожланиши ва жамиятда эътироф этилиши учун ҳисса қўшади».

83. Жадвал – Европа ижтимоий хартияси 1-моддасига мувофиқ давлатларнинг меҳнат соҳасига оид мажбуриятлари

- Тўлиқ иш билан таъминлашга эришиш мақсадида имкон қадар юқори ва барқарор иш билан таъминлашга эришиш ва иш ўринлари ажратишни давлатлар ўзларининг бош вазифаси ва мажбуриятлари сифатида қабул қилиши;
- Ишчининг ўзи эркин танлаган фаолият тури орқали даромад топиш ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш;
- Бепул хизмат кўрсатадиган меҳнат ярмаркаларини (биржалари)ни таъсис этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- Тегишли касбий таълим, малака ошириш курслари ва реабилитация дастурлари билан таъминлаш ва уларни тарғиб қилиш.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва унинг сиёсат ёки дастурлар орқали амалга татиб этилиши бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилар экан, ишга қабул қилишда камситишларга йўл қўйилмаслигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Қонунчиликда, қолаверса, махсус гуруҳлар – аёллар, қариялар ва ногиронлар қабила – меҳнат бозорига киришини жадаллаштириш ва ишчиларнинг ўзи эркин танлаган касби орқали даромад топиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш назарда тутилиши лозим.

Аёллар меҳнатнинг деярли барча соҳаларида, хусусан, уларга умуман пул тўланмаслиги, улар қабул қилинадиган ёки қабул қилинмайдиган иш тури, бола тарбиялашига имкон яратилиши, уларнинг иш ҳақи даражаси, иш шароитлари, уларнинг юқори ҳақ тўланувчи, асосан «эркаклар» бажарадиган касб-хунарларни эгаллаши, иш жойларининг ишончсизлиги, пенсия олиш ҳуқуқларининг йўқлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш учун зарур вақт, ресурслар ёки маълумотларнинг етишмаслиги каби тизимли тўсиқларни бошдан кечирадilar. Давлатлар норасмий иқтисодиётда ишчилар сонини қисқартириш ва меҳнат қонунчилигида иқтисодиётнинг барча соҳалари, шу жумладан, ички ва қишлоқ хўжалигига оид соҳаларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кенгайтиришни амалга оширишлари керак.

Иш беришдан кўзланган асосий мақсад давлатнинг ресурсларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини тўлиқ иш билан имкон қадар тезроқ таъминлашга эришишдан иборатдир. Бундай сиёсат ижтимоий нафақа масалаларидан кўра кўпроқ узоқ муддат давомида ишсиз юрган ва кам даромад топадиган аҳоли муаммоларини оммавий меҳнат дастурлари қабул қилиш орқали муҳокама қилишга қаратилиши зарур.

Давлат барча фойдаланиши мумкин бўлган бепул ёки мақбул нархлардаги касбий таълим, малака ошириш курслари ёки тайёргарлик дастурлари таъсис этиши ҳамда барча ишчиларнинг манфаатларига хизмат қиладиган текин меҳнат биржалар фаолияти йўлга қўйилишини таъминлаши лозим.

Иш жараёнидаги ҳуқуқлар

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддасида ҳар бир шахснинг адолатли ва қулай шарт-шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бундай шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

- Барча меҳнаткашларга камида қуйидагиларни таъминлайдиган:
 - Тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва даромад тўлаш;
 - Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қониқарли турмуш;
- Меҳнат стаж ва тегишли малака асосида ишда янада юқорироқ мансабларга кўтарилиш учун бир хил имконият;
- Хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити;
- Дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек, байрам кунлари учун ҳақ.

Шунинг учун БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кўмитасининг 18-сонли (2005) умумий шарҳлари ва БМТнинг Ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси тавсияларига мувофиқ, парламент аъзолари қуйидаги асосий

элементларнинг қонунчиликда назарда тутилиши ва тегишли стратегиялар, сиёсат ва дастурлар орқали амалга оширилиши таъминлаши лозим:

- Тегишли меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш учун етарли ваколатлари ва ресурслари мавжуд бўлган меҳнат инспекцияси орқали меҳнат қонунчилигини мустаҳкамлаш ва уларнинг ижро этилишини таъминлаш;
- Барча ишчиларга ва уларнинг оилаларига муносиб турмуш даражасига эга бўлиш учун етарли миқдорда иш ҳақи тўланаётганига ишонч ҳосил қилиш;
- Норасмий иқтисодиёт учун адолатли ва қулай иш шароитлари яратиш бўйича қонуний стандартларни кенгайтириш ва норасмий ишларнинг қўламини баҳолаш бўйича тарқоқ маълумотларни жамлаш;
- Мажбурий меҳнатнинг барча турларини ва болалар меҳнатининг зарарли ва хавфли шакллари бартараф этиш, шунингдек, бундай меҳнат шаклларидан жабр кўрган шахсларнинг ижтимоий ва иқтисодий реинтеграциясини таъминловчи ва такрор содир этилмаслиги учун ижобий чора-тадбирлар кўриш;
- Ижтимоий ҳимояга муҳтож, шу жумладан болаларни парваришлаётган шахслар учун мўлжалланган ижтимоий дастурлар ва хизматлар томонидан етарли даражада ҳимоя қилинишини ва қўллаб-қувватланишини таъминлаш;
- Расмий меҳнат бозорида ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш учун, жумладан, касб-хунарга йўналтириш ва ўқитиш ҳамда малака ошириш орқали махсус чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Аёллар, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва ногиронларнинг ишга жойлашиш ва малака оширишида камситишни бартараф этиш мақсадида таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган бўлишини таъминлаш;
- Барча ишчилар меҳнат ислохотлари тўғрисидаги ижтимоий ва сиёсий мулоқотда фаол иштирок этиши учун уюшиш эркинлигини ҳурмат қилиш, рағбатлантириш ва амалга ошириш.

84. Жадвал – Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди фаолиятида меҳнат ҳуқуқлари масалалари («Баена, Рикардо ва бошқалар (жами 270 нафар ишчи) Панамага қарши» суд иши)

2001 йил феврал ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди 270 нафар давлат амалдорлари ва касаба уюшмалари раҳбарларининг ўзбошимчалик билан ишдан бўшатирилганлиги тўғрисидаги шикоят юзасидан қарор чиқарган эди. Ҳукумат меҳнат ҳуқуқларига оид петицияни рад этгач, тегишли шахслар эртаси куни намойиш ўтказиб, иш ташлаганларини эълон қилишади. Намойишлар ўтказилган 1990 йил 4 декабр куни ҳарбий зобитлар қамоқдан қочиб, Миллий полиция маҳкамасини бир неча соат мобайнида босиб олишади. Касаба уюшмаси иш ташлашни бекор қилади. Ҳукумат рўй берган икки ҳодиса орасида алоқа мавжуд деб ҳисоблаб, суд тартибиде кўриладиган меҳнат низоларини бу воқеалар содир этилганидан кейин маъмурий тартибда кўриб чиқишга ўзгартириш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш орқали тегишли шахсларни оддий хат орқали ишдан бўшатади. Суд Панама давлати ишчиларнинг уюшмаларга эркин

бирлашиш, суд кафолати ва суд ҳимояси, шунингдек, қонунийлик ва қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги тамойилларига бўлган ҳуқуқларини бузган, деган хулосага келди. Суд инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар юзасидан қарорлар қабул қилингудек бўлса, иш ҳар қандай суд жараёnlари ёки маъмурий тартибда кўрилган ҳолатда ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг 8-моддаси 2-қисмида белгиланган процессуал кафолатларга риоя қилиниши лозим, деган тўхтамга келган. Натижада суд давлат томонидан ишчиларнинг олдинги ёки унга тенглаштирилган лавозимларга тайинланиши, уларга тўланмаган иш ҳақини тўлаш, етказилган маънавий зарар ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш учун уларнинг ҳар бирига 3000 АҚШ доллари миқдорида ҳақ тўлаш лозимлиги юзасидан қарор чиқаради.⁶⁴

Муносиб турмуш даражаси ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддаси:

«1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик; қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак».

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддаси:

«1. Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этади. Мазкур иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқлар амалга оширилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради, айни пайтда эркин келишувга асосланган халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги муҳим аҳамиятини эътироф этади.

2. Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг очликдан холи бўлишдек асосий ҳуқуқини тан олган ҳолда, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун аниқ дастурлар ўтказишни қамраб оладиган зарур чораларни кўришлари керак:

а) техник ва илмий билимлардан кенг кўламда фойдаланиш, овқатланиш тамойиллари тўғрисидаги билимларини ёйиш, табиий

⁶⁴ Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: www.escr-net.org/docs/i/405986.

ресурслардан янада самарали фойдаланиш ва ўзлаштириш учун аграр тизимни такомиллаштириш ёки ислоҳ қилиш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш услубларини яхшилаш;

б) эҳтиёжга мувофиқ ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилувчи мамлакатларнинг муаммоларини ҳисобга олган ҳолда жаҳондаги озиқ-овқат захираларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш».

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-моддаси:

«1. Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага етиш ҳуқуқини эътироф этади.

2. Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар кўриши керак бўлган чоралар қуйидаги ишлар учун зарур тадбирларни ўз ичига олади:

а) ўлик гўдаклар туғилишини ва болалар ўлимини қисқартириш ҳамда болаларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш;

б) ташқи муҳитнинг ҳамма жиҳатларини ва саноатда меҳнат гигиенасини яхшилаш;

в) юқумли, эндемик, касбий ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳамда уларга қарши курашиш;

г) касал бўлган ҳолларда ҳаммага тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий парваришни таъминлайдиган шароит яратиш».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида шахснинг етарли турмуш даражасига бўлган ҳуқуқи кафолатланган. Илгарироқ муҳокама этилган ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуққа қўшимча равишда бу ҳуқуқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Етарлича озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқи;
- Етарлича кийим-кечакка эга бўлиш ҳуқуқи;
- Турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи;
- Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддасида муносиб турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқининг асосий унсурлари (озиқ-овқат, кийим-кечак ва тураржой) қамраб олинган бўлиб, унинг тўхтовсиз равишда яхшиланиб бориши лозимлиги эътироф этилган. Халқаро пактга иштирокчи давлатлар «ушбу ҳуқуқлар амалга оширилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрадилар, айти пайтда эркин келишувга асосланган халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги муҳим аҳамиятини эътироф этадилар». Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддасига мувофиқ, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитанинг фикрига кўра, тоза ичимлик суви ва санитария ҳолатига эга бўлиш ҳуқуқи ҳам етарли турмуш даражасига бўлган ҳуқуқнинг унсурлари ҳисобланади.

Озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқи

Озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқини тўлиқ ҳурмат қилишнинг аҳамияти халқаро жамоатчилик томонидан такрор ва такрор таъкидланаётган бўлса ҳам, ҳамон бу соҳада халқаро ҳуқуқ стандартлари билан дунёнинг аксарият минтақаларидаги ҳақиқий аҳвол ўртасида катта бўшлиқ мавжуд.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти статистик маълумотларига кўра, 2012-2013 йилларда 805 миллионга яқин киши сурункали равишда етарли озиқ-овқат билан таъминланмаган бўлиб, улардан 60 фоизи аёллар ёки қизларни ташкил этса-да, бу кўрсаткич ўтган ўн йил ичида 100 миллиондан кўпроққа камайган ва 1990-92 йилларга нисбатан 209 миллион нафарга озайган. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоботи шуни кўрсатадики, «умумий тараққиётга қарамай, минтақалар ўртасидаги сезиларли фарқлар сақланиб қолмоқда. Африканинг Саҳрои Кабир минтақасида тобора авж олиб бораётган озиқ-овқат танқислиги кузатилса-да, сўнгги йилларда ҳолат бир оз ижобий томонга ўзгарган. Минтақадаги ҳар тўрт кишидан бири етарли овқатланмайди. Дунёнинг энг аҳолиси кўп минтақаси саналган Осиёда ҳануз энг кўп одам озиқ-овқат танқислигидан жабр чекмоқда».⁶⁵

БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг таъкидлашича, «етарли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш ва очликдан халос бўлиш ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат етишмовчилиги ва тўйиб овқатланмаслик ҳамда бошқа муаммолар иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд». Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича механизмларига кўра, озиқ-овқат танқислиги ва етарли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш ҳуқуқларининг бузилиши озиқ-овқат нархларининг юқорилиги, даромадларнинг пастлиги ва ишсизликнинг ортиши билан изоҳланади. Озиқ-овқат танқислиги борасидаги хавотирлар бошқа давлатларга, трансмиллий корпорацияларга ерларнинг сотилиши ёки қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган ерлардан экспортбоп экин маҳсулотлари ва биоэтанол ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳажми ортиб бориши натижасида янада кучаймоқда. Инсон ҳуқуқлари кенгаши озиқ-овқат инқирози (A/HRC/S-7/2) ва глобал иқтисодий инқироз (A/HRC/S-10/2) масалаларига бағишланган махсус сессиялар ўтказди.

Етарли озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқи қай тарзда таъминланиши мумкин?

«Очлик ёки етарлича озиқ-овқат етмаслиги пешанага битилган тақдир ёзиғи ёки табиатнинг қарғиши натижаси эмас, инсон омили фаолиятининг оқибатидир».

Жан Зиеглер, БМТнинг озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачиси, Озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқи бўйича Маъруза, (E/CN.4/2001/53), 2001 йил, 6-банд.

Етарлича озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқи инсон қадр-қимматининг, шаънининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, бошқа инсон ҳуқуқларидан фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

⁶⁵ БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Қишлоқ хўжалиги тараққиёти бўйича Халқаро жамғарма ва Жаҳон озиқ-овқат Дастури. 2014 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш учун қулай муҳитни мустаҳкамлаш. Рим, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, 2014.

Ҳар бир аёл, эркак, бола ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ҳар доим етарлича озиқ-овқат ёки у билан таъминланиш воситаларига жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан имкониятга эга бўлган тақдирдагина етарлича озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқидан амалда фойдаланиши мумкин. Бу ҳукумат барча учун текин озиқ-овқат тарқатиши лозим деган маънони англатмаса-да, ҳукумат бу ҳуқуқни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш, амалга татбиқ этиш ва айрим ҳолларда таъминлаб беришга бурчли эканлигини билдиради.

85. Жадвал – Озиқ-овқат тўғрисидаги намунавий қонун

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ, давлатлар озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқни таъминлашга ва уни ўз қонунчиликларига татбиқ этишга мажбур бўлсалар-да, очликдан азият чекадиган шахс халқаро пакт қоидалари миллий қонунчиликда акс эттирилган тақдирдагина – бу ҳолат камдан-кам ҳоллардагина кузатилади – миллий судларда бу ҳуқуқнинг таъминланишини талаб қилишга ҳақли ҳисобланишади.

Шунинг учун, Пактнинг бажарилишини кузатиб борувчи Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси иштирокчи давлатларнинг етарли миқдордаги озиқ-овқат билан таъминланиш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунларни қабул қилиш мажбуриятларини таъкидлаб ўтиб, айниқса, давлатлар озиқ-овқат ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутилган озиқ-овқат тўғрисидаги намунавий қонунлар қабул қилишини тавсия этган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг 12-сонли (1999) умумий шарҳларида шундай дейилган: «Намунавий қонунда унинг мақсадлари; эришилиши керак бўлган мақсадлар ёки марралар ва ушбу мақсадларга эришиш учун белгиланган вақт; мақсадга эришиш мумкин бўлган воситалар, хусусан, фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда мўлжалланган ҳамкорликни кенг тушунтириш; жараён учун институционал жавобгарлик; ва уни мониторинг қилишнинг миллий механизмлари, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги нормалар акс этиши керак. Кўрсаткичлар ва намунавий қонунчиликни ишлаб чиқишга иштирок этувчи давлатлар фуқаролик жамияти ташкилотларини фаол жалб қилишлари керак».

Бунинг учун кўриладиган ёки амалга ошириладиган айрим махсус чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар талаб қилинади.

Озиқ-овқат ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий воситаси сифатида намунавий қонун қабул қилиниши керак. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси, шунингдек, БМТнинг Озиқ-овқат ҳуқуқи бўйича махсус маърузачиси ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг барчаси томонидан озиқ-овқат ҳуқуқига оид қонунчилик ва сиёсий тавсиялар ишлаб чиқилган.⁶⁶

Конституциялар ва миллий қонунларни озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқ бўйича инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрларга яқинлаштириш ва уларни қайта кўриб чиқиш,

⁶⁶ Қаранг: Мисол учун Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг 12-сонли (1999) умумий шарҳлари. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: www.righttofood.org.

тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритишда озиқ-овқат ва унга алоқадор манбалардан фойдаланиш соҳасидаги камситишларнинг олдини олиш эҳтиёжига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Қуйидаги чора-тадбирларни қўриш тавсия этилади:

- Барча гуруҳларга, шу жумладан, камбағаллар ва аҳолининг ночор ёки камситишлардан азият чекадиган қатламларига ҳам жисмоний, ҳам иқтисодий жиҳатдан озиқ-овқат манбаларидан фойдаланиш имкониятини кафолатлаш.

Бирор чора-тадбир ёки сарф-ҳаракат етарлича озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқининг бузилишига олиб келмаслиги зарур (масалан, кишиларни асоссиз равишда ўз еридан ҳайдаб чиқариш, озиқ-овқат манбаларига қасддан заҳарли моддалар қўшиш ёки қуролли можаролар даврида маҳсулдор манбаларнинг йўқ қилиниши ва аҳолига мўлжалланган озиқ-овқат ёрдамларининг етказиб берилишига тўсқинлик қилиш).

Ташкилотлар ёки ҳар қандай фуқаро томонидан аҳолининг озиқ-овқат манбаларидан етарлича фойдаланиш ҳуқуқи бузилишига қарши чоралар қўрилиши лозим. Ҳимоя қилиш мажбурияти деганда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар қабул қилиш ва чора-тадбирлар қўриш, агарда ташкилотлар ичимлик суви манбалари ифлослантирилса ёки монополиялар озиқ-овқат ёхуд уруғлар бозорини суистеъмол қилса, унга қарши курашиш тушунилади.

- Барчанинг, хусусан, аёлларнинг иқтисодий манбалардан тенг ва тўлиқ фойдаланишини, жумладан, уларнинг ерни мерос қилиб олиш ёки унга ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишини, кредит муассасалари хизматидан, табиий бойликлар ва тегишли технологиялардан фойдаланишини кафолатлаш. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, дунё қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган ишчи кучининг 80 фоизини аёллар ташкил этса-да, улар ерларнинг 1 фоиздан камроғига эгалик қилади ва глобал миқёсда фермерларга бериладиган кредитларнинг 1 фоиздан камроғигина уларга бериладиган қарзларни ташкил қилади.

Аҳолининг манбалардан ва тирикчилик воситаларидан фойдалана олиш имкониятларини қўллаб-қувватлаш учун қуйидагиларни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қўрилиши лозим:

- Фуқаролар керакли озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишлари ёки ишлаб чиқаришлари учун етарли ойлик маош ва ерга эга бўлишлари;
- Аҳолининг ночор қатламларига мансуб кишиларни аниқлаш ва уларнинг ўз-ўзини боқиш имкониятларини ошириш орқали уларни етарли озиқ-овқат билан таъминлашга қаратилган дастурларни амалга татбиқ этиш (масалан, уларнинг ишга жойлашиш истиқболларини яхшилаш, аграр соҳада ерсиз аҳоли вакилларига мўлжалланган ислохотлар олиб бориш дастури ёки болаларнинг озиқ-овқат билан таъминланиши учун бепул сут бериш орқали).
- Ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг ҳурмат қилиниши ва ҳимоя қилиниши, ишчиларнинг ўзлари ва оила аъзолари қониқарли турмуш кечиришини таъминловчи ҳақ тўланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш, камситишлар ишчиларнинг ўзини боқиш қобилиятига таъсир кўрсатиши боис жинс, ирқ ёки бошқа асосларда ишга қабул қилмаслиқнинг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар қўриш.

- Ерга эгаликнинг қайд этиб борилиши.

Ҳукуматлар, масалан, тубжой аҳолисининг ўз аجدодлари эгалик қилган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқларини амалга оширишини таъминлаш, аёллар ва кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш ва узоқ минтақалардаги (тоғли ва чўл ҳудудлари каби) деҳқонлар каби алоҳида эътибор кўрсатилишига муҳтож бўлганларга мўлжалланган фермерларни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

- Аҳоли ёки гуруҳлар ўз назоратидан ташқарида бўлган сабаблар, жумладан, табиий ёки бошқа офатлар туфайли ўзини боқишга қодир бўлмаган ҳолатларда озиқ-овқат билан таъминланиши керак (бундай ёрдам кўрсатиш шаклларига тўғридан-тўғри озиқ-овқат тарқатилиши, нақд пул маблағларини ўтказиш ёки меҳнат учун озиқ-овқат бериш дастурларини мисол қилиб келтириш мумкин).

Зудлик билан чора-тадбирлар кўриш лозимми?

Бошқа иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар сингари етарли озиқ-овқат ҳуқуқининг амалда таъминланиши ва ҳимоя қилиниши ҳам давлат бу борадаги мажбуриятларини аста-секинлик билан амалга ошириб борадиган, яъни бу ҳуқуқнинг амалда таъминланиши ва ҳимоя қилиниши учун давлат зудлик билан чора-тадбирлар кўриши лозим бўлган соҳа ҳисобланмайди. Бироқ давлат бу ҳуқуқнинг таъминланиши учун мавжуд манбалардан максимал тарзда фойдаланиш орқали чора-тадбирлар кўриши лозим. Шуни алоҳида эслатиб ўтиш ўринлики, давлат қуйидаги мажбуриятларни босқичма-босқич амалга оширмай, бу хусусда дарҳол тегишли чоралар кўриши талаб этилади:

- Озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш, озиқ-овқат билан таъминловчи воситалар ва бу борадаги ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишда камситишларга йўл қўйишдан тийилиб туриш;
- Яшаш учун зарур бўлган асосий минимал шарт-шароитлар билан таъминлаш (шу орқали очликдан холи бўлиш эркинлигини таъминлаш);
- Орқага қайтиш кучига эга бўлган, мавжуд ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келувчи чора-тадбирлар кўрмаслик.

Турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи

Зарур турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи ҳар бири киши ўз бошпанасига эга бўлишга ҳақлидир, деб тор маънода талқин этилмаслиги лозим ва бу ҳуқуқ шахснинг бирон жойда хавфсиз, тинчликда ва ўз шаъни, қадр-қиммати ҳурмат қилинадиган муҳитда турмуш кечиришини билдиради.

Уйсизлик турар жой ҳуқуқининг энг мудҳиш шаклда рад этилиши ҳисобланиб, қашшоқликнинг оқибатидир. Бундан ташқари, талотўплик, ахлат ташлаб кетилмаслиги, ифлосланиш, мавсумий тарзда ҳалокатли шарт-шароитларда яшаш, ичимлик суви ва бошқа инфратузилмаларнинг етишмаслигидан азият чекадиган вайроналарда ҳамда узоқ қишлоқ аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган миллионлаб кишиларнинг аянчли ҳолати ҳам турар жой ҳуқуқининг инкор этилишидир. Бу борада Мингйиллик ривожланиш мақсадларида эришилиши кўзланаётган айрим марралар белгилаб берилган бўлиб, «2020 йилга қадар кишилар аҳоли зичлиги ва ноқулай яшаш шароитидан азият чекадиган ҳудудлардаги ҳамда кулбаларда яшаётган камида 100 миллион нафар шахснинг турмуш шароитини сезиларли даражада яхшилаш кўзда тутилмоқда».

86. Жадвал – Муносиб уй-жой ҳуқуқига тегишли миллий қонунчиликка оид мисоллар

Венгрия Конституцион суди уй-жойсиз қолиш тўғрисидаги қонунни қоралади

2010-2011 йиллар мобайнида Венгрия жамоат жойларида ухлаш ва ҳаётни сақлаб турувчи бошқа фаолият олиб боришни маъмурий ҳуқуқбузурлик деб топиш тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, ҳуқуқбузарга жазо тариқасида жарима ёки маъмурий қамоққа олиш қўлланилиши мумкин ва қонунчилик билан маҳаллий ҳокимият органларига бундай шахсларнинг мулкани мусодара қилиш ҳуқуқини берилган. Қонунчилик Венгриянинг турли ҳудудларидаги 30 мингдан ортиқ бошпанасиз одамларга салбий таъсир кўрсатди. 2012 йил декабр ойида Конституциявий суд ушбу қонунни Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқий кафолат ҳамда инсоннинг қадр-қиммати ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш талабларига зид деб топди. БМТнинг Ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси мазкур қарорни шарҳлар экан, уйсизлик ижтимоий ҳимоя учун зарур бўлган хизматларни тақдим этиш орқали ҳал қилиниши кераклигини таъкидлади. Афсуски, ҳукумат Конституциявий суд қарорини эътибордан четда қолдириб, конституциявий ўзгаришларга ҳамда бошпана излаётганларнинг ҳуқуқбузарга айланишига имкон берувчи янги қонунни қабул қилди.

Кения Олий суди кўчирилаётган шахсларга ёрдам беришга қарор қилди

Кения Олий суди 2011 йил ноябр ойида ўз уйларида мажбуран чиқариб юборилган ва уйлари кейинчалик вилоят маъмурияти амалдорлари ва Гарисса шаҳар кенгаши томонидан бузилган 1000 дан ортиқ шахсдан келиб тушган ариза бўйича қарор қабул қилган эди (2011 йилдаги 2-сонли Конституциявий ариза, Гарисса). Олий суд қарорида фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларнинг ўзаро боғлиқлиги тан олинди. Янги Конституцияда ратификация қилинган халқаро битимлар Кения миллий ҳуқуқий тизимининг бир қисми ҳисоблангани боис ўз қарорини Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт асосланган ҳолда қабул қилганини таъкидлади. Суд давлат томонидан етарли уй-жой, тоза ичимлик суви ва санитария, жисмоний ва ақлий саломатлик ҳуқуқлари, таълим ва таҳсил олиш, маълумот олиш, адолатли маъмурий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи, очликдан озод бўлиш ҳуқуқи, шунингдек, қарияларнинг шахсий ривожланишда давом этиш, қадр-қиммат ва ҳурматда яшаш, зўравонликдан холи бўлиш ва оқилona ғамхўрлик кўрсатилиши ҳуқуқини бузган, деган хулосага келди. Суд давлат томонидан мурожаатчиларни ўз ерларига қайтариш ва уларнинг уйларини қайта қуриш ва ёки муқобил уй-жой ва бошқа объектларни бериш, шу жумладан, мактаблар билан таъминлаш ва ҳар бир мурожаатчига етказилган зарарни қоплаш учун тахминан 2000 АҚШ доллари миқдорида тоvon пули тўланиши бўйича мажбурий қарор қабул қилди. Ушбу қарор муҳим меъёрий прецедент яратгани ва бузилган уй-жойларни реконструкция қилиш ва жавобгарларга нисбатан жазо чоралари қўлланилгани учун олқишларга сазовор бўлди (Қаранг: <http://www.escr-net.org/node/364786>).

Турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи: унинг асосий унсурларини амалга ошириш

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кўмитасининг муносиб турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги 4-сонли (1991) умумий шарҳлари ва турар жойдан мажбурий кўчириш тўғрисидаги 7-сонли (1997 йил) умумий шарҳларида муносиб турар жойга эга бўлиш ҳуқуқига бир қатор ўзига хос эркинликлар ва ҳуқуқлар, жумладан, ижара муддатининг ҳуқуқий муҳофаза этилиши, инфратузилманинг мавжудлиги, мақбуллиги, мавжудлиги, жойлашиши, маданий жиҳатдан мақбуллиги, истиқомат қилиш имкони етарлилиги ва мажбурий кўчирилишлардан ҳимоя қилинишдан иборат ҳуқуқ деб таъриф берилган. Шунингдек, муносиб турар жойга эга бўлиш ҳуқуқининг асосий элементлари Етарли даражада уй-жойлар билан таъминланиш бўйича Махсус маърузачи ва БМТ Инсон яшаш муҳити дастурининг (UN-Habitat) ҳисоботларида ҳам баён қилинган.⁶⁷

- Ижара муддатининг ҳуқуқий муҳофаза этилиши: барча шахслар мажбурий кўчирилишдан, таъқиблардан ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланиши ижара муддатининг ҳуқуқий муҳофаза этилиши кафолатланиши ҳуқуқига эгадирлар. Ҳукуматлар ҳанузгача биров яшамайдиган уй хўжаликларидан фойдаланиш учун ҳуқуқий кафолатлар беришга қаратилган чора-тадбирларни зудлик билан қабул қилишлари керак. Бундай ҳаракатлар тегишли шахслар ва гуруҳлар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали амалга оширилиши керак. Хотин-қизлар мажбурий кўчирилишлардан номутаносиб тарзда азият чекаётган бўлиб, мажбурий кўчирилишлардан ҳимояланиш етарли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқининг асосий элементиدير.
- Хизматлар ва материалларнинг мавжудлиги ҳамда инфратузилмаларнинг йўлга қўйилиши: турар жойга эга бўлиш ҳуқуқидан манфаатдор шахслар табиий ва умумий ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозим: тоза ичимлик суви, овқат тайёрлаш, иситиш ва ёрۇғлик учун энергия, санитария ва кир ювиш учун шарт-шароит, омборхоналар, ахлатларни йўқотиш, оқова сувлар ва фавқулудда ёрдам кўрсатиш хизматлари.
- Турар жой нархларининг оммабоплиги: турар жой ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган нархлар шахснинг бошқа нарсаларига эҳтиёжини қондиришига таҳдид солмаслиги лозим. Турар жой солиб олишга қурби етмайдиган шахсларга ипотека кредитлари берилиши, ижарада турувчи кишилар эса ижара нархларининг асоссиз равишда ўсиб кетишидан ҳимояланиши лозим. Ногиронлар, қариялар, озчиликка мансуб халқларнинг вакиллари, тубжой аҳолисига мансуб шахслар, қочоқлар ва мамлакат ҳудудида кўчирилган шахслар, айниқса, бундай гуруҳлар таркибидаги аёллар сингари аҳолининг энг ночор қатламларига устувор мавқе бериладиган, ипотека бериш кўзда тутилган ва даромади кам шахсларнинг уй-жой солиб олишига кўмаклашувчи ҳаракат режалари ишлаб чиқирилиши зарур.
- Уй-жой қуриш учун лозим бўладиган маҳсулотлар табиий бойлик ҳисобланадиган жамиятларда бундай материалларнинг нархи ҳамёнбop бўлишини таъминлаш учун давлат идоралари зарур чора-тадбирлар қуриши шарт.

⁶⁷ Муносиб турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи, 21-сонли ахборотнома, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТ Инсон яшаш муҳити Дастурининг (UN-Habitat), 2014. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FS21_rev_1_Housing_en.pdf.

- Истиқомат қилиш имкони мавжуд бўлган турар жойларга эгалик қилиш: яшаш мумкин бўлиши учун турар жойларда истиқомат қилувчи шахслар етарлича жойга эга бўлишлари ва совуқ, намлик, шамол ёки саломатликка таҳдид соладиган бошқа омиллар, зарарли қурилиш материаллари ва касаллик ташувчи ҳашарот ва ҳайвонлардан ҳимоя қилиниши лозим.
 - Турар жой имкониятларига эга бўлиш: турар жой етарли бўлишини таъминлаш учун унга ҳақли бўлган барча инсонлар шу имкониятлардан фойдаланиши лозим. Кам таъминланган гуруҳлар етарлича уй-жой билан таъминланиши учун улар тўлиқ ва барқарор имкониятга эга бўлиши шарт. Шунга мувофиқ, қариялар, болалар, ногиронлар, ўта оғир беморлар, ОИВ билан касалланган шахслар, доимий тарзда тиббий муаммоларга дуч келадиган шахслар, руҳий касаллар, табиий офатдан азият чекканлар ва табиий офат юз бериши хавфи юқори бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли турар жойга бўлган ҳудудда устувор мавқега эга бўлиши керак. Турар жой соҳасидаги қонунчилик ва сиёсат бу тоифадаги шахсларнинг ва аҳоли ночор қатламларининг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиши шарт.
 - Муносиб жойларда турар жойлар қуриш: етарлича бўлиши учун турар жойларни иш жойлари, тиббий хизмат муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, яслилар ва бошқа ижтимоий муассасаларга яқин жойлаштириш керак; турар жой бинолари ифлосланган ҳудудлардан олисда ёки истиқомат қилувчиларнинг саломатлик ҳуқуқига путур етказмаслик учун ифлосланиш манбаларидан узоқроқ ҳудудларда барпо этилиши лозим.
 - Маданий жиҳатдан мақбул турар жойларни барпо этиш: турар жой қурилиши бунда фойдаланиладиган материаллар ҳамда шу соҳада олиб бориладиган сиёсат кишиларнинг маданий ўзлиги ва турфа хиллигини сақлашга хизмат қилиши лозим. Турар жой қурилишидаги маданий мезонлар уй-жойлар барпо этилишини жадаллаштириш ёки уларни модернизация қилиш йўлидаги лойиҳалар ишлаб чиқишда қурбон қилинмаслиги керак.
- Турар жойга эга бўлиш ҳуқуқига тааллуқли бўлган бундай кенг ҳуқуқлар рўйхатининг ўзиёқ бу ҳуқуқнинг нечоғлик серқирра ва мураккаб эканидан далолат беради. Давлат турар жойга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришда бу билан боғлиқ бўлган юқорида тилга олинган ҳуқуқларни ҳам ҳисобга олиши шарт. Ҳар қандай шахс ёки оила, оилада яшовчи ҳар бир фуқаро, гуруҳ ёки жамоа вакили ўзи ҳақли бўлган даражадан паст турар жой шароитларида яшаётган бўлса, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда белгилаб берилган муносиб турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи рўёбга чиқишини талаб қилиши мумкин.
- Қолаверса, турар жой ҳуқуқи фуқарони қуйидагилардан ҳимоя қилишини таъминланиши шарт:

- турар жойларнинг асоссиз равишда бузиб ташланиши;
- мажбурий тарзда ёки асоссиз равишда турар жойдан ҳайдаб чиқариш;
- этник ёки диний асосларга кўра аҳолини ажратиб қўйиш ёки кўчириш;
- камситиш;
- қўрқитиш, таҳдид солиш ёки шунга ўхшаш аралашувлар.

- уй-жойга эга бўлмаган шахслар сонини қисқартириш, уларни об-ҳаво инжиқликларидан ҳамда саломатликка путур етказувчи омиллардан ҳимояланган зарур турар жойлар билан таъминлаш;
- муносиб турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи бузилганлигини даъво қилаётган шахслар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олишлари ва бундай имкониятга эга бўлишлари учун тегишлича суд, ярим-судлов ваколатлари мавжуд муассасалар, маъмурий ёки сиёсий мажбурлов ва ижро этувчи механизмлар фаолиятини йўлга қўйиш.

87. Жадвал – «Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ва бошқалар Грутбум ва бошқаларга қарши» суд иши (Жанубий Африка Конституциявий суди, 2000)

Хусусий мулкдан чиқариб юборилган ва спорт майдончасида даҳшатли шароитларда яшаб келган Грутбум хоним ва бошқалар қишки ёмғирлар уларнинг вақтинчалик бошпанада яшашига имкон қолдирмагач, дарҳол ёрдам бериш учун қонуний чоралар кўрилишини сўрашади. Суднинг фикрича, муносиб турар-жой ҳуқуқини босқичма-босқич амалга оширишга қаратилган кенг қамровли уй-жой қонунчилиги ва сиёсати амалда бўлса-да, уларда оғир шароитда турмуш кечиравётган инсонларнинг аҳволи инобатга олинмаган. Суд уй-жой сиёсатида нисбатан асосланганлик синовини қўллаб, эҳтиёжларнинг қондирилмаганлик ҳолатларини, яъни барпо этилаётган миллий уй-жой фондининг оқилона қисми оғир шароитларда турмуш кечиравётган инсонларга ажратилмаганлигини аниқлади. Суд давлат уй-жой талаб қилаётган шахсларнинг эҳтиёжларини зудлик билан қондиришга мажбур эмаслигини аниқлаган бўлса-да, давлат муҳтожларнинг бошпана билан таъминланишига ёрдам бериши керак эди. Бундан ташқари, суднинг қарорига кўра, босқичма-босқич уй-жой билан таъминлаш мажбурияти уй-жой қуриш режаларининг амалга оширилиши учун оқилона ресурсларни ажратиш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича зудлик билан чоралар кўриш мажбуриятини ўз ичига олган.

Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи

Ҳар бир шахснинг саломатлиги ва фаровонлиги белгилаб берилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддаси, 1-қисми соғлиқни сақлаш ҳуқуқининг таъминланиши учун халқаро ҳуқуқий доирага асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-моддасида жисмоний ва руҳий саломатликнинг энг юқори даражасига эришиш ҳуқуқига эга бўлиш ва бу борадаги тегишли давлат мажбуриятлари белгиланган.

БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи тўғрисидаги 14-сонли (2000) умумий шарҳларида «соғлиқни сақлаш ҳуқуқи одамларнинг соғлом турмуш кечиришига имкон яратадиган шарт-шароитларни яхшиловчи ижтимоий-иқтисодий омилларнинг кенг доирасини ўз ичига олиб, саломатликка таъсир кўрсатувчи озиқ-овқат ва овқатланиш тартиби, уй-жой, хавфсиз ичимлик суви билан таъминланганлик, етарли санитария шароитлари, хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари ҳамда соғлом муҳит кабиларни қамраб олади». Шунинг учун саломатлик ҳуқуқи соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш имкониятларини ҳамда

соғлиқни сақлашнинг асосий ҳал қилувчи омилларини кафолатлаш бўйича Давлат мажбуриятларини ўз ичига олади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-моддаси Иштирокчи-давлатлардан камида тўртта алоҳида соҳада чоралар кўрилишини талаб қилади:

- оналар, болалар саломатлиги ва репродуктив саломатлик;
- гигиена талабларига жавоб берадиган қулай иш жойлари ва тоза атроф- муҳит;
- касалликлар тарқалишининг олдини олиш, уларни даволаш, назорат қилиш ҳамда асосий дори-дармон воситалари ва тиббий хизматлардан фойдаланиш;
- касаллик бўлган тақдирда ҳаммага тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббий ёрдам олиш.

88. Жадвал – Соғлиқни сақлаш ва қашшоқлик

«Касалликка чалинган шахсларнинг камбағал бўлиши ва қашшоқликда яшовчи инсонларнинг бахтсиз ҳодисалар, касалликлар ва ногиронликка дуч келиш эҳтимоли юқорилиги сабабли», БМТнинг Ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Раҳбарий тамойилларида (A/HRC/21/39,82-банди) давлатлар «камбағалликнинг шафқатсиз доираси»га эътибор қаратишлари сўралган:

- Соғлиқни сақлашнинг кўплаб ва турлича белгилари ва қашшоқликда яшовчи шахсларнинг мухторияти ва шахсини эътироф этган ҳолда соғлиқ ва қашшоқлик ўртасидаги муносабатни бартараф этиш учун кўп ўлчовли чора-тадбирларни қабул қилиш;
- Қашшоқликда яшовчи инсонларнинг жинсий, репродуктив ва руҳий саломатлигини сақлашга қаратилган профилактика ва даволовчи тиббий хизматларнинг мавжудлиги ва сифатини ошириш;
- Камбағалликда яшаётган кишиларнинг хавфсиз ва арзон дори-дармонлардан фойдаланишини ҳамда тўловга лаёқатсизлик муҳим соғлиқни сақлаш хизматларидан ва дори-дармонлардан фойдаланишга монелик қилмаслигини таъминлаш;
- Қашшоқликда яшайдиган аҳоли пунктлари, шу жумладан, қишлоқ ва олис ҳудудларда жисмоний жиҳатдан хавфсиз етиб бориш имконияти мавжуд бўлган жойларда тиббий муассасалар ташкил этиш ва шу каби объектлар уларнинг тўғри ишлаши учун зарур бўлган барча ресурсларга эга бўлишини таъминлаш;
- Қашшоқликда яшовчи шахсларнинг соғлиги, шу жумладан, ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, даволанилмаётган касалликларга таъсир кўрсатадиган асосий шароитларини белгилаш учун махсус чоралар кўриш. Бундай чоралар сирасига текин иммунизация, ушбу касалликларни аниқлаш ва даволаш учун тиббий амалиёт шифокорларига мўлжалланган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва тренинглар ўтказилиши киритилиши лозим;
- Қашшоқлик шароитида яшовчи кишиларнинг кадр-қиммати ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини ҳимоя қилувчи профилактик ва даволаш хизматларини тақдим

этишни ўз ичига олувчи жинсга асосланган зўравонликларни бартараф этишга қаратилган аниқ ва яхши молиялаштирилган сиёсатни амалга татбиқ этиш;

- Тил, географик тўсиқлар, маданий тўсиқлар, ёш, камситиш ёки мавжуд саломатлик ҳолати каби сабабларга кўра тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти чекланган гуруҳлар учун махсус хизматларни йўлга қўйиш. Камбағалликда яшовчи аёллар юқори сифатли жинсий ва репродуктив саломатлик хизматлари ва улар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишлари керак.

БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг 14-сон (2001) умумий шарҳлари ва БМТнинг Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачиси, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳужжатларида баён этилган соғлиқни сақлаш ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлаш учун турли чоралар кўриш мумкин.⁶⁸ Парламентлар ўз вазифа ва ваколатларини ошириш орқали ушбу жараёнда ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин.

Умуман айтганда, соғлиқни сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиш давлат томонидан соғлиқни сақлашнинг асосий ҳал қилувчи омилларини яхшилаш ва ҳар бир кишига камситишларсиз бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш учун ҳаракатлар амалга оширилиши; хизматлар ва товарлар, шу жумладан, ҳамёнбоп, фойдаланишга яроқли, мақбул ва сифатли асосий дори-дармонлар ишлаб чиқариш учун миллий соғлиқни сақлаш стратегияси ва ҳаракатлар режасини қабул қилиш; соғлиқни сақлаш соҳасида миллий кўрсаткичлар, мезонлар ва мониторинг механизмларини яратишни талаб қилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги суғурта механизмлари ва касалликларнинг олдини олиш ҳамда саломатлик бўйича маърифий дастурларнинг жорий этилиши ва таъсис этилиши зарурат бўлиб, парламент аъзолари соғлиқни сақлаш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари, ривожланиш ҳамда бундай таомилларнинг йўлга қўйилишини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар учун етарлича маблағлар ажратилишини кафолатлашлари шарт.

Алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламлари

Ногиронлар, руҳий касаллар, камбағаллар, аёллар, болалар ва ОИВ/ ОИТСга чалинган шахслар сингари алоҳида аҳоли қатламларининг саломатлигига оид масалаларга эътибор қаратиш талаб этилади. Бу гуруҳга мансуб шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш учун лозим бўлган мақсадли сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва етарлича бюджет маблағлари ажратилиши зарур.

Камбағалларнинг саломатлигига тааллуқли асосий муаммоларга уларнинг тиббий хизматлардан фойдаланиши, тегишли эмлаш дастурларининг йўлга қўйилиши ва атроф-муҳитни яхшилашга қаратилган асосий чора-тадбирлар кўриш (айниқса чиқиндиларни йўқ қилиш) сингарилар киради. Тегишли қонунчилик асосларини яратиш, уларни амалга татбиқ этиш ва қашшоқларнинг ҳолатидан жамоатчиликни хабардор этишда парламент аъзолари ҳал қилувчи рол ўйнайдилар.

⁶⁸ Қаранг: Мисол учун Саломатликка бўлган ҳуқуқ, 33-сонли ахборотнома, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2008. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/Factsheet31.pdf>.

Аёлларнинг соғлиқни сақлаш тизимидан, хусусан, оналик, жинсий ва репродуктив саломатлик хизматлари ва улар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишлари, айниқса, алоҳида эътибор ва маблағлар ажратилишини талаб этади.

Барча болаларнинг зарурий тиббий ёрдамдан ва соғлиқни сақлаш тизими муассасалари хизматидан фойдаланишини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилиниши ва амалга татбиқ этилиши лозим. Гўдаклар ва болалар ўлими ҳолатларини камайтиришга қаратилган дастурларни амалга ошириш, болаларнинг саломатлиги ва озиқланиши, кўкрак сути билан боқишнинг афзалликлари, гигиенанинг муҳимлиги, атроф-муҳит озодлиги ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш тўғрисидаги маърифий дастурларнинг яратилиши катта аҳамиятга эга.

Ногиронлиги бўлган шахслар соғлиқни сақлаш тизими муассасалари хизматидан тенг асосларда, шу жумладан, ногиронлиги боис эҳтиёж сезадиган хизматлардан ва соғлиқни сақлаш, ишга жойлашиш, таълим, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги абилитация ва реабилитация хизматлари ва дастурларидан фойдаланишлари лозим.

Бундан ташқари, ОИВ/ОИТС, безгак ва сил касаллиги каби сурункали касалликларга чалинган шахсларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган дастурлар ишлаб чиқирилиши керак. Қонунчиликда инсонларнинг соғлиғи туфайли таълим олиш, уй-жой, ишга жойлашиш ёки сиёсий таълим олиш имкониятлари камситилмаслигини таъминлаш учун аниқ қоидалар жорий этилиши керак.

89. Жадвал – ОИТСни бепул даволаш

2004 йил апрелда Перу Конституциявий суди ОИВ билан яшайдиган одамнинг тўлиқ тиббий ёрдам берилишини сўраб қилган мурожаати бўйича қарор қабул қилган. Мурожаат этувчи даволанишга сарфланадиган юқори харажатларни қоплашга етарли молиявий маблағи йўқлигини таъкидлаган. Суднинг фикрига кўра, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар оддий дастурий ҳуқуқлар эмас, балки улар сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун зарур бўлиб, қолаверса, инсонларнинг қадр-қиммати ҳурмат қилинишини ва бу жабҳадаги ҳамжиҳатликни талаб этади. Перу Конституциясининг олий мақсади инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлаб, суд ҳаёт ва соғлиққа дахлдор ҳуқуқлар ўзаро алоқадор эканлигини таъкидлади. Суднинг назарида янги ва юқори харажатларни талаб қиладиган конституциявий қоидаларни босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутувчи конституциявий норма ҳаракатсизликни англатмайди ва давлатни ўз сиёсатини амалга оширишда вақт жадваллари ишлаб чиқиш ва аниқ чоралар кўриш вазифасидан озод этмайди. Суд шу нуқтаи назардан ёндашиб, Конституциявий ривожланиш режаси, шу жумладан, ОИВ/ОИТСга қарши кураш ва ўта қашшоқликда яшаётган эҳтиёжманд шахсларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилишини назарда тутувчи 28243-сонли қонунга кўра давлат томонидан мурожаатчига бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши лозимлиги тўғрисида қарор чиқарди.⁶⁹

⁶⁹ Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.esccr-net.org/docs/i/405156>.

90. Жадвал – Аёлларнинг жинсий ва репродуктив саломатлик ҳуқуқлари

Аёлларнинг жинсий ва репродуктив саломатлиги кўплаб инсон ҳуқуқлари, жумладан, яшаш ҳуқуқи, қийноқлардан озод бўлиш ҳуқуқи, соғлиққа бўлган ҳуқуқ, шахсий ҳаёт ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи ва уларга нисбатан камситишларнинг тақиқланиши билан боғлиқ. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг 22-сонли (2016) умумий шарҳларида давлатларнинг аёллар жинсий ва репродуктив саломатлик билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, аёллар жинсий ва репродуктив саломатлик хизмати, товар ва муассасалар (а) етарли миқдорда мавжуд; (б) жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан қулай; (в) камситишларсиз фойдаланиш мумкин бўлган; ва (г) сифатли бўлиши лозим. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ давлатлар, хусусан, жинсий ва репродуктив саломатлик бўйича кенг қамровли хизматлар кўрсатишга мажбур бўлиб, ушбу хизматлардан фойдаланиш борасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, жиноят қонунчилигига тегишли ўзгаришлар киритиши; соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан аёлларга нисбатан камситишларни ўз ичига олган соғлиқни сақлашнинг асосий ва ижтимоий мезонларини қайта кўриб чиқиши; уларнинг ўз саломатлиги ва ҳаёти ҳақида онгли равишда қарор қабул қилиш учун аёлларга асосли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини бериши зарур. (Қаранг: <http://www.ohchr.org/EN/Issues/Women/WRGS/Pages/HealthRights.aspx>).

Ушбу мажбуриятларга қарамай, аёлларнинг жинсий ва репродуктив саломатлик ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари кўпинча турли шаклларда учраб туради. Масалан, тиббиёт ҳамжамиятида бундай ўлимлар ва жароҳатларнинг деярли бутунлай олдини олиш мумкинлигига қарамай, тоқат қилиб бўлмайдиган даражадаги кўп сонли аёллар ва қизлар ҳамон ҳомиладорлик ва туғиш вақтида вафот этишмоқда. Оналар ўлими ва касалланишидаги инқирозли вазият бир қатор инсон ҳуқуқларининг инкор этилиши, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятсизликлар ва аёлларга нисбатан кўпроқ камситишларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Хотин-қизлар ҳуқуқлари фақатгина аёллар фойдаланиши мумкин бўлган аборт қилиш ёки фавқулудда контрацепция каби тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда ҳам бузилади. Аёлларнинг соғлиқни сақлаш хизматларидан учинчи томоннинг розилиги билангина фойдаланиши ва ўзларининг розилигисиз аёлларни мажбурий стерилизация қилиш, мажбурий тарзда уларнинг бокиралигини текшириш ва мажбурий аборт қилдириш каби аёлларнинг репродуктив ва жинсий саломатлигига боғлиқ тартиб-таомилларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ва амалиёт ҳам аёлларнинг инсон ҳуқуқларини инкор этиш ҳисобланади. Аёлларнинг жинсий ва репродуктив саломатлик ҳуқуқлари аёллар жинсий аъзолари шикастланган (аёллар генитал мутиляцияси) ва эрта турмушга чиқарилган тақдирда ҳам хавф остида қолади.

Кўпинча аёлларнинг жинсий ҳаётига тааллуқли ижтимоий қадриятлар аёлларнинг жинсий ва репродуктив саломатлик ҳуқуқлари бузилишига чуқур таъсир кўрсатади. Аёлларнинг оиладаги ўрни тўғрисидаги патриархал тушунчаларга кўра аёлларга уларнинг насл қолдира олиш қобилиятига асосланиб баҳо берилади. Эрта никоҳ,

ҳомиладорлик ёки ўғил фарзанд кўриш афзаллиги туфайли қисқа вақт ичида кўп маротаба ҳомиладор бўлишга қаратилган саъй-ҳаракатлар пировардида аёллар соғлиғига ҳалокатли таъсир кўрсатади ва баъзан фожеали оқибатларга олиб келади. Аёлларнинг кўпинча бепуштлиқда айбланиши оқибатида жамиятдан яққалаб қўйилиши уларнинг инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин.

91. Жадвал – Руанда: репродуктив саломатлик ва оилани режалаштириш бўйича парламент томонидан амалга оширилган ишларга мисоллар

2015 йилда Парламентлараро иттифоқнинг ёрдами билан Руанда Парламенти аъзолари учун ўша пайтда кўриб чиқиладиган Репродуктив саломатлик тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича брифинг ўтказилди. Парламент аъзолари парламентнинг Ижтимоий масалалар бўйича доимий қўмитасига қайта кўриб чиқиш учун ўзларининг якуний ўзгартиш ва қўшимчаларини тақдим этдилар. Ниҳоят, 2016 йил 6 апрелда 21/2016-сонли «Инсон репродуктив саломатлиги тўғрисида»ги қонун матбуотда расман эълон қилинди. Репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва оилани режалаштириш зарурлигини эътироф этган ҳолда, қонунга биноан давлат томонидан жинсий ва репродуктив саломатлик масалалари юзасидан самарали чоралар кўрилиши лозим.

Шунингдек, Руанда парламенти томонидан парламент аъзолари соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган бюджет жараёнида, жумладан, жинсий ва репродуктив ҳуқуқлар учун тасдиқланган бюджет маблағларини тарғиб қилиш, таҳлил қилиш, ажратилган маблағнинг сарфланиши юзасидан мониторинг олиб бориш бўйича қандай қилиб тўлиқ иштирок этишлари мумкинлиги юзасидан бир кунлик тренинг ўтказилди. Парламент аъзолари ҳар йили давлат бюджетини тасдиқлашга овоз беришдан олдин соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган бюджет маблағлари таҳлили бўйича йиғилишлар ўтказиб, унда соғлиқни сақлашнинг қайси соҳаларида маблағ тақчиллиги сезилаётган бўлса ёки тизимдаги бирор соҳа бюджетни қабул қилишда эътибордан четда қолдирилишига йўл қўймаслик учун парламент аъзоларнинг нима қилишлари мумкинлиги хусусида келишиб олишга ваъда бердилар. Парламент аъзолари бюджетни тарғиб қилишда давомли, сифатли малака ошириш зарурлигини эътироф этиб, асосий парламент жараёни ҳисобланган бюджетни қабул қилиш билан нотаниш бўлган парламентлар янги аъзоларини мазкур жараён билан батафсил таништириш мақсадида ҳар чақириқнинг бошида бюджет жараёнига оид сессияларнинг тез-тез ўтказиб борилишини таклиф қилишди.

2015 йилда Руанда парламенти фаолиятининг яна бир йўналиши – ўсмирларнинг жинсий ва репродуктив саломатлигига эришиш эди. Олий ўқув юртлари ва мактабларда ўсмирларнинг жинсий ва репродуктив хизматлардан фойдаланишга оид ҳуқуқлари бўйича икки кунлик маслаҳат учрашувлари ташкил этилди. Депутатлар палатасининг спикери; таниқли парламент аъзолари; оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болалар саломатлигига ҳисса қўшиб келаётган фидойилар; соғлиқни сақлаш, таълим, гендер ва оилани тарғиб қилиш вазирликларининг мансабдор шахслари; талабалар ва ёшлар гуруҳларининг

вакиллари; ва оилаларни режалаштириш ва репродуктив саломатликдан фойдаланишга кўмак берувчи ташкилотлар парламентда йиғилиб, олий ўқув юртлари ва мактабларда ўсмирларнинг жинсий ва репродуктив ҳуқуқларга эга бўлишига қандай кўмаклашиш мумкинлиги хусусида муҳокама ўтказишди. Иштирокчилар томонидан бу борадаги тегишли тавсиялар ишлаб чиқилар экан, етарли даражадаги жинсий таълим бериш орқали ўсмирларнинг онгли танловларини кафолатлашга келишиб олинди. Ишлаб чиқилган тавсияларга Ҳаракат режаси мақоми берилиб, бутун мамлакат бўйлаб ўсмирларнинг ўз ҳуқуқларини билиш даражасини ошириш учун академик муассасалар билан ҳамкорлик кучайтирилди. Кейинчалик давом эттирилган консултив йиғилишлар ва тавсиялар натижаси ўлароқ Парламент аъзоларига қишлоқ жойларидаги ёшларнинг жинсий ва репродуктив ҳуқуқлар, оилани режалаштириш ва оналар, янги туғилган чакалоқлар ва болалар саломатлиги хизматларидан фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилиш имконини берувчи ўнта жамоатчилик радиостанцияларида ток-шоулар олиб бориш учун замин ҳозирлади. Тингловчилар билан ўзаро муносабатларга кириш жинсий ва репродуктив ҳуқуқлар хизматларидан фойдаланишда одамларнинг эҳтиёжлари ва улар дуч келадиган қундалик қийинчиликларни кўрсатиб берди. Ўсмирлар соғлигини сақлашга қаратилган янги эътибор, Парламентлараро иттифоқ томонидан қўллаб-қувватланадиган салоҳиятни ошириш тадбирлари ўтказилиши ва бунга жамоатчиликни жалб этишга ёрдам берди.

Тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ва санитария ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддаси ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддасида аниқ белгилаб берилган озиқ-овқат, турар жой ва кийим-кечакка эга бўлиш ҳуқуқларидан ташқари етарли турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи бошқа асосий эҳтиёжларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар Кўмитаси томонидан 2002 йил ноябрда қабул қилинган 15-сонли Умумий мулоҳазаларда белгиланишича, «тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи» ушбу соябон ҳуқуқининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, «тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳаётнинг энг асосий шартларидан бири бўлгани боис муносиб турмуш кечиришни кафолатлашга хизмат қилувчи муҳим категориялар сирасига киради». Тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенциянинг 14-моддаси, 2-банди ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 24-моддаси, 2-бандида ҳам тилга олиб ўтилган. БМТ Бош ассамблеясининг 2011 йил 28 июлдаги 64/292-сонли резолюциясига мувофиқ хавфсиз ва тоза ичимлик суви ҳамда санитарияга бўлган ҳуқуқ ҳаётдан завқ олиш ва барча инсон ҳуқуқларидан фойдаланиш учун муҳим саналган инсон ҳуқуқи саналади.

Тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи деганда нима тушунилади?

Тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи барча инсонлар шахсий ва ҳўжалик мақсадларида етарлича, хавфсиз, оммабоп ва жисмоний жиҳатдан фойдаланиш мумкин бўлган сувга эга бўлиш ҳуқуқини билдиради. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш яшаш, озиқ-овқат ҳуқуқи каби бошқа инсон ҳуқуқларининг амалга оширилишида муҳим

аҳамиятга эга. Сувдан етарлича фойдаланиш даражаси шарт-шароитлардан келиб чиқиб турлича бўлса-да, қуйидаги омиллар ҳар қандай ҳолатларга нисбатан татбиқ этилади:

- **Мавжудлик:** мунтазам сув манбалари ҳар бир шахс ўз шахсий ва ҳўжалик эҳтиёжларини етарли даражада қондириши учун лозим бўлган миқдорда мавжуд бўлиши керак. Сувдан фойдаланиш сувни истеъмол қилиш, шахсий гигиена, кир ювиш, озиқ-овқат тайёрлаш, санитария ва ҳўжаликни озода сақлаш мақсадларида сувдан фойдаланиш кабиларни ўз ичига олади. Ҳар бир инсон учун лозим бўлган сув ҳажми Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган раҳбарий йўриқномалар талабларига жавоб бериши шарт. Саломатлик, иқлим ва иш шароити туфайли айрим шахслар ва гуруҳлар қўшимча равишда сувдан фойдаланишга эҳтиёж сезиши мумкин;
- **Сифат:** ҳўжалик ёки шахсий мақсадларда фойдаланиладиган сув хавфсиз, яъни микроорганизмлар, кимёвий моддалар ва саломатлик учун хатарли бўлган радиактив моддалардан холи бўлиши лозим. Сувнинг ранги, ўзига хос ҳиди ва таъми турли тоифадаги шахсларнинг талаблари ва ҳўжалик мақсадларида фойдаланиш учун мос бўлиши шарт;
- **Фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги:** сув ва сув билан таъминлаш воситалари ва хизматларидан давлат ҳудудида яшаётган барча шахслар ҳеч қандай камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Сувдан фойдаланиш имкониятининг бир-бири билан туташ тўрт жиҳати мавжуд:
 - **сувдан жисмоний жиҳатдан фойдалана олиш:** сув ва сув билан таъминлаш воситалари ва хизматларидан барча аҳоли гуруҳлари фойдаланиш имконияти жисмоний жиҳатдан хавфсиз бўлиши лозим. Лозим миқдордаги, хавфсиз сув манбаларидан ҳар бир оилада, таълим муассасаларда, меҳнат ва соғлиқни сақлаш идораларида ёхуд уларнинг атрофида жойлашган ҳудудларда фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши шарт. Сув билан таъминлаш воситалари ва хизматларининг сифати етарли даражада яхши бўлиши ва маданий жиҳатдан мақбул бўлиб, турли жинсга мансуб шахслар, авлодлар алмашинуви бошидан кечирадиган ўзгаришлар тизими ва шахсий дахлсизлик талабларига жавоб бериши шарт. Сув билан таъминлаш воситалари ва хизматларидан фойдаланаётган шахсларнинг жисмоний хавфсизлиги кафолатланиши зарур;
 - **иқтисодий жиҳатдан сувдан фойдалана олиш:** сув ва сув билан таъминлаш воситалари ҳамда хизматларидан фойдаланиш барча учун ҳамёнбоп бўлишини таъминлаш лозим. Сув билан боғлиқ ва ундан фойдаланганлик учун тўланадиган билвосита ёки бевосита нархлар ва тўловлар миқдори асосли бўлиши зарур. Уларнинг асоссиз равишда ошиб кетиши ва бу сабабли Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда белгилаб берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишнинг таҳдид остида қолишига йўл қўймаслик керак;
 - **сув ва сув билан таъминлаш воситалари ҳамда хизматларидан фойдаланишда камситишларга йўл қўймаслик:** сув ва сув билан таъминлаш воситалари ҳамда хизматларидан барчанинг, шу жумладан, аҳолининг ночор қатламлари ва четлаштирилган аҳоли гуруҳларининг ҳеч қандай камситишларсиз фойдаланиши қонунан ҳам, амалда ҳам кафолатланиши шарт;

- **ахборотлардан фойдаланиш:** фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги сув билан боғлиқ масалаларга оид ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

92. Жадвал – Қашшоқлик ва тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда санитария

БМТнинг Ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича раҳбарий тамойиллари 77-бандида (A/HRC/21/39) «Хавфсиз тоза ичимлик суви ва санитария шароитларидан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги ва қашшоқликда яшовчи оилаларнинг болалари ва чақалоқлари орасидаги диарея касалликлари билан боғлиқ бўлган ўлим ҳолатлари ўртасида юқори даражадаги боғлиқлик бўлиб, ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади ва бошқа кўплаб ҳуқуқларни, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, иш ва шахсий ҳаётдан дахлсизлиги ва қашшоқликдан қутулиш имкониятларини жиддий равишда чеклайди. Қашшоқликда яшовчи одамлар, одатда, харажатлар юқори бўлган, инфраструктура етишмайдиган, шахсларнинг турар жой ҳуқуқи кафолатланмаган, ресурслар ёмон бошқариладиган, ифлосланиш ёки иқлим ўзгариши оқибатида сув ва/ёки санитария хизматларидан фойдаланиш имкони чекланган ҳудудларда яшайди. Тоза ичимлик суви ва етарли санитария шароитларига эга бўлмаслик, айниқса, қашшоқликда яшовчи аёллар ва қизларга таъсир кўрсатади».

78-бандга мувофиқ Давлатлар қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- а) қашшоқликда яшовчи шахслар ўзларининг шахсий ва маиший эҳтиёжлари учун (ичимлик, шахсий санитария, кир ювиш, озиқ-овқат тайёрлаш, шахсий ва хўжалик гигиена) лозим бўлган даражада етарли ва хавфсиз энг кам сув миқдорига ва гендер жиҳатлари инобатга олинган, хавфсиз, жисмонан фойдаланиш имконияти мавжуд ва ҳамёнбоп санитария шароитига эга бўлишини таъминлаш;
- б) норасмий турар жойларга нисбатан олиб қаралганда, фуқароларга сув ва санитария хизматларига расман уланиш имконини бериш учун ерга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Уй-жой ёки ер-мулк ҳолатига кўра бирор бир хонадон тоза ичимлик суви ва санитария хизматларига эга бўлиш ҳуқуқларидан маҳрум этилмаслиги керак;
- в) уй-жойсиз одамлар тоза ичимлик суви ва санитария хизматларидан фойдаланишини таъминлаш ва етарли санитария хизмати мавжуд бўлмаган жойларда санитария ишлари олиб борилишини, жумладан, жамоат жойларида ювиниш, ҳожат чиқариш ва тозаланиш каби хатти-ҳаракатлар жиноийлаштирилишининг олдини олиш;
- г) истеъмол даражасидан келиб чиқиб, қашшоқликда яшовчи шахслар сув хўжалиги хизматларидан фойдаланганлик учун юқори ставкалар тўламасликларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- д) қашшоқликда яшовчи кишилар фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган каналлар орқали гигиена бўйича кенг қўламли оммавий тарғибот компанияларини ташкил этиш.

93. Жадвал – Тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқининг бузилиши шакллари

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбуриятининг бузилиши:

- Сув билан таъминлаш воситалари ва хизматларидан асоссиз равишда узиб қўйиш ёки улардан фойдаланишни тақиқлаш;
- Сув нархларининг камситишга асосланган тарзда оширилиши ёки уларнинг нархи ҳаддан зиёд юқори бўлиши;
- Сув манбаларини инсон саломатлигига таъсир кўрсатадиган даражада ифлослантириш ёки уларни камайтириб юбориш.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбуриятининг бузилиши:

- Сувнинг булғаниши ва тенг тақсимланмаслигининг олдини олишга қаратилган қонунлар қабул қилинмаслиги ёки уларнинг ижросини таъминламаслик;
- Сув билан таъминлаш хизматини кўрсатадиган хусусий компаниялар фаолиятини самарали назорат қилмаслик ёки уларнинг фаолиятини тартибга солмаслик;
- Сув тақсимлаш тизимларидан (масалан, ўтказгич қувурлар ва қудуқлардан) ноқонуний фойдаланиш, уларга зарар етказилишидан ва йўқ қилиб юборишдан ҳимоя қилмаслик.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш мажбуриятининг бузилиши:

- Барчанинг сувга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган сув соҳасидаги давлат сиёсати асослари ва дастурларини қабул қилмаслик ва амалга татбиқ этмаслик;
- Шахслар ёки гуруҳлар, хусусан, ночор ёки кам таъминланган аҳоли қатламларининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган давлат маблағлари етарли даражада ажратилмаслиги ёки давлат маблағларини тақсимлашда хатоликларга йўл қўйиш;
- Сув ҳуқуқидан фойдаланиш кўрсаткичлари ва мезонларини қўллаш орқали аҳоли сув ҳуқуқидан давлат миқёсида қай даражада фойдаланаётганлигини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бормаслик;
- Сув таъминлаш воситалари ва хизматларининг адолатсиз тақсимланишини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилмаслиги;
- Фавқулодда ёрдам кўрсатиш механизмларининг ташкил этилмаслиги;
- Барчанинг бу ҳуқуқдан лозим бўлган минимал даражада фойдаланишини таъминламаслик;
- Давлатнинг бошқа давлатлар ёки халқаро ташкилотлар билан шартномаларга киришаётганда сув ҳуқуқи бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ зиммасига олган мажбуриятларини ҳисобга олмаслиги.

Сувга бўлган ҳуқуқдан фойдаланишнинг таъминланишига қандай саъй-ҳаракатлар ҳисса қўшиши мумкин?

Биринчидан, юқорида тилга олиб ўтилганидек, ҳукуматлар сувнинг мавжудлиги, зарур миқдорда ва сифатда бўлишини ҳамда ундан фойдаланиш имконияти яратиб берилишини таъминлашлари лозим. Юқорида баён этилган чора-тадбирларнинг босқичма-босқич амалга татбиқ этилиши пировардида сув ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишга хизмат қилади. Парламентлар ҳукуматлар томонидан кўриладиган қуйидаги маълум чора-тадбирларни тарғиб этишлари ва уларнинг амалга оширилиши бўйича мониторинг олиб боришлари мумкин:

- Зарур бўлса, барча аҳолини ўз шахсий эҳтиёжи ва ҳўжалик юритиш учун зарур бўлган тоза ва хавфсиз сув билан таъминлашга қаратилган сув билан таъминлаш воситалари ва сув захираларини бошқариш тизимларини барпо этиш бўйича ҳукумат томонидан сув соҳасидаги давлат дастурлари ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Давлат дастурларида сувга бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш кўрсаткичлари ва мезонлари сингари воситалар қамраб олиниши лозим бўлиб, бу борада эришилаётган натижалар яқиндан мониторинг қилиб борилиши ва аҳолининг кам таъминланган ҳамда ночор қатламларига алоҳида эътибор қаратилиши шарт;
- Ҳукуматлар учинчи шахслар, шу жумладан, трансмиллий компаниялар тоза сувдан тенг асосларда фойдаланишга тўсқинлик қилишлари, сув манбаларини ифлослантиришлари ва сув захираларини номутаносиб равишда тақсимлашда иштирок этишларининг олдини олишга қаратилган самарадор чора-тадбирлар кўришлари зарур;
- Ҳукуматлар сув билан боғлиқ касалликлар тарқатилишининг олдини олиш, уларни даволаш ва тарқалишини назорат қилиш, хусусан, зарур санитария воситаларидан фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар кўришлари лозим.

94. Жадвал – Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартиясига мувофиқ тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқи: «Уй-жой ҳуқуқлари ва мажбурий кўчириш маркази Суданга қарши» суд иши

2010 йил июль ойида Африка Иттифоқи давлатлари раҳбарлари ассамблеяси 2003 йил февраль ойидан бери Суданнинг Дарфур вилоятида содир этилган мудҳиш инсон ҳуқуқлари бузилишларига оид Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан кўриб чиқилган Уй-жой ҳуқуқлари ва мажбурий кўчириш Маркази Суданга қарши суд иши юзасидан қабул қилинган қарорни оммага эълон қилган эди. Қарорда нафақат ҳаётга бўлган ҳуқуқни поймол қилиш ва қийноқлардан озод бўлиш, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни, шу жумладан, сувга бўлган ҳуқуқни бузиш ҳолатларини ҳам кўриб чиқилган. Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича комиссияси илгарироқ Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартиясининг 16-моддасида мустаҳкамланган соғлиқ ҳуқуқи, хусусан, хавфсиз ичимлик суви ва электр энергияси сингари асосий хизматларни тақдим этмаслик каби ҳуқуқ бузилишлари содир этилганини аниқлаган эди. Комиссия ишни кўриб чиқар экан, «Уйлар, чорва

ва фермер хўжаликларининг йўқ қилиниши ҳамда қудуқ каби сув манбаларининг заҳарланиши 16-модданинг бузилишига олиб келган», деган хулосага келган. Комиссия қарор қабул қилиш асносида БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг 14-сонли умумий шарҳларидаги «соғлиқни сақлаш ҳуқуқи нафақат ўз вақтида кўрсатиладиган ва муносиб тиббий ёрдам, балки хавфсиз ва ичимлик суви, етарли даражадаги озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминлаш каби саломатликка асосий таъсир кўрсатувчи омилларга ҳам боғлиқ», дейилган қоидага ҳавола берган. Давлатнинг инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш, ҳимоя қилиш ва бажариш мажбуриятини назарда тутган ҳолда, Комиссия қарорида «соғлиқни сақлаш ҳуқуқини бузиш давлатлар томонидан бевосита ёки давлатлар томонидан тартибга солинмаган иштирокчиларнинг билвосита ҳаракати орқали содир бўлиши мумкин» ва «давлатлар қуролли можаролар пайтида ҳаво, сув ва тупроқнинг ноқонуний ифлосланишининг олдини олиши керак», учинчи томонлар инсонларнинг соғлиқни сақлаш билан боғлиқ хизматлар имкониятларидан фойдаланишларини чекламасликлари лозим ҳамда (саломатлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланган) сувнинг ифлосланишига йўл қўйувчи қонунлар қабул қилмасликлари ёки уларни амалга оширилмаслиги лозим», деб таъкидлаган.»⁷⁰

Таълим олиш ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси 1-қисми:

«Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим бепул бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиш керак. Техник ва касб-хунара таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамда етарли имконият доирасида бўлмоғи керак».

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддаси:

«1. Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этади. Улар таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланиши ва унинг қадр-қимматини англашига қаратилган бўлиши лозим, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш зарур деган фикрга келади. Шунингдек, таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишга имкон яратиши, барча ирқий, этник ва диний ғуруҳлар ўртасидаги дўстликка ва сабр-тоқатли бўлишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги ишига кўмаклашиши лозим деган фикрга келади.

2. Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қўйидаги ишларни амалда бажариш кераклигини эътироф этади:

⁷⁰ Уй-жой ва иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар журнали 7-нашр, 3-сон, 2010 йил сентябр.

а) бошланғич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

б) ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан, ҳунар-техника ўрта таълими очиқ бўлиши ва барча зарур чоралар кўрилиб, хусусан, аста-секин пулсиз таълим олишни жорий этиш йўли билан барчанинг имкони етадиган даражада бўлишига эришиш лозим;

в) ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда барча зарур чораларни кўриш, хусусан, аста-секин бепул таълим олишни жорий этиш йўли билан олий таълим олиш ҳамма учун имкон етадиган даражада бўлишига эришиш керак;

г) оддий таълим, бошланғич таълимнинг тўлиқ курсини ўтмаган ёки тугалламаган кишилар учун имкон борича рағбатлантирилиши ёки жадаллаштирилиши лозим;

д) барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи доимий равишда яхшиланиб бориши керак.

3. Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз фарзандлари учун давлат ҳокимияти таъсис этган мактабларнигина эмас, таълим олиш учун давлат томонидан белгиланиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган энг кам талабга жавоб берувчи мактабларни ҳам танлаб олиш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади. Ота-оналар ёки қонуний васийларнинг эркига, ўз шахсий эътиқодига кўра фарзандларини диний ва ахлоқий таълим билан таъминлашлари ҳам киради.

4. Мазкур модданинг ҳеч бир қисми айрим шахслар ва муассасаларнинг ушбу модданинг биринчи бандида баён қилинган тамойилларга ғишмай риоя этиб ва ушбу муассасаларда берилаётган таълим давлат томонидан белгилаб қўйилиши мумкин бўлган энг кам талабларга жавоб беришига риоя қилиб, ўқув юртлари очиш борасидаги эркинлигини камситади деган мазмунда талқин қилинмаслиги керак».

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси:

«Ушбу пакт иштирокчилари қаторига киришгача бўлган вақтга қадар ўз метрополиясида ёки юрисдикциясида бепул мажбурий бошланғич таълимни жорий эта олмаган мазкур Пакт аъзоси бўлган ҳар бир давлат икки йил ичида текин мажбурий таълим тамойилини амалга ошириш учун муфассал тадбирлар режасини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади. Ушбу режани ҳаётга татбиқ этишининг оқилона муддати ўша режада кўрсатилади».

Таълим олиш ҳуқуқи юқорида номлари санаб ўтилган асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 28- ва 29-моддаларида ҳам белгилаб берилган. Иккинчи ва Учинчи Мингйиллик Ривожланиш мақсадларида таълим олиш ҳуқуқига доир муҳим стандартлар ва бу ҳуқуқдан фойдаланишга тааллуқли мақсадлар акс этган. Таълим олиш ҳуқуқи инсон қадр-қимматига бевосита боғлиқликда кўрилиб, унинг амалга оширилиши шахснинг ва бутун бошли жамиятнинг ривожланишига хизмат қилади. Бу иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлайди, қашшоқликка қарши курашда муҳим ўрин тутди ва болаларни эксплуатациядан ҳимоялайди ҳамда аҳоли сонининг ўсишини чеклашда асосий рол ўйнайди. Шу туфайли бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши бошқа инсон ҳуқуқларидан фойдаланишдаги асосий омил ҳисобланади.

«Демократиянинг барқарор ҳолати демократия муҳит ва мунтазам равишда парваришлаб бориладиган маданиятни тақозо этади ҳамда таълим маданиятининг бошқа таъсир кучлари ва ахборот орқали амалга татбиқ этилади. Шунинг учун демократия жамият таълимни бу иборанинг энг кенг маънода таъминланиши, хусусан фуқаровий таълим ва масъулиятли фуқаролик ҳиссини шакллантиришга бор куч ва ғайратларини сафарбар этишлари шарт».

Парламентлараро иттифоқ, Демократиянинг Умумжаҳон Декларацияси (Демократия тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси), Қоҳира, Миср, 1997 йил, 19-банд.

Демократия тўғрисидаги умумжаҳон декларациясининг юқоридаги қоидалари ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда инсоннинг таълим ҳуқуқини таъминлаш бўйича иштирокчи-давлатлар кўриши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб қўйилган. Бироқ ушбу қоидаларнинг давлатлар, хусусан, парламентлар учун амалий аҳамияти нималарда намоён бўлади? Бу саволга жавоб бериш учун таълим олиш ҳуқуқини қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

- таълим олиш имкониятини ошириш;
- таълим турини ва унинг мазмуни танлаш эркинлиги.

95. Жадвал – Қашшоқлик ва таълим

БМТнинг Ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича раҳбарий тамойиллари 87-бандига кўра (A/HRC/21/39) «Таълим жуда муҳим восита бўлиб, шахслар у орқали ўз шахсиятларини, иқтидор ва қобилиятларини тўла-тўқис ривожлантириб, ишга жойлашиш, жамиятда янада фаол иштирок этиш ва қашшоқликдан қутулиш имкониятларини кенгайтиришлари мумкин. Бошланғич ва ўрта мактабни тугатмасликнинг иқтисодий оқибатлари аянчли бўлиб, қашшоқлик даври давом этишига олиб келади. Қизлар ўзларининг таълим олиш ҳуқуқларидан кўпроқ маҳрум қилинадилар, бу эса ўз навбатида уларнинг имкониятларини чеклайди ва аёлларнинг қашшоқлашувини оширади». Шунга биноан, раҳбарий тамойилларнинг 88-бандига мувофиқ давлатлар:

- а) барча болалар, шу жумладан, қашшоқликда яшаётган болалар, мактабларда юқори сифатли таълим олиш орқали бевосита харажатларсиз бепул ва мажбурий бошланғич таълим олиш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш;
- б) кам таъминланган жойлардаги мактабларни сифатли, малакали ўқитувчилар ва тегишли инфратузилма, шу жумладан, гендер жиҳатлари инобатга олинган санитария иншоотлари, сув ва электр энергияси билан таъминлаш;
- в) таълимнинг мавжудлиги, фойдаланиш имконияти борлиги, мақбуллиги, мослашувчанлиги ва сифатини барча шаклларда ва барча даражаларда босқичма-босқич таъминлаш учун чоралар кўриш. Бундай чоралар сирасига биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий камчиликларни бартараф этиш учун қашшоқликда яшовчи шахсларга ресурслар ажратиш киради (масалан, мактабга қатнамаслик даражасини пасайтириш, грантлар ва мактабларда овқатланишни ташкил этиш бўйича фаол чоралар кўриш);
- г) қашшоқ ва ногирон, озчиликка мансуб, қочоқ, ҳужжатлари бўлмаган ноқонуний муҳожирларнинг фарзандлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, муассасаларга жойлаштирилган, чекка ҳудудларда ва қолоқ ҳудудларда яшовчи болалар, хусусан, қизлар учун ўрта ва юқори даражадаги бепул таълимни жорий этиш бўйича чоралар кўриш;
- д) мактабни битириш, никоҳ тузиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланишнинг минимал ёши ўртасидаги номувофиқликларни бартараф этиш учун қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш;
- е) қашшоқликда яшовчи болаларнинг таълим олиши ва уларнинг соғлигини яхшилаш учун юқори сифатли мактабгача таълим марказлари барпо этилишини таъминлаш;
- ё) саводсизликни (жумладан, катталар ўртасида ҳам) тугатиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- ж) қашшоқликда яшаётган шахсларнинг барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги маълумотларни билиш, олиш ва излаш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия олиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш.

Бу икки таркибий қисмни мажбуриятнинг тўрт соҳасида яна қисмларга бўлиш мумкин: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кўмитасининг 13-сонли умумий шарҳларида белгилаб берилган мавжудлик, фойдаланиш имконияти, мақбуллик ва мослашувчанлик. Бу концепциялар қуйидаги амалий чора-тадбирлардан иборат.

Маърифий муассасалар ва дастурлар фаолиятининг йўлга қўйилганлиги:

- (болаларни бола меҳнатидан ҳимоя қилиш мақсадида) барчага мажбурий ва бепул бошланғич таълим бериш;
- ўқитувчи-мураббийларнинг малака ошириш дастурлари;
- ўқитувчилар учун муносиб иш шароитини яратиб бериш, уларнинг касаба уюшмалар ташкил этиш ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқларини таъминлаш.

Барча фуқароларнинг таълим олиш имкониятидан фойдаланиши

- Умумий ва олий таълим олиш имкониятининг иқтисодий жиҳатдан оммабоплиги;
- Таълим олиш имкониятларидан фойдаланишда камситишларга йўл қўймаслик;
- Кам таъминланган аҳоли қатламларининг таълим олиш имкониятидан фойдаланиши учун зарур миқдордаги таълим грант дастурларини жорий этиш;
- Таълим олиш муассасалари, маърифий дастурлар ва бу борадаги давлат сиёсатини, сарф-харажатлар ва таълим секторидаги бошқа амалиётларнинг мониторингини олиб бориш.

Таълим шакли ва мазмунининг жамоатчилик томонидан қабул қилинганлиги

- Ўқув методлари ва дарс жадваллари, фан дастурларининг сифатини кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш;
- Таълим соҳасидаги минимал стандартлар (таълим муассасаларига қабул қилиш, ўқув дастурлари, диплом ва сертификатларни тан олиш ва бошқа масалаларда) ва тегишлича мониторинг олиб бориш механизмларини жорий этиш;
- Хусусий таълим муассасаларини ташкил этиш ҳуқуқини кафолатлаш

Ўқув дастурлари ва дарс жадвалининг мослашувчанлиги

- Ўқув дастурлари ва таълимнинг молиялаштирилишини ўқувчи ва талабаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

96- Жадвал. Бепул бошланғич ва инклюзив таълимни амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш: Колумбия мисоли

Колумбия Конституциявий суди томонидан 2010 йил 19 майда қабул қилинган 376/10-сонли қарорига кўра, Колумбия томонидан ратификация қилинган ва давлат учун мажбурий бўлган халқаро инсон ҳуқуқлари ҳужжатларига мувофиқ бепул таълимнинг таъминланиши бошланғич ва ўрта таълимга нисбатан дарҳол амалга оширилиши керак бўлган қатъий мажбуриятдир. Суднинг наздида бошланғич таълим учун тўловларнинг жорий этилиши таълим тизими имкониятларидан фойдаланиш учун тўсиқ бўлиши мумкин.

2011 йил 4 февралдаги Т-051/11-сонли бошқа бир қарорга мувофиқ, эшитиш қобилиятида нуқсони бўлган ўқувчиларга сурдо таржимон ёллаш учун талаб этилган зарур миқдордаги ўқувчилар сони озлиги сабабли эшитиш қобилиятида нуқсони бўлган ўқувчининг бир йил давомида мактабга бормагани унинг таълим олиш имкониятидан фойдаланишига нисбатан яратилган тўсиқ сифатида баҳоланиб, ўқувчининг мактабга қайтиши лозимлиги таъкидланган. Суднинг фикрича, эшитиш қобилиятида нуқсони бўлган ўқувчиларга сурдо таржимонини ёллаш учун бир синфда зарур миқдордаги ўқувчилар сони мавжуд бўлишига оид талаб белгиланган қарор Конституцияга зид бўлиб, эшитиш қобилиятида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг янада эътибордан четда қолишларига сабаб бўлади. Суд томонидан эшитиш қобилиятида нуқсони бўлган аҳолининг таълим олиш ҳуқуқини самарали кафолатлаш мақсадида ҳукуматга бюджетни шакллантириш,

режалаштириш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув юртларини ташкил этиш бўйича зарур тузатишлар киритиш юзасидан топшириқ берилди. Ушбу қарордан сўнг Колумбия 2011 йил май ойида Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган 100-давлатга айланди.

Ҳаракат режалари

Давлатлар таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш учун босқичма-босқич чора-тадбирлар кўриб боришлари лозим. Бундай саъй-ҳаракатлар самарадор бўлиши ва кафолатланган даражада тезкор суръатларда амалга оширилиши зарур. Давлатнинг барча бўғинлардаги (бошланғич, умумий ва олий таълим) мажбуриятлари бир хил даражада бўлмаса-да, бошқа бўғинларда ҳам таълим олиш ҳуқуқидан амалда фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш баробарида ҳукуматлар мажбурий ва бепул бошланғич таълим олишга устувор аҳамият бериши керак.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мажбурий ва бепул бошланғич таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашга қурби етмайдиган давлатлар халқаро пактнинг 4-моддасига мувофиқ Миллий таълим дастурларини ишлаб чиқишлари, қабул қилишлари ва амалга татбиқ этишлари шарт. Дастур босқичма-босқич амалга оширишини таъминлаш учун икки йиллик муҳлатда ишлаб чиқирилиши ва қабул қилиниши лозим бўлиб, унда барча учун мажбурий ва бепул таълим олишга тааллуқли бўлган принциплар ва дастурни аниқ амалга ошириш муддати белгилаб қўйилиши зарур. Давлатнинг икки йиллик муҳлат давомида тегишли чора-тадбирлар кўрмаслиги уни ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажаришдан озод қилмайди.

97. Жадвал – Барча қизларнинг таълим олиш ҳуқуқидан тенг фойдаланиши

Эришилган ютуқларга қарамай, қизларга нисбатан камситиш, жумладан, болалар никоҳи, эрта ҳомиладорлик, жинсий зўравонлик ва таъқиблар мактаблар ичида ва ташқарисида давом этмоқда. Итоаткорлик ва гендер тўғрисида шаклланган ўзгармас тушунчалар ҳақидаги ижтимоий ва маданий қарашлар билан бир қаторда қизларга нисбатан содир этилаётган зўравонлик ва экстремистик ҳаракатлар томонидан мактабларнинг нишонга олиниши қизларнинг таълим олиш имкониятларини чеклашда давом этмоқда.

Таълим олиш ҳуқуқи кўпайтирувчи ҳуқуқдир. Давлатлар боланинг манфаатларига мувофиқлик тамойилидан келиб чиқиб, ўзларининг халқаро мажбуриятларини етарли қонуний асосларга эга бўлган миллий сиёсатга айлантиришлари шарт. Таълим соҳасидаги ушбу мажбурият гендер тенглиги ва эътибордан четда қолган жамоалар, жумладан, қишлоқ аҳолисининг таълим олиш имкониятини таъминлаш бўйича вақтинчалик махсус тадбирлар кўрилишини ўз ичига олади. Институционал тизимлар бюджет маблағлари ажратилишида таълимни биринчи ўринга қўйишлари, мактабгача таълимни қўллаб-қувватлашлари, мактабларда хавфсиз ва қўллаб-қувватланадиган муҳитни таъминлашлари ва таълим сиёсатида гендер сиёсатини сингдиришлари керак.

Давлатлар ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллардан гендер тўғрисидаги нотўғри қараш ва тушунчаларни чиқариб ташлаш орқали таълимдаги тизимли тўсиқларни бартараф этишлари лозим. Мактабларда қизларнинг хавфсизлигини

таъминлаш, жумладан, етарли санитария шароитлари ва хавфсиз ичимлик сув билан таъминлаш, шунингдек, мактаб муҳитида жинсий таҳқирлаш, зўравонлик ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш керак.

2015 йил июнда Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан ҳар бир қизнинг таълим олиш ҳуқуқидан тенг равишда фойдаланиш имконияти бўйича ўтказилган муҳокама материалларидан (A/HRC/30/23).

Парламентлараро иттифоқнинг 105-Конференцияси иштирокчилари «таълим барқарор ривожланишни тарғиб этиш, тоза атроф-муҳитни кафолатлаш, тинчлик ва демократияни таъминлаш, қашшоқликка қарши кураш мақсадларига эришиш, аҳоли сонининг ўсишини камайтириш ва жинслар ўртасида тенглик яратишнинг асосий шarti эканлигини; маданият тараққиёт жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланишини алоҳида эътироф этадилар».

«Маданият ва таълим эркак ва аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги фаол иштирокини тарғиб қилишнинг муҳим омили ва халқлар тараққиётининг асосий шarti сифатида» номли Резолюция, Гавана, 2001 йил апрель, 1-банд.

Маданий ҳуқуқлар

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддаси:

«1. Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўзи муаллифи бўлган ҳар қандай илмий, адабий ёки бадиий меҳнат билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга»

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 15-моддаси:

«1. Мазкур пактда иштирок этаётган давлатлар ҳар бир инсоннинг қуйидаги ҳуқуқларини эътироф этади:

а) маданий ҳаётда иштирок этиш;

б) илмий тараққиёт ва уни амалда қўллаш натижаларидан фойдаланиш;

в) ўзи муаллифи бўлган ҳар қандай илмий, адабий ёки бадиий меҳнат билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи моддий ва маънавий манфаатлар ҳимоясидан фойдаланиш.

2. Ушбу ҳуқуқларни тўла амалга ошириш учун мазкур пактда иштирок этаётган давлатлар қабул қилиши керак бўлган тадбирлар фан ва маданият ютуқларини ҳимоялаш, ривожлантириш ва ёйиш учун зарур бўлганларини қамраб олади.

3. Ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун сўзсиз зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

4. Мазкур пактда иштирок этувчи давлатлар илмий ва маданий соҳаларда халқаро алоқалар ва ҳамкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш орқасидан келадиган нафн тан олади».

Таълим олиш ҳуқуқидан ташқари қолган барча маданий ҳуқуқлар ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларга узоқ вақт давомида нисбатан кам эътибор қаратиб келинди. XX асрнинг охирига келиб, бу ҳолат ўзгарди ва бугунги кунда маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи, жумладан, этник гуруҳ аъзоларининг ўз маданиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасида ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 15-моддасида мавжуд бўлган маданий ҳуқуқларнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардир:

- Маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи;
- Илмий тараққиётнинг афзалликларидан ва уни қўллашдан фойдаланиш ҳуқуқи;
- Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқи;
- Илмий тадқиқотлар ва ижодий фаолият учун зарур бўлган эркинлик.

Маданий ҳуқуқлар сўз ва ахборот эркинлиги, барча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва муносиб турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи каби бошқа инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Озчилик ва маҳаллий халқларга (тубжой аҳолисига) тааллуқли қоида ва ҳужжатларда ҳам маданий ҳуқуқларга ҳаволалар берилган. Шу билан бирга, Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг 43-моддаси, 1-қисмининг г-банди ва 45-моддаси, 1-қисмининг д-бандида меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оилаларига маданий ҳаётга кириш ва маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда уларнинг маданий шахсияти ҳурмат қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Маданий ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро ташкилотлар сирасига инсониятнинг моддий ва номоддий маданий меросини сақлаб қолиш билан шуғулланадиган ЮНЕСКО ва илмий, адабий ва бадий асарлар муаллифларининг маънавий ва моддий манфаатларни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти киради. 2009 йилнинг октябр ойида маданий ҳуқуқларни тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш бўйича энг яхши амалиётлар ва соҳадаги тўсиқларни аниқлаш ваколатига эга бўлган Мустақил экспертнинг тайинланиши (кейинчалик у махсус маърузачига айлантирилган) билан маданий ҳуқуқларни тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш янада мустаҳкамланди. Махсус маърузачининг ҳисоботларида (маърузаларида) хусусан маданий ҳуқуқларнинг мазмуни ва кўлами, маданий меросдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиёт ва уни қўллашдан келадиган манфаатлардан фойдаланиш, ижодий эркинлик ҳуқуқи, тарих ва ёдгорликларни ўрганиш бўйича илмий ишлар ёзиш ва ўргатиш жараёнлари ҳамда аёлларнинг маданий ҳуқуқлари масалалари таҳлил қилинган.⁷¹

⁷¹ Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/EN/Issues/CulturalRights/Pages/SRCulturalRightsIndex.aspx>.

Маданий ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми бўлиб, бошқа ҳуқуқлар сингари умуминсоний, бўлинмас ва ўзаро боғлиқдир. Маданий ҳуқуқларни тўлиқ қўллаб-қувватлаш ва ҳурмат қилиш турфа хил ва кўп маданиятли дунёда шахслар ва жамоалар ўртасида инсон қадр-қимматини ва ижобий ижтимоий алоқаларни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг 21-сонли умумий шарҳлари, 2009 йил 1 ноябр.

Қўшимча ўқиш учун

- Тоza ичимлик суви бўлган ҳуқуқи, 35-сонли Ахборотнома, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТ Инсон яшаш муҳити Дастурининг (UN-Habitat), Жаҳон соғлиқни сақлаш Ташкилоти, 2010. Батафсил маълумотни куйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet35en.pdf>.
- Етарли озиқ-овқат ҳуқуқи, 34-сонли Ахборотнома, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2010. Батафсил маълумотни куйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet34en.pdf>.
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида юзасидан кўп бериладиган саволлар, 33-сонли Ахборотнома, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2008. Батафсил маълумотни куйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet33en.pdf>.
- Ўта қашшоқлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича раҳбарий тамойиллар, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2012. Батафсил маълумотни куйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: http://www.ohchr.org/Documents/Publications/OHCHR_ExtremePovertyandHumanRights_EN.pdf.
- Ер ва инсон ҳуқуқлари: стандартлар ва уларнинг қўлланилиши, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2015. Батафсил маълумотни куйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: http://www.ohchr.org/Documents/Publications/Land_HR-StandardsApplications.pdf
- Аёллар ва муносиб турар жойга бўлган ҳуқуқ, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 2015. Батафсил маълумотни куйидаги интернет саҳифаларидан олиш мумкин: <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org>.



Үн тўртинчи боб

Инсон ҳуқуқлари, терроризм ва терроризмга қарши кураш

Бутун дунё бўйлаб кўплаб одамлар террористик ҳужумлар қурбони бўлишда давом этмоқда. Шу билан бирга, давлатлар томонидан терроризмга қарши кураш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар кўплаб инсон ҳуқуқлари бузилишлари содир этилишига олиб келмоқда. Бу масалалар 2011 йил 11 сентябрда Нью-Йоркдаги Бутунжаҳон Савдо Марказида амалга оширилган шафқатсиз ҳужумлар оқибатида янада катта аҳамият касб этди ва терроризмга қарши кураш давлатлар томонидан хорижий жангчилар ва бутун дунёдаги террорчилик ҳужумлари таҳдидининг янги тўлқинига жавоб тариқасида амалга оширилиб келинмоқда.

Терроризм узоқ вақтдан бери давом этаётган бўлса-да, 9 сентябр воқеалари халқаро ва маҳаллий миқёсда терроризмга қарши кураш чораларини кучайтириб, давлатларнинг бу таҳдидларга жавоб қайтариш йўллариغا жиддий таъсир кўрсатди. Ушбу ҳужумлардан кейин ва бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши томонидан бир қатор қарорлар қабул қилиниб,

Терроризм умуман олганда давлатни ва ҳокимиятни, тинчлик ва барқарорликни, ижтимоий уйғунликни йўқ қилишни мақсад қилади. Шунингдек, у инсон ҳуқуқларини заифлаштиради. Бироқ, терроризмга қарши кураш чоралари самарали ва барқарор бўлиши учун у инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига нисбатан ҳурматга асосланиши керак.

© АФП / Геоффрой Ван Дер Хасселт

давлатлар терроризмга қарши кураш чораларини кўришга даъват этилди. Бундай чоралар сирасига терроризм ҳаракатларини жиноийлаштириш, терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш ва бартараф этиш киради. БМТ Хавфсизлик кенгаши, Бош ассамблея ва Инсон Ҳуқуқлари Кенгаши кескин равишда, терроризмга қарши кураш ва хавфсизлик сиёсати, стратегияси ва амалиётлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини ҳурмат қилишдек мустаҳкам асос устига қурилиб, барқарор бўлиши лозимлигини таъкидлади. Бу БМТ Бош ассамблеяси томонидан 2006 йилда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал терроризмга қарши курашиш стратегиясида аниқ кўрсатиб ўтилган.

98. Жадвал – БМТнинг Глобал аксилтерроризм стратегияси

2006 йилда Бош ассамблеянинг 60/288-сонли резолюцияси билан Глобал терроризмга қарши курашиш стратегияси қабул қилинди. Стратегия тўртта устундан иборат:

- терроризмнинг тарқалишига ёрдам берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш;
- терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш;
- терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича давлатларнинг салоҳиятини ошириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу борадаги ролини кучайтириш;
- терроризмга қарши курашда барчанинг инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги ҳурмат қилинишини таъминлаш.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал терроризмга қарши кураш стратегияси инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик ўртасидаги узвий боғлиқликни яна бир бор тасдиқлаб, миллий ва халқаро терроризмга қарши кураш ҳаракатларининг диққат марказида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига ҳурмат кўрсатиш ётиши лозимлига урғу берган. Стратегияни амалга оширишда аъзо давлатлар терроризмга қарши курашнинг асосий мезонлари сифатида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига ҳурмат кўрсатишга интилишлари зарур. Бош ассамблея томонидан 2016 йилда қабул қилинган 70/291-сонли резолюцияда Стратегия ва унинг тўрт устунни такрор эътироф этилиб, аъзо давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа тегишли халқаро, минтақавий ва субрегионал ташкилотлар Стратегия ва унинг барча жиҳатларини интеграциялашган ва мувозанатлаштирилган тарзда амалга оширишга қақирилган.

Ушбу мажбуриятларга қарамай, давлатлар томонидан қабул қилинган ички терроризмга қарши кураш чоралари, масалан, инсон ҳаёти, эркинлиги ва хавфсизлиги, қийноқларнинг тақиқланиши, сўз эркинлиги ҳуқуқлари, уюшиш ва намоийшлар ўтказиш эркинлиги, одил судлов жараёни ҳуқуқи ва тегишли процессуал ҳуқуқларга таъсир кўрсатувчи кўплаб инсон ҳуқуқларининг бузилишларига олиб келди.

Терроризм инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланадими?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши, Бош ассамблея ва Инсон Ҳуқуқлари Кенгаши томонидан таъкидлаб ўтилганидек, терроризм айнан инсон ҳуқуқларини йўқ қилишни мақсад қилади. Терроризм бир қатор инсон ҳуқуқларидан, хусусан яшаш, эркинлик ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланишга бевосита таъсир кўрсатмоқда. Террорчилик ҳаракати ҳукуматларни беқарорлаштириши, фуқаролик жамиятига путур етказиши, тинчлик ва хавфсизликни хавф остига қўйиши, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга таҳдид қилиши ва муайян гуруҳларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунга кўра, терроризмдан жабр чекканларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши алоҳида эътиборга молиқдир. Хусусан, терроризмдан жабр чекканлар (қурбонлар) халқаро ва минтақавий ҳужжатларда мустаҳкамланган ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг кўпол ва жиддий бузилишларидан жабр чекканлар (қурбонлар) учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Бу ҳуқуқлар инсоний муносабат ва қадр-қимматнинг ҳурмат қилиниш ҳуқуқи, барча тегишли юридик жараёнлар давомида хабардор бўлиш ва вакиллик қилиш ҳамда муносиб даражада ўз ҳуқуқларининг тикланиши ва товон пули олиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Терроризм тушунчаси ва унинг таърифи

Терроризмга қарши кураш тадбирлари билан боғлиқ кўплаб инсон ҳуқуқлари бузилишлари давлат ички ҳуқуқи даражасида терроризмга ноаниқ ва кенг маънода таъриф берилганлиги оқибатида келиб чиқади. Бутун дунё бўйлаб терроризмга алоқадор кенг миқёсдаги қонунчилик асослари яратилгани инсон ҳуқуқларига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, қасддан ва эҳтиётсизлик оқибатида ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишига, адолатли судлов жараёнларига таъсир кўрсатилишига ва хусусан, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг хатти-ҳаракатларини жиноийлаштирилиши натижасида фуқаролик жамияти фаолият юритиши мумкин бўлган соҳаларнинг тобора торайиб боришига олиб келмоқда.

Муаммо халқаро ҳамжамият томонидан узоқ муддат давом этиб келаётган саъй-ҳаракатлар ва бир қатор конвенцияларда терроризмнинг муайян шаклларига аниқлик киритилганига қарамай, кенг миқёсли конвенциянинг бир қисми сифатида терроризмга аниқ таъриф бериш бўйича келишувга эришишнинг имконсизлиги туфайли муаммо янада ўткир тус олмоқда.⁷²

Терроризм ва унга алоқадор жиноятлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа мувофиқ бўлиши ва суиистеъмол қилинишига йўл қўймаслик учун унга аниқ ва тор маънода таъриф берилиши керак. Бу ҳар бир шахс ўз хатти-ҳаракатларининг

⁷² Буларга мисол қилиб 1979 йилдаги Гаровга олишга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро конвенция ва 1999 йилдаги Терроризмни молиялаштиришга барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияни келтириш мумкин. Умумий ва минтақавий ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати билан танишиш чиқиш учун Бош котибнинг ҳисоботига қаранг: Халқаро терроризмни бартараф этиш чора-тадбирлари, 2015 йил 29 июль, A/70/211-сонли БМТ ҳужжати

оқибатларини кўра олиши ва ўзининг хатти-ҳаракати ва/ёки ҳаракатсизлиги қонунни бузиш ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини англаб етиши учун терроризмга берилган таъриф етарли даражада аниқ бўлиши лозимлигини англатади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 15-моддасида мустаҳкамланган ва Инсон ҳуқуқлари қўмитаси томонидан изоҳ берилган қонунийлик тамойили «жиноий жавобгарлик ва жазо хатти-ҳаракат ва/ёки ҳаракатсизлик содир этилган вақтда амалда бўлган қонун ҳужжатларидаги аниқ ва равшан қоидалар билан белгилаб қўйилади, кейинчалик қонунга мувофиқ енгилроқ жазо тайинлаш ҳоллари бундан мустасно», деган маънони англатиб, бу ҳуқуқ мутлақдир ва ҳеч қачон чекланиши ёки унга амал қилмаслик мумкин эмас.⁷³

99. Жадвал – Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик

Терроризм тушунчасига мамлакат ички қонунчилигида аниқ таъриф берилишини таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Аниқ ва лўнда таъриф бериш инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинишининг таъминланишига ёрдам беради. Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича собиқ махсус маърузачи Мартин Шеинин ўзининг Инсон ҳуқуқлари кенгашига тақдим этган якуний ҳисоботида қуйидаги намунавий таърифни таклиф қилган:

Терроризм деганда шундай ҳаракат содир этиш ёки шундай ҳаракат содир этишга суиқасд қилиш тушуниладики:

1. ҳаракат:

- (а) қасддан гаровга олиш; ёки
- б) умумий аҳоли ёки унинг таркибий қисмлари ҳисобланган бир ёки бир неча аъзоларини ўлдириш ёки жиддий тан жароҳати етказиш мақсадида содир этилса; ёки
- в) умумий аҳоли ёки унинг таркибий қисми ҳисобланган бир ёки бир неча аъзоларига нисбатан ўлимга олиб келувчи ёки жиддий жисмоний зўравонликни қамраб олса; ва

2) ҳаракат қуйидаги мақсадларда амалга оширилса ёки амалга оширишга суиқасд қилинса:

- а) умумий аҳоли ёки унинг таркибий қисмлари орасида саросимага солувчи вазиятни келтириб чиқариш; ёки
- б) ҳукумат ёки халқаро ташкилотни нимадир қилишга ёки нимадир қилишдан тийилиб туришга мажбур қилиш; ва

3. ҳаракат қуйидагиларга мувофиқ бўлса:

- а) терроризмга тааллуқли халқаро конвенция ва протоколларга ёки терроризмга тааллуқли Хавфсизлик кенгашининг қарорларига риоя қилиш

⁷³ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 4-моддаси 2-қисми; Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг Фавқуллода вазиятлар тўғрисидаги 29-сонли умумий шарҳлари 4-моддаси, 2001, CCPR/C/21/Rev.1/Add.11-сонли БМТ ҳужжати 7-банди.

мақсадида қабул қилинган миллий қонунчилик билан унга жиддий жиноят сифатида таъриф берилган бўлса; ёки

- б) миллий қонунчилик билан жиддий жиноятларга берилган таърифнинг барча элементлари мавжуд бўлса.⁷⁴

Фавқулодда ҳолатлар ва терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликнинг нормал амал қилиши ҳамда амалиёт

Кўпинча ҳукуматлар фавқулодда вазиятларга алоқадор қоидалардан фойдаланиб, терроризм таҳдидига қарши қатъий чоралар кўрадилар. Терроризм таҳдиди давлатлар жавоб қайтариши керак бўлган жуда жиддий масала эканлигига шубҳа бўлмаса-да, кўриладиган барча чораларни қўллашда нормаллик тамойилига амал қилиш керак. Бу шуни англатадики, терроризмга қарши кураш чора-тадбирларини қўллашда ҳукуматлар имкон қадар, аксарият ҳолларда ўзининг самарадорлигини исботлаган, амалда мавжуд бўлган фуқаролик тузилмалари, одил судлов жараёнлари ва унинг кафолатлари ҳамда оддий усуллардан фойдаланиши керак.

Фақатгина энг оғир ҳолатларда ушбу тамойилдан четга чиқиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. 4-бобда айтиб ўтилганидек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа биноан, мамлакат ҳаётига таҳдид соладиган фавқулодда вазиятларда инсон ҳуқуқларига нисбатан чекловлар жорий этилиши ва инсон ҳуқуқларига амал қилинмаслиги мумкин бўлса-да, лекин бу чоралар фақат тор доирадаги вазиятлардагина қўлланилиши лозим. Тегишли ҳуқуққа нисбатан қонунан белгиланган, зарур деб ҳисобланган, мутаносиб ва қонуний мақсадлардагина чекловлар ўрнатилишига йўл қўйилиши мумкин. Ҳуқуқ доирасини чеклаш қонунда кўзда тутилган ҳолатлар расман эълон қилиниши керак ва ҳар қандай чоралар вазият талабларидан келиб чиқиб қатъий белгиланиши ҳамда вазият йўл қўйиши биланоқ имкони борича зудлик билан бекор қилиниши зарур.

100. Жадвал – Хорижий жангчилар таҳдидига жавоб қайтариш, зўравон экстремизмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқлари

Янги ҳодиса бўлмаса-да, сўнгги йилларда хорижий жангчилар масаласига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бунга жавобан, давлатлар хорижий жангчилар бўлган ёки хорижий жангчи бўлишга интиланган шахсларни таъқиб қилиш учун кенг миқёсли маъмурий ва ҳуқуқий чораларини кўришмоқда. Хавфсизлик кенгаши ҳам бу борада кескин чораларни амалга оширмоқда. Хавфсизлик кенгаши томонидан қабул қилинган 2178-сонли (2014) Резолюцияда Хавфсизлик кенгаши аъзо давлатлар халқаро ҳуқуққа мувофиқ тарзда террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш, режалаштириш ёки уларда иштирок этиш учун ўзлари истиқомат қилиб турган ёки ўзлари фуқаролигига мансуб бўлган давлатлардан ташқари бошқа

⁷⁴ Терроризмга қарши курашишда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича собиқ махсус маърузачи Мартин Шеинининг Ҳисоботи, 2010 йил 22 декабр, A/HRC/16/51-сонли БМТ ҳужжати 26-28 бандлар.

давлатга сафар қилаётган шахсларни ишга ёлланиши, уюшиши, олиб ўтилиши ёки қуроллантирилишига йўл қўймаслиги лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилинган.

Резолюцияда «терроризм» ёки «террорчилик» тушунчасининг берилмаганлиги борасида хавотирлар билдирилган. 2178-сонли резолюция инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа риоя қилинишини талаб этувчи муҳим қоидаларни ўз ичига олган бўлса-да, унда кўзда тутилган чора-тадбирлар инсон ҳуқуқларининг барча турларига салбий таъсир кўрсатадиган тарзда амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисидаги бошқа хавотирлар ҳам мавжуд. Шунга кўра, халқаро ҳуқуқ ҳамда Резолюциянинг ўзи талаб қилганидек, 2178-сонли резолюциянинг давлат ички қонунчилигига имплементациясига қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, халқаро қочқинлар ҳуқуқи ва тегишли халқаро гуманитар ҳуқуққа мувофиқлигини таъминлаш учун эҳтиёткорлик билан ва аниқ амалга оширилиши керак.

Хавфсизлик кенгашининг 2178-сонли резолюцияси бу ҳаракатларни зўравон экстремизмнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг кенгроқ талқин қилсада, аммо ҳар икки тушунча ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатиб ўтилган. Кўплаб давлатлар бу борадаги чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Ушбу чораларнинг баъзилари «фақатгина хавфсизликка асосланган» ёндашувдан узоқлашиб бораётган бўлса-да, зўравон экстремизмнинг ҳар томонлама келишилган аниқ, умумий таърифининг йўқлиги, хусусан, айрим давлатларнинг «зўравон экстремизм» тушунчасидан фарқли бўлган «экстремизм» тушунчасини кенгайтиришга интилишлари фикр билдириш, ўз қарашларини ифодалаш, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масалаларида бир қатор саволлар туғилишига сабаб бўлмоқда.

101. Жадвал – БМТ Бош котибининг зўравон экстремизмнинг олдини олиш бўйича ҳаракатлар режаси

2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Зўравон экстремизмнинг олдини олиш бўйича комплекс Ҳаракатлар режасини (A/70/674) ишлаб чиқди.

Ҳаракат режасида ҳар бир давлатга зўравон экстремизмнинг олдини олишга қаратилган миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш тавсия қилинган бўлиб, унда етти та устувор йўналишга эътибор қаратилиши лозим:

- мулоқот ва низоларнинг олдини олиш;
- яхши бошқарув, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш;
- бу жараёнга жамоаларни жалб қилиш;
- ёшларнинг салоҳиятини ошириш;
- гендер тенглиги ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;
- таълим, малака ошириш ва бандликка кўмаклашиш;
- стратегик коммуникациялар, жумладан, интернет ва ижтимоий тармоқ орқали.

Ушбу стратегик устувор йўналишларни ишлаб чиқишда Ҳаракатлар режаси зўравон экстремизм ортидаги омилларни муҳокама этишда «бутун жамият», «бутун ҳукумат» ва «бутун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» иштирокига асосланган ёндашувни илгари сурган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 70/291-сонли резолюциясида аъзо давлатлар ишлаб чиқиладиган Ҳаракатлар Режасида миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда тегишли тавсияларни амалга татбиқ этишлари таклиф этилган. Шунингдек, Бош ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча ташкилотларини ўз мандатларига мувофиқ, жумладан, аъзо давлатларга уларнинг илтимосига биноан техник ёрдам кўрсатиш орқали Режада назарда тутилган тегишли тавсияларни амалга оширишга даъват этди. Резолюцияда аъзо давлатлар, минтақавий ва субминтақавий ташкилотларга зўравон экстремизмнинг олдини олиш ва терроризмга қарши кураш учун ўз устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ва зарурият бўлганда тегишли равишда Бош котибининг Ҳаракатлар Режаси ва бошқа тегишли ҳужжатларни инобатга олиб, миллий ва минтақавий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш хусусида таклиф берилган.

Қўшимча ўқиш учун

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг зўравон экстремизмнинг олдини олиш бўйича ҳаракат режаси (A/70/674)
- Терроризмга қарши кураш бўйича миллий қонунчиликнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мувофиқлиги тўғрисидаги йўналтирувчи қўлланма, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, СТАИТФ, 2014. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/EN/newyork/Documents/Counter-TerrorismLegislation.pdf>.
- Ҳужжат № 32, Инсон ҳуқуқлари, Терроризм ва терроризмга қарши кураш, 33-сонли ахборотнома, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, 2008. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/Fact-sheet32EN.pdf>.



Ўн бешинчи боб

Инсон ҳуқуқлари бузилишлари содир этган шахсларнинг жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларига қарши курашиш: Халқаро жиноят суди

2002 йилда Халқаро жиноят судининг ташкил этилиши ортида турган фожиали куч XX асрда рўй берган ваҳшийликлардир. Суд геноцид, ҳарбий жиноятлар ёки инсониятга қарши жиноятлар сингари халқаро жиноятлар учун фуқароларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳақли.

© АФП / Ҳовуз / Жерри Лампен

Йигирманчи асрда инсониятга маълум бўлган энг даҳшатли жиноятлар мажмуи – ҳарбий жиноятлар, геноцид, инсониятга қарши жиноятлар, доимий асосларда қийноқ амалиётидан фойдаланиш, ҳеч қандай асосларсиз озодликдан маҳрум этиш (қатл этиш) ва ўз эркин, ихтиёрига зид тарзда бедарак йўқолиш сингарилар – бутун дунё бўйлаб халқаро урушлар, минтақавий қуроли тўқнашувлар ҳамда ҳаттоки тинчлик даврида ҳам содир этиб келинди. «Инсоният шуурини чуқур ларзага солган»⁷⁵ бундай жиноятларни содир этган аксарият шахслар жиноий жавобгарликка тортилмади. Бундай жазо ва жавобгарликдан озод бўлиш ҳолатларига чек қўйиш борасидаги илк қадам Ҳамкор Кучлар Иккинчи жаҳон урушидан сўнг энг асосий вазифаси ҳарбий жиноятлар содир этишда гумон қилинган энг йирик амалдорларни жавобгарликка

⁷⁵ Халқаро жиноят суди Рим статуту, Мўқаддима.

тортишдан иборат бўлган Нюрнберг ва Токио халқаро ҳарбий трибуналларини таъсис этиши билан қўйилган эди. Ҳар икки трибунал ҳам ҳарбий жиноятларига, шунингдек, тинчликка қарши жиноятлар (ҳозир, одатда, агрессия жинояти деб аталади) ва инсониятга қарши жиноятлар (қуролли моjarоларга алоқадорликда содир этилган бўлса) бўйича юрисдикцияга эга эди.

Ўтган давр мобайнида халқаро жамоатчилик эътиборини аста-секинлик билан бошқа муаммоларга қаратила бошланди. Халқаро жиноят ҳуқуқи ҳозирда фақатгина қуролли моjarолар даврида содир этилиши мумкин бўлган ҳарбий жиноятлар ҳамда нафақат уруш, қолаверса тинчлик даврида ҳам содир этилиши мумкин бўлган геноцид ва инсониятга қарши жиноятлар сингари «инсон ҳуқуқлари бузилишларининг жиддий шакллари»ни ҳам қамраб олади. «Халқаро жиноий трибунал»нинг таъсис этилиши 1948 йили қабул қилинган геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг 6-моддасидаёқ назарда тутилган эди. Бундай тоифадаги трибунал 1993 йили БМТ Уставининг 7-бобига мувофиқ қабул қилинган Хавфсизлик кенгаши Резолюциясига кўра ташкил этилган бўлиб, бевосита Собиқ Югославияга тааллуқли эди. Ўшандан буён ўтган давр мобайнида бир қатор ad hoc халқаро жиноий трибуналлар ва «гибрид» трибуналлар ташкил этилганига қарамай, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг яратилиши кўзда тутилган халқаро жиноий маҳкама 2002 йилда Халқаро Жиноят Судининг Рим статутини қабул қилиниши ва кучга кириши билан дунё юзини кўрди.

«Ad hoc» халқаро жиноий трибуналлар: Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал, Руанда бўйича Халқаро жиноий трибунал ва халқаро миқёсдаги (гибрид) трибуналлар

Хавфсизлик кенгаши томонидан 1993 йил қабул қилинган 827-сонли резолюцияга мувофиқ собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибуналнинг ваколати фақатгина уруш даврида содир этилган инсониятга қарши жиноятларни кўриб чиқиш билан чекланган. Руанда бўйича Халқаро жиноий трибунал орадан бир йил ўтгач, Хавфсизлик кенгаши томонидан 1994 йил қабул қилинган 955-сонли резолюцияга кўра таъсис этилган бўлиб, Трибунал Руандада рўй берган геноцид ва у билан боғлиқ инсониятга қарши жиноятлар содир этган шахсларни уруш ҳолатини (қуролли моjarолар) инобатга олмаган ҳолда жиноий жавобгарлик ва жазога тортиш ҳуқуқига эга.

Ушбу муассасалар ташкил этилгандан сўнг халқаро ҳамжамият Собиқ Югославия бўйича халқаро жиноий трибунал / Руанда бўйича халқаро жиноий трибунал моделларини такрорламасдан, балки тегишли мамлакатларнинг миллий ва халқаро ҳуқуқий тизимларнинг элементларини ўзида мужассам этган «халқаро миқёсдаги» ёки «гибрид» судлар ташкил этишга ҳаракат қилган. Бундай судлар ёки трибуналларни ташкил этишга оид ягона меъёрий намуналар йўқ бўлиб, яратилган ҳар бир модель ноёб ҳисобланади. Сьерра Леоне учун махсус суд, Камбоджа судлари фавқулодда палаталари, Босния-Герцеговина судининг ҳарбий жиноятлари палатаси ва Ливан бўйича махсус трибунал энг муҳим гибрид судлардан саналади. 2015 йилда Марказий Африка Республикасида 2003 йил 1 январидан сўнг мамлакатда содир этилган жиддий

инсон ҳуқуқлари бузилишини, шунингдек, инсониятга қарши жиноятларни тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш мақсадида Махсус жиноят судини ташкил этиш тўғрисидаги 15/003-сонли Табиий қонун қабул қилинди. Махсус жиноят суди ҳам миллий, ҳам халқаро судья ва прокурорлардан ташкил топган.

2012 йил август ойида Сенегал ва Африка Иттифоқи Сенегал адлия тизимида доирасида 1990 йилдан буён Сенегалда қувғинда яшаб келган Чаднинг собиқ президенти Ҳиссене Ҳабрени жавобгарликка тортиш учун махсус суд – Африка фавқулодда палаталарини ташкил этиш тўғрисида битим имзолади. У нисбатан Чадни 1982 йилдан 1990 йилгача бошқарган даврда минглаб инсонларга нисбатан сиёсий қотилликлар содир этилгани ва мунтазам равишда қийноққа солингани юзасидан қилинган иддаоларга мувофиқ айблов илгари сурилган. Мазкур битим Халқаро суд томонидан 2012 йил июль ойида Сенегал Ҳабрени жиноий жавобгарликка тортиш учун «ортиқча кечиктиришларсиз» мамлакатнинг ўзида одил судлов жараёнини ўтказиши ёки экстрадиция қилиши лозимлиги тўғрисидаги муҳим қарор чиқарилганидан сўнг имзоланган. Африка фавқулодда палаталари 2013 йилнинг февраль ойида иш бошлаб, Ҳабрени 2013 йил июль ойида инсониятга қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва қийноқлар қўллашда айбланган. 2016 йил 30 майда Африка фавқулодда палаталари Ҳиссене Ҳабрени умрбод озодликдан маҳкум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Халқаро жиноят суди

Халқаро жиноят судининг ваколати ҳам худди Руанда бўйича Халқаро жиноий трибунал сингари фақатгина уруш (қуролли можаролар) даврида содир этилган ишларни кўриб чиқиш билан чекланиб қолмай, тинчлик пайтида ҳам содир этилган ишларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. 1998 йил 17 июлда қабул қилинган Халқаро жиноят судининг Рим статутига кўра таъсис этилган муассаса сифатида Халқаро жиноят суди уруш ҳолатининг (қуролли тўқнашувлар) мавжуд бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар нафақат ҳарбий жиноятлар, қолаверса, геноцид ва кенг тоифадаги инсониятга қарши жиноятларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Шунингдек, суд агрессия жиноятига нисбатан юрисдикцияга эга бўлса-да, ушбу жиноятнинг Халқаро жиноят судининг Рим статутини қайта кўриб чиқиш бўйича 2010 йил Кампала шаҳрида ўтказилган конференцияси қабул қилган таърифи кучга кирмагунича унга нисбатан юрисдикциядан фойдаланиш ваколатига эга эмас. Агрессия тушунчасига берилган таърифнинг кучга кириши қуйидагиларга боғлиқ: (а) 2017 йилнинг 1 январидан кейин иштирокчи давлатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинадиган юрисдикцияни амалга ошириш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши; ва (б) камида 30 та иштирокчи давлат томонидан ушбу жиноятга берилган таърифга киритилган ўзгартишларни ратификация қилиниши.

Инсон ҳуқуқлари бузилишлари учун давлат жавобгарлиги тушунчаси асосига қурилган Рим статутига кўра агарда инсон ҳуқуқлари бузилишлари ҳолатларининг табиати улкан ва бундай ҳуқуқ бузилишлари мунтазам равишда содир этиладиган бўлса, ҳам давлат, ҳам нодавлат тузилмалар (шахслар, мансабдор шахслар, давлат ёрдами билан иш юритган нодавлат тузилмалар ходимлари) жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам Халқаро жиноят судининг таъсис этилиши инсон ҳуқуқлари

бузилишларини келтириб чиқарувчи энг асосий сабаб ҳисобланмиш жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларига қарши курашиш борасидаги йирик муваффақият ва инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш йўлидаги ўзига хос ривожланиш ва муҳим ғалаба сифатида эътироф этилиши мумкин.

«Аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида шахс қадр-қиммати асосланган таъсирчан ҳуқуқий ва ахлоқий стандартлар тизими ишлаб чиқилган бўлса-да, Суднинг (Халқаро жиноят судининг) таъсис этилиши ким бўлишидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг жиддий бузилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарлик ва жазога тортиш йўлидаги илк қадам ҳисобланиб, у доимий равишда фаолият юритувчи ягона халқаро муассасадир. Ва ниҳоят, биз баландпарвоз гаплардан амалий ҳаракатларга ўтиш воситасига эга бўлаяпмиз...»

Сержио Виейра де Мемо БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ Бош Комиссари, 2003 йил 11 мартдаги Халқаро жиноят судининг инаугурация маросимидаги нутқидан.

102. Жадвал – Халқаро жиноят судининг Рим статuti

- 1998 йил 17 июлда қабул қилинган бўлиб, уни ёқлаб 120 та давлат овоз берган. 7 та давлат қарши (Хитой, Ироқ, Исроил, Ливия Араб Жамаҳирияси, Қатар, АҚШ ва Яман) овоз берган бўлса, 21 та давлат бетараф мавқеъ тутган.
- 139 та давлат томонидан имзоланган
- 124 та давлат томонидан ратификация қилинган (2016 йил июль ҳолатига кура)

Муҳим саналар:

- Кучга кирган: 2002 йил 1 июль
- Аъзо давлатлар Ассамблеяси томонидан Суднинг 18 судьясининг сайланиши: 2003 йил февраль
- Суднинг биринчи прокурори Луис Морено Окампонинг аъзо давлатлар Ассамблеяси томонидан сайланиши: 2003 йил 21 апрель; Суднинг иккинчи прокурори Фату Бенсоуда хоним 2012 йил 16 июнда ўз лавозимини эгаллади.
- Халқаро жиноят судининг Рим статутини қайта кўриб чиқишга бағишлаб 2010 йил май-июнь ойларида Уганданинг Кампала шаҳрида ўтказилган Конференция. Аъзо давлатлар Ассамблеяси Статутнинг 8- прим. моддасига мувофиқ агрессия жиноятига берилган таъриф ўзгартирилиб, шунингдек, Статутнинг 15-прим. моддасида Суд ушбу жиноятга нисбатан юрисдикцияни амалга ошириши мумкин бўлган вазиятлар батафсил баён этилди.

103. Жадвал – Халқаро жиноят суди: концепция ва юрисдикция

- Халқаро жиноят судининг таъсис этилиши сабаблари нималардан иборат?
- Жиноий жавобгарлик ва жазодан холи бўлиш ҳолатларини бартараф этиш;
- Қуrollи можароларни тугатишга кўмаклашиш;
- Келажакда рўй бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- Миллий суд маҳкамалари ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга қодир бўлмаган ёки уларни жиноий жавобгарликка тортишни истамаган ҳолларда ҳуқуқбузарларни жиноий жавобгарлик ва жазога тортиш ҳамда (Собиқ Югославия ва Руанда бўйича таъсис этилган) мақсадли (ad hoc) жиноий трибуналлар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш.

Рим статутига кўра Халқаро жиноят суди юрисдикциясига қандай таъриф берилган?

5-модда: Халқаро жиноят суди юрисдикцияси билан қамраб олинган жиноятларга геноцид,⁷⁶ инсониятга қарши жиноятлар,⁷⁷ ҳарбий жиноятлар⁷⁸ ва агрессия жинояти⁷⁹ қиради;

25-модда: Агарда у шахс сифатида бошқа бирор-бир шахс билан биргаликда ёки у орқали жиноят содир этса, бундай жиноят содир этилишига буйруқ берса ёки илтимос қилса, жиноят содир этишга тарғиб қилса, ёрдамлашса, жиноят содир этишга ташвиқот қилса ёхуд жиноят содир этилишига бошқача тарзда кўмаклашадиган бўлса, ҳар бир (жисмоний) шахс Халқаро жиноят суди юрисдикцияси билан қамраб олинган жиноятлар учун жиноий жавобгарликка ва жазога тортилади;

11-13-моддалар: Халқаро жиноят суди фақат ўз Статут кучга кирганидан санадан (2002 йил 1 июль) кейин содир этилган жиноятларга нисбатан юрисдикцияга эга. Унинг юрисдикциясига қуйидагилар қиради: (а) иштирокчи давлат ҳудудида

⁷⁶ Геноцид – қайсидир миллий, этник, irqий ёки диний гуруҳни шундайлигича тўлиқ ёки қисман йўқ қилиб юбориш мақсадида содир этиладиган» ҳаракатлар рўй беришини аниглади, Халқаро жиноят суди Рим статут 6-моддаси.

⁷⁷ Инсониятга қарши жиноятлар деганда «ҳар қандай фуқаро аҳолига қарши йўналтирилган кенг кўламли ёки мунтазам равишда амалга оширилган ҳужумнинг таркибий қисми сифатида содир этилган» жиноятлар тушунилади. Бундай жиноятлар сирасига одам ўлдириш, батамом вайрон қилиш, қўлчиликка олиш, депортация, аҳолининг мажбурий тарзда кўчирилиши, ҳибсга олиш, қийноқ, зўрлаш, жинсий мақсадларни кўзлаб қўлчиликка солиш, фоҳишалikka мажбурлаш, аёлни ўз эркига хилоф тарзда ҳомилдор қилиш, мажбурий стерилизация, жинсий зўравонлиқнинг бошқа шакллари, бирон-бир белгисига кўра ажратиш мумкин бўлган гуруҳ ёки шахслар тоифасининг таъйиб остига олиниши, фуқароларни ўз ихтиёри ва эркига зид тарзда бедарак йўқотиб юбориш, апартеид ҳамда тангага жиддий жароҳат етказиш, руҳий ёки жисмоний саломатликка путур етказадиган ёхуд азоб берадиган ҳаракатларнинг қасддан содир этилиши каби инсонийликка зид бошқа хатти-ҳаракатлар қиради. Ўша жойда, 7-модда.

⁷⁸ Ҳарбий жиноятлар деганда халқаро гуманитар ҳуқуқнинг жиддий бузилиши, жумладан, (тўртта Женева Конвенциялари ва Женева Конвенцияларига қўшимча биринчи протоколда кўрсатилганидек) халқаро тусдаги қуrollи можароларда содир этиладиган жиддий ҳуқуқ бузилишлари, шунингдек, тўрттала Женева конвенциялари учун умумий бўлган 3-модда ва Рим статутининг 8-моддасида белгиланган халқаро гуманитар ҳуқуқнинг бошқа жиддий бузилишлари тушунилади. Ўша жойда, 8-модда.

⁷⁹ Агрессия жинояти бу «давлатнинг сиёсий ёки ҳарбий ҳаракатларини назорат қилиш ёки уни самарали равишда бошқариш ваколатига эга бўлган шахс томонидан ўз табиати, кўлами ва миқёсига кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг очик-ойдин бузилишига олиб келадиган агрессия хатти-ҳаракатларини режалаштириш, тайёргарлик қўриш, бошлаш ёки амалга оширишдир». Қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1974 йил 14 декабрда қабул қилинган 3314 (XXIX)-сонли резолюцияга мувофиқ «агрессия ҳаракати» деганда давлат томонидан бошқа давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига зид равишда бошқа йўл билан қуrollи куч ишлатиш» тушунилади. Ўша жойда, 8-прим. модда.

содир этилган жиноятлар; ёки (б) дунёнинг исталган нуқтасида иштирок этувчи давлатнинг фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар; ёки (в) бошқа давлат томонидан ишнинг Халқаро жиноят судининг судловига тегишлилиги қабул қилинган ҳолатлар; ёки (г) айбланувчининг фуқаролигидан ёки жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, иш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши томонидан прокурорга юборилган ҳолатлар.

Кимлар ишнинг кўриб чиқилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин?

- Иштирокчи давлат (14-модда);
- БМТ Хавфсизлик кенгаши (13-модданинг б-банди);
- Давлатлар, нодавлат ноtijорат ташкилотлари, жабрдийдалар ва бошқа манбалардан олинган асосли, ишончли маълумотлар асосида Халқаро жиноят суди Прокурори ўз ташаббусига кўра тергов жараёнлари ўтказилишини бошлаши мумкин (15-модда).

Юқори даражали давлат амалдорлари ёки ҳарбий кўмондонлар Халқаро жиноят суди томонидан жавобгарликка тортилиши мумкинми?

Ҳа. Жиноий жавобгарлик шахс давлат ёки ҳукумат бошлиғи, ҳукумат ёки парламент аъзоси, сайланган вакил ёки ҳукумат мансабдори бўлишдан қатъи назар, барча шахсларга нисбатан тенг қўлланилади. Бундай расмий мақомга эга бўлиш жазо муддатини қисқартириш учун асос бўла олмайди. Юқори лавозимда бўлган шахс томонидан берилган буйруқ асосида жиноят содир этилганлиги одатда жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилмайди. Ҳарбий кўмондон ўз кўмондонлиги ва назорати остидаги кучлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар ҳарбий кўмондон ўз кўмондонлиги ва назорати остидаги кучлар томонидан жиноятлар содир этилгани ёки улар жиноят содир этмоқчи бўлганини билган ёки билиши керак бўлган бўлса ҳам, унинг олдини олмаган ёки бартараф этмаган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади. Бундан ташқари, ҳарбий кўмондонлар сифатида самарали фаолият кўрсатадиган фуқаролар жиноятлар содир этилганлиги ёки содир этилиши ҳақида аниқ маълумотни билган ёки бундай маълумотни онгли равишда эътибордан четда қолдирганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Халқаро жиноят суди томонидан қандай жазо чоралари қўлланилиши мумкин? Халқаро жиноят суди ўлим жазосини қўллаши мумкинми?

Халқаро жиноят суди ўлим жазосини қўллаш ваколатига эга эмас. Суд ишнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, 30 йилгача бўлган узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаши мумкин. Шунингдек, суд жарима солиши ёки содир этилган жиноятлардан олинган даромадларни, кўчар ва кўчмас мол-мулкни мусодара қилиши мумкин.

Халқаро жиноят суди ва бошқа судлар ўртасидаги муносабатларнинг ўрнатилиши ва тартибга солиниши

Халқаро жиноят суди ва миллий судлар: «Тўлдирувчанлик» принципига мувофиқ миллий судлар тегишли барча ишлар бўйича юрисдикцияга эга бўлиб, улар

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка ва жазога тортишга қодир бўлмаган ёхуд бундай қилишни истамаган ҳолатлардагина Халқаро жиноят суди ташаббусини ўз қўлига олади;

Халқаро жиноят суди ва Халқаро суд: Халқаро суд фақатгина давлатлар ўртасидаги баҳсли низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлиб, жисмоний шахслар томонидан содир этиладиган жиноий ҳаракатларни кўриб чиқиш ваколатига эга эмас;

Халқаро жиноят суди ва «ad hoc» (мақсадли) халқаро трибуналлар (Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал, Руанда бўйича Халқаро жиноий трибунал, Сьерра Леоне учун махсус суд, Камбоджа судлари фавқулодда палаталари. Босния-Герцеговина судининг ҳарбий жиноятлари палатаси ва Ливан бўйича махсус трибунал): мақсадли трибуналлар фаолияти замон ва макон доирасида чекланиб қолган бўлса («танловга асосланган адолат»), Халқаро жиноят судининг доимий асосда фаолият юритиши унинг фаолияти яна самарадор ва барқарор бўлишини таъминлайди.

Суднинг иммунитет ва имтиёзлари тўғрисидаги битим

Рим статутининг 48-моддасига кўра суд «ҳар бир аъзо давлат ҳудудида ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун лозим бўлган зарур имтиёз ва иммунитетдан фойдаланади». Деярли суд Статутининг қабул қилиниши билан бир пайтда имзоланган суднинг иммунитет ва имтиёзлари тўғрисидаги Битимга мувофиқ тегишли ҳимоя ва кафолатлар белгилаб берилган бўлиб, хусусан, тергов жараёнида жабрдийдалар ва гувоҳлар ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва эркинликлари, ҳимоя кенгаши, шунингдек, Халқаро жиноят суди ходимлари ҳимоя қилинади. Битим 2004 йил 22 июлда кучга кирган.

Халқаро жиноят суди Рим статутига мувофиқ давлатлар зиммасига юклатилган мажбуриятлар

Статутнинг ратификация қилиниши билан давлатлар зиммасига қуйидаги уч асосий мажбурият юклатилади. Бу мажбуриятларнинг амалга оширилишида парламентлар аъзолари етакчи ўрин тутадилар.⁸⁰

- *Тўлиқ ҳамкорлик қилиш мажбурияти:* Статутнинг 86-моддасига мувофиқ аъзо-давлатлар «Суд юрисдикцияси доирасидаги жиноятларни тергов қилиш ва жазолаш масалаларида суд билан тўлиқ ҳамкорлик қиладилар». Шу боис давлатлар ўз юрисдикциясида Прокурор ва ҳимоячилар самарадор тергов жараёни олиб боришларига йўл очиб беришлари ва Халқаро жиноят суди томонидан айблов эълон қилинган шахсларни тутиш ва топшириш, гувоҳларни жойлаштириш ва ҳимоя қилиш, қидирув-излаш фаолиятни олиб бориш ҳамда ҳужжатларни қўлга киритиш соҳаларида давлат судлари ва бошқа ҳокимият идоралари тўлиқ ҳамкорлик қилишларини таъминлашлари шарт. Бундан ташқари, давлатлар Халқаро жиноят суди томонидан чиқарилган ҳукм ва қарорлар ижросининг бажарилиши ва мансабдор шахслар учун Статутнинг амалга татбиқ этилиши юзасидан тренинг дастурлари

⁸⁰ Амнести Интернейшнл. Халқаро жиноят суди: самарали татбиқ этиш учун амалга оширилиши лозим бўлган саъй-ҳаракатларнинг янгиланган рўйхати, 2010 йил май.

ҳамда Халқаро жиноят судининг фаолиятига оид ахборотларни жамоатчилик ўртасида оммалашувига қаратилган ташаббуслар, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш ҳамда мансабдор шахсларнинг билим даражаларини ошириш учун тренинглар ўтказиш соҳаларида ҳам Халқаро жиноят суди билан ҳамкорлик қилишга мажбурдирлар.

- Халқаро жиноят судининг ҳеч қандай шартларсиз ва мустақил фаолият юритишини таъминлаш мақсадида *Халқаро жиноят судининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги битимни ратификация қилиш мажбурияти*.
- *Халқаро жиноят судининг тўлдирувчанлик табиатидан келиб чиқадиган мажбуриятлар*: Давлатлар ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланаётган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазога тортишга қодир бўлмаган ёки бундай йўл тутишни истамаган тақдирдагина Халқаро жиноят суди ишни кўриб чиқиши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, давлатларнинг энг асосий мажбурияти халқаро ҳуқуққа мувофиқ жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортилиши шарт бўлган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазога тортишда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам давлатлар бундай жиноятлар қаерда ёки ким томонидан содир этилмасин, жабрдийда ким бўлишдан қатъи назар миллий ҳуқуққа мувофиқ жиноят сифатида тан олинishi учун миллий қонунлар қабул қилишлари ва амалга татбиқ этилишини таъминлашлари шарт.

104. Жадвал – Халқаро жиноят суди олдида турган чақириқлар

- Римда консенсусга эришилмаганлиги ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг ўз фуқароларини Халқаро жиноят суди юрисдикциясидан озод бўлишига эришиш йўлида аъзо-давлатлар билан икки томонлама келишувлар имзолаш борасида чора-тадбирлар кўраётганлиги;
- Айблов эълон қилинган шахсларнинг Халқаро жиноят суди Статутини ратификация қилмаган давлатлар ҳудудидан кўним топиши ёки уларнинг Халқаро жиноят суди билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиши;
- Тинчлик даврида содир этиладиган инсониятга қарши жиноятларга тор таъриф берилгани (таърифнинг очиқ-ойдин баён этилмаганлиги);
- Хавфсизлик кенгашининг роли: унинг доимий беш аъзосидан бири томонидан вето ҳуқуқидан фойдаланилиб, тўсиқ қўйилганда Кенгаш Рим статутининг 13 (б) моддасига биноан ишни Халқаро жиноят суди муҳокамасига кирита олмайди;
- «Тўлдирувчанлик» принципининг қўлланилишидаги ноаниқликлар: Халқаро жиноят суди миллий судларнинг тергов ёки судловни амалга оширишни чиндан ҳам истамагани ёки амалда бун қилишга қодир эмасликларини қандай йўл тутиб аниқлаши мумкин? Бу савол 2009 йилда Кенияда ва Ливияда сайловлардан кейин келиб чиққан зўравонликларни Халқаро жиноят судида кўриб чиқиш мобайнида кўтарилган;⁸¹

⁸¹ Қаранг: Прокурор Вильям Самое Руто, Генри Кипроно Косгей ва Жошуа Арап Сангларга қарши суд иши, ICC-01/09-01/11, 2-Тергов олди палатаси, (2011 йил 30 май); Прокурор Френсис Кирими Мутхура ва Ухуру Муигаи Кенятталарга қарши суд иши, ICC-01/09-02/11-96, 2-Тергов олди палатаси (2011 йил 30 май); Прокурор Саиф ал-Ислом Қаддафий ва Абдуллоҳ ал-Сенуссий, Абдуллоҳ Абдул-Сенуссиларга қарши суд иши, ICC-01/11-10/11, 1-Тергов олди палатаси (2013 йил 11 октябрь) буйича қабул қилинган қарорлар.

- Қонунийликнинг йўқлиги: муайян миллий қонунчиликнинг амалга татиқ этилиши юзасидан мониторинг ўтказиш учун халқаро инсон ҳуқуқлари механизмлари томонидан ҳаракат қилиш ёки халқаро жиноятлар учун халқаро даражада жиноий жавобгарликка тортиш ҳар доим ҳам тўғри тушунилмайди ва тез-тез қаршиликка учрайди. Халқаро жиноят суди томонидан фактларни ўрганиш, одамларни ҳибсга олиш ва жазоларни ижро этиш тўлиғича ташқи кучларнинг, хусусан, давлатларнинг ҳамкорлигига боғлиқ. Рим статuti бутун дунё бўйлаб амалга татиқ этилмаслиги сабабли, қайтага суднинг иштирокини оқлаш мумкин бўлган барча ҳолатларга ҳам аралаша олмайди. Бу эса суд томонидан кўриб чиқиладиган муайян вазиятларни танлашда икки ёқлама стандартларни қўллаш сифатида талқин этилади. Шунинг учун, суднинг Статутини янада кенг миқёсда ратификация қилиниши унинг самарадорлиги ва қонунийлиги учун ўта муҳимдир;
- Суд жараёнларини янада самарадор бўлиши ва ишларни тезкорлик билан кўриб чиқишига бўлган эҳтиёж.

Жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларига қарши курашишга йўналтирилган чора-тадбирлар орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этишга оид тамойиллар мажмуи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси, Инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссия ва Инсон ҳуқуқлари кенгаши (батафсил маълумот олиш учун 6-бобга қаранг) жиноий жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларига қарши курашиш масалалари бўйича улкан ишларни амалга оширди. 1970 йилларда сиёсий маҳбусларни озод қилиш ва эркинлик рамзи сифатида хизмат қилган Авф этиш тўғрисидаги қонунлар вақтлар ўтган сайин инсон ҳуқуқлари бузилишлари содир этган шахсларни жавобгарлик ва жазодан озод этиш воситасига айланиб қолди. Бу муаммонинг мавжудлигидан бохабар бўлган халқаро жамоатчилик 1993 йили бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон Конференциясида қабул қилинган Ҳаракат дастури ва декларациясида масалани Комиссия ва кичик комиссия томонидан ҳар томонлама ўрганиб чиқишини қўллаб-қувватлади. Шунга мувофиқ, кичик комиссия ўз аъзоларидан бири, Луиз Жоинетдан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларига қарши курашиш орқали инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилишга доир тамойиллар тизимини ишлаб чиқишини илтимос қилганди. Мутахассис ўз маърузаси ва тамойиллар тизимини 1997 йили кичик комиссияга тақдим этганди.⁸² 2004 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия мустақил эксперт Диане Орендлихер томонидан тайёрланган Жиноий жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларига қарши курашиш орқали инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ва ҳимоя қилишга доир янгиланган тамойилларни тасдиқлади⁸³ Ҳар икки Тамойилларда ҳам жабрдийдаларнинг қуйидаги ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган:

⁸² E/CN.4/Sub.2/1997/20/Rev.1-сонли ҳужжат.

⁸³ E/CN.4/2005/102/Add.1-сонли ҳужжат (2005 йил 8 февраль). Қаранг: Энг яхши амалиётларни ўрганиш бўйича олиб борилган мустақил илмий ишлар, хусусан, Диане Орендлихер томонидан Жиноий жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш ҳолатларининг барча жабҳаларига қарши курашиш учун ички салоҳиятини мустаҳкамлашда давлатларга ёрдам беришга доир тавсиялар E/CN.4/2004/88-сонли ҳужжат (2004 йил 27 февраль).

- *билиш ҳуқуқи*: бу ҳуқуқ жабрдийдалар ва уларнинг оилаларининг инсон ҳуқуқлари бузилиши содир этилган ҳолатлар ва жабрланганлар ўлган ёки йўқолган ҳолларда уларнинг тақдири ҳақида ҳақиқатни билиш ҳуқуқини билдиради (4-тамойил). Бундан ташқари, ҳар бир инсон жиноятларни содир этилишига оид ўтмиш воқеалари ҳамда оммавий ёки тизимли бузилишлар орқали ушбу жиноятлар содир этилишига олиб келган ҳолатлар ва сабаблар тўғрисида ҳақиқатни билиб олиш ҳуқуқига эга (2-тамойил). Ниҳоят, давлатлар жамоавий хотирани, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни бузилиши юзасидан архивларни ва бошқа далилларни сақлаб қолиш ва ушбу бузғунчиликлар ҳақида билишга ёрдам бериш мажбуриятини олади (3-тамойил).
- *Одил судловга бўлган ҳуқуқ*: бу ҳуқуқ барча жабрдийдаларга жиноий, фуқаролик, маъмурий ёки интизомий иш юритиш шаклида мавжуд бўлган осон, тезкор ва самарали воситалардан фойдаланиш имкониятини беради. Бундан ташқари, давлатлар инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ бузилишлари юзасидан тезкор, батафсил, мустақил ва холис текширувлар ўтказадилар ва жиноятчиларни, айниқса, жиноий адлия соҳасида халқаро ҳуқуққа мувофиқ жиноий таъқиб қилиш, жавобгарликка тортиш ва жазолаш учун тегишли чоралар кўрадилар (19-тамойил).
- *Ҳуқуқнинг тикланишига бўлган ҳуқуқ*: бу ҳуқуқ шахсий ва жамоавий чоралар кўрилишини тақозо этади. Батафсил маълумотлар Тео ван Бовен томонидан 1996 йили кичик комиссия учун тайёрланган Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ва Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг жиддий бузилиши қурбонларининг репарация олиш ва ўз ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига оид Асосий Тамойиллар ва Йўриқномаларда берилган ва кейинчалик 2000 йилда жаноб Чериф Бассиоуни томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси талабига биноан янада ривожлантирилган.⁸⁴ Ушбу тамойиллар ва тавсиялар Бош ассамблея томонидан 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган (A/RES/60/147). Ушбу ҳужжатларга мувофиқ ҳар бир ҳуқуқ бузилишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва ҳолатига муносиб тарзда ҳуқуқни қайта тиклаш, компенсация, реабилитация, даъвони қондириш ва ҳуқуқбузарликни такрорий содир этилмаслиги бўйича кафолатлар бериш шаклида жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари тўла ва самарали таъмирлашни таъминлаши лозим.

2011 йил сентябр ойида Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан A/HRC/18/7-сонли резолюция қабул қилинган бўлиб (батафсил маълумот олиш учун 6-Бобга қаранг), ҳақиқатни тарғиб этиш, адолат, репарация ва ҳуқуқбузарликни такрорий содир этилмаслиги бўйича кафолатлар бериш бўйича махсус маърузачи лавозими таъсис этилди. 2012 йил май ойида Пабло де Греиф биринчи махсус маърузачиси этиб тайинланди. Махсус маърузачи ўз ваколатларининг таркибий қисми саналган тўрт соҳада – жиддий инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиш ва жабрдийдаларнинг (қурбонларнинг) эътироф этилишида ёрдам бериш, ишонч ва миллий ярашувга эришишга кўмаклашиш ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишни мақсад қилган.

⁸⁴ Тегишлича E/CN.4/Sub.2/1996/17 ва E/CN.4/2000/62-сонли ҳужжатлар.

- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ва Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг жиддий бузилиши қурбонларининг репарация олиш ва ўз ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига оид Асосий Тамойиллар ва Йўриқномалар. UN Doc. A/RES/60/147, (2005 йил 16 декабрь)
- Жавобгарликка тортилмасликка қарши курашиш тадбирлари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш тўғрисидаги янгиланган тамойиллар тўплами, E/CN.4/2005/102/Add.1, (2005 йил 8 февраль)
- Қуролли зиддиятлардан кейинги даврдаги давлатларда қонун устуворлигини таъминлаш воситалари: Айблов ташаббуслари, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТ, 2006. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org>.
- Қуролли зиддиятлардан кейинги даврдаги давлатларда қонун устуворлигини таъминлаш воситалари: Гибрид маҳкамалар ҳуқуқий меъросини мустаҳкамлаш, Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТ, 2008. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org>.
- Қуролли зиддиятлардан кейинги даврдаги давлатларда қонун устуворлигини таъминлаш воситалари: Архивлар., Нью-Йорк ва Женева, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТ, 2015. Батафсил маълумотни қуйидаги интернет саҳифасидан олиш мумкин: <https://shop.un.org> ва <http://www.un-ilibrary.org>.

Илова:

Интернет жаҳон ахборот тармоғида инглиз тилида топиш мумкин бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномалар рўйхати

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси веб-саҳифасидан инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги халқаро шартномаларнинг инглиз тилидаги тўлиқ матнини олишингиз мумкин:

- **Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CERD.aspx>)
- **Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CESCR.aspx>)
- **Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/OPCESCR.aspx>)
- **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CCPR.aspx>)
- **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча Биринчи протокол** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/OPCCPR1.aspx>)
- **Ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча Иккинчи протокол** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/2ndOPCCPR.aspx>)
- **Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CEDAW.aspx>)
- **Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қўшимча протоколи** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/OPCEDAW.aspx>)
- **Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CAT.aspx>)
- **Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияга қўшимча протокол** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/OPCAT.aspx>)
- **Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция** (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CRC.aspx>)

- Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли қўшимча протокол (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/OPSCCRC.aspx>)
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Болаларнинг қуроли можароларда иштирокига тааллуқли қўшимча протоколи (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/OPACCRRC.aspx>)
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг шикоят билан мурожаат қилиш таомили тўғрисидаги қўшимча протокол (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/OPICCRC.aspx>)
- Барча ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CMW.aspx>)
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (<http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CRPD/Pages/ConventionRightsPersonsWithDisabilities.aspx>)
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қўшимча протоколи (<http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CRPD/Pages/OptionalProtocolRightsPersonsWithDisabilities.aspx>)
- Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (<http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CED/Pages/ConventionCED.aspx>)

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа универсал ҳуқуқий ҳужжатларни <http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/UniversalHumanRightsInstruments.aspx> интернет саҳифасидан топиш мумкин.

Муҳаррир: Ф. Толипова

Нашриёт лицензияси AI № 263 31.12.2014

Босишга рухсат этилди 02.05.2019 й. Бичими 70x100 1/16.

«Arial» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Босма табағи 18. Адади 300 нусха.

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ нашриёт уйи

100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25

тел.: +998 (71) 233-23-84

«Mega Basim» босмахонасида чоп этилди.

ISBN 978-9943-5499-7-5